

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ҳ.КИЧКИЛОВ

МДҲ тарихи: муаммолар ва зиддиятлар.
(1989-2009)

TERMIZ-2009

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ёзилган мазкур ўқув қўлланмада, Жаҳон социализм системасининг емирилиши туфайли Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида, СССРнинг қулаши билан Болтиқбўйи, Кавказorti ва Марказий Осиё республикаларида юз берган инқилобий ўзгаришлар жараёни, унинг натижалари, оқибатлари, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар, юзага келган қийинчиликлар, эришилган ютуқлар ҳамда муаммолар янги далиллар асосида кенг ёритилган. Ҳурматли ўқувчи, мамлакатимиз мустақиллик даври тарихи «Ўзбекистон тарихи» фанида мукамал ёритилганлиги эътиборга олиниб ўқув қўлланмасига киритилмади. Мамлакатимиз Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчиларига мўлжаллаб тайёрланган мазкур ўқув қўлланмаси ҳақида фикр-мулоҳазаларин-гизни билдирасиз деган умиддамиз.

Маъсул муҳаррир:

тарих фанлари доктори,
профессор – А.Маврулов

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори,
профессор - Э.Холиқов, тарих
фанлари номзоди доцент-
М.Лафасов

КИРИШ

XX асрнинг-80 йиллар охири ва 90 йиллар бошида рўй берган «реал социализм»нинг емирилиши энг улкан воқеа сифатида тарихдан жой олди. Бу билан 1917 йилда Россияда бошланган ва коммунистик қайта қуришга бўлган сўнгги тарихий уриниш ниҳоясига етди. Марказий ва Жануби-Шарқий Европада ва СССРда юз берган ислохотлар ва инқилоблар XXI аср бўсағасида бу ҳудудларда яшовчи халқларнинг ўрни ҳамда тақдирини тубдан ўзгартирди. Бу улкан тарихий воқеанинг сабаблари ва хусусиятларини, характери ва оқибатларини ўрганмасдан туриб, аҳолиси 400 миллион кишидан иборат бўлган ҳамда дунё Ялпи Маҳсулотининг 7,82%ини берувчи минтақадаги мамлакатларнинг янги минг йилликка қандай ҳолатда кириб келганини ҳамда унинг истиқболларини баҳолаш мумкин эмас.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европада жумладан, СССРдаги чуқур ўзгаришларнинг умумий сабаби «реал социализм»нинг инқирозидан иборат эди. Қарама-қаршиликларнинг чуқурлашиб бориши билан унинг яроқсизлиги яққол кўриниб қолди ва бу турли кучларни радикал ўзгаришларни амалга оширишга ундади. Бу кучларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаракати ва умумий мақсади «реал социализм»ни тугатиб, миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришнинг ҳақиқий ва аниқ йўллариини излаб топишдан иборат бўлган ислохот ва инқилобларнинг тарихан янги турларини келтириб чиқаришдан иборат эди.

Турли мамлакатлардаги ислохот ва инқилоблар ўзига хослиги билан ажралиб турар ва ўта нотекис ривожланаётган эди. Буни жойларда қарама-қаршиликлар кескинлашишининг турли даражада эканлиги билан, мавжуд тузумларнинг мустаҳкамлиги турлича эканлиги билан, ишлаб чиқариш ривожланишининг турли даражада эканлиги билан, ҳамда аҳолининг аҳволи ва ижтимоий-сиёсий онги турличалиги билан изоҳлаш мумкин эди. Охир оқибатда «реал социализм» барча жойда ағдарилди, СССР, Чехословакия ва Югославия парчаланиб кетди, олдинги мамлакатларнинг ривожланиш йўли ўзгарди ва 20 дан ортиқ янги мамлакатлар пайдо бўлди. Кўпгина халқлар учун мақсад либерал кадриятларни қарор топтиришдан иборат бўлди, Аммо «реал социализм» харобалари устида уларни амалга ошириш деярли ҳамма жойда ислохот ва инқилоб раҳбарлари ва қатнашчилари ўйлаганидан анча қийин кечди. Бу эса ўз навбатида янги қарама-қаршилик ва тўқнашувларга олиб келдики, уларни бартараф қилиш учун анчагина йиллар талаб этилди.

Қаралаётган минтақадаги демократик ўзгаришлар натижасида 40 йилдан ортиқ давом этган совуқ уруш даври тугади. Бир-бирига қарама-қарши турган икки етакчи давлатлардан бири тарихнинг буюклик майдонидан тушиб қолди. Нафақат Европанинг, балки, бутун дунёнинг геосиёсий қиёфаси ўзгариб кетди. Ҳали кўпгина мамлакатлардаги демократик ўзгаришлар жараёни тугамаган бўлса-да, жараёнларнинг бориши бу мамлакатларнинг дунё ҳамжамияти-даги обрўсининг ошишини таъминлади. Дунёдаги ғоявий-сиёсий йўналишлар нисбатининг

либерализм фойдасига ўзгариши рўй берди.

Инқилобий ислохотлар Венгрия ва Польшада бошланган бўлсада, бироқ, «реал социализм»нинг емирилиш жараёни ССРСдаги қайта қуриш тезлаштириб юборди. У социализмнинг дунёдаги қўрғони эди ва унинг парчаланиши билан ССРС таркибидаги халқларнинг тоталитар ва авторитар бошқарувга асосланган социалистик тузумдан холос бўлишига ва мустақил тараққиёт йўлидан дадиллик билан одимлаб, бозор муносабатларига кириб боришига олиб келди.

1-МАВЗУ: СОЦИАЛИЗМ ЕМИРИЛИШНИНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Кўриб чиқиладиган масалалар:

- 1. Емирилишнинг келиб чиқиш сабаблари.**
- 2. Емирилишнинг оқибатлари.**

Таянч сўзлар:

Социализм емирилишнинг шарт-шароитлари. 1989 йилги ўзгаришлар жараёнининг келиб чиқиш сабаблари. Европа континентидаги муҳитнинг ўзгариши. Совуқ муносабатлар урушининг тугаши. Варшава шартномаси ташкилотининг тарқаб кетиши. Совет моделининг моҳияти. “Коммунистик бирлик”, “Социалистик ҳамкорлик”дан кўзланган мақсад. Куролланиш пойгаси. 1970 йил 12 август Москва шартномаси. СССРда бошланган қайта қуришнинг ўзгаришлар жараёнига таъсири. 1956,1968,1980-1981 йиллар тарихий воқеаларининг аччиқ сабоқлари. Компартиялар якка ҳукмронлигининг тугатилиши. Социализм емирилишнинг оқибатлари.

Дарснинг мақсади:

Марказий ва жануби-шарқий Европа мамлакатларида, шунингдек, ССЖИнинг ҳудудида 1989-1991-йилларда юз берган ўзгаришлар жараёнининг сабабларини, бориши ва оқибатларини тушунтириб беришдир. Шунингдек, “совуқ муносабатлар уруши” нинг Варшава шартномаси ташкилоти, ЎИЁКнинг тарқаб кетиши, ССЖИнинг парчаланиши оқибатларида мустақил давлатларнинг ташкил топиши масалалари ёритиб берилади.

Емирилишнинг келиб чиқиш сабаблари

Ҳозирги кунда барча халқлар ва давлатлар ер юзида бўлаётган воқеалар, тараққиёт жараёнлари билан узвий боғланган шароитда яшамоқдалар. Чунки, дунёнинг у ёки бу минтақасида бўлаётган кескинлик албатта, кўшни минтақаларда ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиийдир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов-нинг 2000 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқини эслаш жоиздир. «Қимки қандайдир тор хавфсизлик қобиғига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея «ўзга» давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқелиқдан тамомила йироқдир, бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир»¹. Шу сабабли содир бўлган бундай ўзгаришларни чуқурроқ ўрганиб, уларга ўз муносабатимизни билдиришимиз муҳимдир. XX асрнинг охирида юз берган буюк воқеа сифатида тарихга кирган социализм системасининг емирилиши шубҳасиз тарихчиларнинг диққат марказида туриши табиийдир. Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги социалистик давлатларда шунингдек, СССРда юз берган ўзгаришлар жараёнининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини чуқур ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш, амалга оширилаётган ислохотчилик ҳаракат-ларини қиёсий равишда таҳлил қилиш ниҳоятда аҳамиятлидир.

Афтидан 1989 йил 1848 йилга ўхшаб тарихда рамзий йил бўлиб қолди. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа кўз ўнгимизда ўзгариб кетди, омманинг кучли ҳаракатлари натижасида авторитар тузумлар қулади, коммунистик партияларнинг якка ҳукмронлигига чек қўйилди. Баъзан фожиали ва олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеалар содир бўлди.

¹ И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.«Ўзбекистон». Т. 2001, 106-бет

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, собиқ совет кишиларининг аксарияти учун воқеаларнинг бундай бурилиш олиши қутилмаган ҳол бўлди ва деярли эсанкиратувчи таъсир кўрсатди. Буни шундай тушунтирса бўлади: Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатларида ва СССРда кейинги йилларда юз берган реал ички жараёнлар, айтиш мумкин, Венгрия ва Польшани истисно қилганда, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликнинг мураккаб муаммолари совет оммавий ахборот воситаларида айнан мушоҳада қилиниб ёритилмади. Улар ўтмишнинг аянчли анъаналарига маҳлиё бўлиб, одатда бу мамлакатлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини анча бўяб тасвирладилар ва яқинда ҳокимиятдан четлаштирилган доираларнинг расмий нуқтаи назарини ифодалаш билан чекланди холос. Шу билан бир вақтда у ерда социал кескинлик кучая борди, охири 1989 йили охирида бўронга айланди ва тоталитар ҳамда авторитар бошқарув режимларига чек қўйилди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги, шунингдек, СССРдаги муҳим ўзгаришлар жараёни континентдаги муҳитни тубдан ўзгартириб юборди. Совуқ муносабатлар урушига чек қўйилиб, Ғарб билан Шарқ ўртасида ишонч руҳи вужудга келди, Герман давлатларининг бирлашиш жараёнини тезлаштирди, мустақил давлатларнинг ташкил топишига замин тайёрлади.

Авалло шуни айтиб ўтиш керакки, собиқ социалистик мамлакатлардаги ўзгаришлар жараёни жамиятдаги инқирозлар оқибатида, халқларнинг узоқ йиллар давомида етилиб келган пинҳоний норозиликлари натижасида юзага келди. Демак, 40-йиллар охирида «социалистик» инқилоблар ғалаба қилган ва форма жиҳатидан социалистик тузум ўрнатилган давлатларда омманинг антиавторитар ва антитоталитар чиқишлари бу тизимнинг тақдирини ҳал қилди. Бундай ўзгаришлар Руминиядан ташқари бошқа социалистик давлатларда қон тўкишларсиз амалга оширилди.

Демак, социалистик давлатлардаги ўзгаришлар жараёни бирданига юзага келгани йўқ, бунинг бошланишини олдинги 10-йилликлардан изламоқ керак. Бу ҳақда мутахассисларнинг бир неча марта баҳслари ва мунозарали тортишувлари бўлиб ўтганлигини эслаш жоиздир. Унда социалистик давлатларда юз бераётган ва етилиб келаётган кризисли жараёнлар муҳокама қилинганди, ундан қутулиш йўллари қидирилганди. Бироқ олимларнинг фикрлари маъмурий-буйруқбозлик аппарати раҳбарлари томонидан инобатга олинмади. Натижада 1989 йилнинг охиридаги воқеаларнинг шиддатли кечиши ГДР, Руминия, Болгария, Чехословакия, Польша ва Венгрияда мавжуд бўлган социалистик тузумни остин-устун қилиб ташлади. Бу воқеалар ушбу давлатларда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий кризисларнинг юқори чўққисига чиққанлигининг оқибати бўлди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ушбу жараёнлар юз беришининг асосий сабаби, 2-чи жаҳон урушидан кейинги йилларда асосан, 1947-48 йилларда социализм қуриш советча моделининг ушбу давлатларга айнан кўчирилиши оқибатида бўлди. Жамиятни бошқаришнинг Сталинча маъмурий-буйруқбозлик усулининг маҳаллий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олмай Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги социалистик давлатлар ҳаётига айнан кўчирилиши нотўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Тўғри ўша пайтда социализм қуришнинг советча моделидан бошқа йўл йўқ эди, бу йўл ягона, тўғри йўл деб қабул қилдирилганди. Бироқ, ушбу советча йўлни қабул қилдиришда халқларнинг кўп минг йиллик миллий анъаналари, урф-одатлари ва қадриятлари, маҳаллий шароитлари ва миллий хусусиятлари, диний эътиқоди ва чегаралари ҳисобга олинмади.

Европада социализм йўлига ўтган давлатларда мавжуд совет моделини кўп партиявийлик асосида миллий ва маҳаллий хусусиятларга қараб ўзгартиришга уринишлар дарҳол бўғиб ташланди. Совет моделидан бўйин товлаш, ёки сиёсий ва иқтисодий реформалар қилишга бўлган ҳар қандай уринишлар дарров давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўларди. Масалан, 1948 йилги Югославия билан келишмовчилик шундан келиб чиққан эди. Ўша вақтда деярлик барча компартиялар ВКП (б) йўлини маъқуллаб Югославия компартияси фаолиятини дастлаб, буржуача

миллатчиликка бурилишда, сўнгра фашизм томон бурилишда ва кейинчалик тўғридан-тўғри Югославия халқининг миллий манфаатларига хоинлик қилишда айбладилар.

Бу айбашлар 1948 йил июнида бўлган Коминформбюро резолюциясида, хусусан «Югославия компартиясидаги аҳволга доир» деган хужжатда ва 1949 йил ноябрда қабул қилинган «Югославия компартияси қотиллар ва жосуслар ҳокимияти тепасида» деган хужжатда ўз аксини топди.

Жамиятга бегона бўлган моделнинг тиқиштирилиши, халқларнинг ва мамлакатларнинг тарихий, миллий хусусиятларини ҳисобга олмасак, уни ўтмиш кадрятлари ва анъаналаридан, Европа ва дунё мамлакатлари билан юритиб келган кўп асрлик алоқаларидан ажратиб қўйиш сиёсатидан норозиликлар Югославиядан ташқари бошқа мамлакатларда ҳам социализм қуришнинг дастлабки йиллариданок бошланган эди. Маъқул бўлмаган советча моделдан воз кечиш ёки уни ислоҳ қилиш учун бўлган уринишларни биз 1953 йил Берлинда, 1956 йил Польша ва Венгрияда, 1968 йил Чехословакияда, 1980-81 йилларда Польшада юз берган воқеалар билан изоҳлаймиз. Афсуски, бундай ҳаракатлар турли хил йўллар билан, жумладан: куч ишлатиш йўли билан, СССРнинг «ҳарбий ёрдами» билан мамлакат раҳбарларини алмаштириш йўли билан ва «ревизионизмга» қарши жуда қаттиқ кураш олиб бориш йўли билан бостирилди.

Марказга бўйсуннишни сусайтирмаслик, империализмга қарши курашда социализм блокининг бирлигини сақлаб қолиш, ягона мафкуравий фронтнинг бирлиги учун кураш олиб бориш сиёсати халқларнинг ва давлатларнинг тарихий ва миллий қизиқишларидан устун қўйилди. Масалан: Варшава Шартномаси Мудофаа Ташкилоти аъзоларидан 5 давлатнинг (СССР, ГДР, Венгрия, Польша, Болгария) коллектив «интернационал» актга бирлашган ҳолда 1968 йил баҳорида Чехословакия давлати ҳудудига ўз қўшинларини киритишлари мавжуд тизимда бошланган инқирознинг олдини олиб қолиш учун ва куч ишлатиш йўли билан жаҳон социализм системасининг ўзини ҳам сақлаб қолишга бўлган уриниш эди.

Коммунистик ҳаракатнинг зарбдор кучлари ва раҳбарлари бундай ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларини билар эдилар. Шунинг учун ҳам Ғарбий Европа давлатлари компартияларининг фаол аъзолари орасида мунозарали дискуссиялар ҳам бўлди, Европанинг ўз хусусиятларини ҳисобга олиб, иш юритиш тарафдорлари бўлган «Еврокоммунизм» оқими ҳам вужудга келди. Бироқ, 1969 йилги Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Халқаро кенгашидан кейин бундай ҳолатлар аниқ кўрина бошлаган бўлса ҳам, масалани коллектив бўлиб муҳокама қилишдан, кризисли ҳолатларни бартараф қилиш йўлларини излашдан кўпинча четлаб ўтилди. Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг кенгашлари ва учрашувларида асосан «коммунистик бирлик учун», «тинчлик ва қуролсизланиш учун» кураш масалалари муҳокама қилинди. «Социалистик ҳамкорлик» идеологлари асосан, ўзларининг саъйи-ҳаракатларини коммунистик қурилишнинг «умумий қонуниятлари»ни ишлаб чиқишга қаратдилар. Хусусан, 1957 йилда бўлган кенгашда ушбу мазмундаги бир қанча хужжатлар қабул қилинди. Воқеяликка ва социализм қуриш ишига янгича ёндошиш ҳаракатлари инкор қилиб келинди. Етилиб келаётган «касаллик» сабаблари ўрганилиш ўрнига у яшириб келинди. Шу йўл билан социалистик ҳамжамиятдаги портлаш жараёнлари бир мунча орқага сурилган эди. Бундай сиёсат юритиш асосан, 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошларига келганида ўзининг номақбул сиёсат эканлигини кўрсата бошлади. Айниқса, қуролланиш пойғасини юқори даражада олиб бориш орқали НАТО блоки билан Варшава Шартномаси Ғарбий Ташкилоти ўртасидаги кучлар мувозанатини сақлаб туришга уриниш ўта хавфли сиёсат эканлигидан бутун жаҳон ташвишга туша бошлади. Бу ўз навбатида социализмга ихлоси бор мамлакатларнинг ҳам ундан юз ўгириб кетишларига сабаб бўлди. Тўғри, бундай ҳолатлар ташқи сиёсат юритиш борасида социалистик мамлакатларни маълум даражада ижобий силжишлар қилишга мажбур қилди.

70-йиллар бошида Германия масаласини тинч йўл билан ҳал қилишга уриниш, 1970

йил 12 августда СССР билан ГФР ўртасида давлат шартномасининг имзоланиши, 1975 йилда Хельсинкида Умумевропа Кенгашининг чақирилиши, Европа континентида халқаро кескинликни юмшатишга эришиш ва бошқалар социалистик «ҳамдўстлик» мамлакатлари билан капиталистик мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бир мунча юмшатгандай бўлди. Бироқ, социалистик «ҳамдўстлик» мамлакатлари иқтисодий ҳаётидаги илгариги бошқариш усули ва марказдан қочувчи кучга қарши кураш йўли сақланиб қолаверди-ки, бу ўз навбатида социалистик «ҳамдўстлик» мамлакатлари халқ хўжалигининг жаҳон мамлакатлари халқ хўжалигида бўлаётган буюк ўзгаришлардан орқада қолиб, илмий-техника инқилоби талабларига жавоб беролмай қолишига олиб келди. Масалан: ГДРни олайлик, у ерга халқ хўжалигини юритишнинг советча модели айнан кўчирилгандан кейин, урушдан олдин ва уруш йилларида ГФР халқ хўжалиги билан бир хил даражада турган ГДР халқ хўжалиги социализм қурилиши йилларида бутунлай орқада қолиб кетди. 1989 йилга келганда ГДРдаги меҳнат унумдорлиги ГФРдагидан 40 фоиз паст бўлди.

Сўз билан қурилаётган социализм ва коммунизм билан амалдаги социализм ўртасидаги жарлик тобора чуқурлашиб борди. Шунини айтиб ўтиш керакки, СССРда ҳам ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг биронтасида ҳам ўтган йиллар мобайнида халқ оммасининг турмуш фаровонлигини таъминлаган ва таъминлай оладиган, ривожланган капиталистик мамлакатлар халқ хўжалигига яқин бўлган мустақам халқ хўжалиги тизими яратилмади. Социалистик халқ хўжалигидаги кризисли ҳолат йилдан-йилга чуқурлашиб борди, ишлаб чиқариш ва миллий даромад кўрсаткичлари пасайиб борди. Инфляция кучайиб, давлатларнинг ташқи қарзи ошиб борди.

Қарор топган социалистик жамият демократиянинг энг олий формаси сифатида аталса-да, аммо қоғоздаги декларация демократияси ҳақиқий ҳаётий демократик жамиятдан жуда йироқда турар эди. Инсон ҳуқуқлари масаласининг энг оддий элементларига ҳам зътибор берилмади. СССРдаги каби ҳамдўстлик ва Европадаги социалистик мамлакатларда ҳам социалистик жамият нуқсонларини, компартиялар сиёсатидаги хатоларни танқид қилиш, камчиликларни очиқ ташлаш учун уриниш социализмга душманлик сифатида баҳоланди ва тегишли жазо чоралари кўрилди.

Социалистик жамиятнинг хато ва камчиликлардан холи бўлган жамият сифатида баҳоланиши ва сиёсат юритилиши, халқ оммаси кенг табақаларининг фикри билан ҳисоблашмаслик, амалда уларни жамиятни бошқариш ишларидан четлаштириб, фақат топшириқлар ва буйруқларни бажарувчи пассив ижрочиларга айлантириб қўйиш, фикрлаш, новаторлик ва кашфиётлар қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўйиш ва ҳоказолар маъмурий - буйруқбозлик усулида иш юритаётган компартиялар раҳбарларига нисбатан норозиликни кучайтириб борди.

СССР ҳамда Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги социалистик давлатларнинг ички аҳволини кескинлаштирган, демократия мавжуд бўлмаган вазиятда сиёсий-мафкуравий ностабиллик учун шарт-шароит яратган бошқа муҳим омиллар ҳам бор эди. Авторитар режимлар жамиятни демократик асосда қуриш билан мувофиқ келмас эди. Халқ манфаатлари, унинг хоҳиш-истаклари ҳукмрон доиралар учун ҳеч нарса эмас эди.

Фикрлар хилма-хиллиги исёнкорлик деб ҳисобланар ва таъқиб қилинар эди. Зеро, ҳар қандай бошқача фикрлашнинг олдини олиш учун репрессия машинаси доимо тайёр турар эди. «Диссидентлар» деб аталмиш кишилар, кўпинча шундай ном олган таниқли ёзувчилар, масалан Чехословакиянинг ўзгаришлар жараёнидан кейинги Президенти В.Гавел кабилар, шунингдек, маданият арбоблари, олимлар қамоқ ва судларга дучор қилинар ёки мамлакатдан сургун қилинарди. ГДР аҳолисининг 1989 йил 2-чи ярмида мамлакатдан ГФР томон оммавий равишда ўтиб кетишга уринишлари, 1-чи навбатда иқтисодий сабаблар билан эмас, балки сиёсий эркинликлар йўқлиги билан боғлиқ эканлигини ўтказилган социологик сўровлар кўрсатди. Минтақа мамлакатларида қонунчиликни бузишлар, порахўрлик, ҳазина ўғирлиги кенг ёйилди. Э.Хонеккер ва ГБСПнинг бошқа раҳбарлари яшаган уйларнинг ақл бовар қилмайдиган даражада

жиҳозланишини ГДР телевиденияси орқали халққа кўрсатганда, бу нарса портлаган бомба сингари таассурот қолдирди. Ёки бошқа бир мисол, Т.Живковнинг давлат ҳисобидан шаҳар ташқарисида 40 дан ортиқ қароргоҳ, дала ҳовли ва овчилик уйлари қуриши, ов қилиш учун махсус кўрикхоналарнинг ташкил қилиниши, ёки бўлмаса, Н.Чаушеску чўмиладиган ваннанинг жумраги олтиндан, Е.Чаушеску чўмиладиган ваннанинг жумраги кумушдан қилиниши, хуллас буларнинг ҳаммаси социалистик мамлакатлар раҳбарларининг барчасига теккан касал бўлиб, умумдавлат манфаатларига зид ва ёт бўлган ҳатти-ҳаракатлар эди. Булар «реал социализм»га путур етказган ва унинг инкирозга юз тутишига ўз хиссасини қўшган омиллардан бўлиб ҳисобланарди.

Европадаги собиқ социалистик давлатларнинг барчаси ҳокимият қўлидан тортиб олиниб, ҳукмронлик мавқеини йўқотган компартияларнинг тақдири аянчли кечган пайтда битта савол туғилди: ушбу партияларнинг доҳийлари, идеологлари ва назариётчилари партия ва ҳукумат фаолиятидаги ҳалокатга олиб борувчи хатоларни наҳотки кўрмаган бўлса? Албатта, уларни кўрмади ёки сезмади деб айта олмаيمиз, улар нималарнидир ҳаётга қўллаб кўргандек бўлишди. Халқ хўжалигини бошқаришда дунё тажрибасидан фойдаланаётган ҳам бўлишди, янги-янги партия дастурлари, узоқ муддатли истиқболли режаларни ҳам қабул қилишди, ушбу дастурларда социализм жуда катта ютуқларга эришаётган жамият қилиб таърифланди. Мавжуд социализмни қандай социализм деб аташ кераклиги тўғрисида кўпгина мунозара ва дискуссиялар бўлди. Уни ривожланган социализмми, ривожланаётган социализмми, ўтиш даврида турган социализмми ёки умуман ва узил кесил ғалаба қилган социализмми деб аташ кераклиги тўғрисидаги тортишувлар бўлди. Социализм афзалликларини илмий-техника инқилоби ютуқлари билан боғлаб олиб бориш кераклиги тўғрисида билағонликлар қилишди. Бироқ буларнинг ҳаммаси косметика лабораторияси чегарасида қолиб кетди, амалиётда қўлланмади.

Савол туғилади, Европадаги социалистик мамлакатларда ҳукмронлик мавқеини йўқотиб, тарқатиб юборилган ва раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилган компартияларда ислоҳотлар қилиш мумкинми, шу партиялар ўз сиёсатларида ижобий, халқчил бўлган қайта қуриш ва янгиланишларни амалга ошириб, ўз ҳукмронликларини сақлаб қолишлари мумкинми? Шунини айтиб ўтиш керакки, ҳар бир нарсани ўз вақтида қилмаса, ёки вақтидан кечиктириброк қилса оғир оқибатларга олиб келиши турган гап. Масалан: 1985 йилда СССРда бошланган қайта қуришни КПСС раҳбарияти бошлади. Лекин бу қайта қуриш жуда кеч бошланганлиги учун, шу қайта қуришни бошлаб берган шахс ҳам, унинг партияси ҳам ҳокимиятда қололмади.

Агар Чехословакияни оладиган бўлсак, мамлакатда реформани 1968 йил баҳорида бошлаш керак эди, чунки ЧКП фаолиятини омманинг катта қисми қўллаб-қувватлаган эди. ЧКП шундай йўл тутганда омма орасида ўз обрўсини сақлаб қолган бўларди. Партия раҳбарларининг алмаштирилиши билан бу реформанинг йўли тўсиб қўйилди ва ЧКПнинг омма орасида обрўсининг тушиб кетишига олиб келди.

«Прага баҳори» мобайнида олға сурилган, кўп йиллар давомида каттиқ танқид қилиниб, «турғунлик» идеологлари томонидан социал-реформизм рамзи деб эълон қилинган «демократик социализм» давлатини бунёд этиш ғояси ҳозирда бутунлай бошқача қабул қилинаётганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Янги ижтимоий тузум ўз қиёфасини меҳнаткашлар оммаси сари бурмаса, бундай тузумнинг умри қисқалигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Бизнинг назаримизда, 1989 йилнинг 4-декабрида СССР ва унинг иттифоқчилари томонидан қораланган, Варшава Шартномаси Ҳарбий Ташкилоти қўшинларининг 1968 йил Чехословакияга киритилиши билан Европадаги социалистик мамлакатларда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг метиндек мустаҳкамлигини қарор топтиришга даъват этилган эди. Социализмнинг «олий мақсадлари» билан оқланувчи бу нарса тескари натижа келтирди - унинг нуфузига жиддий ва ҳалокатли зарба бердики, йигирма йилдан сўнг содир бўлган «Прага кузи», гўё «Прага баҳори»дан эстафетани қабул қилиб олаётгандай бўлди. Унинг раҳбарларидан бири А.Дубчек яна сиёсий саҳнада пайдо бўлиб,

миллий мажлиснинг раиси бўлди.

ГДРнинг баъзи бир собиқ раҳбарларининг фикрича, республикада ўзгаришлар жараёнини 1983-84 йилларда бошлаш билан мамлакатдаги нормал ҳолатни сақлаб қолиш мумкин эди. Бундай бўлмаганлигининг сабаби, Шарқий Европадаги социалистик давлатларнинг раҳбарлари мавжуд вазиятга тўғри баҳо бера олмадилар, тарихий жараёнлар палласи етилиб келганлигини ва зўравонлик сиёсати билан эски бошқариш системасини сақлаб қолиш мумкин эмаслигини англаб етмадилар. Тарих ўз ишини қилди, раҳбарларнинг баъзи бирларининг тақдири фожиали кечди, баъзи бирлариники қамоқ ва таъқиб остида бўлди. Натижада социалистик жамият қуриш учун қилинган 40 йиллик уринишлар остин-устун бўлиб кетди. Шуниси характерлики, қабул қилинган барча декларация ва конституцияларга, ҳужжатлар ва дастурларга қарамай Европадаги социалистик давлатларда тўлақонли инсонпарвар жамият қурилмаган эди. Ушбу мамлакатларда 60-йилларнинг охирларида социализм асосларини қуриш тўғрисида гап борса-да, бироқ кейинги йилларда социализм қуриш йўлидаги ҳаракатлар қийинчиликлар билан силжиди, амалда турғунлик ҳукм сурди.

Ҳозирда Европа мамлакатларида юз берган воқеалар СССРдаги қайта қуришнинг бевосита оқибатидир, деювчи кенг тарқалган фикрни тез-тез эшитиш мумкин. Жиловлар ечилди, оқибатда шундай бўлди деювчилар қаттиқ адашади. Албатта, СССРдаги қайта қуриш, «Брежнев доктринаси»дан воз кечиш Европа регионидagi инқилобий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатди. Аниқроғи уларни тезлаштирди. Бироқ биз кўрсатаётган ибратомуз ўзгаришларнинг чуқур ички характерга эга эканлигини ҳамда сталинча ва янги сталинча типдаги ижтимоий тизимнинг инқирози билан чамбарчас боғлиқлигини унутмаслик керак.

Социализмнинг буйрукбозлик-бюрократик модели Европадаги социалистик мамлакатларда ижтимоий манфаатларда бир неча мартаба тўқнаш келганлигини юқорида айтиб ўтдик.

1956 йил Венгрия воқеасининг бостирилишини венгерлар ҳозирги пайтда каттагина миқёсдаги ислоҳотларни амалга оширишга ҳалақит берган «миллий фожиа» деб ҳисобламоқдалар.

СССРда бошланган қайта қуришни демократик қайта қуришларни амалга оширишга тўсиқ бўлиб келган ғовнинг олиб ташланиши деб баҳолашимиз мумкин.

Хўш, ғов олиб - ташланибди, унда нима учун Европадаги социалистик давлатларда ўзгаришлар жараёни 1985 йилдан бошланмади? Буни шундай изоҳлаш мумкин: СССРда бошланган қайта қуришнинг дастлабки йилларидаги қийинчиликлар билан, шунингдек, 1956, 1968, 1980-81 йиллардаги тарихий жараёнларнинг аччиқ, сабоқлари Европадаги социалистик давлатларни бирмунча ўйлантириб қўйди. Улар агар ўзгаришлар жараёнини бошласак бошимизга яна оғир кулфатлар тушмасмикан деган ҳадиксираш ва қурқув билан кутиб турдилар. Бунинг устига 1981 йилда бошланган Польшадаги тарихий жараённинг инқирозли ҳолатда чўзилиб кетиши, эски ҳокимиятни сақлаб қолиш учун ҳамма воситалар ишга солиниб, 1981 йилнинг декабрида ҳарбий ҳолатнинг эълон қилиниши ҳам қўшни социалистик давлатларни бирмунча ўйлантириб қўйган эди.

1986 йилнинг ноябрида Москвада социалистик давлатлар раҳбарларининг учрашувида СССР раҳбари бундан буён СССР Европадаги социалистик давлатларга нисбатан ўз ҳукмини ўтказишдан воз кечганлигини, уларнинг ички ишларига бундан буён аралашмаслигини маълум қилди. Шунда ҳам улар бу алдов эмасмикан деган ўйда кутиб туришди. Ниҳоят 1989 йилнинг 15 феввалида Совет қўшинларнинг Афғонистондан олиб чиқилиши ва шу мамлакатга қўшин киритишнинг хато бўлганлигини совет ҳукумати томонидан тан олинди, 1956 йил Венгрияга, 1968 йил Чехословакияга қўшинлар киритилишининг ҳам бу давлатларнинг ички ишларига зўрлик билан аралашиб деб баҳоланиши ва мазкур ишлар учун бу давлатлардан кечирим сўралиши социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги ҳадиксирашларга чек қўйди.

Шундан кейин ўзгаришлар жараёни шиддатли кечди. СССРнинг аралашмаслик

позициясида туриши бир-бирига қарши турувчи кучларнинг бирини афсуслантирса, иккинчисини курашга отлантиради. Натижада Чехословакия, Болгария, ГДР, Польша, Венгрия ва Руминия давлатларида халқ оммасининг шиддатли чиқишлари бюрократик бошқариш тизимининг тўғонини кўпориб ташлади. Руминияда аҳвол янада фожиали кечди, Югославияда курашлар шу даражада кескинлашиб кетдики, унинг парчаланиб кетиши етмагандай қирғинбарот фуқаролар уруши узоқ йилларга чўзилди.

Емирилишнинг оқибатлари

СССРда ва Шарқий Европадаги социалистик давлатларда бўлган ўзгаришлар жараёни Шарқ ва Ғарб тарихчилари орасида ҳам, давлат арбоблари орасида ҳам «Социализм ва коммунизмнинг тарихий тақдири ҳалокатли тугади», деган хулосани туғдирди. Масалан: АҚШнинг собиқ давлат арбобларидан бири З.Бжезинский ўзининг «Буюк ағдарилиш, XX асрда коммунизмнинг туғилиши ва ўлиши» деган китобида: «Коммунизм бугун мафкуравий жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам умумий инқироз ҳолатидадир» - деб ёзган эди. Профессор З.Бжезинский СССРга алоҳида эътибор бериб: «20-йилларда дунё давлатлари СССРдаги коммунистик қурилиш тажрибасини бирон-бир натижа беради деб кутгандилар. Бу тахмин айниқса 2-чи жаҳон урушидан кейин 60-йилларгача ишонч қозониб келажак тақдири коммунизм билан боғлиқ бўлади, дейишга асос бўлган эди. Бироқ кейинги йилларда СССР кишиларни ва давлатларни ўзига жалб қилмайдиган, халқ хўжалиги турғунликка юз тутган давлатга айланиб қолдики, бу коммунистик жамиятнинг келажаги йўқлигини кўрсатади», - деган эди.

Шарқий Европадаги социалистик давлатларда юз берган ўзгаришлар жараёни тарихга зўравонлик ҳукмини ўтказишга уринишнинг яроқсизлигини, куч ишлатиш ва гегемонлик йўли билан сиёсат юритишнинг оғир оқибатлар билан туташлигини кўрсатди. Кўпгина партиялар ва сиёсий кучлар шундай йўл тутишлари оқибатида тарих майдонидан мағлуб бўлиб чиқиб кетдилар.

Бироқ, шуни айтиш лозимки, жамиятнинг мазмунини ва партияларнинг яхши ёки ёмонлигини уларнинг қандай ном билан аталиши белгиламайди, аксинча, амалга оширилган ишларнинг кўлами ва халқпарварлиги белгилайди. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, жамиятнинг социализм деб сиёсий етакчи кучларнинг компартиялар деб номланишини қоралаш унчалик тўғри эмас. Фақат шуниси ачинарлики, ўзларини халқ манфаати учун хизмат қилувчи, унинг дарди ва ғами билан ёнувчи кишилар қилиб кўрсатган раҳбар коммунистларгина айбдордирлар. Коммунистик партия ҳам социализм жамияти ҳам шунинг учун кишилар назарида ёмон кўриниб қолдики, юқоридаги чиновник-бюрократлар барча қилғиликларини социализм ва коммунистик партия номидан қилдилар.

1989 йилнинг охиридаги анкета сўровларнинг натижаси шуни кўрсатдики, Чехословакиядаги оддий кишиларнинг кўпчилиги «Ҳокимият тепасида коммунистлар турадимиз, демократлар турадимиз бизга барибир. Энг муҳими кишиларнинг яхши яшаши ва меҳнат қилиши учун шароит яратиб берилса бўлди, шуниси ачинарлики, бизни узоқ йиллар давомида калтафаҳмлар бошқариб келди», - дейишди.

Европадаги собиқ социалистик давлатларда бўлган ўзгаришлар жараёнидан кейин кўплаб партиялар сиёсий майдонга келди. Бўлиб ўтган демократик парламент сайловларида улар иштирок этсаларда, бу партияларнинг қайсилари қанча вақт яшаб туриши мумкинлиги тўғрисида бирон нарса дейиш қийин бўлди. Парламент сайловларидан кейин ҳокимиятга ўнг центристлар блоки чиқиб олди, баъзи бир мамлакатларда ҳал қилувчи ролни синфий партиялар эмас, балки янгидан тузилган Польшадаги «Бирдамлик» формасидаги халқ ҳаракатлари ўйнадилар. Хусусан, Словакияда «Зўравонликка қарши жамоатчилик ҳаракати», Болгарияда «Демократик кучлар иттифоқи» ва ҳоказо. Бир қанча ҳукмрон партиялар Польша БИПни ҳисобга олмаганда, жумладан ВСИП, ГБСП, РКП, ЮКП ва ЧКП қайта қуришнинг дастлабки давридаёқ ўз фаолиятларини тўхтатдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 1989 йилдан бошланган ўзгаришлар жараёни форма жиҳатидан Европа китъасида «орқага қайтиш» процессини бошлаб берди. Варшава Шартномаси муҳофаф ташкилоти ўз фаолиятини тўхтатди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши тугаб кетди, ГДР ГФР билан қўшилиб, ягона Германия давлати ташкил топди. Чехословакия Чехия ва Словакия давлатларига, Югославия бир қанча мустақил давлатларга бўлиниб кетди. СССР қуролли кучлари Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатларидан олиб чиқиб кетилди. Россиянинг сўнги қўшинлари ҳам Германия давлати худудидан 1994 йилнинг охирида олиб чиқиб кетилди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги собиқ социалистик давлатларда иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда нишонланиб келинган байрам кунлари ҳам ўзгартирилди. Масалан; Болгарияда 9 сентябрь (1944 йил фронтнинг тузилиши) куни ўрнига 3 март – (1878 йил Сан Стефано битими имзоланиши) куни; Руминияда 23 август (1944 йил Антонеску диктатурасининг ағдарилган) куни ўрнига 1 декабрь - (1918 йил Руминияга Трансильваниянинг қўшилган) куни; Чехословакияда 9 май (1945 йил Чехословакиянинг озод қилинган) куни ўрнига 28 октябрь (1918 йил Чехословакиянинг мустақиллиги эълон қилинган) куни; Польшада 22 июль (1944 йил Польша миллатини озод қилиш комитети эълон қилинган) куни ўрнига 11 ноябрь - (1918 йил Польшанинг мустақиллиги эълон қилинган) куни; Венгрияда 4 апрель (1945 йил фашизмдан озод қилинган) кун ўрнига 23 октябрь (1956 йил Будапешт кўзғолони бошланган) куни миллий байрам кунлари сифатида нишонланадиган бўлди.

Бу мамлакатларда - иккинчи жаҳон уруши йиллари тарихи ва ундан кейинги ўтган йиллар тарихи қайта ёзилди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. 1989 йил бўроннинг келиб чиқиш сабабини айтинг?
2. Социализм қуришнинг советча моделини қандай тушунаси?
3. “Социалистик ҳамдўстлик” мамлакатларининг қайсиларида советча моделга қарши чиқишлар бўлди?
4. Варшава шартномаси муҳофаф ташкилоти нега тузилганди?
5. Авторитар режимларни қандай тушунаси?
6. Партия яқка ҳукумронлиги нима?
7. СССРда бошланган қайта қуриш ҳамдўстлик мамлакатларидаги ўзгаришлар жараёнига қандай таъсир кўрсатди?
8. 1989 йил бўрони форма жиҳатидан нега “орқага қайтиш” жараёни деб аталади?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Социализм қурилишининг советча модули моҳиятини тушунтиринг?
2. Варшава шартномаси ташкилоти нима мақсадда тузилганди?
3. ССЖИда қайта қурилиш жараёни қачон бошланди?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997.
2. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. “Ўзбекистон” Т. 2001.
3. Новейшая история стран Европы и Америки ХХ век 1945-2000. част 2,3. М. 2001.
4. Эйза Бриггс, Патриция Клевин. Европа нового и новейшего времени. С. 1789 года и до наших дней. М., 2006.
5. Сергеев Е.Ю. Новейшая история. Подробности. М., 2000.
6. Бжезинский З. Большой провал: рождения и смерть коммунизма в ХХ в. Нью-Йорк, 1989.
7. Богомолов О. Реформы в зеркале международных сравнений. М., 1998.
8. Кривогуз И.М. Истоки кризиса СССР. М., 1998.
9. Кривогуз И.М. Крушение “реального социализма” в Европе и судьбы освободившихся народов. М., 2001.
10. Медведев В.А. Распад. Как он произошел в и мировой системе социализма. М., 1994.
11. Чешко С. Распад Советского Союза. М., 2000.
12. Центрально-Восточная Европа во второй половине ХХ века, Т.2. М., 2001.
13. Восточная Европа на историческом переломе М., 1991.
14. Ж “Новая и новейшая история” 1989-1992 г.г.
15. Ж “Вопросы истории”. 1989-1991 г.г.
16. Ж “Евразия”. 2002-2008 г.г.
17. Ж. Азия и Африка сегодня. 2000-2008 гг.

2-МАВЗУ: ССЖИнинг ҚУЛАШИ

Кўриб чиқиладиган масалалар:

1. Қарама-қаршиликнинг кескинлашуви ва инқирознинг муқаррарлиги.
2. Мустабид тузумни қайта қуриш ва қисмларга ажратиш.
3. Партия якка ҳукмронлигининг ва идеократия (мафкура устунлиги)нинг қулаши.
4. Мустақиллик маршлари.
5. Ғайриихтиёрий инқилоб ва бутунлай қулаш.
6. Империя меросини тақсимлаш.

Таянч сўзлар:

“Тантанали дафнлар беш йиллиги”. “Халқ ва партия бир бутундир” шиори. “Совет кишилари-коммунизм қурувчилари” шиорининг асосизлиги. Бошқарувнинг ўта марказлаштирилишининг салбий жиҳатлари. Қарама-қаршиликнинг кескинлашиб бориши. Инқирознинг муқаррар бўлиб бориши. Ҳарбий харажатларнинг оширилиш. М.Горбачевнинг қайта қуриши. “Социалистик ангиланиш”нинг моҳияти. Олигархиянинг парчаланиши. Идеократиянинг қулаши. Мустақиллик маршлари. Республикаларнинг суверенитетга интилишлари. Қонли тўқнашувлар. Исталмаган инқилоблар. СССРнинг бутунлай қулаши Қизил империя меросини тақсимлаш.

Дарснинг мақсади:

Социализм қурулишининг советча моделининг ўзини оқламаганлигини, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларнинг кескинлашиб бориши, партия якка ҳокимлиги сиёсатининг, олигархия ўзбошимчалигининг чидаб бўлмас даражага етиши, норозиликларнинг авжига чиқиб мастақиллик сари интилишларини баён этишдир.

Мамлакатда «реал социализм» инқирози келтириб чиқарган қийинчиликлар ва салбий ҳолатларни қалин ўрмонининг орқасида турган совет олигархияси кўришни хоҳламас эди. Кўкларга кўтариб мақташ, кўпдан-кўп давлат мукофотлари билан тақдирлаш, умрининг охиригача, яъни 1982 йил ноябригача КПСС МКнинг Бош котиби Л.И.Брежневнинг шахсига сиғинишни қўллаб-қувватлаш «реал социализм»нинг воситаси бўлиб келди.

Қарама-қаршиликнинг кескинлашуви ва инқирознинг муқаррарлиги

Л.И.Брежнев ҳақида эса: «культ бор, аммо шахс йўқ» деб айтишарди. Аммо номенклатура унга хос бўлган эскиликни ёқлаш, кўнгилчанлик ва бемалоллик хусусиятларини ҳамда хатоларга ва суистеъмол қилишларга бепарволигини қадрлар эди. Ундан кейин олигархияни бошқарган Ю.Андропов «реал социализм»нинг ленинча ҳаётлигига заррача шубҳа қилмасди. У интизомни мустаҳкамлаш, «совет халқи»ни маъмурий-миллий бирлаштириш (руслаштириш орқали) ва мамлакатни ҳарбийлаштириш учун жон куйдирди. Унинг қатъийлиги ва жамиятни ўрганиш заруратини тан олганлиги

мамлакатда ўзгаришларни кутиш сукунати жонлантирди, аммо у 1984 йил февралда оламдан ўтди. Унинг вориси К.Черненко касал бўлишига қарамай имкони борича «Брежневча» йўл тутди, аммо 1985 йил мартагача ҳам яшай олмади.

«Гантанали дафнлар беш йиллигида» (учта бош котиб) олигархиянинг асосий қуроли - КПСС ҳамма нарсага қодирдек туюларди. Унинг аъзолари сони 19 миллион кишини ташкил этди. Сиёсий бюро сиёсатини амалга оширувчи юз минглаб партия кўмиталари барча совет хўжалик ва ижтимоий ташкилотларини қамраб олган эди. Улар 18 миллионга яқин турли бошқарув тузилмалари ходимлари фаолиятини бошқарар ва кенг омма жумладан касабга уюшмалари, «ижодий уюшмалар» ва бошқа ижтимоий ташкилотлар, ҳатто филатерист (марка йиғувчи) ва овчиларнинг сиёсий ҳатти-ҳаракатларини ҳам йўлга солиб туришарди. Оммавий ахборот воситалари, кино ва театрларда цензура ҳукмронлик қиларди. Радиотелеалоқа, кўпайтирувчи техника ва компьютерлардан эркин фойдаланишга йўл қўйилмасди.

КПСС бор кучи билан ҳаммани ёрқин келажак ҳақидаги хом хаёлларга ишонтириш, халқ ва ҳокимият манфаатлари бирлигини уқтириб халқ фаоллигини оширишга ҳаракат қиларди: «халқ ва партия бир бутундир!». Ҳатто, КГБ 80-йиллар бошига келиб турли ҳуқуқшунос либераллар, демократлар, миллатчилар ва ҳоказоларни чегаралаш, лагер ва руҳий касалликлар шифохонасига жойлаш ёки мамлакатдан ҳайдаш чораларини кўрди ва унинг уддасидан чиқди.

КПСС бошланғич ташкилотлари ва уларнинг фаол таркиби «социализм афзалликлари», «социалистик демократия» ва «советча яшаш тарзи»нинг устунлиги, «коммунизм қурувчиси»ни тарбия-лашни тарғиб қилишни кучайтирар, меҳнат коллективларини «жамиятнинг асосий ячейкаси»га айлантиришга ҳаракат қиларди. Ижтимоий бирлик манфаатлари учун тенглаштириш тенденция-ларининг қўллаб-қувватланган тадбирлари ўтказиларди. Одамларга, уларнинг бутун ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни «ёрқин келажак» учун хизмат деб тушунишларини уқтирардилар.

«Совет халқи одамларнинг янги тарихий жамоаси» сифатида тарғиб қилинди ва унинг бирлиги учун ҳукумат кенг интеграция жараёнини, миллатлараро ва элатлараро никоҳлар ва руслаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлар, элатлар ўртасидаги ўзига хосликни ҳамда фарқларни камситиб, уларнинг она тилини ўрганишларини ва ўз тилларида китоблар чоп этишни қисқартириб борди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва илмий техника тараққиётини жадаллаштириш учун сиёсий бюро «иктисодиёт иқтисодли бўлиши керак!» деб жар солар ва ишлаб чиқаришнинг экстенсив ўсишидан интенсив ўсишга ўтишига даъват қиларди. Барча бошқарув идоралари томонидан режалаштириш ва бошқарувни яхшилаш, энг янги соҳаларнинг, бригада ва корхоналарни хўжалик ҳисобига ўтказиш ва ривожланишини тезлаштириш, юксак технологияларни жорий қилиш ишчиларнинг ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини ошириш бўйича чоралар қабул қилинарди. Асосий эътибор импортга, қуролларни янгилаш учун юқори технологиялар яратишга қаратилди. Бутун мамлакат хўжалигини марказ бошқариб турар, республикалар ҳокимиятидагилар эса ўзларидаги ишлаб чиқаришнинг кўпи билан 15-20%ини бошқара олишарди, холос. «Улар Москвадан сўрамасдан туриб оддий миҳ қоқишни ҳам уддалай олишмайди»-уларнинг конституциясида «ёзилган» суверенитетини шундай баҳолар эди М.Горбачев.

Аммо ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга муваффақ бўлинмади. 80-йилларга келиб эскирган асбоб-ускуналар улуши 40%дан ошди. Энг янги машиналарни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун СССРда АҚШдагига кўра 9-10 марта кўпроқ вақт сарф этиларди. Совет ишлаб чиқаришида энергия ва хом ашё сарфи Ғарбий Европадагидан 1,5-2 баравар кўп, аммо ишлаб чиқариш самарадорлиги бир неча баробар паст эди. Корхоналарнинг 25-30%и сурункали равишда даромад бўйича режаларни бажармас эди. Агросаноат комплексининг махсус тарзда ташкил қилинишига қарамасдан 70%га яқин колхоз ва совхозлар ҳатто совет ўлчовлари бўйича зарарига ишлар эди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, нефтнинг дунё бозоридаги нархлари пасайиши муносабати

билан совет бюджети учун жуда муҳим бўлган нефт экспортдан олинадиган даромад ҳам анча қискарди.

Совет иқтисодиёти ҳарбийлигича қолаверди. Энг аввало, ҳарбий мақсадларда, стратегик хом ашёни қазиб олиш оширилди, тадқиқотларнинг 4/5 қисми ҳарбий мақсадларда ўтказилди, янги ҳарбий технологиялар яратилди, ракеталар ва сунъий йўлдошлар учурилди. Аммо СССР бирор стратегик технология бўйича АҚШдан ўзиб кета олмади ва фақатгина бир неча йўналиш бўйича тенгликни сақлаб қола олди холос. «Улар - деб ёзади рақиблар ҳақида КГБ раҳбари В.Крючков - Совет Иттифоқини лазер технологиялари, авиация, ҳарбий-денгиз флоти, оддий курулларнинг баъзи турлари бўйича анча ортда қолдиришди». СССР устунлиги у ёқда турсин, ҳатто ҳарбий стратегик тенгликни сақлаш имкониятидан ҳам маҳрум бўлди, АҚШ эса сифат жиҳатидан янги курулни ишлаб чиқаришга киришди.

Умуман, ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръатлари 13,2 дан 10% гача пасая борди. Юксак технологиялар ўчоқлари яратилишидан қатъий назар, ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича у электрон ахборот ишлаб чиқаришга ўтган мамлакатлардан тобора ортга қолиб борди.

Аҳолини давлат монополиясига асосланган эксплуатацияси чуқурлашиб борди. Меҳнатга ҳақ тўлаш унинг натижаларига умуман мос келмас эди ва ишчилар яратган даромаднинг тобора каттароқ қисми ижтимоий истеъмол фондлари томонидан меҳнат самарасига номутаносиб тарзда тақсимланарди. Энг малакали ва қобилиятлиларнинг бор маҳорат билан меҳнат қилиши қизиқ бўлмай қолди, чунки уларнинг меҳнати жуда паст баҳоланар эди. «Умуман СССРда яхши ишлаш бефойда эди», - деб гувоҳлик беради В.Павлов.

Юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг «истеъмол-чилар жамияти»дан фарқли ўлароқ СССРда фуқаролик товарларини ишлаб чиқариш билан саноатнинг атиги 10-15%и банд эди. Бунинг натижасида мамлакатда 50 миллион аҳолига жон бошига ҳисоблаганда ўртача 9 м² яшаш жойи тўғри келган ва аҳолининг овқатланиши рацион нормаларидан ҳам 40-30-20% камроқ бўлган. Дори-дармонлар ҳам етишмас эди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, ҳукуматнинг эътироф қилишича, аҳолининг 40 миллион нафари қашшоқ аҳволда яшаган. СССРда аҳолининг соғлиқ даражаси ва ўртача умр кечириши энг ривожланган мамлакатларга нисбатан анча ёмон эди. Ҳар йили 120 минг носоғлом болалар туғилардики, бу аҳоли генефони (наслий ақл-заковати)га катта зарар етказди.

Нефтни экспорт қилишдан келадиган даромаднинг камайгани сабабли импорт қисқартирилди ва аҳолига зарур моллар танқислиги ошди, ҳукумат эса ўзининг харажатларини қоплаш учун пул эмиссиясини оширди. Бу нархларнинг кўтарилишига, олиб-сотарликнинг авж олишига ва ноқонуний корхоналар - «яширин иқтисодиёти»нинг фаоллашишига олиб келди.

Экологик вазият ҳам тобора мураккаблаша борди, табиатнинг атом ва кимёвий чиқиндилар билан ифлосланишининг ҳақиқий кўрсаткичлари яширилди эди. Йиллик экологик талофотлар СССРда табиатни муҳофаза қилиш учун сарфланган харажатлардан 4-5 марта кўп эди. Экологик офат минтақалари сони 150 дан ошиб кетди. Орол денгизи куриб борар, Байкал ва Ладога кўллари заҳарланди, мамлакатда истеъмол қилинадиган сувнинг 80%и зарур тозалик стандартига (меъёрий ўлчами) жавоб бермас эди.

Буларнинг ҳаммасига қарамасдан СССРнинг ҳарбий харажатлари Улуғ Ватан Урушининг энг қизғин пайтидагидан ҳам кўпроқ эди. Совет раҳбарлари «дунё тарозиси палласига ўзининг кучли салоҳиятини қўйганлиги»дан мақтанишар эди. Сиёсий Бюро мамлакат захиралари ҳисобидан Ангола, Куба, Никарагуа, Жанубий Яман, Ҳабашистон режимларини сақлаб туришга ва бошқа «дўстлар»га, ҳамда ўнлаб хорижий компартияларга миллиардлаб сўм ва долларни жўнатар эди. Унинг глобал даъволарини қондириш мақсадида ҳарбий база ва йўллар қурилиши учун ХХР билан чегара бўйлаб кўшин сақлаш учун катта харажатлар амалга оширилди. Юзлаб совет кема ва атом сув

ости кемалари денгиз ва океанларни кузатиб юрарди. Юзлаб «йўлдошлар» ракибни назорат қиларди.

СССРнинг бой берилган илгариги таъсирини тиклаш учун Сиёсий Бюро қарори билан 1979 йилнинг декабрида Афғонистонга совет ҳарбий интервенциясининг бошланиши кўп йиллик қон тўкишларга олиб келди. Унда 620 минг совет ҳарбийлари қатнашиб, 14,5 минг киши ҳалок бўлди, бундан бир неча баробар кўп киши ярадор бўлиб, катта миқдордаги техника қўлдан бой берилди. Ўнлаб миллиард долларлар кўкка совурилиб миллиондан ортиқ афғонлар йўқ қилинди, аммо ғалабага эришилмади. Бу интервенция барча мамлакатларда норозилик уйғотди. Муваффақиятсизликлар ва обрўнинг тўкилишидан ғазабга келган совет милитаристлари қуролли кучларни кўпайтиришни талаб қилишар, огоҳлантирувчи ядро зарбаси ғоясини қўллаб-қувватлар ва «бутун мамлакатни ҳарбий лагерга айлантириш»га интиларди. 1984 йилда учта «оператив-стратегик театрлар»да Ғарбий, Жанубий ва Узоқ Шарқ бош қўмондонликлари тузилди.

Совет раҳбарияти на ХХР билан алоқаларни яхшилашнинг, на Европа мамлакатларидаги «реал социализм»ни, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги дўстона тузумларни мустаҳкамлашнинг, на халқаро тинчликни сақлашнинг ва на парчаланиб бораётган жаҳон коммунистлар ҳаракатида ўз гегемониясини тиклашнинг уйдасидан чиқа олди.

СССР ичидаги ижтимоий-сиёсий вазият кескинлаша борди. Аҳолининг мамлакат раҳбариятига нисбатан ишончи йўқолди. Кўпчилик социализмга содиқ қолсада, аммо ҳар бир киши ўз фойдаси нуқтаи назаридан амал қилар, иккилама стандарт асосида ҳаёт кечирарди. Кўпчилик мослашиб туриб инсоний ор-номус ва эркинликни тинчлик ва майда имтиёзларга, фуқаро жавобгарлигини оддий, аммо нисбатан барқарор маишатга алмаштирди.

Бунда хўжаликда банд бўлганлар асосий қисми учун ишдан қониқмаслик, паст интизом, иш вақти ва ускуналардан нотўғри фойдаланиш, маҳсулот сифатига бефарқлик, кўшиб ёзишлар билан «пул ишлаш»га ва маошни талон-тарож қилиш йўли билан тўлдиришга интилишлар хос бўлди. Социологларнинг аниқлашларича, мамлакатнинг атиги 15-17% меҳнаткашлари виждонан меҳнат қиларди.

Тузум камчиликлари ва дардларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланувчилар кўпайиб борди. Жиноятчилик катта суръатлар билан ўсарди. Ичкиликка суяниб қолган ва ҳафсаласи пир бўлганлар сони ошиб кетди. Ичкиликбозлик умумхалқ одатга айланди.

Мажбурий миграция ва иш характеридан, маошдан норозилик натижасида йиллик ишчи кучининг ташқарига оқиб кетиши ишда бандларнинг 25-30%ини ташкил этди. Шу билан биргаликда қорхона ва идораларда иш вақтининг 15-20%и бекорга сарфланар, миллионлаб қалбаки иш билан бандлар бўлиб, аҳолиси зич жойлашган Жанубий минтақаларда иш топа олмаётган ишга лаёқатлилар сони ортиб борди.

Бутун мамлакат бўйича онгсиз оммавий давлат монополиясига асосланган эксплуатация ва ишчи-ходимларнинг бевосита манфаатларини поймол қилишга нисбатан норозилик авж олиб борди. Ҳукумат уни фуқаролар ҳаётини маъмурий чеклаш орқали бартараф қилишга уринди, аммо бу қутилган натижани бермади, балки қоғозбозликни янада кучайтирди. Раҳбариятининг барча бўғинларида хато ва қийинчиликларни яшириш, тартибсизлик ва масъулиятсизлик, коррупция ва порахўрлик орқали мансабпарастлик касалига гирифтор бўлиши кучайди. Олий раҳбариятнинг таъсири ҳам пасайди, чунки, у Андропов эътироф этишича, Совет жамятини яхши билмас эди. Бажариш учун ҳеч қандай маблағ ва воситалар бўлмасида буйруқлар тез-тез берилиб турар, бажарилиши мумкин бўлганлари ҳам бажарилмас эди. Бундан ташқари, ташвиш билан Горбачев тан олганидек, «бутун тузумда» лаганбардорлик, хўжакўрсинчилик, шахсий алоқалар ва турли раҳбарлар атрофида турли мафия (клон)лар ҳукмрон эди.

Аҳолининг энг фаол қисми ўзгаришга моил эди. Шунинг учун Андропов мамлакатда душманона кайфиятдаги юз минглаб одамлар бор ва тузум қотағонлар уюштиришга мажбур деб ҳисоблар эди. Бу одамлар турлича ҳаракат қилишарди.

«Ленинча ғоялар»га қайтишга даъват этишарди, қатоғонлар туфайли ярим унутилган ва йўқолиб бўлган ўз элатлари фуқароларини ёки тили ва маданиятининг эркинликларини химоя қилишарди. Тузум жиноятларини фош этишни ва либерал қадриятлар - инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини химоя қилишни талаб эттиришарди. Диний эркинликни талаб қилишарди, қуролланиш пойгасига ва Совет интервенцияларига нисбатан норозилик баён қилишарди.

Усталик билан амалга оширилган таъқиблар ва қатағонларга қарамасдан, Ю.Орлов, С.Ковалев, В.Буковский, В.Черновил каби қўрқмас кишилар, деярли ҳамма республикалардаги йирик марказларда, ҳамда чет элда фаолият кўрсатишарди. Уларнинг чиқишлари, мамлакат ичида яширин тарзда бўлса ҳам, кенг халқаро таъсирга эга бўлиб, Совет тоталитаризмига қарши кучларнинг бирдамлигини оширишга хизмат қилди. А.Солженициннинг «Гулаг Архипелаги» китоби ва академик А.Сахаровнинг мавжуд тузум ва унинг агрессиясига қарши норозиликлари СССР ҳақидаги хом хаёлларга қақшатқич зарба берди.

Тарқоқ норозилик баён қилиб чиққанлар гуруҳлари кўп эмас эди, аммо бутун мамлакат бўйича норозилар-диссидентлар (уларни шундай аташарди) сони 250 мингга етарди. Уларнинг ўз мақсадларига эришиш йўллари турлича ва ўта абстракт (хаёлий) эди. А.Амальрик каби СССР парчаланишини олдиндан билганлар жуда кам эди. Аммо улар унинг халқлари шарафини фидоийлик билан химоя қилишарди.

Уларнинг чиқишлари ва аҳолининг пассив қаршилиги ҳамда норозилигининг ўсиши тоталитар (мустабид) режимни эговларди. Қийинчиликларнинг ўсиб бораётганини эътироф этган Ю.Андропов: «биз бундай қийин вазиятда муаммоларни бир уринишда ҳал этолмаймиз, агар биз барча йўлларни очсак ва халқ ўз бахтсизлик ва норозиликларини тўкиб соладиган бўлса, бу оқим бизни ютиб юборади ва биз уни тўхтата олмаймиз»-деган эди. Инқирозга энди бепарволик билан қараб бўлмасди, аммо уни қандай бартараф қилиш кераклигини ҳам ҳеч ким билмас эди.

Мустабид тузумни қайта қуриш ва қисмларга ажратиш

Ўсиб бораётган «салбий ҳолатлар» оқимини бартараф этиш йўлларини излашни фаоллаштириш мақсадида Сиёсий Бюро 1985 йилнинг март ойида Бош котиб лавозимига ўз аъзолари ичида энг лаёқатли бўлган М.Горбачевни олиб чиқди. Албатта, бу «содиқ ленинчилар» тараққиёт йўлини ҳеч қачон ўзгартирмасликни ҳоҳлардилар ва агар улар танлаган бош котибнинг келажақда нималарга қўл уришини билганларида уни танлаш тўғрисида ҳеч қандай гап сўз бўлиши мумкин эмас эди. Горбачевнинг ўзи ҳам Сиёсий Бюрода: «Биз сиёсатни ўзгартиришимиз шарт эмас. У тўғри, ҳақ ва ҳаққоний сиёсатдир»-деб баён қилган эди.

Олигархиядаги бузилмас тартиб туфайли олий ҳокимият «оқиллик» ва жавобгарликка эга бўлган Горбачев ҳамкасбларини алдамаётган эди. У пайтда қийинчиликларни бартараф этишга иштиёқ тоталитар тузумининг барҳам топиши ва кейинчалик олий мақсаддан воз кечишга олиб келиши унинг хаёлига ҳам келмаган эди. У «реал социализм» кризисга учраганини тан олмасдан, маслакдошлари ва мамлакатни синов ва хатолар йўлига бошлади. Совет-партиявий аънъаналарига кўра у авторитар фаолият кўрсатди.

Аввалига у ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаш-тириш шиорини ўртага ташлади. Аммо тезда эскирган асбоб-ускуна ва технологияларни энг янгиларига алмаштиришга кўпроқ эътибор берилиши бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш қисқаришига олиб келди. Буни амалга ошириш учун воситалар ҳам етарли эмас эди.

Айниқса ичкиликбозликка қарши олиб борилган аёвсиз кураш бир томондан алкаголизмни камайтирган бўлсада, иккинчи томондан одамлар соғлиги ва ишлаб чиқаришга зарар етказди, бюджетни бир неча йил спиртли ичимликларни сотишдан келадиган фойдадан - 200 миллиард сўмдан (рублдан) маҳрум қилдики, бу мамлакат

бюджитига қаттиқ зарба бўлди.

Ривожланишни жадаллаштириш мақсадида интизом қатъийлаштирилди. Саноатда ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш мақсадида уни давлат қабул қилиб олиш тартибини жорий қилди. Ишчиларнинг ташаббускорлиги ва жавобгарлигини ошириш учун меҳнат жамоалари тўғрисидаги қонун, уларга ҳаттоки раҳбарларни сайлашгача бўлган кенг ҳуқуқларни берди. Аммо ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг давлат томонидан қабул қилиниши маҳсулотнинг илмий-техник даражасини кўтарди, ишчилардаги «хўжайинлик туйғуси» эса «жамоавий худбинликда», яъни «кўлай» раҳбарларни танлаш, нархлар ва ойликни ихтиёрий кўтаришда намоён бўлиб, у хўжалик ва жамиятга катта зарар етказди.

Саноатда одамлар хавфсизлиги таъминотини инобатга олмаслик оқибатида 1986 йилда Чернобилда ядро реактори портлаши юз берди, у кўпгина мамлакатларга зарар етказди ва кенг минтақа аҳолиси учун фожиага айланди.

Иқтисодиётнинг кўп тармоқларини ўзгартириш зарурлигига ишонч ҳосил қилган Горбачев илгари Хрушев томонидан қўлланган қайта қуриш ишларини ўртага ташлади. КПССнинг 1986 йил бошидаги съезди уни қўллаб-қувватлади ва меҳнаткашларни «социалистик ўзаро ёрдам ва талабчанликни» оширишга чақирди ва қисқа муддатда ишлаб чиқаришни кескин ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мамлакатни уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланиш муаммоларини ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

1987 йилга келиб аҳоли эҳтиёжи учун зарур моллар ва бюджет танқислигини бартараф қилишга уриниб, олий ҳокимият органлари Горбачев ташаббуси билан иқтисодиёт бошқарувини тубдан қайта қуришга киришдилар, давлат корхоналари, вазирликлар, республика идоралари, таъминот тизимлари, банклар мавқеини ўзгартирувчи қарор ва қонунлар ҳамда кенг ижтимоий дастурлар қабул қилишди. Бу чоралар хўжаликни маъмурий кўрсатмалар орқали бошқаришни шартномавий бошқарувга алмаштирди, аммо улар ҳар доим ҳам бир-бири билан мос тушмас ва режаларнинг бажарилишини кафолатлай олмасди. Дастурларни амалга ошириш учун эса воситалар йўқ эди.

Кўрилган чоралар натижасида ҳокимият томонидан аҳоли истеъмоли учун йўналтирилган маҳсулотлар улуши бироз кўтарилди. Ишчиларнинг ўз-ўзини молиялаш, пудрат ва ижара асосида ишни ташкил қилиш жорий қилинди, раҳбарлар ишлаб чиқаришни аҳоли эҳтиёжларига йўналтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни эса унинг натижаси билан боғлиқ тарзда амалга оширишга ҳаракат қилишарди. Кейин кооператив, моҳиятан ишбилармонликка асосланган, индивидуал меҳнат фаолиятига руҳсат этилди ва қонунлаштирилди. Ҳокимият руҳсати билан қўшма корхоналар, ҳатто чет элликлар иштирокида тузила бошланди. Бу чоралар аҳолини давлат томонидан эксплуатация қилинишининг марказлашишини сусайтириб, эксплуатация вазифаларининг бир қисми тармоқлар ва корхоналар раҳбарлари қўлига ўтди.

Аммо боланган иқтисодий ташаббускорлик (ишбилармонлик), совет саноатининг асоси - ҳарбий-стратегик саноати у ёқда турсин, ҳаттоки истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ҳам қамраб олмаган эди.

1985-1989 йилларда бюджет танқислиги 5 марта ошди, аммо уни бартараф этиш учун амалга оширилган эмиссия СССР ички қарзларини 2,5 мартага - оширди. Иқтисодиёт ва жамиятдаги «салбий ҳолатлар» кўпайишни давом эттирди. Бу йўналишда ислохотлар иш бермаётган эди.

Аммо иқтисодиётни қайта қуриш давом этарди. 1988 йил ёзидаги КПССнинг Бутуниттифоқ конференцияси иқтисодий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қарор қилди: давлат буюрмалари ва кўрсатмалари асосидаги маъмурий бошқарувни чеклаш, тўла хўжалик ҳисобини ва унинг шаклини меҳнат коллективлари томонидан танланишини жорий этиш, ҳамда иқтисодий ўз-ўзини бошқариш вазифалари қўйилди. Иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бу қадам кўпгина хўжалик раҳбарларини эсанкиратиб қўйди ва ҳарбий саноат кўрғонларига дуч келди. Ишлаб чиқариш ўсиши секинлашди ва 1990 йилга келиб дунё Ялпи Маҳсулотида СССР ҳиссаси 8%гача пасайди ва энг асосийси

озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар танқислиги ошди. «Магазин (дўкон)лар пештахталарида зарур озиқ-овқат маҳсулотлари тобора кам пайдо бўлмоқда;.. - охириги пайтларда балиқ, гўшт, ёрмалар, макарон маҳсулотлари савдодан умуман йўқолди»- деб жойлардан МКга хабарлар келарди. Озиқ-овқат ва энг оддий саноат маҳсулотларини «излаб топиш» тобора қийинлашиб борар, нархлар кўтарилиб борар, навбатлар чўзилар, олиб сотарлик авжига чиқаётган эди. Ҳукумат томонидан кўтариб чиқилган «Кучли ижтимоий сиёсат» шиорини амалга ошириш учун заҳиралар йўқ эди.

1986 йилдаёқ Горбачев ва унинг издошлари фақатгина иқтисодиётни қайта қуриш аҳамияти ва жозибалигини таъкидлаб уни инқилоб деб атади. Унинг тўғридан-тўғри халққа қайта қуриш ҳақидаги даъватлари билан мурожаат қилишлари унга Сиёсий Бюрода тан олинган дахлсизликка эришишига ёрдам берди. Икки йил ичида у Сиёсий Бюро аъзоларининг 70%ини «қайта қуриш иш бошқарувчилари» Б.Ельцин, А.Яковлев, Э.Шварднадзе ва бошқалар билан алмаштиришга улгурди. МК (Марказий Кўмита) таркиби 40%га янгиланди.

Кўпгина партия ва давлат арбобларининг мутаассиблиги ва расмиятчилигига дуч келган Горбачев Сталинча «деформация» ва «тормозлаш механизмини» бартараф этишга «социалистик демократия» ва «халқнинг ўз-ўзини бошқариши»ни ривожлантиришга даъват этди. Унинг ташаббуси билан Сиёсий Бюро ва МК ошкораликни - анча илгари йўқ қилинган сўз эркинлигини социализм доирасида эълон қилди. Камчиликларнинг ва кўпгина раҳбарлар фаолиятининг қуйидан туриб танқид қилиниши, фуқаролар томонидан ўз таклифларининг ўртага ташланиши ва тарқоқ ҳолдаги оммавий чиқишлар қайта қуришнинг кенгайиши ва чуқурлашувига олиб келди. Натижада вилоят партия ташкилотларида 60% котиблар, ҳамда кўпчилик Совет ва хўжалик раҳбарлари алмаштирилди.

Мўлжални аниқ белгилаш ва қайта қуриш концепциясини ишлаб чиқиш қийин эди. 1987 йил кузида Горбачевнинг «қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун» номли китоби чикди. Унда у умуминсоний кадриятлар устунлиги ва барча мамлакатлар халқлари уларнинг атрофида бирлашиши зарурлиги ҳақида ёзган эди. Бу М.Горбачевга СССР олий раҳбарият органлари қўшма йиғилишида ўз сўзларига ишонтиришига халақит бермади: «Биз янги олам сари коммунизм олами сари бормоқдамиз». «Бу йўлдан биз ҳеч қачон чекинмаймиз!». Китобида эса у гап «умумхалқ социалистик давлат», «жамоавий мулк» бошқарувдаги партияни ўзгартириш ҳақида эмас, балки уларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, СССРнинг ички ва ташқи ўтқир муаммоларини очишга ноанъанавий ёндошишни ўзгартириш, марксча-ленинча ёндошув ва жамиятни яхши билмаслик натижасида концепциясини ишлаб чиқиш қийинлашаётган янгича сиёсат юритиш зарурлигини тан олишдан иборат эди.

Горбачевнинг «янгилашиш мафкуриси» билан чиқиши консерваторлар («принципларидан воз кеча олмайдиган»), мўътадил «янгиланганлар» (социализмни инсонпарвар, демократик қилиш учун), радикаллар («кўп партиявийлик, республикалар ва фуқаролар ҳуқуқларини кенгайтириш учун») ўртасидаги кизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

1988 йилдаги КПССнинг Бутуниттифоқ конференцияси бироз иккиланиб сиёсий тизимни қайта қуриш, ички партиявийлик демократиясини тиклаш ва қатағон қурбонларини оқлашни давом эттиришга қарор қилди.

Горбачев КПСС ролини мустаҳкамлашга даъват этар ва шу билан биргаликда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш орқали одамларнинг қайта қуришда иштирокини таъминлашга ҳаракат қилди. Конференция делегатларининг деярли ярми бундай ўзгаришларга қарши бўлиб, уни асосий йўналишдан чекиниш деб ҳисоблашарди.

Конференция коммунистик партиянинг мафкуравий-сиёсий монополиясини сақлаган ҳолда кенгашлар, қасаба уюшмалари ва бошқа ташкилотларни анъанавий маъмурий буйруқбозлик билан бошқаришдан воз кечиш ва уларнинг, айниқса кенгашларнинг ролини оширишга қарор қилди.

Унутилган «Бутун ҳокимият советларга!» шиорини ўртага ташлаб «халқ ҳокимияти»ни тиклаш ва «Социалистик ҳуқуқий давлат»ни шакллантириш мақсадида марказий, республикавий ва маҳаллий советлар ва улар билан бирга судларга мустақиллик беришга интилар, уларнинг тузилиши ва шаклланиш усуллари ўзгартиришарди. Партия ва давлат органлари функция (вазифа)ларининг ажралиши бошланди. Бу илгариги ҳокимиятни сусайтирди ва парчалади. Сиёсий ва иқтисодий плюрализм (хилма-хиллик)сиз янги ҳукуматни барпо қила олмасди.

Мамлакатда ва Партия ичида ҳам социализм ва демократиянинг талқини тўғрисида кескин баҳс-музокаралар бошланиб кетди. 1988 йил охирига келиб либерализм индивидуал эркинлик ва ҳуқуқлар устунлиги ва национализм ўз миллат (элат)ининг манфаатлари устунлиги тарафдорлари пайдо бўлди. Ўз ихтиёри билан фаолият юритаётган кўпчилик коммунистлар иштирокида ижтимоий уйғониш бошландики, у кўпгина турли қиёфадаги «норасмий» - ноқонуний, таъқиқланмаган ташкилотларнинг ва оммавий ҳаракатларнинг, ҳаттоки халқ фронтларининг пайдо бўлишига олиб келди. КПСС нафақат мамлакат муаммоларини ҳал қилиш йўллари муҳокама қилиш бўйича монополиядан маҳрум бўлди, балки шу билан бирга халқ оммаси кайфияти ва ҳатти-ҳаракатини бошқариш имкониятидан ҳам маҳрум бўлди, совет жамиятининг парчаланиши бошланди.

Жамиятнинг янги сиёсий тузулиши, СССР янги Олий органининг вазифалари ва сайловлари тўғрисидаги СССР конституциясига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонунлар ҳукуматларни тақсимлаш, сайловчилар ва минтақаларнинг эмас, ҳаттоки сайловчиларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлигини ҳам таъминлай олмасди. Улар «бошқариладиган демократия» тизимини яратишга йўналтирилган эди. Сиёсий Бюро ва улар томонидан бошқариладиган ташкилотлар ўз вакиллари учун тўғридан-тўғри жойларнинг учдан бирига эга бўлишарди. Аммо совет сайловчилари 1989 йил баҳорида илк бор бир нечта эркин номзодлардан халқ депутатлари съездига ўз делегатларини сайлаш имкониятидан мамнун эдилар.

Сайловларни КПСС органлари бошқарар ва сайловчиларнинг 80%и коммунистлар эди, аммо партиявий интизомнинг сусайиши боис уларни бошқариш қийинлашди. Албатта, кўпчилик Ю.Афанасьев номлаганидек «агрессив итоаткор» эди. Горбачев съезд ташкил этган Олий Совет раиси этиб сайланди, аммо унинг (советнинг) «сталинча брежневча» кўпчилигига озгина радикалларни кўшишга мажбур бўлди.

Радикаллар қайта қуриш душманлари ва Горбачев сусткашлигини танқид қилиб, СССРнинг асосий мақсадини шубҳа остига қўйди. Улар томонидан А.Сахаров ва Б.Ельцинлар раҳбарлик қилаётган минтақалараро депутатлар гуруҳи ташкил қилинди, қонуний муҳолифот тикланди.

Навбатдаги Съездда, кузга келиб фаоллашган радикаллар «социалистик янгилашиш» учун, КПСС монополиясини сиёсий плюрализм билан, унитар давлатни Сахаров (декабрда вафот этган) конституция лойиҳасида кўрсатилган эркин республикалар иттифоқи билан алмаштиришни, мулкчиликнинг турли шакллари ва бозор муносабатларини эътироф этишни талаб қилишди. Бунда улар, бунинг ҳаммасини аҳоли турмуш даражасини ёмонлаштирмасдан туриб амалга ошириш мумкин деб ишонтирарди. Бундай чиқишлар «бошқа бундай яшаш мумкин эмас!»лигига ишонганларга илҳом бағишларди. Мамлакатда митинг ва намойишлар кўпайиб оммавий характерга эга бўлди. Уларда юз минглаб одамлар иштирок этарди. Улар таъминотни яхшилашни, фуқаро ва халқлар ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришни талаб этишар, бюрократизмга қарши норозилик билдирар, радикалларни қўллаб-қувватлардилар. Бундай талаблар билан чиққан Б.Ельцин машҳур бўлдики, КПСС раҳбариятининг унга тазйиқи унинг машҳурлигини янада оширди.

1989 йилдаги ўзгаришлар натижасида тоталитар тузум тугатилди. Партия, давлат ва хўжалик органларига «янгича фикрлашни» ўзлаштириш қанчалик қийин бўлса, концепцияси эндигина ишлаб чиқилаётган янгича сиёсат юритиш ундан-да қийинроқ эди. Бу ўз навбатида ҳокимият таъсирчанлигини сусайтирарди. Ижтимоий уйғониш қайта

қуришни нафақат олдинга сурап балки, ундан ошиб ўтаётган эди. Жамият таркибий қисмларидаги парчаланишининг бошланиши «бошқариладиган демократия»ни шакллантиришни қийинлаштирди.

Партия якка ҳукмронлигининг ва идеократия (мафкура устунлиги)нинг қулаши

Тараққиёт ва қайта қуришни жадаллаштиришга ҳаракат қилаётган Горбачев ва унинг тарафдорлари мамлакатда бу ўзгаришларни амалга ошириш учун, дунёнинг энг йирик мамлакатлари – АҚШ ва унинг иттифоқчиларидан, ва ХХРдан қуролланиш соҳасида орқада қолиб кетмаслик учун сарфланаётган харажатларни камайтирмай эриша олмаслигига қаттиқ амин бўлдилар. Горбачев тан олишича «мудофаа харажатлари халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларидан ҳаёт шарбатини сипқираётган эди». Шунинг учун янгиланган совет раҳбарияти халқаро кескинликни ва қуролланиш пойгасини тўхтатишга чақириқларни фаоллаштирди. Бу йўлдаги асосий нарсалар Горбачевнинг 1986 йил бошидаги қуролларни қисқартириш тўғрисидаги кенг миқёсдаги таклифлари, унинг КПСС съездидаги урушда ҳам, қуролланиш пойгасида ҳам ғолиблар бўлмаслиги ҳақидаги нутқлари, унинг АҚШ ва бошқа йирик мамлакатлар раҳбарлари билан учрашувлари бўлди. СССРдаги йирик ҳарбий харажатлар зарурлиги ҳақидаги шубҳаларни Ҳаво Хужумига қарши Мудофаа тизими томонидан хорижий самолётнинг қизил майдонгача учиб борганини пайқалмагани ҳамда Афғонистондаги урушнинг беъмани ва келажаги йўқлиги кучайтирди. Шу нарса аён бўлдики, СССРнинг юксак технологиялар соҳасида қолоқлиги ўсиб бораётган бир пайтда АҚШ томонидан бошланган янги қуролланиш пойгасига қўшилиш ўз жонига қасд қилиш билан баробардир. Сиёсий бюро мамлакатнинг тинқасини қуритган конфронтация –қарама-қаршилиқни тўхтатишнинг радикал (кескин) чораларини излашга мажбур бўлди.

Мамлакат раҳбарияти совет қўшинларини Афғонистондан чиқаришга рози бўлди, дунё мамлакатларини ҳарбий соҳаларда ақл-идрок билан иш юритишга даъват этди, «нол-вариант», яъни Европада Буюк Британия ва Франция ракеталари сақланиб қолгани ҳолда СССР ва АҚШнинг ўрта ва қиска масофага учириладиган ракеталарининг йўқ қилинишига розилик билдирди.

1988 йилнинг охирида эса Горбачев БМТда «умуминсоний манфаат» ва «умуминсоний консенсусни излаш» (ўзаро келишув йўллари излаш) устунлигини маъқуллаб барча мамлакатлар томонидан яшаш тарзининг ўз сиёсий ва ижтимоий тартибини танлаш эркинлиги» ҳақида баёнот берди. Бу, моҳиятан, нафақат социализм манфаатларининг миллий манфаатлардан ҳам устунлиги тўғрисидаги «Брежнев доктринаси»дан, балки «пролетарча байналмилалчилик» ва СССРнинг ленинча-сталинча дунёвий мақсадидан ҳам бутунлай воз кечишни билдирар эди. 1989 йил 15-февралда Совет қўшинларининг Афғонистондан чиқарилиши, кейинчалик СССРнинг Европанинг кўпгина мамлакатларида «реал социализм»ни қулатган воқеаларга аралашмаганлиги ҳамда 1988 йил охирида АҚШ билан совуқ муносабатлар урушини тугатиш ҳақида келишиб олиши бу баёнотларнинг нақадар жиддийлигидан далолат берарди. Коммунистларнинг бир бутун бўлган буюк мақсадининг бир қисмидан (Бу мақсад йўлида СССР яратилди ва ривожлантирилди) унинг раҳбарияти томонидан воз кечилди: идеократия (мафкура устунлиги) кемтик бўлиб қолди.

Энди ўткирлашган инқироз туфайли заифлашган СССР, Европа ва бошқа китъаларда совуқ уруш туфайли ўз аҳамиятини йўқотган позицияларини сақлай олмас эди. Бу маълум харажатни ҳам талаб қиларди. Совуқ уруш туфайли иттифоқчиларни қўллаб-қувватлаш беъманилигини англаган совет раҳбарияти уларга ёрдам беришни тўхтатди ва иттифоқчилардан маҳрум бўлди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК) ва Варшава Шартномаси Ташкилоти (ВШТ) ўз мавқеини йўқотди ва аъзоларининг қарорига кўра тарқатиб юборилди. Совет қуролли кучлари қисқара бошлади. Стратегик хужумга мўлжалланган қуролларни қисқартириш тўғрисидаги янги келишувлар тузилди.

Мамлакатнинг заифлашгани ва қайта қуриш учун вақтдан ютишга интилиш музокараларда икир-чикирларни муҳокама қилишга имкон бермас эди. Шунинг учун Горбачев кўпинча СССРда ҳали кўпчилик томонидан танилмаган ва тан олинмаганлар билан курашда кўпинча уларга ён берарди? Европа ва умуман, бутун сайёра аҳолиси эса, ўн йиллар давомида бошидан кечираётган дунё ядро урушидан қўрқув ва ваҳимадан халос бўлди. Мамлакат ичкарасида тинчликпарварлик обрўсининг тушиб кетишига қарамай Горбачевнинг халқаро майдонда обрўси ошиб кетдики, у 1990 йилда Нобел мукофотиغا сазовор бўлди. Бу СССР дунёнинг энг бой мамлакатларидан қайта қуришни амалга ошириш учун бир неча миллиард долларни қарзга олиш имконини берди.

Шу билан бир пайтда 1989 йил кузидан 1990 йилнинг ёзигача мамлакатда, айниқса Москва ва бошқа йирик шаҳарларда турли либерал-демократик гуруҳларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилувчи ва КПССнинг мафкуравий-сиёсий монополиясига эътироз билдирувчи митинг ва намойишлари сони ошиб бораверди. Уларда консерваторлар танқид остига олинар ва Горбачевни эса қайта қуриш самарадорлиги пастлигида айблашар эди. Биринчи май намойишларида қизил майдонда кўпчилик «Йўқолсин КПСС!» «Горбачев истеъфога!» каби шиорлар билан чиқди. Бир қатор минтақаларда аҳоли турмуши ёмонлашишига қарши йирик стачка (иш ташлаш)лар бўлиб ўтди. Ҳамма жойда кооператив ва хусусий корхоналар пайдо бўла бошлади. Баъзи норасмий ташкилотлар партия ва сиёсий ҳаракатларга айлантирилди. Радикалларни қўллаб-қувватловчи оммавий ахборот воситалари таъсири ошиб борди.

Иқтисодий ва сиёсий хилма-хилликнинг фуқаролар томонидан амалга оширилиши «реал социализм» доирасидан чиқиб кетар, ижтимоий тараққиёт йўналиши либерал-демократик тус олар ва қайта қуриш ташаббускорларини янада илғорроқ бўлишга мажбур этарди. Май ойида СССР халқ депутатлари съезди Конституциядаги КПССнинг раҳбарлик роли тўғрисидаги моддани бекор қилишга мажбур бўлди.

Бунга жавобан, Сиёсий Бюродаги мўътадил «янгиланганлар», Марказий Қўмитадаги, партия ва давлат аппаратидаги, генераллар орасидаги газабланган консерваторлар фаоллашди. Турли партияларнинг, хусусий мулк ва бозор муносабатларининг пайдо бўлиши, Конституциядан КПСС устунлиги тўғрисидаги модданинг олиб ташланиши консерваторлар томонидан СССР асосий мақсаднинг иккинчи қисмидан ҳам воз кечишдек қарор қабул қилинди. Сиёсий Бюро ва МКдаги 1990 йилги келишмовчиликлар бош котибни дахлсизликдан маҳрум қилиб, айни пайтда олигархияни фалажлаб, унинг парчаланишини бошлаб берди. КПССда тарқоқлик юзага келди: баъзилар «принциплардан воз кечиш»ни хоҳламас, иккинчилар эса турлича талқин қилинувчи партия ва мамлакатнинг янгиланиш тарафдорлари эдилар. Учинчилар, нима қилишларини билмасдан ҳафсаласи пир бўлар, кўпчилик эса партияни тарк этди. КПСС ўзининг обрўсини ва ишга лаёқатини йўқотди. «Реал социализм» мафкураси, сиёсий тизим ва иқтисодиёти парчаланиб кетади. Сусайган ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун узок ва кескин баҳс-мунозаралардан кейин 1990 йилда халқ депутатлари съезди СССР президенти лавозимини таъсис этди ва май ойида 60% овоз билан бу лавозимга Горбачев сайланди. Президентга айланган бош котиб радикал рақибларни «дўстона яшаш»га чорлар, аммо улар ўртасидаги кураш тобора кескинлаша борди. Бировларнинг ташвиши, бошқаларнинг қувончи, инқилоблар-Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари-да «реал социализм»нинг қулаши ва либераллаштириш билан мустаҳкамланиб борди.

Партияни янгिलाш йўли билан кучларни ислохотларга сафарбар қилиш ва мамлакатни бирлаштиришга интилиб, Горбачев 1990 йил июлида КПССнинг XXVIII съездини ўтказишга муваффақ бўлди. Ельцин ва бошқа радикаллар партия сафларини тарк этишди. Мўътадил «янгиланганлар» эса консерваторлар қаршилигини бартараф этиб, СССР асосий мақсадининг иккинчи қисмини қайта кўриб чиқиб марксизм-ленинизм концепциясини нафақат халқ оммасига балки, коммунистларга ҳам тушунарсиз бўлган бошқа социализм концепцияси билан алмаштиришди.

Съезд «инсонпарвар демократик социализм сари» шиорини қабул қилдики, у

плюралистик демократик ва ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган бўлиб, мулкчиликнинг турли шакллари ва «бошқариладиган бозор муносабатлари»ни тан оларди. Мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши керак эди. Бу ғояларни КПССнинг янги дастурига киритишга қарор қилинди.

Бунда партиянинг етакчилик роли, хилма-хилликка асосланган демократия шароитида ғояларни ишлаб чиқиш, оммани тарбия қилишга йўналтиришдангина иборат бўларди. Партия энди республика партияларининг федерациясига айланиб ва унинг сиёсий бюроси эса республика раҳбарларидан сайланарди. Қайта ташкил қилинган МК ўзгарган шароитда партияни фаоллаштириш йўллари қидирар ва кескин вазиятларга мўлжаллаб яширин молиявий захиралар шакллантира бошлади.

Аммо на партия ходимлари ва на оддий коммунистлар уларнинг тажрибаси ва илгариги тасаввурларидан кескин фарқ қилувчи ғояларни амалга тадбиқ қилишга қодир эмас эдилар. МКга хабар беришича илгариги кўпгина ташкилотлар ишдан чиқди, маҳаллий жойларда ташкил қилинганлари эса ишлолмас эди. «Маҳаллий раҳбарларга йўналтирилган МКнинг қарорлари бекорга кетар, уларни ҳеч ким амалга ошира олмасди. Халқ билан мустаҳкам боғланмаган партия аппарати ўз қозонида қайнаётган эди», - деган хабарлар МКга етиб келарди. Халқ КПСС ишини кўрмас ва сезмас эди. Партия қаердадир идораларда эди. Кўпчилик КПССни тарк этди. 1990 йил январ ойидан 1991 йил январ ойигача унинг аъзолари сони 19,2 дан 16,5 миллионга тушди. қолганлар эса фақатгина расман партия таркибида эди.

Партия сиёсий кучдан маҳрум бўлди. Сиёсий бюро эса ўз таркиби устидан бошқарувни қўлдан бой берган ва республикалар манфаатларини мувофиқлаштирувчи органга айланиб қолган бўлиб, олигархия хусусиятларидан маҳрум бўлди ва бошқа идеократия (мафкура устунлиги)нинг олий инспекцияси бўлмади қолди.

Коммунистларнинг асосий мақсадидан воз кечилиши билан парчаланган «реал социализм»ни ҳеч қандай кучга эга бўлмаган инсонпарвар демократик социализм ғояси билан алмаштиришга уринишга қарамасдан идеократия империя билан биргаликда йўқолди. СССР мақсадлари утопияга айланди, у буюк мақсадга эришиш учун тузилган ва ривожлантирилган мамлакатга умуман ўхшамай қолди. Аммо 1990 йилда рўй берган чуқур ўзгаришлар-нинг тан олиниши учун илгариги давлат ва партия тақдирини ҳал қилиш учун бир йилдан ортиқроқ курашишга тўғри келди.

Консерватор коммунистлар билан биргаликда социалистик йўлни танлаган Горбачев уларга мос келмайдиган демократик социализм сари юришга ҳаракат қилиб, бозор ислоҳоти ва СССРни янгилаш йўллари излади. У социализмга бўлган садоқатини фаоллашган либерал демократик кучлардан ҳимоя қилиб, социализм ва либерализмни бирлаштиришга ҳаракат қилди.

Давлат бошқаруви ва меҳнат жамоаларининг ўз-ўзини бошқарувида юзага келган қийинчиликларнинг объектив ва субъектив сабаблари дезинтеграция (парчаланиш)га ва ишлаб чиқариш ҳамда тақсимотнинг қисқаришига олиб келди. Н.Рижков ҳукумати бир неча йилга мўлжалланган режаларни, социалистик иқтисодиётга ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини жорий этиш дастурини ишлаб чиқди. Аммо уни амалга ошириш шarti парчаланаётган совет хўжалигининг барқарорлашувидан иборат деб ҳисобланди. Аммо бунга эришилмади. Рижков ҳукумати «мафкуранинг иқтисодиётдан устунлиги»ни бартараф этолмасли-гини тан олди. Бунинг устига талаб йўқ бўлган маҳсулотни ҳар қандай вазиятда ҳам ишлаб чиқариш давом этаётган эди. Ҳукумат озик-овқат нархларини унинг таннархи билан мувофиқлаштирувчи зарур, аммо машҳур бўлмаган қонунларни қабул қилишни ҳам уддалай олмади.

Ўзгаришларни ривожлантириш мақсадида Горбачев 1990 йил ёзида Россия Бош вазири ўринбосари Г.Явлинский томонидан таклиф қилинган ва РСФСР Олий Совет томонидан маъқулланган «500 кун» дастурини қўллаб-қувватлади. Бу дастур бозор муносабатларига ўтиш учун нархларни тезда эркинлаштириш ва корхоналарни хусусийлаштиришни кўзда тутарди. Аммо СССР Олий Совети мумкин бўлмаган нарсани,

яъни Рижков дастури билан бирлаштиришни сўрадики, у мамлакатдаги ўзгаришларни издан чиқарди.

1990 йилда «мамлакат ҳукумати хўжалик бошқарувини қўлдан бой берди» - деб ҳисоблади Қозоғистон раҳбари Н.Назарбоев. Йил охиригача инвестициялар 4%га, саноат ишлаб чиқариши 1,2%га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши 2,3%га, Ялпи Миллий Маҳсулот (ЯММ) 2%га камайди. СССР Ялпи Миллий Маҳсулоти АҚШ Ялпи Миллий Маҳсулотининг 10%ини ташкил этди. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши ишсизлар сонини кўпайтирди. Давлат бюджети танқислиги ва уни қоплаш учун эмиссия анча ўсди, ҳукумат меҳнатга ҳақ тўлашни оширмади, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар тобора камайиб борди. Инфляция бир йилда 119%ни ташкил этди. Унинг кескин ошиши билан жинойтчилик тобора авж олди.

Қайта қуришдан ўз аҳволи яхшиланишини кутган халқ норози эди ва унинг кутилмаган оқибатларидан ғазабга келарди. Турмуш даражасининг ёмонлашуви ва ислохотларнинг секинлигига қарши оммавий чиқишлар кўлами 1990 йилда СССРда мисли кўрилмаган даражада кўпайди. Йил давомида 16 миллион одам иштирокида 10 минг митинг, намойиш ва иш ташлашлар рўй берди. Уларнинг 2/3 қисмида тўқнашувлар, тартиб бузишлар рўй берди. Иш ташлашларда 17 миллиондан ортиқ киши соат (иш самарадорлиги бирлиги) бой берилди. Бу хўжаликни янада издан чиқариб, мамлакатни сиёсий барқарорликдан маҳрум қилди. Бу В.Павлов ёзганидек, «ҳамма нарсани қамраб олган инқирознинг барча кўринишларида намоён бўлишидан» далолат берарди.

Мустақиллик маршлари

Тоталитар тузумнинг қулаши, жамиятнинг парчаланиши, ҳокимият самарадорлигининг пасайиши ва мафкура устуворлиги-нинг сусайиши билан олдинги мазмунини йўқотган давлатчилик-нинг парчаланиши бошланди. Бутуниттифок манфаатлари устувор-лигининг бузилиши ва хўжаликнинг марказлашган бошқарувининг йўқолиши билан элатлар, миллатлар ва маҳаллий минтақалар манфаатлари олдинги саҳнага чиқди.

Ошкоралик, миллий чиқишларнинг фаоллашуви, миллий ҳаракатлар ва ташкилотларнинг пайдо бўлиши ҳамда кучайишига ёрдам берарди. Бу ташкилотлар ва ҳаракатлар СССР таркибида ўз ҳудудлари ёки мунозаравий минтақаларда яшовчи, турли хил фазаларда, ижтимоий шаклларда турган 150 дан ортиқ элатларнинг хилма-хил интилишларини ифода этарди. Умуман миллий ўзликни англаш ўсиши натижасида 1990 йилга келиб СССР аҳолисининг атиги 10%и ўзини «Совет халқи»га мансуб деб билса, қолганлари узларини ўз халқи, миллат ва қабилаларига тегишли деб ҳисобларди.

Қайта қуришнинг биринчи йилларидаёқ СССРда миллат-лараро муносабатлар мураккаблашди. Руслаштиришга қарши, шимол халқларининг тирик қолиши учун, қатағон қилинган халқларни тўла реабилитация қилиш талаби билан, кичик миллатларга қарши сиёсатни қоралаб ва мухториятларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга чақирувчи чиқишлар юзага келди. 1988-1991 йилларда бу соҳада 150 дан ортиқ тўқнашувлар рўй берди. Уларнинг 20 тасида қурбонлар бўлди, 600 киши ҳалок бўлиб, ўн минглаб кишилар қочишга мажбур бўлди. Сумгаитдаги арманларнинг қонли тўқнашуви, Тоғли Қорабоғдаги арман-озарбайжон уруши, Фарғона водийси, Янги Ўзган, Абхазия, Дубоссари, Жанубий Осетия, Ингушетиядаги миллатлараро тўқнашувлар авж олди. Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги уруш мамлакатни ларзага келтирди. Иттифок маркази бу воқеаларнинг олдини олишга на қурбонлар сабабчиларини жазолашга ва на баҳс мунозараларни ҳал этишга муваффақ бўлди. Бу унинг обрўсини туширди.

Иттифокдош ва баъзи мухтор республикаларда миллий ҳаракатлар, асосан, она тили ва маданиятни ҳимоя қилишдан, миллий ўзликни англаш, тикланиш ва қайта қуришни кўллаб-қувватлашдан бошланар эди. Россиядан ташқари барча республикаларда миллий тилга давлат тили мақомининг берилиши идеократия томонидан яратилган ягона рус тилидаги бошқарувни йўққа чиқарди. Миллий маданият устунлигини таъминлаш, уни

СССРнинг барча халқлари маданиятини бирлаштирувчи «социалистик мазмун»дан холос этарди, СССРнинг маданий-мафкуравий бирлигига зарба берарди. Миллий ўзликни англашнинг тикланиши миллий манфаатларнинг социалистик ва Бутунитифок манфаатларидан устунлигини билдирар эди. Бунда 1991 йилга келиб шу нарса маълум бўлдики, иттифокдош республикалар ўртасидаги 23 маъмурий чегаралардан атиги учтасида тўкнашлар рўй бермаган.

Шу билан бирга кичик миллатлар - турли республика ва мухториятлардаги 60 миллион кишининг худудлари ва маданиятининг ривожланиши ҳамда Шимол кам сонли халқларининг сақланиб қолиши муаммолари кескинлашди.

Аҳолини энг зарур нарсалар билан ўзлари таъминлаш кераклигига ишонч ҳосил қилган республика раҳбарлари республикаларни хўжалик ҳисобига ўтказишни талаб қилдилар. Бу нарса республикаларни халқ хўжалиги комплексининг асосий субъектларига айлантирилишини билдирар эди. СССРдаги ишлаб чиқаришнинг 80%ига эгаллик қилувчи соҳавий идоралар бунга йўл қўйишни истамас эдилар. Сиёсий Бюро, 1990 йилда энг аввало бу идораларнинг манфаатларини ҳисобга олиб шу қарорга келдики, республикаларга уларда яратиладиган бойликнинг кўпи билан 15%ини қолдириб, 85%ини Иттифок марказий идораларига бериши керак эди. Бу республикаларни ҳеч қониқтира олмас эди ва улар ўзларига конституция тақдим этган, аммо аслида сароб бўлган мустақиллик суверенитетларини амалиётга оширишларидан бошқа чоралари қолмади. Унинг эълон қилиниши ва амалга тадбиқ этилиши республикалардаги барча ишлаб чиқариш ва табиий ресурслари устидан республикалар ҳокимиятининг ўрнатилишига, республика қонунларининг иттифок қонунларидан устунлигига ва мустақил ташқи сиёсатга эга халқаро муносабатлар субъекти ҳуқуқларига эга бўлишга қаратилган эди.

Кўпчилик республикаларнинг мустақиллик декларацияларида уларнинг СССР таркибидан чиқишлари қайд этилмаган бўлса-да, мустақилликнинг амалга оширилиши республика раҳбарлари сўзлари ва хоҳишларидан қатъий назар Иттифок марказига бўйсуннишни пучга чиқарар, Иттифок давлатчилигини барбод қиларди. СССР таркибидан чиқишни республикалар ўз мустақиллик декларацияларида баён қилишди. Марказ республикалар устидан ҳукмронликдан махрум бўлди ва СССР парчалана бошлади. Улар бу республикалар ўртасида ягона мафкуравий-сиёсий йўналиш ва ҳаётий мақсад бўлганда янги конфедератив муносабатлар ўрнатилиши мумкинлигини инкор этмас эди; аммо бу СССР эмас, балки бошқа бир мазмундаги конфедератив давлат бўлар эди.

Горбачев 1988 йилдан бошланган республикаларнинг кетма-кет мустақилликларини эълон қилишларини киноя билан «суверенитетлар марши» деб атаган эди. 1988 йил ноябрь ойида Эстония олий совети мустақиллик декларациясини маъқуллади ва республика конституциясига ҳам мос ўзгартишлар киритди. Келаси йил май ойида эса СССРдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1989 йил кузида Грузия аҳолисининг кўпчилиги унинг мустақиллигини тиклаш учун овоз берди ва 1991 йил апрел ойидаги референдумдан сўнг мамлакат мустақил деб эълон қилинди. Молдавия республикаси 1989 йилда ўзининг суверенитетини, 1990 йилда мустақиллигини эълон қилди. 1990 йил баҳорида Литва ва Латвия ўз мустақиллик ва суверенитетларини тиклаб олишди. 1990 йил ёзида Россия, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг суверенитетлари эълон қилинди. 1990 йил октябрида Қозоғистон, декабрида Қирғизистон ўз суверенитетларини эълон қилдилар. 1990 йилда иттифокдош республикалардан ташқари Тоғли Қорабоғ, Абхазия, Жанубий Осетия, Гагаузлар республикаси ва Днепр бўйи Молдавия республикаси ўз суверенитетини эълон қилди.

Бўлиб ўтган янгиланишларнинг ташқи томонидан кўра ички прициал ўзгаришлари муҳимроқ эди. Кўпчилик республикаларнинг суверенитети ва мустақиллик эълон қилишлари уларда ҳокимият тепасига миллий-либерал, миллий демократик ёки либерал-демократик кучларнинг келиши билан боғлиқ эди. Улар ёки улар томонига ўтган илгариги раҳбарлар содиқ коммунистларни ҳокимиятдан четлаштирар ёки ўзларига бўйсундирар, социалистик йўлдан воз кечар, миллий, либерал ёки демократик кадриятларни қўллаб-

қувватлар эдилар. Республикалардаги ижтимоий-сиёсий тизим шунга мос равишда ўзгариб борарди. Уларнинг баъзиларида мустақилликка ва янги йўлга фаол қаршилик кўрсатган коммунистик ташкилотлар таъқиқланиб, уларнинг мулки миллийлаштирилган эди.

Республикалардаги ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий-сиёсий соҳадаги йирик тафовутлар уларда ягона ва бир вақтда амалга ошириладиган ислохотларни йўққа чиқарар, уларда янги мафкуравий-сиёсий йўналишнинг ишлаб чиқиши эса уларнинг мустақилликка бўлган интилишларига нисбатан анча номутаносиб эди. Бу жараён 1988 йилдан бошланиб, 1990 йилда кўпгина республикаларда рўй берди ва 1991 йилнинг охирига келиб, социалистик йўлга содиқ бўлган коммунистлар фақатгина Белоруссия, Озарбайжон ва Тожикистонда ҳокимият тепасида қолган эди. Бу республикаларнинг суверенитет ва мустақиллик эълон қилишларидан ҳам кўра СССРдаги социализмга йўналтирилган давлатчиликка қаттиқроқ зарба берилди. Ундан фақатгина харобалар қолди, холос. Ўша пайтда республикаларнинг мафкуравий-сиёсий узоқлашувининг аҳамиятини халқлар у ёқда турсин, балки баъзи раҳбарлар англамаган бўлса-да, айнан шу нарса ягона давлат парчаланишини қайтмас жараёнга айлантирди.

Республикалар учун мустақилликка ва суверенитетга эришиш, айниқса, мафкуравий сиёсий йўлни ўзгартириш осон бўлмади, Горбачев Сиёсий Бюро, Марказий кўмита, КПССнинг съезд ва конференциялари, ҳамда халқ депутатлари съезди республика-ларнинг суверенитетга эга бўлишларига иложи борича қаршилик кўрсатди. Сиёсий Бюро ва МКнинг миллий сиёсатга бағишланган пленумларидан бирида, партия съездлари томонидан Совет раҳбариятининг бир қатор элатларга нисбатан йўл қўйган хатолари шарҳлаб берилди, «Ленинча миллий сиёсат»га киритилган тузатишлар тушунтирилди. Уларнинг раҳбарлари миллий ҳаракат ўчоқларида бўлишди, МКнинг Болтиқбўйи республикалари бўйича махсус комиссияси тузилди. Горбачев республикаларга тобора кўпроқ аҳамият берарди. Иттифокнинг партия ва совет органлари республикаларнинг раҳбарлари ва халқларига қаратилган кўп сонли мурожаатларида ва оммавий ахборот воситалари орқали республикаларнинг СССРдан ташқари яшай олмаслигини ва муваффақиятли қайта қуриш ва халқлар фаровонлиги учун Иттифок давлатини сақлаб қолиш зарурлигини исботлашга ҳаракат қилишарди. Иттифокдош ва мухтор республикалар эркинлигини кенгайтириш, Иттифок марказига эса фақат умумий муаммоларни ҳал қилиш ваколатини бериш таклиф қилинди. Аммо шу билан бирга социалистик йўлнинг устунлиги, ягона давлатнинг олий раҳбарияти белгиловчи жамият манфаатлари ҳимоя қилинарди. Илгаригидек миллий манфаатлар устунлиги-миллатчилик ва социалистик йўлдан воз кечиш қатъий қораланар эди. Бу эса келишмовчиликларнинг сабаби эди.

Республикаларнинг суверенитетига интилаётган раҳбарларни худбинлик ва мансабпарастликда айблаларди. Республикалардаги мустақилликка қарши бўлган кучлар байналмилал фронтлар, коммунистик ташкилотлар ва ҳоказолар очикчасига ва яширинча қўллаб-қувватланди. Иттифокдош республикалардаги мустақиллик-ка интилишни айирмачиликни қўллаб-қувватлаш, яъни улардаги кичик миллатларнинг (абхазлар, осетинлар, ёқутлар, поляклар, гагаузлар ва бошқалар) суверен бўлишга интилишлари билан қўрқитиш орқали тўхтатишга ҳаракат қилинди. Мустақиллик эълон қилган республикаларга қарши иқтисодий жазо (санкция) чоралари, қамаллар қўлланди. Бу чоралар республикалар хўжалиги ва аҳолисига зарар келтирди, аммо миллатчи-ватанпарварларни тўхтата олмади.

Иттифок ҳукумати суверенитетга эришишга қаратилган республикалар қонунларини бекор қилувчи қонунларни қабул қилар, республикалар ҳукуматлари эса ўз қонунлари устунлигида устивор эдилар. Иттифок ҳукумати томонидан қабул қилинган қонун республикаларнинг СССРдан чиқишини бутуниттифок референдумида маъқулланганидан кейингина рухсат этишлигини маълум қилди. Аслида бу СССРдан чиқмаслик тўғрисидаги қонун бўлиб, республикалар уни эътиборга олишмади.

1988-1990 йилларда Ереван, Степанокерт, Душанбе, Тбилиси, Боку ва бир қатор бошқа шаҳарларда мустақиллик тарафдорларига қарши қуролли кучлар ишлатилди, қуролланган махсус қисмлар сафарбар қилинди. Бунинг оқибати юзлаб қатл этилганлар, ярадорлар ва ҳибсга олинганлардан иборат бўлди. Аммо қуролли кучлар қаршиликка ва парчаланаётган тузумга қарши бўлганларнинг кучайиб бораётганлигига дуч келди. Ҳатто йирик оммавий намоишлар қўшинлар ёрдамида бостирилган Ереван, Душанбе ва Бокуда миллий ҳаракатлар янги куч билан аланга олди.

Россияда 1990 йил январидаёқ Россия халқ депутатлари съездида тайёргарлик давомида «Демократик Россия» блоки тузилган эди. Баҳорга келиб унга янги тузилган бир қатор партиялар қўшилди ва у либерал-демократик тус олди. Унинг аъзолари сони атиги бир неча ўн минг кишидан иборатлигига қарамасдан, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устунлиги, демократлаштириш ва Россия суверенитетини қўллаб-қувватловчи шиорларини РСФСР нинг барча минтақаларида рўй бераётган митинг, намоиш ва стачкалар (иш ташлашлар)нинг юз минглаб қатнашчилари қўллаб-қувватлаётган эди.

Россиянинг кўпгина коммунистлари «инсон қиёфасидаги социализм» тарафдорларига айланишди ва КПССда «Демократик қанот»га ён босдилар. Баҳорда бўлиб ўтган Россия компартияси-нинг таъсис съезди (қурултойи)да «делегатлар партиясининг асосий вазифалари ҳақида ҳеч қандай тасаввур йўқлиги» таъкидланди. Аммо сиёсий бюро ёрдами билан съездда консерваторлар ғалаба қилишди ва республика компартиялари ичида энг кўп сонли бўлган Россия компартияси Демократик Россияга қарши қўйилди.

Турли партиялар ўртасидаги кескин кураш 1990 йил баҳорида Россия халқ депутатлари съезди сайловида бўлиб ўтди. Сайланганларнинг 86%и коммунистлардан иборат эди, аммо уларнинг кўпчилиги компартия кўрсатмаларига энди бўйсунмас эди. Шунинг учун Россия Олий Совети шаклланишида либерал демократлар қатъий ғалабага эришишди. Горбачев томонидан қўллаб-қувватланаётган номзодларга қарши кескин курашдан кейин РСФСР Олий Совети раиси этиб Б.Ельцин сайланди. Бундан ташқари бу Олий Совет 1990 йилнинг 12 июнида Россияни суверен, яъни ўз ишлаб чиқариш ва табиий ресурсларининг тўлақонли хўжайини деб эълон қилувчи декларацияни қабул қилди. Декларация Россиянинг ижтимоий-сиёсий тузилишини янгилаш йўлидан биринчи қадам бўлиб, халқ ҳокимияти, ҳукуматнинг тақсимланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва Россия қонунларининг устиворлигини эълон қилди. Бу сана Россиянинг мустақиллиги байрами кунини бўлди. Кейинчалик ҳукумат тўғрисидаги декрет орқали Россияда КПССнинг раҳбарлик мақомини бекор қилишга киришилди. 1991 йил бошида эса Россия Олий Совети «РСФСРда мулк тўғрисида»ги қонунни қабул қилдики, у ишлаб чиқариш воситалари, жумладан ернинг хусусий мулк бўла олишини эътироф этди.

Россия ва бир қатор бошқа иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка эришиши ва либерал йўналишни танлашга интилишлари маркази «социалистик йўлга» содиқ қолувчи СССРни парчалади. Сиёсий Бюро «барқарор тартиб бузилганини, кўп миллатли Совет давлатининг бирлиги хавф остида қолганлигини» эътироф этишга мажбур бўлди.

Ғайриихтиёрий инқилоб ва бутунлай қулаш

Социализм ҳимоячилари билан либерализм тарафдорлари ўртасида унитар (мамлакат бир бутунлигини сақлаб қолмоқчи бўлган кучлар билан) миллий суверенитет курашчилари ўртасидаги қарама-қаршиликлар тобора кескинлашиб борар ва ҳукумат назоратидан чиқа бошлаган эди.

Бир неча муваффақиятсизликлар ва Россиядаги йирик мағлубиятга қарамасдан Горбачев социализмни қайта қуриш учун курашни давом эттирди ва СССРни янгилаш шиорини ўртага ташлади. 1990 йил охирида тажовузкор консерваторларнинг ишончсизлиги ва маломатларига қарамасдан у фаоллашган социализм ва СССР

ягоналигини либераллар ва миллатчилардан ҳимоя қилувчиларнинг «соғлом консерватизми»га ижобий баҳо берди. Бу консерваторлар ва «демократик социализм» тарафдорларини бирлаштириш мақсадида Горбачев ўзини «центрист» деб, қайта куриш муваффақиятини эса Иттифокни янгилашнинг мақсади деб эълон қилди.

1990 йил охири-1991 йил бошида у СССР халқ депутатлари съезидан фавқулудда ваколатлар олишга, Вазирлар маҳкамасига айланган Совет ҳукуматини қайта тузиб ўзига бўйсундиришга эришди. «Центристлар» ва консерваторлар национализм ва либерализмга қарши курашни кучайтиришди. 13 январь 1991 йилда Вильнюсда оммавий ахборот воситалари марказларига десантчилар билан ҳужум қилиниши, коммунистларнинг Литва, Латвия ва Эстонияда ҳукуматни қайтариб олишга уринишлари ватанпарварларнинг қаршилигига дуч келиб мағлубиятга учради ва СССР аҳолисининг катта қисмининг нафратини уйғотди. РСФСР ҳукумати Болтиқбўйи ватанпарварларига ён босди. Миллатчи ва либерал-демократик кучлар барча республикаларда фаоллашди. Уларни бостиришга тайёрланиб Иттифоқ ҳокимиятлари турли хил ҳарбий идораларнинг қуролли кучлари устидан ягона раҳбарият ташкил қилди. «Ривожланишнинг сафарбарлик модели» - авторитар тузумнинг «бошқарилувчи демократия» сари йўналтирилган концепцияси ва фавқулудда ҳолатни жорий қилиш режалари ишлаб чиқилди.

КПССнинг парчаланишини тўхтатиш, XXVIII съезд қарорлари асосида партия ташкилотларини бирлаштириш ва уларни миллатчилар ва либерал-демократларга қарши ҳужумга сафарбар қилиш чоралари кўрилди. 1991 йил март ойида 15 республикадан 9 тасида референдум ўтказилди. Унда фуқароларнинг катта қисмини ҳақиқатга ҳилоф тарзда мамлакат буюклигини ўз фаровонлиги гарови деб ҳисоблаб, аммо унинг янгилашини истаган ҳолда, янгиланган Иттифокнинг сақлаб қолиши учун овоз берди.

Бу Горбачев ва унинг иттифоқчиларининг Россия мустақиллигини талаб қилувчиларга қарши курашда фаоллашишига ёрдам берди. 1991 йил март ойининг охирида иттифоқ ҳукумати Россия депутатлари съезди бўлаётган пайтда Москвага қўшин киритиб Ельцинни оғдаришга ва четлатишга уриниб кўрди. Аммо унинг либерал-демократик ўзгаришлар билан аҳоли аҳволини яхшилаш ҳақидаги ваъдаларига ишонган кўпгина шаҳарликлар кўчаларга чиқиб Ельцинни ҳимоя қилди. Съезд талабига кўра кўшинлар Москвадан олиб чиқилди, съездда эса коммунистларнинг чиқишлари бирор бир натижа бермади.

Бу муваффақиятсизлик консерваторларни Горбачевдан либерал-демократик кучларга нисбатан қатъийроқ чоралар кўришни талаб этишга ундади. «Биз-деган эди ўзининг ташаббусга, фаолликка бўлган ҳуқуқини исботлаётган Ўзбекистон раҳбари И.Каримов - Бу ерда (Москвада) қабул қилинган қарорларнинг асири бўла олмаймиз». МКнинг апрел Пленумидаги консерваторларнинг таъна-маломати Горбачевни бош қотиблик лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур қилди. Мажлис аъзоларининг кўпчилиги буни қабул қилмади, аммо Горбачевнинг ўз обрўсини йўқотганлиги яққол кўриниб қолган эди.

Социализм ҳимоячиларининг либералларга қарши кураши Россия президентлигига умумхалқ сайловлар вақтида янада кучайди. Горбачев ва Ельциннинг ўзаро шахсий адовати нимадалигидан қатъий назар, улардаги зиддиятнинг моҳияти мамлакатни тараққий эттиришнинг турли йўллари, социалистик ва либерал йўллар учун курашдан иборат эди. Уларнинг республикалар мустақиллигига турли муносабатда бўлиши ва ҳокимият учун кураши ҳам шу билан белгиланар эди. Горбачев ва унинг иттифоқчилари томонидан барча кучларни Ельциннинг рақиблирини қўллаб-қувватлашга сафар этганларига қарамасдан 1991 йилнинг июнь ойида сайловчиларнинг 57%и ислохотлар ўтказишга ваъда берган Ельцин учун овоз берди. Ельцин Россиянинг президенти бўлди. Шундай қилиб, кўпчилик Россияликлар келажак ҳақида ҳеч қандай тасаввурларсиз либерал-демократик йўлни танлади. Энг йирик иттифоқчи республика - Россияда коммунистлар ҳокимиятни қўлдан бой бердилар.

1991 йил ёзига келиб, Сиёсий Бюро аниқлашича, «кўпгина партия қўмиталари ва

ташкilotларнинг фаол сиёсий ишга тайёр эмасликлари аниқ бўлди», «мамлакатнинг кўпгина минтақала-ридаги» советларга эса «тарқатиб юборилиш тахдиди солинар эди». Жойлардан хабар берилишича «аҳоли ва коммунистларнинг ўзи КПСС раҳбарияти сиёсатини тушунмай қолдилар» ва «халқ қайта қуриш сиёсатига нисбатан ўзининг ишончсизлигини баён қилди».

В.Павлов раҳбарлигидаги СССР министрлар кабинети ишлаб чиқаришни ўстириш, аҳоли таъминотини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат молларининг анъанавий нархлари нисбатини бартараф этишга бўлган ҳаракатларни фаоллаштирди. Мудофаа харажатларини министрлар кабинети раиси «халқ хўжалиги учун оғир юк» деб атади. Ҳарбий ишлаб чиқаришни беш йил ичида атиги 10%га қисқартириш режалаштирилди, аммо давлат буюртмаларини бажариш учун воситаларнинг йўқлиги совет иқтисодиётининг бу асосий қисмини фалажлаштирган эди. Горбачев ўз инвестицион сиёсатида «экологик муаммоларни самарадорликнинг гарови сифатида биринчи ўринга қўйишга» қақирди. Аммо маблағ ажратиш (инвестиция) учун мамлакат фондлари етмас эди ва ҳукумат уни топишга ҳам қодир эмас эди.

КПСС раҳбариятининг изоҳлашича «партия мулкчиликнинг барча турлари тенг ҳуқуқлигини ёқлаган ҳолда унинг жамоавий шакллари маъқуллайди». Ҳукумат томонидан давлат мулки бир қисмини хусусийлаштириш, аренда (ижара)га кўп эътибор бериш, хорижийларнинг мамлакат бойликларига эгалик қилишларига йўл қўймасликни кўзда тутувчи хусусийлаштириш лойиҳаси тайёрланди. Аммо яқка тартибдаги ва кооператив фаолият, кичик тадбиркорликнинг аланга олиши ва ҳиссадорлик жамиятларини тузиш, директорлар ва ишлаб чиқариш коллективлари томонидан корхоналарнинг ижарага ёки сотиб олинишининг авж олиши бу режалар доирасидан чиқиб улгурган эди.

Бироқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ўсмади. «Бутун мамлакат бўйича товар айирбошлаш ва ўз маҳсулотларини сотиш ҳажми савдо вазирлигининг Сиёсий Бюрога хабар беришича - 1990 йил апрел ойига нисбатан яримга, бир қатор республикаларда (Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон) эса бундан ҳам кўпроқ қисқарди». Аҳоли учун зарур моллар танқислиги сабабли, уларни тарқатишни талон тизимини жорий этиш орқали тартибга солишга ҳаракат қилинаётганлигидан қатъий назар, нархлар ва навбатлар, олиб-сотарлик ва жинойтчилик ўсаётган эди.

Иттифоқ марказидан зарур восита ва молларнинг келишидан умидини узган республикалар ҳокимиятлари озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг ўз республикалари худудидан олиб чиқилишини ва марказ учун мўлжалланган даромадларни чеклай бошлади. Бу ўз навбатида молиялаштиришнинг идоровий ягоналиги «илдизига болта урар эди». Шу билан бирга ишлаб чиқарилган воситаларининг танқислиги ва рубльнинг қадрсизланиши корхоналарни ҳеч ким томонидан назорат қилинмайдиган тўғридан-тўғри товар айирбошлаш – бартер усулига ўтишга мажбур қилди.

Давом этаётган оммавий норозилик ва элатлараро тўқнашувлар халқ хўжалигига катта зарар (ўнлаб миллиард рубль) етказди. Натижада фақатгина 1991 йилнинг дастлабки ойларида 650 минг киши зарар кўрди. Бунинг оқибатида 1991 йил натижасига кўра ишлаб чиқариш 8%га, ЯММ-17%га пасайди, истеъмол моллари нархлари қарийб 2 баравар ўсди, давлат бюджети камомади ЯИМнинг 20%и гача ўсди, мамлакат олтин захираси эса 1,5 минг тоннага тушиб қолди.

Ҳукумат инқирозга қарши иқтисодиёт ва сиёсатни барқарорлаштиришга қаратилган чораларни режалаштирди. Уларни амалга ошириш учун унга республикалар иқтисодиёти ва молиясини бўйсундирувчи кенг ваколатлар керак эди. Аммо марказ бу ҳокимиятни қўлдан бой берган эди. Консерваторлар кўллаб-қувватлашига қарамай Горбачев Иттифоқни янгилаш ва фавқулодда чораларсиз социалистик йўналишни сақлаб қолишга умид қиларди. Аммо бу умидларнинг муваффақияти кафолатланмаган эди.

Президент Иттифоқни 6 республика тарқатганлигининг асосий сабаби уларнинг социалистик йўналишдан воз кечиши ва бошқа қадриятларга юз тутишида эканлигини тан

олмас эди. У ҳали иттифокни тарк этмаган бир қатор республикаларда турли хил носоциалистик йўналишларга бўлган мойилликка ҳам эътибор бермас эди. Афтидан, у Иттифокнинг сақланиб қолиши бундай ҳолатларни бартараф этади деб умид қиларди. Горбачев 8-9 республика раҳбарлари билан кўп мартаба учрашди. Июл ойининг охирига келиб улар ўртасида янги Иттифок шартномаси-марказ ваколатларини чекловчи ва аралаш мафкуравий-сиёсий йўналишга эга бўлган федерация тузиш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси келишиб олинди. Иттифок ҳақидаги янги шартноманинг имзоланиш куни 20 август қилиб белгиланди.

Вазият ниҳоятда кескинлашган эди. ғазабланган консерватор-лар, Иттифок тўғрисидаги янги шартноманинг имзоланиши марказий ҳокимиятнинг ниҳоятда чеклаб қўйилишига, мамлакатни социалистик тараққиёт йўлидан маҳрум қилинишига ва бир қатор республикаларнинг ундан чиқиб кетишига олиб келади, деб ҳисоблашарди. Вазиятга баҳо берган КГБ (ДХК.) раҳбари В.Крючков «бизнинг ватанимиз фалокат ёқасида турибди» деган эди. У СССРни ва «реал социализм»ни сақлаб қолиш тарафдорларини ва халқни бирлашишга чақирувчи «Халққа сўз» номли ҳужжатни эълон қилди. Янги иттифок шартномаси СССР Олий Кенгаши раиси А.Лукьянов ва кўпгина депутатлар томонидан танқидга учради. РСФСРда коммунистларнинг ҳокимиятни қўлдан бой беришлари ва корхона ва ташкилотларда КПСС ташкилотла-рининг тарқатиб юборилиши билан вазият янада оғирлашди. Ноябрь ойида янги дастур қабул қилиш учун КПССнинг съездини чақиришга қарор қилган М.Горбачев МК Пленумининг кўпчилик аъзолари томонидан танқид қилиндн.

Горбачев Қримда дам олаётган пайтида Крючков ва унинг атрофида тўпланган бошқа мансабдор шахслар вазиятдан фойдаланиб, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этиш режасини тайёрлашди. Москва ва Болтиқбўйида улар ўз тарафдорлари ва кўшинларни ҳал қилувчи ҳужумга қаратишди. Улар Қримда дам олаётган Горбачевга бу режалар ҳақида хабар беришди. У бу режага қарши эди, аммо уларга ҳалакит беришга уриниб кўрмади.

18 август куни СССР ва КПССнинг бир гуруҳ олий мартабали кишилари, жумладан, вице-президент, президент маъмурияти раҳбари, ҳукумат бошлиғи, КПСС МКнинг баъзи котиблари ва баъзи вазирлар президентнинг бетоблиги ҳақида хабар бериб мамлакат бирлиги ва социалистик тузумни сақлаб қолиш учун Фавқулодда Ҳолат Давлат қўмитаси (ФХДҚ) ташкил этилганлигини маълум қилди. Аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ваъда қилиб, қўмита мамлакатнинг бир қатор минтақаларида фавқулодда ҳолат жорий этилганлигини эълон қилди ва Иттифок шартномасининг имзоланишини бекор қилди. У КПСС тасарруфида бўлган оммавий ахборот воситаларидан бошқа ҳамма оммавий ахборот воситаларини тақиқлади, либерализм ва демократия тарафдорларига қарши чоралар кўра бошлади. Москвага кўшин киритиб, РСФСР ҳукумат органлари жойлашган Оқ уйга танкларни йўналтирди ва штурм қилишга қарор қилишди. О.Шенин томонидан чақирилган КПСС МК котибияти барча партия ташкилотларидан ФХДҚни вақтинча қўллашни талаб қилди ва сиёсий бюронинг бунга мос бўлган қарорини тайёрлади.

Аммо давлат аппарати ходимлари, жумладан ҳарбийлар ҳам ФХДҚ фармонларини бажаришга шошилмадилар. Ҳатто ФХДҚни қўллаган КПСС таркибидаги компартиялар ва баъзи республика раҳбарлари ҳам бунга мос чораларни кўришмади. Қозоғистон раҳбари Назарбоев ФХДҚни қўллаб-қувватламади, Болтиқбўйи республикалари раҳбарлари эса уни қоралашди. Деярли ҳамма жойда коммунистлар турли кайфиятда эди ва ҳатто ФХДҚга норозилик билдиришди. Бу КПССнинг тўла лаёқатсизлигини намоиш этди.

Россия ва бошқа республикаларда аҳолининг фаол қисми, ҳатто янгиланган Иттифокнинг сақланиши учун овоз берганлар ҳам очикчасига янгиланишга қарши турган путгача қарши эди, конун бузилганлигини, айникса қуролли кучларнинг ишга солинишини кескин қоралади.

Москвада давлат тўнтаришига қарши бўлганлар «Демократик Россия» блоки ва

РСФСР Олий Кенгаши атрофида тўпланди. Б.Ельцин танк устида туриб демократик ва эркинлик душманларига қарши курашга даъват этди. У ГКЧП (ФХДҚ) ишларини қоралади, СССР президентини ҳимоя қилди, РСФСР ҳудудида жойлашган барча қўшинлардан унга бўйсинишларини талаб қилди.

ФХДҚга қарши Оқ уй қаршисида тўпланган ўн минглаб кишилар норозилик билдирди. Улар баррикада қурдилар, қурол олишга ва ҳужумни қайтаришга ҳаракат қилди. 20 август куни ФХДҚ томонидан жўнатилган бронетехника (зирхли машиналар)га қаршилиқ кўрсатиш чоғида уч киши ҳалок бўлди. Санкт-Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарларида митинглар ва норозилик намоишлари бўлиб ўтди.

ФХДҚ Оқ уйни штурм қилиш ва омма қаршилигини синдиришга мавафқак бўлмади. У парчалана бошлади, барча республикалар ҳукуматлари ва ҳаттоки баъзи республика компартиялари раҳбарлари ундан узоқлаша бошлади. Тўртинчи куни унинг аъзолари қочиш кетишди ва ҳибсга олинди.

ФХДҚнинг мағлубияти ва Россияда либерал-демократик кучларнинг фаол ҳимоя қилиниши натижасида иттифокқа қаршли органлар ўз фаолиятларини тўхтатдилар ва уларни бошқараётган коммунистлар ҳокимиятни қўлдан бой берди, республикалар эса ҳаққоний мустақилликка эга бўлди. Либерал демократларнинг қутилмаган ғалабаси уларнинг Россиядаги ҳокимиятини мустаҳкамлади. Шундай қилиб 19-23 августда СССРда ихтиёрсиз инқилоб рўй берди ва ягона давлат энди мавжуд бўлмай қолди.

Москвага келган Горбачев «бутунлай бошқа мамлакатга келганлигини», раҳбарлари бошқа Пленумни чақиришга ҳам қодир бўлмаган КПСС бош қотиби лавозимидан маҳрум бўлганини фаҳмлади. У вазирларни ишдан бўшатди, иттифок ҳукумати ўрнига республикалараро иқтисодий қўмита тузди.

СССР халқ депутатларининг 2 сентябрдаги навбатдан ташқари съездида эълон қилинган 10 иттифокдош республика раҳбарлари-нинг янги давлат-республикалар конфедерациясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи олдинги давлат, яъни СССР парчалангани-нинг эътирофи этилгани эди. Съезд СССР Олий Кенгашини тузмади, балки ўз ваколатларини президент бошчилигидаги Давлат Кенгашига топширди. СССР давлат аппарати бутунлай парчаланди. Ельцин қарорига кўра 1991 йил ноябрда Россияда КПСС фаолияти таъқиқланди ва унинг мол-мулки давлат ҳисобига ўтди.

Республикалар ҳукуматлари энди ўз суверенитет ва мустақилликларини мустақкамлаш учун қайғуришлари керак эди, чунки баъзилари Россия раҳбариятидаги иттифок маркази функцияларини ўз қўлига олишга бўлган мойилликдан ташвишда эдилар. Болва (Путча)дан кейин тезда Молдавия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Украина, Озарбайжон, кузда Тожикистон ва Белоруссия, декабрда Қозоғистон ўз мустақилликларини эълон қилишди. Референдумлар сентябрда-Арманистон, октябрда-Туркманистон, 1-декабрда-Украина мустақиллигини тасдиқлашди. 1991 йил кузига келиб, хужжатларда акс эттирилмаган бўлса-да, СССР амалда мавжуд эмас эди.

Ҳаттоки Болқария ва Чеченистон республикаси (кейинчалик, Ичкерия) ҳам мустақил деб эълон қилинган эди.

СССР парчаланганлигининг халқ оммаси ва ҳаттоки сиёсий арбоблар томонидан англаб етилиши ҳақиқатдан анча орқада қолаётган эди. СССР давлат қўмитаси раиси президент Горбачев Иқтисодий қўмита томонидан таклиф қилинган республикаларнинг иқтисодий интеграцияси режасини маъқуллади. Унинг асосида 8 та мустақил республика раҳбарлари Горбачев билан биргаликда иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги Шартномани имзолашди. Уни амалга ошириш ва тасдиқлаш парчаланган хўжалик ва республикаларнинг аниқ хўжалик манфаатлари мавҳумлигига дуч келди.

Аммо Горбачев бундан кўпроқ нарсани талаб қила бошлади. Ўз маслаҳатчиларига таяниб, Б.Ельцин, Н.Назарбаев ва бир қатор бошқа республика раҳбарлари маъқуллаган конфедерация шаклидаги суверен давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқишга эътибор қаратди. Моҳиятан, гап собиқ давлатни, бор-йўғи президенти ва унинг идоралари ва рамзий белгиларигагина сақланиб қолган СССРни тиклаш ҳақида эмас, балки

янги давлат тузиш тўғрисида бораётган эди. Аммо шу билан бирга, Ново-Огарёводаги йиғилишларда катнашиб турган республикалардаги турли сиёсий ҳолатни ҳисобга олмасдан, социалистик йўналишни сақлаб қолишни таъкидлар эди. Табиийки республикалар раҳбарлари ўз қонун чиқарувчи органлари томонидан қараб чиқмасдан бу шартномага имзо қўя олмас эдилар.

Горбачевнинг 7 та республика раҳбарлари билан олиб борган узоқ ва оғир музокораларига Украинадаги референдум қақшатқич зарба берди. Бу давлатда қабул қилинган мустақиллик конфедерацияда катнашишни инкор қилар эди. Албатта, қайсики, 2-3 республика янги иттифоқ тузишлари мумкин эди, аммо у ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатдан 1988-1991 йилларда парчаланиб кетган илгариги иттифоққа тенглаша олмас эди.

Турлича ва унчалик аниқ бўлмаган сиёсий йўналишларда бўлган республикаларнинг социалистик йўналишдаги марказ билан конфедерация тузиши амри маҳол эди.

Бир ҳафта ўтгандан сўнг 8-декабр куни Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари Вискули (Беловеж пуҳа)да СССР нинг тугатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни имзолашди, унга «ўлганлик ҳақида гувоҳнома» беришди. 1988 йилда бошланган ва 1991 йил кузида яқунланган жараённинг кечиккан қайд этилиши рўй берди. Бу уларнинг мотивлари ва кайфиятлари қандай бўлишидан қатъий назар мустақил давлатлар қонуний раҳбарларининг сиёсий қарори эди. СССР парчаланганлиги тўғрисидаги қарорнинг моҳияти ва оқибатларини тўла тушуниб етмаган бўлсалар-да парчаланган собиқ империя ҳудудидаги барча республика раҳбарлари ва парламентлари маъқуллашди. Иттифоқнинг охири идоралари, жумладан, президент лавозими тарқатилди ва бекор қилинди.

Бу ҳужжатнинг мавжуд бўлган қонунларга мувофиқлигини муҳокама қилиш ортиқчадир, чунки сиёсий қарорлар кучлар нисбатига кўра қабул қилинади ва амалга оширилади. Бу қарор Вискулида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни яратиш тўғрисидаги келишувга имзо чекишга имкон берди. Унда МДХнинг бўлажак аъзоларига кам талаб қўйилган эди, ва декабр ойи охиригача унга умид боғлаб, кўпчилик собиқ Совет республикалар ҳукуматлари қўшилишди. Бундан ортиғига эришиш мумкин эмас эди. Бу ҳужжатлар ўша пайтда янги мустақил давлатлар ўртасида эришилган келишувнинг энг юқори даражаси эди.

Империя меросини тақсимлаш

Таназулга юз тутган идеократик империянинг мероси мамлакат, жамият, мафкуралар «реал социализм» иқтисодиёти ва давлатининг харобаларидан иборат бўлди. Бу харобалар Евросиё шимоли-шарқидаги 22403,2 минг квадрат километрга ёйилган эди. Бу ҳудудда қисман ўзлаштирилган дунё табиий ресурсларининг 27%и жойлашган, аммо унинг ҳудудининг 70%ини музлоқ ерлар ва экологик офат ўчоқлари камраб олган эди.

Аҳолиси 280 миллион, 130 миллатни ўз ичига олган ва умуман юқори даражадаги умумий саводхонликка эга бўлган мамлакат эди. Аммо бу саводхонликни соғлом эди дейиш қийин. Деярли ҳамма жойда саноат ишчилари етарли бўлсада, аммо юқори технология ходимлари жуда танқис эди. Энг асосийси улардаги меҳнатга муносабат ахлоқи паст даражада эди: меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатига жавобгарлик йўқ эди. Кўпчилик онгида ўн йиллаб давомида тарбияланган «текисчилик», ҳуқуқ ва мулкка эътибор бермасликка мойиллик устунлик қиларди. Бу ҳокимиятни илоҳийлаштириш ва ижтимоий боқимандалик, масъулиятсизлик, бардошсизлик ва зўравонлик билан уйғунлаштирилган эди. Ўзгаришдан кейин ҳам жуда оз кишилар ўз манфаатларини англаб, вазиятга тўғри баҳо бера олишди. Фуқаролардаги ички эркинлик аллақачон эришилган ташқи эркинликдан анча орқада эди.

Республикалардаги турли миллат вакиллари бўлган фуқаролар ўзларини ягона халқ деб англамай улар, қайси миллатга мансубликка кўпроқ эътибор беришарди. Кўплаб сондаги элатлар тараққиётнинг турли босқичларида турарди, улар турли ижтимоий шаклда эдилар. Уларнинг баъзилари йўқолиб бораётган эди. Элатлараро муносабатлар

оддий масала эмас эди ва бир қатор минтақаларда тўқнашувлар оқибатида анчагина мураккаблашган эди.

Совет мафқурасининг таназзулга юз тутганидан сўнг юзага келган ва фаоллашган турли хилдаги мафқуравий-сиёсий йўналишларнинг ҳеч бири гегемонлик қилишга қодир эмас эди. Омма «реал социализм» камчиликлари ва тузум жиноятларини, совуқ урушда ва энг ривожланган мамлакатлар билан беллашувда СССРнинг мағлубиятини тўла тушуниб етмаган эди. Бундай ҳолат имкониятларга тўғри баҳо бериш ва нотўғри даъволардан воз кечишга халақит берди. Кўпчилик олигархия ва компартиялар ўртасидаги фарқни, шунингдек, партиялар ва халқларнинг ҳар бирининг жавобгарлиги нимадалигини тушунмас ва парчаланган тузум жиноятларини одил жазолашни эплай олмас эди. Собик совет республикаларида коммунистлар фаолияти давом этди, рўзнома ва театрларнинг «коммунистча» номлари, собиқ тузум байрамлари (инқилоб, биринчи май, комсамол, чекистлар ва бошқалар), «совет ватанпарварлиги» ёдгорликлари ва туйғулари сақланди. «Реал социализм» даврида вояга етган ёшлардан тортиб кексаларнинг хотираларида авлодларда, ёшлиқдан А.Чехов айтганидек, «ўтмиш қандай бўлган бўлишидан қатъий назар, хотираларда фақат жонли, таъсирли ва шодли лаҳзаларгина қолади»...

Марказлашган бошқарувдан маҳрум бўлган барча айланма воситалар, стратегик хом ашёни қазиб олиш, курол ва ҳарбий материалларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва юқори технологиялар ўчоқларига эга бўлган қудратли саноат бутунлай тўхтаб қолди ва республикалар ҳудудлари бўйлаб парчаланиб қолди. Бирон бир республикада ягона, яхлит ва йирик ишлаб чиқарувчи комплекс қолмади. Фақатгина парчаланиб кетган ҳарбий-иктисодий объектлар ва фуқаролик ишлаб чиқариш элементлари бор эди, холос. Ўзаро кам боғланган ёки умуман боғланмаган корхоналарни ягона миллий иктисодиётга бирлаштириш учун республикалардан жиддий саъйи-ҳаракат ва вақт талаб қилинар эди. Бу саноат дастгоҳларининг кўпчилиги эскирганлиги, ҳарбий ишлаб чиқаришни фуқаролик ишлаб чиқаришига ўтказиш учун воситаларнинг йўқлиги билан янада оғирлашди. Қишлоқ хўжалиги ҳамма жойда самарасиз бўлиб қолган эди.

Республика ва мухториятлар бўйлаб парчаланган ва ягона партиявий марказдан маҳрум бўлган советлар тизими мазмунсиз саркитга айланиб қолди. Республикаларда суверенитетга мос бўлган давлат аппарати ўрнида илгариги идораларнинг харобалари бор эди.

1988-1991 йиллардаги «реал социализм» таназзули ва СССРнинг парчаланиши натижасида Евросиёнинг шимоли-шарқидаги улкан ҳудудда 15 та мустақил давлат пайдо бўлди. СССРнинг ранг-баранг ҳудуди, аҳолиси ва ишлаб чиқаришини мерос қилиб олган республикалар ўз йўлларини излашни уларга мерос сифатида берилган муаммоларни ҳал этишдан бошлашлари, «реал социализм» харобалари устида ўз келажакларини қуришлари керак эди.

Ҳар бир республикага ўз ҳудуди ва ундаги табиий бойликлар, аҳоли, ишлаб чиқариш корхоналари ва турли даражадаги аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи насиб этди.

СССР меросида республикалар улуши

№	Мамлакатлар	худуди %	аҳолиси %	ишлаб чиқариш %	Аҳоли жон бошига ЯИМ %
1.	Озарбойжан	0,43	2,6	1,8	56
2.	Арманистон	0,15	1,1	1,1	118
3.	Белорусия	0,93	3,5	3,8	106
4.	Грузия	0,35	2,0	1,8	90
5.	Қозоғистон	12,23	5,7	5,1	90
6.	Қирғизистон	0,89	1,4	1,0	60
7.	Латвия	0,28	0,9	0,7	133
8.	Литва	0,29	1,2	1,1	133
9.	Молдавия	0,15	1,6	1,3	80
10.	Россия	76,25	52,0	57,8	114
11.	Тожикистон	0,63	1,5	1,0	50
12.	Туркменистон	2,21	1,4	0,9	75
13.	Ўзбекистон	2,10	7,1	4,4	96
14.	Украина	2,75	18,0	17,8	92
15.	Эстония	0,23	0,5	0,4	140

Замонавий «ажралиш»-мустақил давлатлар томонидан СССР меросини тинчлик йўли билан тақсимлашга 1991 йил декабрида МДХнинг тузилиши ва унинг фаолияти ёрдам берди. Унга аста-секин 12 республика аъзо бўлиб кирди. Фақатгина Болтиқбўйи давлатлари бундан мустасно.

Энг асосийси, МДХ аъзолари баъзи иккиланишлар билан ва Болтиқбўйи давлатлари республикалараро маъмурий чегараларнинг давлат чегаралари эканлигини тан олишга ва ўзаро худудий даъволардан воз кечишга рози бўлишди. Арманистон унга қўшилишга интилаётган Тоғли Қорабоғни қўшиб олишдан бош тортди. Шундай бўлсада кескин тўқнашувларнинг олдини олишга муваффақ бўлинмади. Бундай можаро ва тўқнашувлар республикаларнинг ўзаро даъволари туфайли эмас, балки, Тоғли Қорабоғ, Абхазия, Жанубий Осетия, Днестр бўйи, Чеченистоннинг айирмачилиги туфайли рўй берди.

СССР худудида ва кўпгина республикаларда ҳамда МДХ худудидан ташқарида жойлашган қуроли кучларнинг, шунингдек, ҳарбий флот ва ядро қуролининг тақдирини ҳал қилиш қийин бўлди. МДХ аъзоларининг совет қуроли кучларини мустақил давлатларнинг бирлашган қуроли кучларига айлантиришга уринишлари зое кетди: ҳар бир давлат ўз қуроли кучларига муҳтож эди ва қисман СССР собиқ қўшинларидан фойдаланиб ўз қўшинларини туза бошлади. Фақатгина Болтиқбўйи давлатлари ўз қуроли кучларини бутунлай янгидан тузишди.

Россия, Украина, Қозоғистон ва Белоруссия худудида жойлашган ядро қуроли тақдирини ҳал қилиш осон кечмади. Охир-оқибатда барча ракета-ядро қуроли зарарсизлантириш учун Россияга топширилди ва бошқа республикалар зарарсизлантирилган ядро қуроли маҳсулотлари ва қолдиқларига эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаган ҳолда ўзларини ядродан холи худуд деб эълон қилдилар ва ядро қуроли тарқатмаслик шартномасига қўшилдилар.

Фуқаролик флоти собиқ совет республикаларнинг ишлаб чиқариш кучига мутаносиб равишда бўлинган бўлса, ҳарбий флот тўлалигича Россияга насиб этди. Унинг қора Денгиз флотининг катта қисмига даъвогарлик қилаётган Украина билан узок муддатли музоқоралари ўзаро манфаатли келишувга олиб келди.

СССР, бошқа мамлакатлар билан жиддий ўзаро мажбуриятларни кўзда тутувчи 16

минг шартнома ва келишувга эга эди. СССР ташқи давлатларнинг баъзиларидан 80 млрд. долларга якин қарздор бўлса, унинг кўп иттифоқчилари ҳам унга шунча маблағ беришлари керак эди. Украина билан олиб борилган мураккаб музокоралар ва бошқа республикалар розилиги билан Россия МДХдан ташқаридаги Совет қуроли кучлари, СССРнинг бошқа мамлакатлар билан шартнома ва келишувлардаги қарз ва кредитлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олди.

Россия Федерацияси (1922 йилдан кейин) халқаро муносабатлар субъекти сифатида тикланди ва СССРнинг асосий меросхўр ворисига айланди, БМТдаги СССР ўрнига эга бўлди, БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзосига айланди, аммо СССРнинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеи ва ролига эга бўла олмади. Украина ва Белоруссия БМТнинг таъсис этувчи аъзолари бўлишган бўлса эндиликда бошқа барча республикалар БМТ аъзолари бўлишди. Мустақилликка эришиш даврида уларнинг ҳар биридаги ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий-сиёсий вазият ўзига хос эди. Шунинг учун СССР ҳудудида пайдо бўлган 15 та янги мустақил давлатларнинг тараққиёт йўли турлича бўлди. Аввалдан Эстония, Латвия ва Литванинг либерал йўналиши маълум бўлди. Кўпгина бошқа республикаларда Россиядаги каби либерал йўлни танлаш кучли муҳолифатни бартараф этишни талаб этди. Кўпчилигида янги йўналишни ишлаб чиқиш қийин бўлди ва уларда жамият ва давлатчиликнинг шаклланиши янада қийинроқ кечди.

Аммо, деярли ҳамма республикалар учун энг оғир муаммолар СССРдан мерос бўлиб қолган ушбу ҳолатлар эди: парчаланган жамият, кам таъминланган аҳоли, таянч (марказ)га эга бўлмаган бошқарув, ҳеч қандай бозор муносабатларига эга бўлмаган тарқоқ корхоналар, тўхтаб қолган ва конверсия қилишни, яъни ўзгартиришни талаб этган қурооллар ва ҳарбий материалларни ишлаб чиқариш корхоналари, коллективлашган (жамоалашган) қишлоқ хўжалигининг паст самарадорлиги, миллий маданиятнинг сустлиги ва элатлараро зиддиятлар.

Бу муаммоларни бартараф этиш илгари тахмин қилинганидан анча кўп куч ва вақт талаб қилади. Кўпчиликнинг умумий фаравонликка тезда эришишга бўлган умидлари амалга ошмади. Кўпчилик бунда совет меросини эмас, балки «реал социализм» харобалари устида қийинчиликлар билан йўл топаётган ислохотчиларни айблай бошлашди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. “Тантанали дафнлар беш йиллиги” қачон бўлди?
2. Совет давлати иқтисодиётини нега ҳарбийлашган иқтисодиёт деймиз?
3. СССР парчаланишидан олдин экологик вазият қандай эди?
4. Диссидентлар кимлар?
5. М.Горбачев “қайта қуриши”ни тушунтиринг?
6. “Социалистик янгиланиш”, “янгича фикрлаш” ибораларини моҳиятини тушунтиринг?
7. Олигархия парчаланиши қандай юз берди?
8. Идеократиянинг қулаши сабабларини айтинг?
9. “Суверенитетлар марши”ни тушунтиринг.
10. Россиядаги 1991 йил 19-23 август воқеаларини айтинг?
11. СССРнинг парчаланиши ва МДХнинг тузилишини изоҳлаб беринг?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Мустақиллик маршларини қайси републикалар бошлаб берди?
2. Қизил империя мероси қандай тақсимланди?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”. 1992.
2. Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997.
3. Новейшая история стран Европы и Америки ХХ век 1945-2000. част 2,3. М., 2001.
4. Эйза Бриггс, Патриция Клевин. Европа нового и новейшего времени. С. 1789 года и до наших дней. М., 2006.
5. Сергеев Е.Ю. Новейшая история. Подробности. М., 2000.
6. Автарханов А. Империя Кремля. Вильнюс, 1990.
7. Бжезинский З. Большой провал: рождения и смерть коммунизма в ХХ в. Нью-Йорк, 1989.
8. Богомолов О. Реформы в зеркале международных сравнений . М., 1998.
9. Геллер М. Россия на распутье. 1990-1995 М., 1996.
10. Елцин Б.Н. Президентский марафон. М., 2000.
11. Кривогуз И.М. Истоки кризиса СССР. М., 1998.
12. Кривогуз И.М. Крушение “реального социализма” в Европе и судьбы освободившихся народов. М., 2001.
13. Чешко С. Распад Советского Союза. М., 2000.
14. Медведев В.А. Распад. Как он произошел в и “мировой системе социализма”. М., 1994.
15. Ж “Евразия”. 2002-2008 г.г.
1. Ж. Азия и Африка сегодня. 2000-2008 гг.

3-МАВЗУ: РОССИЯДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ

Кўриб чиқиладиган масалалар:

- 1. Ислохотлар бошланишидан то 1993 йил кузидаги давлат тўнтаришигача.**
- 2. Янги сиёсий тизимнинг шаклланиши ва ислохотлар тақдири.**

Таянч сўзлар:

1991 йил август воқеаси ва Б.Ельцин “Демократик Россия”си. Ислохотларнинг қийинчилик билан бориши. Мамалакатдаги бобошдоқлик. Иқтисодий қийинчиликлар. 1993 йил 4 октябр воқеаси. Оппозициянинг чекиниши. Россияда янги сиёсий тизимнинг шаклланиши. 1993 йил 12 декабр Конституцияси. В.Черномырдиннинг “бошқармачилар”ҳукумати. Ҳукуматнинг кетма-кет алмашувлари. В.Путиннинг ҳукуматга бош бўлиши. Б.Елциннинг истеъфоси ва Путиннинг президентликка сайланиши. Ислохотларнинг жадаллаштирилиши. Россия-Ўзбекистон муносабатлари.

Дарснинг мақсади:

1991 йил август ойидаги давлат тўнтарилиши қилишга уриниш, мамлакатдаги бошбошдоқлик, 1993 йил 4 октябр воқеаси, 1993 йил 12 декабр Конституцияси, кетма-кет ҳукумат алмашинувлари, В.Путиннинг ҳокимият тепасига келиши ва янгиланган Россиядаги демократик ўзгаришларнинг бориши баён қилинади.

Ислохотлар бошланишидан то 1993 йил кузидаги давлат тўнтаришигача

1991 йил августидан тўсатдан бўлган инқилобнинг ғалабаси Б.Елцин ва «Демократик Россия»нинг елкасига қутилмаганда юк бўлиб тушди. Россия ҳукумати туб ўзгаришлар дастури ишлаб чиқилгунча шошилиш тадбирлари амалга оширишга мажбур бўлди. «Демократик Россия» ҳаракатида бундан кейинги олиб борилиши керак бўлган ишларнинг усул ва йўлларида қарама-қаршилик борлиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли Ельцин ва унинг тарафдорлари август-сентябрда радикал ислохотлар учун халқнинг кўтаринки руҳидан фойдалана олмадилар.

Аммо сусткашлик қилишга имкон йўқ эди: 1991-1992 йил қишига Россияда на озиқ-овқат, на уларни сотиб олишга маблағ ва на бошқариш тизими бор эди. Россия халқ депутатлари съездининг кўпчилиги аъзоларига тузумнинг пучлиги ва уни қайта тиклашнинг иложи йўқлиги, унинг ўрнига шошилиш равишида янги ҳукуматни тузиш зарурлиги очиқ-ойдин маълум эди. Шундай бўлсада, турли хил таклифларнинг кўплигига қарамай, СССРнинг Россиядаги харобалари ўрнида фақат имкони бор нарсани қилиш, фақат янги раҳбарлар ва ночор аҳоли қўлидан келадиган ишларни амалга ошириш мумкин эди.

Либерал-демократик туб ўзгаришларнинг асосий йўналишлари-рени октябрнинг охирида Ельцин съездга таклиф этди ва буни Россия депутатлари съезди эса маъқуллади. Либерал ислохотчилик ишини амалга оширишдан энг тажрибали кадрлар бош тортгандан кейин, эски раҳбариятнинг бир қисми билан реформист ҳукумат ишга киришди. Е.Гайдар «команда»сини қўллаб-қувватлаш учун бу ишни президентнинг ўзи бошқарди, унинг биринчи ўринбосари эса «Демократик Россия» ҳаракати раҳбарларидан бири бўлган Г.Бурбулис эди.

Туб ўзгаришларнинг қийин кечишини олдиндан кўра билган министр-

ислохотчилар ўзларини «камикадзе» (ўлимга маҳкум қилинганлар) деб ҳисобладилар ва бу ўзгаришларни татбиқ этишни қисқа муддатларда амалга оширмоқчи бўлдилар. Белгиланган ислохотчилик тадбирларини амалга ошириш учун президент ва ҳукуматнинг ҳуқуқи етарли деб ўйладилар, «қаддини ростлаган» кишиларнинг мафқураси эса ўз-ўзидан либерал мафкура бўлиб қолади деб ишондилар. Бунинг устига ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мадад олиш учун қайғуришмади. Бу ҳаракат ҳам худди президент ўйламасдан туриб бир йилдаёқ аҳволни яхшилаيمان деб берган ваъдасидек жиддий хато бўлиб чиқди.

Ҳукумат ўз ишини меҳнат ҳақини ва ижтимоий таъминотни бирмунча яхшилаш, ҳамда маъмурий ва молиявий ташкилотларни янги вазифаларга мослаштириш чораларидан бошлади. Сўнгра ҳукумат баъзи соҳаларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусий мулкчиликни тиклаш ҳамда бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар режаларини ишлаб чиқди ва амалга оширишга интилди.

Либераллаштиришга қарши турган рақибларнинг, ҳамда уни бошқача усул билан амалга ошириш тарафдори бўлганларнинг шафқатсиз қаршилиги, шунингдек, маъмурий органларнинг паст даражада ижрочилиги ислохотларни амалга оширишни қийинлаштирди. 1992 йил баҳорида мамлакат президенти ва ҳукумат марказдан қочиш ҳаракатларини бартараф этиш ва Россиянинг бутунлигини сақлаб қолиш учун «мустақил республикалар», ўлкалар, вилоятлар ва автоном округлар билан Федератив шартнома тузиб, ҳар бир субъектга (ҳудудий бирликка) улар «ҳазм қила олаолгунларича» ваколат беришга мажбур бўлдилар. Туб ўзгаришлар жараёни пароканда бўлиб тарқалиб кетаётган совет бошқарув органлари томонидан амалга оширила бошланди. Бу аппаратнинг ходимлари янги вазифаларни амалга оширишнинг йўлларини эплай олмадилар, баъзилари эса хоҳламадилар. Бунинг устига аппаратда ислохотчиларнинг янги оқими етарли эмас эди. Ислохотларни амалга оширишда саботаж (ишдан бўйин товлаш) ва ҳар хил ҳокимият органларининг бир-бирига қарама-қарши буйруқлари ҳалақит берар эди.

Аммо ҳар холда Олий Советнинг бир қатор қонунлари ва президентнинг кўплаб буйруқлари асосида 2-3 йил ичида хусусий мулкчиликка ўн йилликлар мобайнида нафрат уйғотилган бўлсада Россияда нафақат бозор муносабатлари қайта тикланди, балки у устунлик ҳам қила бошлади.

1992 йилнинг ўзида барча маҳсулотларга нархлар эркинлаштирила бошланди: эҳтиёж ва талабдан келиб чиққан ҳолда улар бозор муносабатлари асосида шакллана бошлади. Йилнинг охирига келиб давлат назорати остида фақат давлат бюджетидаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ва нархларни белгилаш қолди. Нархларнинг бундай либераллаштирилиши рублнинг ягона тўлов воситаси ва хўжаликни бошқариш қуроли бўлишига етарли асос бўлди. Ҳукумат Халқаро Валюта Фондининг миллиардлаб доллар кредитлари ёрдамида рублни мустаҳкамлашга, бюджетни тақчилликсиз қилишга ҳамда мамлакат молия тизимини мустаҳкамлашга интилди. Бироқ, маблағнинг етишмаслиги давлат буюртмаларининг қисқаришига олиб келди. Ўз навбатида бу энг асосий саноат корхоналаридан ташқари барча корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ишининг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Бу корхоналар бошлиқларнинг ва ишчи ходимларнинг акционерлик мулкига айланди. Улар бошқа фуқароларга акцияларнинг катта қисмини хусусийлаштириш чекига (ваучерга) сотиш ҳуқуқига эга эдилар. Ваучерлар ҳаммага берилар эди - уларни аҳолининг 90 фоизидан кўпроғи асосан фондлар ва олиб сотарлар орқали олишарди ва сотишарди. Хусусийлаштириш керакли даражада қонуний асосга эга эмас эди. Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг нархлари баланд эмас эди уларнинг баҳолари, фондларнинг абстракт нархида эмас, балки нархлар бозор эҳтиёжларининг паст даражадаги тўлов имкониятларига мос тарзда белгиланар эди.

Шундай қилиб мамлакатда 24 минг корхона ва 15% кўнгилли-фермерлар ташландиқ ерларга эга бўлдилар. Турли хил хусусий саноат ва савдо корхоналари, ҳамда банклар қонуний йўл билан ишга тушди ва уларни ташкил этиш тезлашди. Аммо кўплаб янги хўжайинлар улар ичида анчагина илгаритдан хўжалик юритувчилар ҳам бор эди,

улар бозор шароитларида иш олиб боришни билмас эдилар. Шу сабабли самарали ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлиши жуда мураккаб жараён бўлди, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг пасайиб кетишига олиб келди ва жонланишнинг анча чўзилиб кетишига сабаб бўлди.

Давлатда етарли маблағнинг йўқлиги буюртма ва сармоя кутаётган ҳамда конверсия учун ресурсларга эга бўлмаган, шунингдек, бозорга керакли ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир бўлмаган саноат корхоналарининг катта қисмини фалаж қилиб қўйган эди. Корхоналарнинг бир-бирига қарзини тўламай юриши хўжаликнинг издан чиқишини кучайтирди. Натижада бир йилда ишлаб чиқариш 20% тушди ва пасайиш давом этди. Жуда қийин аҳволда давлат дотацияси билан яшаётган фонд, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот каби соҳалар маблағсиз қолди.

Мулкчиликни ва бозор муносабатларининг қонун томонидан ҳимояланишининг йўқлиги, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари янгилашнинг кечиктирилиши суистеъмол ва жиноятнинг ўсишига имкон берди. Рубль миссияси нархнинг 26 баробар ўсишига, пулнинг қадрсизланишига ва рублнинг доллар томонидан сиқиб чиқарилишига олиб келди. Пулнинг қадрсизланиши омонат пулларнинг, ваучерларнинг ва маошнинг қувватини тушуриб, аҳолининг катта қисмини ночор аҳволга солиб ўйди. Ишсизлик ўсди ва маошни ўз вақтида тўламаслик оммавий тус олди. Аҳоли даромади 2 баробар пасайди. Халқнинг таъминот ва фаровонлик ҳақидаги умидлари пучга чиқди ва бу аҳолининг барча қатламларини норози қилди. Бу воқеалар кўпларга - А.Солженециндан тортиб то Г.Зюгановгача, яъни барчага либераллаштириш ва хусусийлаштиришни талончилик ва халққа қарши ҳаракат деб аташга асос бўлди. Коммунистлар халқнинг қийналишининг асосий сабаби «реал социализм» ўн йилликларининг ҳалокатли оқибати эмас, балки ислохотларни нўноқлик билан амалга ошираётган янги ҳокимиятдир деб, жар солишди ва шу йўл билан мамлакатни яна социализм йўлига қайтаришга уриндилар.

Мамлакатдаги қарама-қаршиликлар «Демократик Россия» блокининг парчаланишига олиб келди. Ислохотлар сабабли бўлаётган катта сарф-харажатлар норозиликларни кучайтирди ва кўплаб оппозициядаги партия ва ҳаракатларни руҳлантириб юборди. Олий Советда ва Депутатлар Съездида нафақат либерал-демократик туб ўзгаришларнинг рақиблари бўлмиш-коммунистлар шу билан бирга монархистларгача бўлган оппозициядаги кучлар ҳам фаоллашиб қолдилар. Вице президент А.Руцкойга ўхшаган вақтинчалик шериклар, ислохотларнинг бошқача вариантларини тавсия этувчи Р.Хасбулатов ва Г.Явлинский кабилар ҳам фаоллашиб қолдилар. Уларнинг таъналари Ельцинни ислохотлар-нинг баъзи бир соҳаларини тўхтатиб туришга, ҳукумат таркибига «бошқармачиларни» киритишга, сўнгра ундан ўзи чиқиб, Гайдарга қолдиришга мажбур қилди.

1992 йил декабрида съезд ишини барбод қилишга қаратилган муваффақиятсиз уринишдан сўнг, Ельцин Гайдарни «бошқармачилар» ва «директор»лар орасида катта обрўга эга бўлган собиқ совет вазирларидан бири В.Черномўрдин билан алмаштиришига мажбур бўлди.

«Бошқармачилар» кўпчиликни ташкил этган В.Черномўрдин ҳукумати халқнинг ишончини ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини бироз енгиллаштириш каби ваъдалар билан қозонмоқчи бўлди. «Бошқармачилар» туб ўзгаришларни ўзларининг назоратчилари остида бўлган холдинглар тузишга қаратмоқчи бўлган бўлсаларда, ҳокимият либерал вазирларнинг зўр бериши билан Ельцин қувватлаётган ислохотлар дастурини, яъни хусусийлаштиришни ҳамма жойда, қаерда хусусий мулкчилик давлатниқидан самаралироқ бўлса, ўша жойда амалга оширишни давом эттирди ва инфляция ҳамда бюджет танқислигини пасайтиришга интилди. Бу ҳол бир томондан Ельцин ва ҳукумат билан иккинчи томондан Олий Совет ва съезддаги кўпчиликни ташкил этувчи оппозиция ўртасидаги низони кучайтириб юборди. Оппозиция Олий Совет съездининг Конституция бўйича олий ҳокимият бўлишлигидан, ҳатто

Конституцияни ўзгартира олишлигидан, ҳукумат ҳаракатларини тўхтата олишлигидан ва мамлакат ресурсларини назорат қила олишлигидан фойдалана билди. Съезд ваколатларини чегаралаб қўйишга интилган Ельцин ва ҳокимиятдан Ельцинни четлаштиришга интилган оппозиция ўртасидаги кескин ихтилоф 1993 йил 25 апрелда умумхалқ референдумини ўтказишга олиб келди. Референдумда кўпчилик президентга ишонч билдирди ва унинг ижтимоий-сиёсатини қўллаб-қувватлади, аммо на депутатларни, ва на президентни муддатидан олдин қайта сайлашни истамадилар. Норози бўлган коммунистлар 1 майда Москвада катта намойиш ўтказиш билан ҳокимиятни штурм қилиб олишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Оппозиция съезднинг мутлоқ ҳукмронлигидан ва ислохотларни сўндириш учун советларнинг мутаассиб тизимидан фойдаланганлиги сабабли, коммунистлар модернизациялашган Совет Конституциясини сақлаб қолиш тарафдори эдилар. Бу Конституцияни парламентар республикаси руҳида янгилашга рози бўлдилар, бу таклифни эса президент тутган йўлнинг либерал-демократик муҳолифлари беришган эди. Ельциннинг сафдошлари янги Конституцияга мувофиқ либерал-демократик президентлик республикасини тузишга интилдилар, унинг лойиҳаси эса Ельцинчилар томонидан қақирланган конституцион кенгаш томонидан тайёрланган эди.

Олий Совет раиси Р.Хасбулатов бошқарган оппозиция кучларининг сафарбар этилишига ва президент ваколатларини чеклашга кўрилатган тайёргарликларга қарши 1993 йил 21 сентябрда Ельцин давлат тўнтаришини амалга ошириши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш билан чиқди. У ўз фармойишида, оппозицияни ҳокимиятни фалаж қилганликда айблаб, босқичма-босқич конституцион ислохотларни бошлаганлигини эълон қилди. Халқ депутатлари съездини ва Олий Советни тарқатиб юборганлигини эълон қилиб, уларнинг аъзоларига президент ҳамма фуқаролар қатори янги конституция ва янги ҳуқуқий органларини сайлаш ҳақидаги референдумда қатнашишларини таклиф қилди.

Олий Советнинг кўпчилик депутатлари буйруққа буйсунишдан бош тортдилар. Олий Совет Оқ уйда халқ депутатлари съездини чақирди ва Ельцинни ишдан олинганлигини эълон қилди. Вице-президент Руцкойни вақтинчалик президент этиб сайлашганликларини билдирдилар. Оқ уй оппозициянинг таянч қароргоҳига айланди ва бу ерга уларнинг тарафдорлари оқиб кела бошладилар, экстремистлар эса ҳохловчиларга қурол тарқата бошладилар ва отрядлар туздилар. Ельцинни қўллаб-қувватлаган ҳукумат томонидан Оқ уйнинг қамал қилиниши оппозиция раҳбарларини Ельцин вакиллари билан музоқора олиб боришга мажбур этди, бу вакиллар эса низони тинч йўл билан ҳал этиш тарафдорлари эдилар. Патриарх ёрдами билан битим тузилди. Аммо ҳамма маҳаллий советлардан олинган қутловлар ва экстремистларнинг ташаббуслари Хасбулатов-Руцкой блоки ғалаба қилишига ишонч уйғотди. Шунинг учун тузилган битим улар томонидан маъқулланмади. Қуролланган экстремистлар 3 октябрда Москва мэри биносини қўлга олдилар ва телемарказга ҳужум уюштирдилар, Хасбулатов эса кечаси Кремлни қўлга олишга чақирди.

Оппозициянинг бир қисми қуролли ҳаракатларга ўтгани сабабли уларга Ельцин қуролли куч билан жавоб берди, бу куч эса Ельцинда кўпроқ эди. 4 октябрда Оқ уй ўққа тутилди ва оппозиция таслим бўлди. Оппозициянинг бошлиқлари эса қамоққа олинди. Икки томондан жами бўлиб 150 киши ҳалок бўлди. Россияни радикал янгилаш муҳолифларининг ўзига ишонганлиги ва улар томонидан қурол ишлатилганлиги қонли тўқнашувга ва қурбонларга олиб келди. 21 сентябрда бошланиб 4 октябрда тугаган тўнтариш мамлакатнинг давлат тузумини янгилаган Конституция ҳақидаги референдумга йўл очди. Референдум йўлини тозалаш учун октябр ойида президент ўзининг буйруғи билан ҳамма қатламдаги советларни тарқатиб юборди. 1917 йилда барпо бўлган Совет тузуми тугатилди. Аҳоли бундан ҳаяжонга тушмади, сабаби омма бўлаётган воқеаларни ҳали охиригача тушуниб етмаган эди. Иккинчидан, советлар аллақачондан бери номигагина ишлаётган эдилар. Ўлка-вилоятларнинг вақтинчалик раҳбарлари президент этиб сайландилар. Ельцин оппозициянинг қуролли ҳаракатига қўшилган шахсларни ва

ташкilotларни референдумда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Туб ўзгаришларга дадил қадам ташлай туриб, президент ерни эркин олди-сотди қилиш ҳақидаги буйруғини чиқарди ва янги конституция лойиҳасини эълон қилди.

Аммо ривожланишнинг ҳар хил йўналишлари тарафдорлари-нинг тўқнашувлари деб баҳоланган тўнтариш, қон тўқишларнинг моҳияти аҳолига қоронғу эди ва у кўпчилик томонидан жиззаки раҳнамоларнинг ёки ҳокимиятдаги турли хил тоифаларнинг тўқнашуви деб тушунилди. Кўпчилик оммавий ахборот воситалари ҳам шу ҳақда фикр билдирдилар. Бу тушунмовчилик жуда қимматга тушди ва Ельцин ҳамда унинг тарафдорларига бўлган ишонч пасайиб кетди.

1993 йил 12 декабрдаги Умумхалқ референдумида сайловчиларнинг 54 фоизидан кўпроғи қатнашди ва (Татаристон ва Чеченистон республикасида ташқари), сайловчиларнинг 58 фоизидан кўпроғи таклиф этилаётган конституция учун овоз бердилар. Сайлов натижалари халқ ҳокимиятини, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини устун деб тасдиқлайдиган янги конституция қонунийлигининг асоси бўлди. Россияликлар содир бўлаётган воқеаларнинг аҳоли томонидан тушунилиш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, яна бир марта ўзларининг либерал-демократик йўлининг тўғрилигини тасдиқладилар, аммо бу йўлдан ислохотларни амалга ошириб бориш жуда қийин кечди.

Янги сиёсий тизимнинг шаклланиши ва ислохотлар тақдири

Янги конституция олдинги совет даври конституцияларидан кескин фарқ қилар эди. Россия демократик федератив республика бўлди, унда ҳокимият манбаи сифатида кўп миллатли халқ оммаси тан олинди, инсонпарварлик ғоялари, инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари, кўчиб юришлари, хусусий мулк ва тадбиркорлик устувор ва дахлсиз деб эълон қилинди. Янги конституция, федерал тузилишнинг хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, федерация субъектларининг тенглигини, (улар сайлаган ҳукуматлар катта ваколатларга эга эдилар) Россия федерацияси ҳудудларининг бутунлиги ва бузилмаслигини эълон қилди. Россияда ҳокимият тармоқларининг бўлиниши президентнинг кенг ваколатлари, давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаши, ҳукуматни тузиши ва буйруқлар чиқариш ҳуқуқлари билан бирга кўшиб олиб борилди. Федерал мажлисга яъни Давлат думаси ва Федерал Советга бўлган сайлов натижалари халқ оммаси кенг табақаларининг эркинлик ва демократия тўғрисидаги ғира-шира тасаввурлари, ҳамда улар катта қисмининг коммунистик ва миллатчилик кайфиятдаги пуч орзулари таъсир кўрсатиб турди. Либерал-демократик ислохот тарафдорлари Давлат думасида энг катта фракцияни тузишга эришган бўлсаларда, бироқ, улар ўртасидаги ўзаро низолар ва оппозиция кучлари қонунчилик ишларининг бажарилишига ҳалал бериб турди.

Бахтга қарши либерал-ислохотчилар ташаббуси билаи бошланган кўпгина муҳим ўзгаришларни президентнинг фармонлари билангина амалга оширишга тўғри келди. Бунинг устига кенг ваколатларга эга бўлган президент аҳолининг катта қисми томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги учун фармонлар, қарорларнинг амалга оширилиши учун етарлича ҳокимиятга эга эмас эди. Ҳатто у таъқиб остига олинарди. Ислохотлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга интилган одамлар президент атрофида ҳаддан ташқари кўп тўпланган бўлиб катта таъсир этувчи кучга эга эди. Натижада улар мамлакат халқ хўжалиги ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун сарфланадиган маблағларнинг анчагина қисмини кераксиз нарсаларга: Кремль саройларини таъмирлашга ва президентнинг янги резиденция-ларини қуришга сарфладилар.

В.Черномўрдиннинг ҳукуматида 1997 йилгача «бошқармачи-лар» кўпчиликни ташкил этарди. Илгариги советларнинг бошқариш аппарати ўрнига янги маъмурий аппаратни тузиш марказда ҳам ва федерация субъектларида ҳам жуда суст борарди, федерал ҳокимиятнинг юқори поғонаси заифлигича қолмоқда эди. Илгариги партия-совет хўжалиги соҳаларида ишлаган раҳбарлар бошқаришнинг марказий органлари ходимларининг 60%ни, республикалар, ўлкалар ва вилоятлар маъмуриятлари

ходимларининг 80%ни ва куч ишлатадиган, ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмаларининг 100%ни ташкил этардилар.

Аммо ҳукуматда ва Президент маъмуриятида, шунингдек, Давлат думасида ҳали либерал-реформаторлар мавжуд эди (А.Чубайс ва бошқалар), уларнинг ташаббуси ва президент қўллаб-қувватлаши билан туб ўзгаришлар ҳарна бўлсада давом этарди. Мамлакат ишлаб чиқаришининг 70%га яқини акционерлар ва хусусий компаниялар қўлига ўтди. Давлат думаси томонидан конституцияга мос келадиган фуқаролар кодекси қабул қилинди, унда хусусий мулкчилик муносабатлари мустаҳкамланди. Ягона суд системаси ҳақидаги қонун чуқур суд ислоҳотларини бошлаб берди. Аста-секин конституцияга мос келадиган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш системаси (тизими) шакллана бошлади, шаҳарларда ва туманларда советлар ва управалар сайланиб ҳаракат қила бошладилар. СССРдан мерос қолган қуролли кучлар аста-секинлик билан уч баробарга қисқартирилди.

Аммо ҳукумат бозор иқтисодиётига ҳос бўлмаган муносабатларни енгиш учун чора тополмади. У давлат мулкидан келадиган даромадни кўпайтира олмади ва солиқ йиғишни таъминлай олмади. Рўйхатдан ўтишни хоҳламаган корхоналар -«хуфёна иқтисодиёт» мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25%дан 45%гача бериб турди. Кўплаб уддабуронлар катта маблағни ҳатто чет элга ҳам ўтказиб юбориш йўлини топдилар. Ҳукумат майда ва ўрта бизнесни ҳамда фермерларни қўллаб-қувватлаш учун жуда оз маблағ ажратди. Колхоз ва совхозларнинг ерга ҳақиқий эгалигисиз акционер жамиятларга айлантириш номигагина бўлди ва қишлоқ хўжалигини жонлантиролмади. Ҳокимият тепасида турганларнинг аҳолини маъмурий йўл билан керакли томонга йўналтирмоқчи бўлган уринишлари коррупциянинг ривожланишига имкон берди. Ҳокимиятдагилар мулкчиликнинг дахлсизлигини нафақат ҳимоя қилаолдилар, балки ўзлари фуқароларнинг бошқа ҳуқуқларини ҳам буздилар, маош ва нафақаларни ўз вақтида беролмадилар. Черномўрдин: «Яхши бўлишини истадик, аммо ҳар доимгидай қолаверди», - деб очиқчасига тан олди.

Оппозиция Давлат думасида ерни эркин олди-сотди қилишга ва гаровга қўйишга ҳалақит берарди. «Табий монополияларнинг» мустаҳкамланиб олган раҳбарлари, кўп тармоқли молия-саноат гуруҳларининг бойиб кетган хўжайинлари ва колхоз-совхозларнинг «агрария» деб аталадиган соҳа раҳбарлари ҳукуматдагиларга ўз манфаатларини бўйинтуруқ қилдилар, молиявий фирибгарликда куйиб банкрот бўлган банклар эса миллионлаб одамларни алдадилар.

Ҳукумат томонидан кам таъминланган қатламларга ёрдам бериш, маошни ва нафақаларни индексация қилиш борасида чоралар кўрилди. Аммо ишлаб чиқаришнинг жиддий тушиб кетиши, ишсизликнинг купайиши ва аҳоли турмуш шароитининг ёмонлашуви давом этди. Ижтимоий кескин қарама-қаршилик, айниқса, «янги руслар», «шоҳона» яшаш тарзига ўрганиб қолган бюрократик юқори табақалар ва зўр-базўр ҳаёт кечираётган кўпчиликни ташкил этадиган аҳоли ўртасида кучайиб кетди.

Касаба уюшмаларида меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тажрибаси жуда оз эди, қайтадан реконструкция қилинган тоғ-кон саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларининг ишчилари катта иш ташлашлар қилиб, темир йўлларни бекитиб қўйдилар, марш юришлари уюштирдилар, камал қилдилар, пикетлар уюштириб, ғалаённинг бошқа турларини ўтказдилар. Маош ололмаган ўқитувчилар ва врачлар ҳам ғалаён кўтардилар. Ахлоқ қоидаларининг ва ҳокимиятнинг заифлашиб кетиши натижасида мулкни қайта бўлиш ва бойишнинг янги имкониятлари туғилган бир вақтда уюшган жинойтчилик ва коррупциянинг ниҳоятда ривожланиб кетишига имкон туғдирди. Кўплар, яъни ўзининг фаравонлигини давлатнинг буюклигига боғлиқ деб ҳисоблайдиган кишилар, (улар учун тесқари бўлиши мумкин ҳам эмас эди) либерал-демократик туб ўзгаришлардан умидларини ҳам уздилар. Натижада турли хил «буюк давлатчилар» фаоллашиб кетдилар - булар Россия Федерацияси компартияси ва бошқа «муросасиз» партиялар, социализмга қайтишга уринаётган оппозициячилар, шунингдек, миллатчилар,

буюк давлатчилар ва турли хил миллий сепаратистлар: чечен ва татарлардан тортиб то тувалик ва ёқутларгача фаоллашдилар.

Президент сиёсати натижаларидан аҳолининг норозилигига умид боғлаган коммунистлар 1995 йилда Давлат Думасига бўлган сайловларда ғалаба қилишди. Сайловда ядросини Россия Федерацияси Коммунистик партияси ташкил этган оппозиция мутлақ кўпчилик овозга эга бўлди. Компартия мамлакатда туб иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни ўтказишга ва Россия Федерациясининг халқаро мажбуриятларини бажаришга халақит берди. Бу хол, айниқса, чет эл кредитлари ва сармояларини жалб этишда яққол кўринди.

Мамлакат тепасида турганлар асосан илгариги партия ва совет органлари номенклатурасида турганларнинг қолдиқларидан ва либерал-демократик оқимларнинг раҳбарликка кўтарилган вакилларидан иборат эди. Булар ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўз манфаатларини ўйлайдиган рақиблардан иборат эдилар. Уларни элита деб ҳурмат қилганлари билан уларда на малака, ва на Россиянинг янги муаммоларини ҳал этиш учун керакли тажрибалари бор эди. Жамиятнинг жипслашишига этносларнинг хилма-хиллиги ҳам халақит берар эди. Уларнинг ичида энг буюги руслар бўлса-да, бироқ ўзларининг миллий бирлиги зарурлигини етарли даражада англай олмаганлиги, ҳамда кўплаб диний оқимлар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги, шунингдек, яқин ўтмишдаги йўқотишлардан ўзини ўнглаб ололмаган православия мазҳаби ўртасидаги рақобатлар жамиятнинг жипслашишини мураккаблаштириб қўйган эди. Кўпчилик республикалар ва округларда титулли этнослар озчиликни ташкил этардилар. Деярли ҳамма округлар область ва ўлкалар таркибида эдилар, областлар ва ўлкаларнинг эса, таъминлай оладиган хўжалиги йўқ эди ва марказ дотациясига қарам эди (дотация - бериладиган қўшимча ёрдам). Федерациянинг субъектлари ўртасида эса илгаригидек, бевосита бозор алоқалари ва иқтисодий ўзаро боғлиқлик йўқ эди.

Федерацияни жипслаштириш учун ҳукумат Россия Федерациясининг 50 тагача субъектлари билан уларнинг ваколатларига ўзгартиришлар киритиш учун алоҳида шартномалар тузди. Аммо марказдан қочма интилишлар кучайди, республикалар, ўлкалар, областлар ва округлар томонидан Россия Федерацияси Конституцияси моддаларини ва федерал қопунларини кўплаб бузилиши одатий ҳол бўлиб қолди. Федерал мамлакатда яхшиликнинг «эмаклаб парчаланиш» даври бошланди, бунга эса фақат субъектларнинг ўзаро ҳаётий боғлиқлиги тўсқинлик қилиши мумкин эди.

Федерал кўшинларнинг ўзини мустақил деб эълон қилган Чечен республикасига (Ичкерияга) «конституцион тартибни» ўрнатиш учун юборилиши оқибатида 1994-96 йилларда 100 мингга яқин киши ҳалок бўлди. Вайронагарчилик келтирувчи урушга сабаб бўлди. Бу уруш мамлакат хом ашёсига путур етказди, халқаро обрўйнинг тушиб кетишига олиб келди ва мағлубият билан тугади. Ичкериянинг ўзини мустақил деб эълон қилган статуснинг Россия томонидан тан олинishi эса кейинга қолдирилди. Б.Ельцин ва Ичкерия аҳолиси томонидан сайланган президент А.Махадовнинг қўшма баёнотида Россия ва Ичкериянинг муносабатлари халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга оширилади,» - деб таъкидланди.

Аҳолининг президентга ва ҳукуматга бўлган ишончига анча путур етган эди. Аммо, Ельциндан бўлак ислохотлар учун курашчилар орасида 1996 йилги президентлик сайловларида коммунистларнинг номзоди Зюгановга қарши турадиган бошқа номзод топилмади. Ельциннинг ғалабасига ишонмаган унинг атрофидаги бир қисм кишилар тўнтариш уюштиришни, яъни Компартияни таъқиқлаб қўйиш ва сайловларни орқага суришни таклиф қилдилар. Аммо Чубайс ва бошқа ислохотчиларнинг саъйи-ҳаракатлари билан Ельциннинг шухратини оширишга эришилди ва ҳуллас 1996 йилнинг ёзида сайловларнинг иккинчи турида коммунист рақибларининг деярли ҳаммаси Ельцинга овоз бердилар. Алданганлигига, умидлари пучга чиққанлигига қарамай, кўпчилик россияликлар либерал туб ўзгаришлар йўлидан чекинмадилар. Бу нарса Ельциннинг ғалабасини таъминлади ва шунингдек, унинг атрофидан ва ҳукуматдан тўнтариш

тарафдорлари бўлганларни четлаштириш имконини таъминлади. Аммо ғалабадан сўнг у ярим йилча бемор ётди, Черномўрдиннинг ҳукумати эса Ельциннинг муваффақиятларидан ислохотларни тезлаштириш учун фойдалана олмади.

Фақат кейинги йилнинг баҳорида Ельциннинг ташаббуси билан ҳукуматга Чубайс ва бошқа «ёш ислохотчилар» киргандан сўнг ҳужумга ўтиш учун уриниш қилинди: йирик компанияларнинг давлат акцияларини танлов асосида сотиш бошланди, солиқ кодекси, ижтимоий таъминот, уй-жой хўжалиги, қуrolли кучлар ва ерни олди-сотди қилиш масалаларини қайта ислохот қилиш кўзда тутилди. Бироқ туб ўзгаришлар ўтказилишининг рақиблари, оммавий ахборот воситаларидан ва Думадан кенг фойдаланиб, ёш ислохотчиларнинг обрўйини туширишга ва уларнинг саъйи-харакатларини фалаж қилишга эришдилар.

Давлат думасида кўпчилик бўлган коммунистлар ва улар иттифоқчилари ижтимоий соҳаларга, собиқ колхоз-совхозлар ва ҳарбий корхоналар учун белгиланган харажатларни кўпайтиришни ҳукуматдан талаб қилди. Ортиқча харажатлар учун маблағ бўлса-да ҳукумат буларнинг талабларини рад этишга журъат этолмади.

Натижада 1998 йилнинг баҳорида Давлат думаси томонидан маъқулланган давлат бюджетини амалда ҳаётга татбиқ этишнинг иложи бўлмади ва Ельцин Черномўрдинни С.Кириенко билан алмаштирди. Давлат думаси тасдиғидан қийинчилик билан ўтган янги премьер министр фалаж бўлган мамлакат хўжалигига керак бўлган маблағни топиш имконини берадиган бир нечта қонунлар пактини ишлаб чиқди. Аҳвол жаҳон молия-валюта инқирози туфайли янада мураккаблашди. Бунинг устига Давлат думасидагиларнинг кўпчилиги С.Кириенкони хуш кўрмаганлиги туфайли унинг таклифларини рад этишди ва шу йўл билан улар бюджетни охириги имкониятдан ҳам маҳрум қилишди. Халқаро валюта фондидан кредит олинишига қарамай, кўплаб банк ва корхоналарнинг аҳволи оғирлашди. Ишчи ва хизматчиларга маош тўламаганлиги сабабли мамлакат ғалаён ва кўзғолонлар оловида қолган эди, ғалаёнчи-шахтёрлар йўлларни тўсиб қўйган эдилар. Ҳукумат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам, маблағ олиш масаласида ҳам мадад ололмади. Шунинг учун 1998 йил 17 августда С.Кириенко давлат ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширишга қодир эмас деб эълон қилишга мажбур бўлди. Россия ҳукуматига нисбатан ишончга зил кетди, рубл тез орада 3 баробар қадрсизланди, кўплаб банклар синди, нарх-наво ниҳоятда кўтарилиб кетди ва аҳоли яшаш шароити жуда ёмонлашди. Давлат думаси нафақат ҳукуматни, балки президентнинг ҳам истеъфога чиқишини талаб қила бошлади. Коммунистлар президентнинг ваколатларини чеклашга ва ҳукуматни Давлат думаси назорати остига олишга интилдилар.

Бу чуқур сиёсий инқироз эди. Президент Ельцинда на ҳукуматга мадад беришга, ва на Черномўрдинни жойига қайтаришга илож бор эди. 1998 йили сентябрда у ижро ҳокимиятига бошлиқ қилиб коммунистларга ёқадиган Е.Примаков-ни қўйишга қарор қилди. Примаковнинг ҳукуматига анчагина коммунистлар ҳам жалб қилинган эди. Аммо уларга либерал ислохотлар руҳи қатъийлик билан қарши турди. Натижада бундай аҳвол иқтисодий сиёсатни пароканда қилди. Инфляция импортнинг қисқаришига олиб келди, бу хол ўз навбатида импортнинг кўпайиб кетиши сабабли тўхтаб қолган баъзи соҳаларда 1999 йилдан ишлаб чиқаришнинг жонланишига олиб келди. Бироқ туб ислохотчилик ўзгаришларини тугаллаш учун янги мулкчиликни мустаҳкамлаш, ерларни, ишчи кучларини ва уй-жойлардан фойдаланишни бозор муносабатларига киритиш бўйича бир қадам ҳам босилмади. Коммунистлар мамлакатни режали хўжаликка қайтара олмадилар, аммо шунга қарамай тез-тез касал бўлиб турган президентга ҳужум қилиб турдилар ва баҳор ойида уни ҳокимиятдан четлатилишини талаб қилдилар. Коммунистлар мамлакатда барқарорликни эълон қилишда таниқли сиёсатчи Примаков билан иттифоқларининг муваффақиятига умид қилар эдилар. Бу эса ўз навбатида либерал туб ўзгаришлар тақдирини хавф остига қўйди.

Шунинг учун 1999 йил май ойида коммунистлар альянси билан «гулоби» ҳукумат ўртасидаги иттифоқнинг янада мустаҳкам бўлишининг олдини олиш учун, президент

Примаковни ишдан олди, Давлат думасида эса, Ельцинни президентлик лавозимидан олиш тўғрисида қўйилган резолюция етарли овоз ололмади. Бу ҳол коммунистлар позициясини (мавқеини) анча заифлаштирди.

Ботқоққа ботган ислохотлар йўлини асраш мақсадида Ельцин Давлат думасидагиларнинг кўпчилигига ёқадиган В.Степашинни ҳукумат бошлиғи қилиб тайинлади. Бу қадам илгари Кириенко томонидан кўзда тутилган молиявий-иқтисодий тизимни мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунларни қабул қилиш имконини берди. Аммо янги премьер либерал-демократик оммани бирлаштириб сафарбар қила олмади.

Шундай бир пайтда Москва шаҳар мэри Ю.Лужков томонидан етакланган «бюрократик капитализм» тарафдорлари майдонга чиқишди, уларнинг шиори - маъмурий йўл билан «капитализмчасига ишлаш, аммо социализмчасига тақсимлаш» эди. Улар ўзларини ватан ҳимоячилари деб эълон қилиб, ўз томонига кўплаб губернаторларни оғдириб олдилар ва Примаков бошчилигида Ватан-Бутун Россия (ОВР) (Отечество - Вся Россия) номли блокни туздилар. Президентнинг тутган йўлига қарши ҳужумда улар ҳатто тўхмат ва уйдирмалардан ҳам фойдаланишда коммунистлардан ҳам ўзиб кетдилар. Улар шу билан либерал-демократик туб ўзгаришлар йўлига жиддий ғов бўлиб қолдилар.

Б.Ельцин 1999 йил августида ҳукумат бошлиғи лавозимига кўтарилган В.Путинга Давлат думасидаги сайловларда ғалаба қилишига ва ўзи тутган йўлни давом эттиришига умид боғлади. Мамлакатда ҳали унча таниш бўлмаган янги премьернинг чечен жангариларини Доғистонга бостириб киришига йўл қўймаслик ва уларни Москва ҳамда бошқа шаҳарлардаги террористик ҳужумларига чек қўйишликдаги қатъиятлиги уни машҳур қилиб юборди.

1996 йилнинг кузидан бошлаб Ичкерия ҳақиқий мустақилликка эришган эди. Аммо аҳолининг партикуляризмлиги ва дала командирларининг бебошлиги Ичкерияда ягона жамиятнинг шаклланишига, давлатчиликнинг ва қонунчиликнинг мустаҳкамланишига ҳалақит берди. Ваҳобийлик билан жамиятни бирлаштиришга бўлган уриниш ғоявий тарқоқликни кучайтирди. Чечен жангариларининг чет эл террористлари томонидан гижгизланган авантюраси, яъни уларнинг Доғистонга бостириб кириши ва Россия шаҳарларидаги қўпоровчилик ҳаракатлари Ичкерия аҳолисини Россия ҳарбийларининг зарбасига дучор қилди. Ўн минглаб аҳоли нобуд бўлди, юз минглаб кишилар қочоқ бўлдилар. Грозний шаҳрини вайрон қилинишига, қишлоқларнинг топталишига олиб келди, оммавий репрессияларга қарши аҳолининг бир қисми қаршилик кўрсатиш, партизанлар уруши олиб бориш билан жавоб берди. Вазиятни жиддий сиёсий йўл билан, ҳамма томонларнинг қатнашувидаги музокоралар йўли билан ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш мумкин эди. Кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар Чеченистондаги ва уларни қўллаб-қувватлаган чет эл террористларини қораладилар. Чеченистонга гуманитар ёрдам юбордилар ва шунинг билан бирга Россия ҳукумати ва ҳарбийлари томонидан инсон ҳуқуқларининг бузишларига қарши норозиликлар билдирдилар.

1999 йил кузида маъмурият «Единство» ҳаракатини ташкил этди. Бу ҳаракат ўзининг терроризм ва коррупцияга чек қўйиш, ҳуқуқ тартибот ва барқарорликни таъминлаш каби талаблари билан ўзининг сафига аҳолининг анча қисмини жалб этдн. Бу ташкилот ҳам сайлов компаниясига қўшилди ва янги номзодларни илгари сурди. Бу ташкилотнинг ривожланишига премьер министр Путин ҳамнафас эканлиги ҳам уларга ёрдам берди. Шафқатсиз сайловолди курашларида бу ташкилот осон ғалабага ишонган компартия ва ОВРга (Отечество Вся Россия) қарши кучли рақибга айланди.

1999 йил декабрида янги Давлат думасига сайловлар натижасида коммунистлар ва уларнинг иттифоқчилари заифлашиб қолдилар, натижада улар кўп овоз ололмадилар. Лужков-Примаков блоки ОВР ҳам ҳал қилувчи муваффақиятга эриша олмади. Думада Кучли фракциялар пайдо бўлди «Единство» фракцияси ва «Союз правах сил» (Ўнг кучлар иттифоқи) фракцияси. Биринчи марта туб ўзгаришлар ўтказишни давом эттириш тарафдорлари бўлган ҳар хил фракциялар ва гуруҳларнинг биргаликдаги ҳаракатлари, «Яблоко» ҳам шу жумладан, уларга давлат думасида кўпчилик овоз олиш имконини

берди.

Ўзининг тутган йўлига қарши турган рақиб кучларнинг навбатдаги президент сайловларида жипслашишнинг олдини олиш учун Ельцин муддатидан олдин - 2000 йилнинг бошида истеъфога чиқди. Ҳукумат бошлиғи В.Путин, «қонун диктатураси» номли оммабоп шиор ва бозор иқтисодиётини жонлантириш режалари билан чиқиб, нафақат президент вазифасини бажарувчи, балки шу билан бирга март ойида муддатидан олдин бўладиган президент сайловларида ғалаба қилиш учун энг оммавий номзод ҳам бўлиб қолди. Унинг оммалашшига ишлаб чиқаришнинг, нефть экспорти ва солиқ йиғимларидан келган даромадларнинг бир қадар ўсиши ҳам сабаб бўлди. Путин номзоди учун ислохотлар тарафдорларининг кўпчилиги ва ҳокимиятни кучайтиришни хоҳлайдиганлар овоз беришди. Натижада 2000 йили Путин Президентликка сайланди.

Давлат думасида ислохотлар тарафдорларининг кўпчилиги иштирокида бўлган Путиннинг ғалабаси туб ўзгаришларни давом эттиришга қулай шароит яратди, унинг оммавийлигининг ва машҳурлигининг сақланиб туриши эса ҳокимиятнинг самарадорлигини ошишига имкон яратди. У томонидан либерал ислохотларни чуқурлаштириш дастури белгилаб олинди. Бу дастурни амалга ошириш учун федерал ҳукумат органлари кучайтирилди ва Федерация Совети таркиби ўзгарди, федерация субъектларининг қонунлари Россия федерацияси конституцияси ва қонунларига мослаштирилди, иқтисоддаги бюрократизмдан қутулиш лойиҳалари илгари сурилди, «табиий» монополиялар судлов, сув, ер, нафақа, уй-жой ва бошқа ислохотлар реструктуризация қилинди.

Бироқ, регионларда бозор иқтисодиётини барқарор ўсиши учун, сармоялар жалб этиш учун, ишлаб чиқаришнинг эскирган асбоб-ускуналарини конверсия қилиш ва янгилаш учун шароит ҳозирча яратилмади. Аҳолининг харид қилиш қобилияти ўсиб бораётган инфляция билан сусайтирилди. Шундай бўлсада, уй-жойларни иссиқлик, ёнилғи ва сув билан таъминлашнинг эскича тизимини бузиш тезлаштирилди. Маъмурий идораларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмасдан «тартиб ўрнатишни» эплай олмасликлари, ҳар қандай ташаббусни фалаж қилиб ташлайдиган бюрократизм ва ўсиб бораётган коррупция, шунингдек, Чеченистондаги конли уруш, у ерда аҳолининг бир қисми фақат тирик қолиш учунгина федерал ҳукумат билан ҳамкорлик қилаётганлиги, буларнинг ҳаммаси жамиятнинг жипслашувини қийинлаштирди. Қийинчиликларга қарамасдан, либерал-бозор ислохотлари ва янги конституция туфайли Россия федерацияси жаҳон ҳамжамиятида либерал йўналишдаги мамлакатлар сирасига кириб олди. Бироқ, у шу билан бирга СССРдан баъзи бир буюк давлатчилик ва милитаристик хусусиятларни ҳам мерос қилиб олди. Булар жумласига урушда қўлга киритилган ҳудудларни ушлаб туриш, миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқини чеклаш, маъмуриятни милитаризациялаш, таҳдид қилиш ва сиёсий масалаларни ҳал этишда куролли кучлардан фойдаланиш, ракета-ядро ва ҳарбий-денгизда буюк бўлишга даъво қилиш, ҳудудий гегемонликка интилиш, чет элда «ватандошлар» ҳуқуқини ҳимоя қилиш, (булар қаторига СССРнинг барча собиқ фуқароларини ёки русийзабон фуқароларни ҳам қўшади) каби масалалар киради. Аммо маъмурият Россиянинг ўз ичида ҳам инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этишга кодир эмас эди. Бозор иқтисодиёти бўйича туб ўзгаришларнинг тугалланмаганлиги, ишлаб чиқаришнинг паст даражадалиги Россияни «ўтиш давридаги иқтисодиётли» мамлакатлар сирасига киритадилар. Унинг хўжалиги «асосан эркин эмас» деб ҳисобланади, чунки унда давлат тўғридан-тўғри катта ва маъмурий тарзда аралашади. Россия жаҳон ялпи маҳсулотининг 2,67 фоизини беради - АҚШ ва Хитойдан бир неча баробар оз. Агар ёқилғилар, куролларнинг баъзи турларини ва атом энергиясини экспорт қилишни ҳисобламасак, етарли даражада бўлмаган рақобатбардошлиги ва ташкилий-молиявий заифлиги Россияни жаҳон савдосида қатнашувининг кенгайишини қийинлаштиради. Жаҳон савдосида Россиянинг улуши жаҳон ялпи маҳсулотидаги улушидан ҳам паст.

Бугунги Россия бундан 4-5 йил олдинги Россияга мутлақо ўхшамайди. Агар ХХ

асрнинг охирида коммунистлар, демократлар ҳамда либерал-демократлар мамлакатда катта куч ҳисобланган бўлса, бугун улар ўз мавқеларини йўқотдилар. Давлат тизимининг барча бўғинларида «Единия Россия» (Ягона Россия)нинг ошиғи олчи. Давлат думасида ҳам илгариги чакириқлар, фикрлар қарама-қаршилиги, эҳтирослар йўқ. Бугунги дума асосан битта сиёсий партия вакилларидан ёки шу партия дастурига хайрихоҳ депутатлардан уюшган парламент ҳисобланади. Бугунги кунда ҳукумат билан парламент тил топишиб ишламоқда. 2004 йилнинг март ойида Россияда президент сайлови бўлиб ўтди. Владимир Путин яна Россия президентлигига сайланди. Мана шу президенти сайлови компанияси ҳам Россиядаги сиёсий кучларнинг бир фикрга келишиб ишлаётганини билдирди. 2007 йил 2 декабрда Давлат Думасига бўлган сайловлар В.Путин йўлининг тўғри эканини яққол кўрсатди. Сайловларда «Единая Россия» (Ягона Россия) партияси 64%дан ортиқ овоз олди. Б.Грўзлов давлат думаси раислигига Янги муддатга сайланди. Ҳозирги пайтда Россияда 2008 йил 2 мартда бўладиган Президентлик сайловига катта тайёргарлик ишлари кетмоқда. Натижада, мамлакат иқтисодиётида ўсиш юз берди, одамларнинг турмуш кечириши уларни иш билан таъминлаш яхшиланди. Унинг халқаро миқёсдаги обрўси ошди.

Агар 2001 йили мамлакат аҳолисининг 30%и камбағал даражасида яшаган бўлса, 2004 йилга келиб, бу кўрсаткич 18%га тушди. Ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши 2004 йилда 5-6%ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда у 7,6%ни ташкил этди. Ташқи қарз тўлик узилди. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш йилдан-йилга ўсмоқда. Агар 2002 йили у 4 млрд, 2003 йили 6 млрд, 2004 йилда 10 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб, 80 млрд доллардан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалигига кейинги 2 йилда киритилган сармоя 3 баровар ошди. Шунинг натижасида 2007 йилда мамлакатда бугдоддан энг юқори ҳосил олинди, аҳолининг реал даромади 10%га ошди.

Бироқ, Чеченистон масаласида, Грузия ва Украина давлатлари билан муносабатлар масаласида Россия билан Европа Иттифоқи, НАТОга аъзо давлатлар ҳамда АҚШ ўртасида фикрлар қарама-қаршилиги мавжуд. Курилл ороллари масаласида Япония давлати билан узок йиллардан бери тортишув давом этмоқда.

Россия-Ўзбекистон муносабатларига келсак, ўтган йиллар ичида давлат ва ҳукумат даражасида 150 дан зиёд шартнома ва келишувлар имзоланиб, уларнинг энг муҳимлари 1998 йилнинг октябрида Тошкентда имзоланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2004 йилнинг 16 июнида Тошкентда имзоланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ҳақидаги битимдир.

Россия Ўзбекистоннинг илгаригидек йирик савдо партнёри бўлиб қолмоқда. Россиянинг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улуши 1999-2000 йилларда 13%дан 17%гача ўсганлиги ҳам бунинг далилидир. Фақат 2003 йилнинг ўзида икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 26%га ўсиб, 1 млрд 150 млн АҚШ долларини ташкил этди. 2006 йилда эса бу кўрсаткич 2 млрд АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистон газини Россия 2008 йилда 150 доллардан сотиб оладиган бўлди.

Россия ташқи сиёсатининг ғоявий асоси, собиқ СССР ташқи сиёсатидан фарқли ўлароқ мамлакат ресурсларини кўп миллатли аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун самарали фойдаланишдан иборатдир.

Россия маъмурияти бошқа собиқ совет давлатлари билан ҳамкорлик қилган ҳолда тинч йўл билан СССР меросини бўлишнинг мураккаб масалаларни ҳал қилди. МДХнинг самарадорлигини ошириш ва ўзаро хавфсизликни кучайтириш бўйича зарур чоралар кўрмоқда. АҚШ билан қуролланишни қисқартириш бўйича шартномалар имзоланди. Кенгайган Европа иттифоқи билан, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Эрон билан кенг молиявий-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хитой билан дўстона алоқалар йўлга қўйилган. Россия умум Европа Кенгашининг аъзоси ва кўплаб халқаро ташкилотлар қатнашчиси бўлди, шунингдек, Халқаро валюта фондида иштирок этмоқда. Россия БМТ фаолиятида турли регионларда тинчликни сақлаб туриш ҳаракатида фаол иштирок этмоқда, газ ва нефт маҳсулотларини, рақобатбардош замонавий қуроллارни ва ядро

реактор-ларини экспорт қилишни кенгайтириш борасида ўзининг ўрнига эга. Шунинг билан бирга совет кредитларини қайтариш, қарзларни узиш, сармоялар жалб этиш, ёқилғиларни, рақобатбардош қуролларни ва ядро реакторларини экспорт қилишни кенгайтириш каби масалаларни ҳал қилиб, янги тараққиёт йўлига чиқиб олди.

2008 йил 2 мартда Россияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Ягона Россия партияси номзоди Д.Медведев кўп овоз олиб президентликка сайланди ва 8 майда қасамёд қабул қилиб, Путин йўлини давом эттиришини маълум қилди. 2007 йилнинг декабрида Давлат думасига сайловларда ягона Россия партияси ката устунликка эришиб, янги ҳукумат тузиш ҳуқуқини қўлга киритди ва 2008 йилнинг май ойидан В.Путин бошчилигида тузилган Янги ҳукумат ўз фаолиятини бошлади.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Россияда 1991 йил августдаги ГКЧП қандай содир бўлди?
2. 1993 йил 4 октябрь воқеасини гапиринг?
3. Россияда янги сиёсий тизим қандай қарор топди?
4. 1993 йил 12 декабр Конституциясини айтинг?
5. В.Путиннинг ҳукумати ва унинг Президентликка сайланиши қандай юз берди?
6. Россия-Ўзбекистон муносабатлари ҳақида гапиринг?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. 1991 йил август воқеаси тепасида кимлар турди?
2. Кимнинг Президентлигидан бошлаб Россияда демократик ислохотлар жадаллашди?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997.
2. Новейшая история стран Европы и Америки XX век 1945-2000. част 2. М., 2001.
3. Кривогуз И.М. Истоки кризиса СССР. М., 1998.
4. Кривогуз И.М. Крушение “реального социализма” в Европе и судьбы освободившихся народов. М., 2001.
5. Елцин Б.Н. Президентский марафон. М., 2000.
6. Мосрир. Осен-93. Хроника противостояния. М., 1995.
7. Медведев В.А. Распад. Как он произошел в и “мировой системе социализма”. М., 1994.
8. Россия ее соседи. Соотношение национальных интересов внутри СНГ. М., 1999.
9. Рыжков В.А. Четвертая республика: очерки политической истории современной России. М., 2000.
10. Чешко С. Распад Советского Союза. М., 2000.
11. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Ташкент, 2002.
12. Эйза Бриггс, Патриция Клевин. Европа нового и новейшего времени. С. 1789 года и до наших дней. М., 2006.
1. Сергеев Е.Ю. Новейшая история. Подробности. М., 2000.
2. Ж “Евразия”. 2002-2008 г.г.
3. Ж. Азия и Африка сегодня. 2000-2008 гг

4-МАВЗУ: ШАРҚИЙ ЕВРОПАДА МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Кўриб чиқиладиган масалалар:

- 1. «Куйлаётган инқилоб» Эстония мустақиллигининг тикланиши ва ислохотлар.**
- 2. Латвияда миллий-демократик республиканинг тикланиши ва бозор иқтисодига ўтилиши.**
- 3. Литвада мустақилликнинг тикланиши ва ислохотлар.**
- 4. Молдовада давлатчиликнинг ташкил топиши, ислохотлар ва Молдованинг парчаланиши.**
- 5. Украинада давлатчиликни шакллантириш ва ислохотлар қийинчиликлари.**
- 6. Белоруссияда ислохотлар тақдири ва авторитаризм.**

Таянч сўзлар:

1989 йилги Балтика Ассамблеяси. “Куйлаётган инқилоб”. Эстония мустақиллигининг эълон қилиниши. Эстонияда демократик ислохотлар. Эстониянинг ЕИ ва НАТО га аъзо бўлиб кириши. Эстония-Ўзбекистон муносабатлари.

Латвия мустақиллигининг тикланиши Латвияда демократик қайта куришлар. Латвиянинг ЕИ ва НАТОга аъзо бўлиб кириши. Латвия Республикасининг ташқи сиёсати. Латвия-Ўзбекистон муносабатлари.

Литва республикаси мустақиллигининг тикланиша. Демократик ислохотларнинг амалга оширилиши. Литванинг ЕИ ва НАТОга тортилиши.

Молдова Республикаси мустақил бўлиши. Молдовада демократик ислохотлар амалга оширилишининг қийин кечиши. Молдованинг парчаланиши. Днестр бўйи масаласи.

Украинанинг мустақил деб эълон қилиниши. Украинада демократик ислохотларнинг қийин бориши. Ички қарама-қаршиликлар. Ҳокимият учун кураш. Украина-Россия муносабатларидаги зиддиятлар. Украина-Ўзбекистон муносабатлари.

Белоруссия мустақиллигининг эълон қилиниши. Ислохотларни амалга оширишдаги қийинчиликлар. А.Лукашенко авторитаризми. Белоруссия-Россия иттифоқи. Белоруссия-Ўзбекистон муносабатлари.

Дарснинг мақсади:

1989 йилдан бошлаб Болтик бўйи республикаларида мустақиллик курашларининг бошланиши, Молдава, Украина ва Белоруссия республикаларининг мустақилликга эришиши, Россия-Молдава, Россия-Украина ўртасидаги қарама-қаршиликлар сабаблари, Россия-Белоруссия ўртасидаги масалаларни ёритишдан иборат.

Россия ва бошқа совет республикаларига нисбатан Болтикбўйи мамлакатлари илгарироқ суверенитет эълон қилишди ва либерал-демократик ўзгаришлар йўлидан муваффақиятлироқ боришди. Бунинг сабаблари етарли эди. Улардаги 40-йилларгача бўлган мустақиллик, плюрализм ва бозор иқтисодиёти анъаналарининг сақланиб

қолганлиги, СССРга мажбурий равишда қўшиб олиш ва оммавий қатағонларнинг халқ хотирасидан кўтарилмаганлиги уларнинг либерал-демократик йўлга тезлик билан ўтишини таъминлади. Иттифоқ марказига бўйсундирилган қудратли саноат, маҳаллий тиллар ва маданиятни билишни ҳам истамаган кўпчилик русларнинг кўчириб келтирилиши туб ерли аҳоли манфаатларини янада оёқ ости қиларди. Уларда бошқа совет республикаларидагига нисбатан аҳоли жон бошига истеъмол қилиш ҳажми анча юқори бўлганлигига қарамасдан, эркинлик, фаравонлик ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари борасида бу республикаларнинг Финляндия ва бошқа шимол мамлакатларидан тобора ортда қолаётганлиги сезилиб турарди.

Кучайиб бораётган норозилик, мустақиллик ва эркинликка интилиш, Польшадаги ўзгаришлар жараёнининг таъсири ҳамда 1985-1988 йиллардан бошлаб совет тузумининг сусайиши туфайли бу республикаларда оммавий фуқаролик ҳаракатлари намоён бўла бошлади. Аввалига улар миллий-маданият ва табиатни муҳофаза қилиш талаби билан, кейинчалик республикаларни хўжалик ҳисобига ўтказиш ва ниҳоят ҳаққоний суверенитет ва мустақиллик талаби билан чиқдилар.

1989 йил май ойида уч мамлакат ватанпарварлари томонидан сайланган Балтика Ассамблеяси бу республикаларнинг СССР таркибида бўлишлари ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмаслигини баён қилди. Улар томонидан СССР халқ депутатлари съездига жўнатилган депутатларнинг ярмидан кўпроғи миллий-либерал йўналишдаги радикаллардан иборат эди. Аммо бу мамлакатларда мустақиллик, фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари, бозор хўжалигига эришишга қаратилган йўл мураккаб ва машаққатли бўлди. Бу жараён ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятларга эга эди.

«Қуйлаётган инқилоб» Эстония мустақиллигининг тикланиши ва ислохотлар

Аҳолининг 61,5%ини эстонлар ташкил этган Эстонияда ватанпарварлик ҳаракати қўшиқларини гуруҳларга бирлашиб ижро этиш - «Қуйлаётган инқилоб»дан бошланди. Атроф-муҳитни, мамлакат фуқаролигини, тили ва маданиятини, шунингдек, республика иқтисодиётини ҳимоя қилишга даъват этувчи чиқишларнинг кучайиб бориши 1988 йилда Миллий фронтнинг ташкил этилишига олиб келди. 1988 йил ноябрида Олий Кенгаш Эстония мустақиллиги тўғрисидаги декларацияни қабул қилди ва Таллин осмонида миллий байроқ ҳилпирай бошлади. Келаси йил январида эстон тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида, май ойида эса иқтисодий мустақиллик тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. 1989 йил августида эстониялик ватанпарварлар яна бошқа икки Болтиқбўйи республикаси эрксеварлари билан биргаликда 1939 йилдаги СССР ва Германия ўртасидаги тил бириктиришга қарши оммавий норозиликда иштирок этишди. Миллий фронт ва 1990 йилда тузилган янада радикал бўлган Эстония фуқаролари кўмитаси М.Лауристин ва Э.Сависааралар ташаббуси билан мамлакат мустақиллиги учун, Совет режимини босқинчи режим сифатида қоралаш ва урушдан олдинги конституция ҳамда чегараларни тиклаш учун кураша бошлади.

Бу ҳаракатга эстон миллатига мансуб бўлмаганларнинг Байналмилал ҳаракати ва меҳнат жамоалари Бирлашган Кенгаш тўсқинлик қиларди. Баъзи жойларда руслар ва эстонлар ўртасида тўқнашувлар ҳам бўлиб турди. Мустақиллик масаласидаги келишмовчилик натижасида ўз обрўсини йўқотган Эстония Компартияси учта ташкилотга бўлиниб кетди. Мамлакатда либерал-демократик партиялардан тортиб, миллий-экстремистик партияларгача бўлган 30 та янги партия юзага келди.

1990 йил март ойида Олий Кенгаш сайловларида Миллий фронт ва унинг иттифоқчиларининг ғалабаси Сависаар бошчилигидаги коалицион ҳукумат тузилишига олиб келди. СССР ҳукумати тасарруфида бўлган Эстониядаги корхоналарнинг 90%и республика бошқаруви остига ўтди. Республика ҳукумати унинг қонунлари устуворлигини мустаҳкамлади. Совет конституциясини тафтиш қилди ва Эстония Республикаси номини тиклади. Ўша пайтда Россиянинг янги ҳукумати буни қўллаб-

қувватлаган эди.

Иттифоқ органлари ва уларнинг иттифоқчиларининг 1991 йилнинг январ ва август ойларидаги Эстония республикаси ҳукуматини ағдаришга уринишлари зое кетди. Март ойида бўлиб ўтган референдумда аҳолининг катта қисми, жумладан, русларнинг бир қисми ҳам мамлакат мустақиллиги учун овоз беришди. Бу Олий Кенгашга Эстония мустақиллигини эълон қилишга асос бўлди. Кўнгиллилардан тузилган қуролланган отрядлар республика қуролли кучларининг асосини ташкил этди. Кузда Эстония Республикаси мустақиллигини 60дан ортиқ давлатлар, жумладан СССР ҳам тан олди.

Қайта қўлга киритилган мустақилликни урушдан илгариги конституцияни тиклаш орқали мустақамлаш амри маҳол эди, чунки мамлакат ниҳоятда ўзгарган эди. Конституцион Ассамблея тузиш ва янги конституция ишлаб чиқишга тўғри келди. У 1992 йилда референдумда маъқулланди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билдирилган эди. Эстония демократик парламентар республикага айланди. Фуқаролар томонидан сайланадиган Давлат мажлиси-Рийгигог қонун чиқарувчи Олий ҳокимият ҳисобланди.

Парламентга бўлган илк сайловларда мамлакатда эстон маданияти ва тилини тиклашни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаган миллий-озодлик ҳаракатининг миллатпарвар жасур вакиллари кўпчилик овозга эга бўлишди. 1940 йилгача фуқароликка эга бўлганлар ва уларнинг авлодларигина Эстония фуқаролари деб тан олинди. Аҳолининг қолган 30%ининг фуқаролик ҳуқуқларини қабул қилиши уларнинг тили, маданияти ва ҳатти-ҳаракатини қаттиқ текширишга боғлиқ бўлиб қолди. Кўпчилик фуқароликка номақбул шахслар деб ҳисобланди.

Парламентга бўлган бу сайлов фуқароликка эга бўлмаганлар ўртасида норозилик келтириб чиқарди ва улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга мажбур бўлишди. Эстония ҳудудидаги собиқ совет кўшинларининг узок муддат, яъни 1994 йилгача қолиб кетиши ва Россиянинг фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаганларни ҳимоя қилиб чиқиши Эстониядаги тўқнашувларнинг ва кескин вазиятнинг чўзилиб кетишига сабаб бўлди.

Аҳолининг парчаланишини бартараф этиш мақсадида кўпчилик ватанпарварлар фуқаролик бериш шартларини юмшатишга даъват этишди. Ғарбий Европа мутахассислари тавсияларига мос келмаса-да, 1995 йилда фуқаролик тўғрисидаги янги қонуннинг қабул қилиниши билан қисман бунга эришилди. Кейинчалик миллатлараро муносабатларнинг барқарорлашувига саккиз йиллик давлат интеграция дастури, аниқроғи маҳаллий бўлмаган аҳолини маҳаллий аҳоли билан ассимиляция қилиш давлат дастури ҳам ёрдам берди.

1995 йилдаги парламент сайловларида хўжаликни тиклаш ва ривожлантириш учун қайғураётган партиялар фаоллашди. Турли сиёсий гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар умуман олганда сиёсий барқарорликка таъсир кўрсатолмас эди.

1996 йилда Л.Мери президентликка қайта сайланди. Ҳокимиятнинг мустақамланиши ислохотларни амалга оширишга имкон яратди. 1992 йилдаёқ миллий валюта-крона жорий қилинди ва қатъий бюджет сиёсати ҳамда хорижий кредитлар туфайли у етарлича қадрга эга бўлди. Реституция, яъни мулкни олдинги эгаларига қайтариб бериш тўғрисидаги қонунлар, ҳамда энг асосийси давлат корхоналарини сотиш (64%) ва унда ишлаётганларга топшириш йўли билан амалга оширилган хусусийлаштириш ер, қурилишлар ва корхоналарга нибатан мулкчиликнинг кенгайишига ёрдам берди. Бу катта куч вақтни талаб қилди. Давлат ўзининг ихтиёридаги мулкнинг 15%инигина ўз ихтиёрида сақлаб қолди. Аммо шу билан биргаликда иқтисодий барқарорликнинг таъминланиши хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашди. Натижада, 1994 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ўсиб борди.

Иқтисодий аҳвол мураккаблигича қолмоқда эди. Илгари ҳарбий буюртмаларни бажарган йирик корхоналар қимматга тушадиган конверсияда қолган эдилар. Россия томонидан сотиб олишлар, экспорт ва транзитнинг қисқартирилиши, ҳамда 1998 йилдаги инқироз Эстонияни Шимолий ва Ғарбий Европа бозорларига юз тутишга мажбур қилди.

Аммо рақобат экспортни оширишни қийинлаштирар, импорт эса ундан анча кўп эди. Ишончли қонунчилик яратилгунга қадар маҳсулотнинг 25%ини яширин иқтисодиёт берарди. Самарали фермер хўжалиklarининг яратилиши ҳам кўплаб заҳиралар талаб қилар ва жуда секин амалга оширилаётган эди.

Фақатгина 1997 йилдан бошлаб инвестициялар ва янги технологиялар оқими ишлаб чиқаришнинг, хусусан электрониканинг ўсишини, меҳнат унумдорлигининг ўсишини жадаллаштирди. Аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми, ишлаб чиқаришнинг янгиланиш ва ўсиш суръатлари, кейинчалик ҳар бир фуқаро бошига ўртача даромад кўрсаткичлари бўйича, XX аср охирига келиб Эстония минтақадаги бошқа давлатларни ортада қолдирди. Собиқ иттифоқ республикалари ичида фақат Эстонияда аҳолининг катта қисми эришилган турмуш даражасини илгаригидан юқорироқ деб ҳисоблади ва бугунги кунда юксак ривожланиш йўлига чиқиб олди.

Эстония ҳукумати 90-йилларнинг бошида 40-йилларда Россияга қўшиб олинган ҳудудларга даъвогарликни бекор қилди ва Россия Федерацияси билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилди. Шу билан бирга у Болтиқбўйидаги қўшни давлатлар билан савдо сотикни кенгайтиришни истиқболлироқ деб ҳисоблади. Эстония Европа Иттифоқи билан шартнома тузиб иқтисодиётни ривожлантиришнинг қисқа муддатли дастурини қўллаб-қувватлаш бўйича иш олиб бормоқда. У Европа Кенгашига қабул қилинган, ЕХҲТ ишида фаол иштирок этмоқда ва Россия Федерациясида империячилик кайфияти пайдо бўлишидан хавфсираб ўз хавфсизлигини НАТОга аъзо бўлиш орқали мустақамлашга интилди.

2004 йилнинг 29 мартда Шимолий альянснинг 55 йиллиги арафасида Эстония НАТОга аъзо бўлиб кирди ва ўз ялпи ички маҳсулотининг 2%дан кўпроғини муҳофаа учун сарфлайдиган бўлди.

2004 йилнинг 1 майида Дублинда Эстония давлатини Европа Иттифоқига расмий қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

2007 йил 21 декабрда Эстония Шенген Божхона зонасига қабул қилинди ва ЕИ давлатлари ҳудудига визасиз эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Эстония давлати ташқи сиёсатининг асосий принципи узоқ ва яқин хориж давлатлари билан яхши қўшничилик ва савдо муносабатларини олиб боришга асослангандир.

Эстония 1992 йилнинг 20-февралида - Ўзбекистон мустақиллигини таниди ва у билан 1994 йил 10-октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Латвияда миллий-демократик республиканинг тикланиши ва бозор иқтисодига ўтилиши

1990 йил арафасида мамлакат аҳолисининг ярмидан сал кўпроғини латишлар ташкил этар ва латиш бўлмаганлар (асосан руслар) нинг атиги 19%и латиш тилини биларди. Мамлакатнинг СССРга қўшиб олинишига, руслаштириш ва аҳоли манфаатларига мос келмаган саноатлаштириш сиёсатига қарши чиқишлар Рига ва бошқа шаҳарларда 1985 йилдан бошланди. 1988 йилда Халқ фронти Латвия суверенитети учун курашаётган турли ташкилот ва ҳаракатларни бирлаштирди ва оммавийлашди. Унинг фаолиятида кўпгина коммунистлар ва рус маданияти жамияти аъзолари ҳам иштирок этди. 1989 йили Латвиянинг СССР таркибидан чиқишини талаб қилган энг радикал ватанпарварларнинг Миллий мустақиллик учун ҳаракатига асос солинди. Бундан ташқари либерал-демократик, социал-демократик ва христиан-демократик йўналишда турган партиялар пайдо бўлди.

Энг радикал ватанпарварлар ҳаракатига 1989 йилдан бошлаб, СССР таркибидан чиқишга қарши бўлган Байналмилал фронт қаршилиқ кўрсатди. Кўпчилик коммунистлар ва асосан рус ишчилари иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланаётган Байналмилал фронтнинг мақсади СССР таркибида туриб, республикани хўжалик ҳисобига ўтказиш, ислохотларни амалга ошириш ва демократик жамият қуришдан иборат эди. Уларни

Иттифоқ органларининг кўпчилиги қўллаб-қувватлади. Аммо уларнинг асосий умиди ва ядроси бўлган компартия 1990 йилда КПСС таркибидан чиқди, шундан сўнг Байналмилал фронт бир нечта кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кетди.

1989 йилда СССР халқ депутатлигига, 1990 йилда республика Олий Советига бўлган сайловларда мамлакат мустақиллиги тарафдорлари билан унга қарши бўлганлар ўртасида кескин кураш кетди ва бунда мустақиллик тарафдорлари бўлган кучлар ғалаба қилди. Май ойида Олий Совет Латвияни мустақил ва суверен - Латвия республикаси деб атади ва мамлакатда либерал-демократик ислохотлар бошлаб юборилди. 1991 йил март ойида бу танланган йўл совет сиёсати арбоблари ва ҳарбийларининг фаол қаршилигига қарамай, референдум катнашчиларининг 77,6%и томонидан қўллаб - қувватланди.

Мамлакатда 40-80-йиллар давомида рўй берган ўзгаришларга қарамасдан ватанпарвар кучлар 1922 йилда қабул қилинган конституциянинг тикланишига эришдилар. Латвия демократик, парламентар республикага айландики, унда ҳокимиятнинг асосий звеноси умумхалқ сайловида сайланадиган сейм ҳисобланади. Президентликка Совет ҳукумати томонидан қатағон қилиниб сургунда вафот этган Латвиянинг урушдан олдинги президентининг жияни Г.Ульманис сайланди. Илгариги бошқарув тизими ва республика қуроли кучлари тикланди. Ҳукумат латиш маданиятини ривожлантириш ва латиш тили монополиясини таъминлаш борасида чоралар кўрди. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги мамлакатда оммавий ҳаракатлар ва норозиликлар мамлакатдан собиқ совет кўшинларининг 1994 йилда Россия Федерацияси томонидан олиб чиқиб кетилгунига қадар давом этди.

Миллатлараро муносабатлар кескинлашди, чунки аҳолининг 40%ини ташкил этган ва мамлакатга 1940 йилдан кейин келган кишилар ва уларнинг авлодлари фуқаро эмас деб ҳисобланди. Уларнинг кўпчилиги латиш тили ва маданиятидан беҳабар эдилар, шунинг учун кўпчилик уларни, айниқса Россия кўшинлари чиқарилгунга қадар латиш халқи бирлиги учун жиддий хавф деб ҳисобларди. Фуқароликка эга бўлиш учун улар текширув ва имтиҳонлардан ўтишлари керак эди, совет давлат органларида ишлаганлар эса бундан ҳам маҳрум эдилар. Жамият фуқаролик ҳуқуқига эга бўлганлар ва эга бўлмаганлар жамиятига ажралиб қолди. Ватанпарвар ташкилотларнинг асосий қисми фуқаролик ҳуқуқини беришда ниҳоятда қаттиқ бўлган шартларни биров юмшатишга даъват этарди. Бунга фаол миллатчи-радикаллар тўсқинлик қилди. Уруш-жанжаллар, 40-йилларда содир этилган қатағонлар ва тинч аҳоли ўртасидаги қотилликлар учун собиқ совет жазо органлари ва партизанларнинг суд томонидан таъқиб қилиниши ва Россиянинг судланганларни ҳимоя қилиб, Латвия ички ишларига аралаштиришга уриниши туфайли вазият янада мураккаб тус олди. Эришилган сиёсий барқарорликни мустаҳкам-лашга бундай ҳолат халақит берарди. 1994 ва 1995 йилларда фуқароликка эга бўлиш талаблари биров соддалаштирилди ва фуқаро бўлмаганлар аҳволи тартибга солинди. Бу маданий-миллий автономияни талаб қилиш билан чекланган латиш бўлмаганларни қониқтирди.

Узоқ муддат давомида И.Годманис раҳбарлик қилаётган ҳукумат иқтисодиётда бозор муносабатларини жорий этишга интилаётган эди. Латвияда ишлаб чиқаришнинг камайиш сабабларини бу ерда инфляциянинг бошқа кўшни мамлакатларга нисбатан пастроқ бўлиши билан изоҳлаш мумкин эди. Аммо мамлакатда энергия манбалари ва озиқ-овқат етишмас эди. Россия Латвия билан савдо-сотикни чеклаганди, бу эса уни Шимолий ва Ғарбий Европадан шериклар излашга мажбур этди.

1993 йилда миллий валюта-латни жорий қилиш ва барқарорлаштириш учун Халқаро Валюта Фонди ва бошқа ташкилотлар кредитлари керак бўлди. Олдин СССРнинг ҳарбий эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган саноатнинг асосий қисмини, кўпгина эскирган жиҳозларга эга корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва конверсия қилиш учун йирик хорижий инвестициялар талаб қилинарди. Инвестицияларнинг камлиги туфайли 1994 йилгача хусусийлаштириш секин давом этди. Ер ва қурилишларни ўз эгаларига қайтариш, фермер хўжаликларни шакллантириш давомида кўп кийинчиликларга дуч келинди.

Латвия озик-овқатга мухтож эди ва уни халқаро ташкилотлардан олаётган эди. Россия билан савдо транзити ва инвестициялар мамлакат учун жуда муҳимлигига қарамасдан ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт Европа Иттифоқи мамлакатларига қаратила бошланди. Халқаро Валюта Фонди тавсияларига кўра ҳукумат харажат ва даромадни қатъий мувозанатга келтирди, фойда келтирмайдиган корхоналарни ёпишга ҳаракат қилиб рақобатбардош корхоналарни қўллаб-қувватлади. Бу 1995 йилга келиб давлат секторини минималлаштиришга, миллий валюта ва хўжаликни барқарорлаштиришга, инвестиция ва янги-янги технологияларни жалб қилишга, ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришишга имкон берди.

90-йилларнинг охирида, Россиядаги инқироз сабабли юзага келган қийинчиликларга қарамасдан Латвияда ишлаб чиқариш ўсиши барқарор эди ва у аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига ёрдам берди. Айниқса, кичик ва ўрта корхоналарнинг сони тез ўса борди. Аҳолининг кўпчилиги бу билан ҳам қониқмаган эди. Бироқ, 1999 йилдаги президент сайловларида мухожирликдан қайтган В.Вике-Фрайберг хоним номзодини кўрсатган национал-либералларнинг ғалабаси сиёсий барқарорликнинг мустақамланишига ёрдам берди. Бу барқарор-ликка 2000 йилда парламентнинг мавжуд ҳукуматни алмаштиришга мажбур бўлиши атрофидаги шов-шувлар ҳам таъсир кўрсата олмади.

Латвия давлати тузумига тўхталадиган бўлсак, у мустақил демократик республика. 1993 йил 6 июлдан 1922 йилда қабул қилинган «Сатвереме» Конституцияси тўла тикланди ва унга 1996, 1997, 1998 йилларда тузатишлар киритилди. Давлат бошлиғи Президент бўлиб, у яширин овоз бериш йўли билан сейм томонидан 4 йилга сайланади. Латвия ҳозирда индустриал аграр мамлакат, аҳолининг 69,5%и шаҳарларда яшайди. Ялпи маҳсулотнинг 38,5%ни саноат, 24,8%ни қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Латвияда металлсозлик, энергетика машинасозлиги, алоқа воситалари ишлаб чиқариш, транспорт ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника, радиоэлектроника, ускунасозлик, кимё ва нефт кимёси, енил ва озик-овқат, парфюмерия, фармацевтика, целлюлоза саноати ривожланган. Шунингдек, тўқимачилик, тикувчилик ва пойафзал тикиш тармоқлари тараққий этган.

Латвия республикаси ўзининг Болтикбўйидаги қўшнилари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, Европа Иттифоқига яқинлашиш сиёсатини олиб борди. ЕХҲТда иштирок этиб, Россиянинг империячилик кайфиятидан ҳимояланиш мақсадида НАТОга аъзо бўлишга интилди. Натижада 2004 йилнинг 29-мартида НАТОга, 2004 йилнинг 1-майида Европа Иттифоқига аъзоликка қабул қилинди. Республика ҳукумати 40-йилларда Россияга қўшиб олинган ерларга даъвогарлик қилишдан воз кечди. Мамлакат парламенти ва ҳукумати Россия билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ниятида, аммо Россия Федерациясининг Латвиядаги рус миллатига мансуб бўлган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилиши туфайли иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар мураккаблигича қолмоқда. Шунингдек, Латвия ҳукуматининг фашизмга қарши ва Латвия худудини озод қилишда фаол қатнашган антифашист кучларни босқинчи деб, аксинча Гитлер Германиясига хизмат қилган шахсларни ватанпарварлар деб эълон қилиши ҳам Россия-Латвия муносабатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун Латвия Президенти В.Затлериснинг 2008 йил мартигача Россияга ташрифи режалаштирилган. 2007 йил 21 декабрда Латвия Шенген Божхона зонасига қабул қилинди ва ЕИ давлатлари билан Латвия ўртасидаги чегара тўсиқлари олиб ташланди. Виза режими бекор қилинди.

Латвия-Ўзбекистон муносабатларига тўхталсак, Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1995 ва 2004 йилларда Латвия Республикасига, Латвия Республикаси Президентининг 1996 йилда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келиши иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишини янги босқичга кўтарди.

Агар икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 1994 йилда 13 млн 165 минг, 1995 йила 18 млн 700 минг, 1996 йилда 26 млн 123 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса,

2003 йили бу кўрсаткич 106 млн АҚШ долларидан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикасидан Латвияга пахта толаси, органик кимёвий бирикмалар, шойи, мева ва сабзавотни қайта ишлаш маҳсулотлари, газлама ва калава иплар юборилса, Латвиядан қанд-шакар ва қандолат, қора металл буюмлари, транспорт воситалари, буғ қозонлари, механик ускуналар, қоғоз ва картон, трикатаж кийимлар, электр асбоб-ускуналари, кимё маҳсулотлари, каучук ва резина буюмлар, кофе, чой, ун ва мебеллар олинади.

Литвада мустақилликнинг тикланиши ва ислохотлар

Литвада жамиятнинг янгиланиши ва ижтимоий ривожланиш учун омманинг чиқишлари бошқа Болтиқбўйи республикаларига нисбатан кечроқ фаоллашди, аммо 1988 йилнинг кузидаёқ, Саюдис «Ҳаракат» пайдо бўлди. Аввалига у ижтимоий фаолликни ошириш тўғрисидаги талаблар билан чекланди. Аммо 1989 йилда оммавийлашиб, СССР халқ депутатлигига бўлган сайловларда кўп овоз олди ва бастакор В.Ландсбергис раҳбарлигида мавжуд тузумни ўзгартириш ва Литва мустақиллигини ёқлаб чиқди. Республика Олий Советида Саюдиснинг ғалабаси туфайли 1990 йилда мустақил Литва давлати ва унинг СССР таркибидан чиқиши тўғрисида қонун қабул қилинди.

Музокоралар йўли билан, иқтисодий жазо чоралари қўллаш ва мустақилликка қарши турган кучлар ёрдамида КПСС ва СССР раҳбарлари бу қонунларнинг амалга оширилишини кечиктириш ёки умуман тўхтатишга ҳаракат қилди. Аммо Литвада маҳаллий бўлмаган халқ, яъни асосан руслар ва поляклар аҳолининг атиги 20%ини ташкил қиларди. Шунинг учун мустақилликка қарши оммавий ҳаракатни шакллантириш амри маҳол эди. Компартия парчаланиб кетди: унинг кичик бир қисмигина КПСС сиёсий бюроси кўрсатмаларига итоат қиларди. Катта қисми эса КПССни тарк этиб социал-демократик партиёга айланди ва Саюдис билан ҳамкорлик қила бошлади. Саюдис қўлига ўтган ҳукумат мамлакат суверенитетини ҳимоя қилар, 90%и СССР ҳукумати ихтиёрида бўлган саноатни ўз қўлига олди ва уни давлат тасарруфидан чиқаришни режалаштирди. Колхоз (жамоа хўжалиги)ларни фермер хўжаликларига айлантиришга йўналтирилган ер тўғрисидаги қонун, мулк эгалари ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ҳукуматнинг бу йўли мамлакатда пайдо бўлган кўпгина партиёлар ва ҳаракатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

1991 йилнинг январ ойида совет десантчилари маҳаллий коммунистларнинг бир қисмининг ёрдами билан қурол ишлатиб ва талофатлар кўриб телемарказни қўлга олди ва Вильнюсдаги асосий нуқталарни эгаллаб олишга уринди. Аммо халқ чиқишлари бу можарони ва Литва мустақиллиги душманларининг бошқа уринишларини пучга чиқарди. Ёзда Россия ҳукумати Литва мустақиллигини тан олди. Москвадаги август фитнаси мағлубиятга учрагандан сўнг СССР президенти ҳам шундай йўл тутишга мажбур бўлди.

1992 йилда референдум йўли билан янги ҳукумат тайёрлаган конституция қабул қилинди. Ижро этувчи ҳокимият раҳбари халқ томонидан сайланадиган президент ва ҳукумат бўлди. Улар қонун чиқарувчи парламент-сейм олдида жавобгар эдилар. Ҳокимиятнинг янги органларини шакллантиришда, Литва тили ва маданиятининг устиворлигини таъминлашда ва республика қуроли кучларини вужудга келтиришда миллатлараро низолар ҳамда тўқнашувлар деярли таъсир қилмади. Литвалик бўлмаганлар мамлакатда озлиги сабабли, уларни ҳатто совет қўшинлари чиқиб кетгунга қадар ҳам Литваликлар бирлигига хавф солади деб ҳисоблашмади ва улар ҳамма қаторида мустақил Литва фуқаролигига ва миллий-маданий мухторият имкониятига эга бўлишди.

Илк президент - социал-демократия етакчиси А.Бразаускас ҳам, либерал-ватанпарвар руҳдаги бир қатор партиёларни ташкил этган Саюдис аъзолари ҳам, кўпчиликини ташкил этган ҳукумат ҳам асосий эътиборни хўжаликни янгилаш ва ривожлантириш учун ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратди. Мавжуд муаммоларни

ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида, заҳираларни тақсимлаш масалалари тўғрисида вужудга келган фикрлар хилма-хиллиги ўткир келишмовчиликларни келтириб чиқарди.

1993 йили сейм ва ҳукуматга бўлган сайловларда Меҳнаткашлар демократик партияси таъсирининг ошгани кўринди, у халқчил бўлмаган қарорлардан воз кечишга ҳаракат қилди, 1996 йилги сайловларда эса қатъий ислохот тарафдорлари бўлган Ватан иттифоқи-консерваторлар ва христиан-демократлар кўпчилик овозга эга бўлишди.

Литвада, илгари СССРдан етказиб бериладиган электр энергияси ва хом ашё етишмас эди. Россия билан савдо ва Калининград транзити тўғрисидаги битим бу танқисликни атиги бир оз юмшатди. 1989 йилдан 1993 йилгача ишлаб чиқаришнинг 50% га қисқариши ва йирик инфляция аҳоли аҳволини ёмонлаштирди ва халқ норозилигини келтириб чиқарди. Литва Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо ва молиявий-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга, халқаро ташкилотлар ва Халқаро Валюта Фондидан кредитлар олишга мажбур бўлди. Ҳозирги пайтда ташқи савдо мамлакат ЯИМ нинг учдан икки қисмини ташкил этади. Шу билан бирга экспортнинг 50%и Европа Иттифоқида тўғри келади.

1993 йилда миллий валюта - лит жорий қилинди. Унинг барқарорлашуви асосан ваучер (хусусийлаштириш чеки) орқали корхоналарни хусусийлаштириш ва фермер хўжаликларни оёққа турғизишга имкон берди. 1994 йилда ерга хусусий мулкчилик асосида аграр муносабатларни тартибга солиш қоидалари белгиланди. 1996 йилга келиб давлат тасарруфида корхоналарнинг атиги 25%и, яъни энергетика ва транспорт қолган эди. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви 80га яқин мамлакатдан инвестицияни олиб киришга имкон берди. Бу ишлаб чиқариш хажми ва самарадорлигини оширишни таъминлади, аммо халқ оммасининг турмуш даражаси секинлик билан кўтарилиб борди.

90-йилларнинг охирига келиб ижтимоий муаммоларга етарлича эътибор қаратмаган, маъмурий-хўжалик хатоликларга йўл қўйган ва коррупцияга қаршилик кўрсатишни эплай олмаган Г.Вагнорюс ҳукумати сиёсати аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Умумхалқ овози билан сайланган янги президент В.Адамкус 1999 йилда олдинги ҳукумат йўл қўйган хатоликларга барҳам берувчи янги ҳукуматни христиан-консерваторлардан иборат қилиб тузди. Янги ҳукумат ҳам мамлакатда нархларининг ўсишини тўхтата олмади, аммо корхоналарни хусусийлаштиришни тезлаштирди ва кенгайтирди.

Литва Болтикбўйидаги қўшнилари, Польша ва Белоруссия ҳамда Россия билан яқин алоқаларни ривожлантирмоқда. Аммо унинг учун Европанинг бошқа мамлакатлари, ЕИ билан савдо ва молиявий-иқтисодий ҳамкорлик муҳимроқ аҳамиятга эга бўлди. Литва экспортининг 50%и ЕИга тўғри келади. Литва ЕҲХТда иштирок этмоқда, НАТОга аъзо бўлиш йўлини излаб ўз хавфсизлигини мустаҳкамлашга интилди ва 2004 йилнинг 29-мартда НАТОга, 2004 йилнинг 1-майда ЕИга аъзоликка қабул қилинди.

2007 йил 21 декабрда Литва Шенген Божхона зонасига қабул қилинди ва ЕИ давлатлари билан визасиз эркин ҳаракатланиш йўлга қўйилди.

Литва Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 5-августидан ўрнатилди. 1995 йили И.Каримовнинг Литвага расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантирди. 2003 йилнинг март ойида Литвада президент сайловлари ўтказилди ва Роналдас Паксас президентликка сайланди. Бироқ, у мамлакат президентлиги лавозимида 13 ойдан кўпроқ вақт турди холос. Чунки, Роналдас Паксасни Конституцияга хилоф иш қилишда айблаб, Литва сеймининг кўпчилик депутати унга ишончсизлик билдиришди.

Унга Россиялик Юрий Борисовга ноқонуний равишда Литва фуқаролигини бериш, давлат сирини ошкор қилиш ва хусусий бизнесга ноқонуний равишда тазйиқ қилиш каби айблар қўйилди. Литва Конституцион суди ишни кўриб чиқиб, уни парламентга оширди ва Роналдас Паксас кўпчилик овоз билан президентликдан четлатилди. 2004 йилнинг июнь ойида Литвада муддатидан олдин президент сайловлари бўлиб ўтди.

Молдовада давлатчиликнинг ташкил топиши, ислохотлар ва Молдованинг парчаланиши

Молдавия ССР ҳам Болтиқбўйи республикалари каби 1940 йилда СССР таркибига киритилган эди. Аммо улардан фарқли ўлароқ у бутунлай турлича қисмлардан тузилган эди: У 1918 йилда советлаштирилган, кейинчалик саноатлаштирилган, рушлаштирилган Молдавия мухториятидан ва 1940 йилга келиб СССР томонидан Руминиядан тортиб олинган ҳамда 1944 йилдан кейингина тўлиқ советлаштирилган Бессарабиядан ташкил топган эди. 80-йилларнинг охирида Молдавияда умуман молдавияликлар аҳолининг 64%ини ташкил этди. Илгариги мухторият Днестрбўйида эса аҳолининг кўпчилиги 60%и руслар ва украинлардан иборат эди. Бу минтақалар ўртасидаги фарқлар мамлакат тақдирига таъсир кўрсатди.

Горбачев томонидан ёқлаб чиқилган қайта қуриш ва ошкоралик муносабати билан республикада молдав маданиятини тиклаш ва руминча деб эътироф этилган молдав тилининг нуфузини ошириш бўйича ҳаракат бошланди. Болтиқбўйидаги халқ фронтлари ҳаракати, кейинчалик эса Руминиядаги инқилоб ҳақидаги хабарлар Ягона Молдавия Халқ Фронтининг (ЯМХФ) ташкил этилишига, унинг томонидан мамлакатда 1989 йилда румин тилига давлат тили мақомини бериш ва мамлакатни суверен деб эълон қилишга бўлган интилишларни рағбатлантирди. ЯМХФ оммавийлашди ва Кишинёв кўчаларига юз минглаб тарафдорларини чиқарди.

Баҳорда СССР халқ депутатлари съездида юборилган делегатларнинг кўпчилиги мутаассиб (консерватив) кайфиятда эди, аммо августга келиб республика Олий Совети румин тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қонунни қабул қилиб, ҳар бир элатга ўз тилида гапиришга имкон берди. Кейинчалик Халқ Фронтини 1990 йилдаги Олий Совет сайловларида муваффақиятга эришиб республика раҳбариятидан компартияни четлаштирди. Август ойида Олий Совет Молдавия мустақиллиги тўғрисидаги декларацияни эълон қилди. Янги ҳукумат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ёқлади. Мамлакатда демократлаштириш авж олиб бир қатор либерал-демократик, миллий-демократик ва социал-демократик йўналишдаги партия ва ҳаракатлар пайдо бўлди. Улардан баъзилари Молдаванинг Руминияга кўшилиши тарафдорлари эдилар. Аммо улар референдумда кўпчилик овозга эга бўлолмадилар. 1991 йил охирида Олий Совет республика президенти этиб либерал-демократлар етакчиси М.Снегурни сайлади.

Шу билан бирга, 1990 йилдаёқ СССР парчаланишига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилувчи иттифоқ ҳукумати иштироки билан Молдаванинг жанубидаги учта минтақада яшовчи гагаузлар ва Днестр Ўнг қирғоғи ва Бендери шаҳри аҳолисининг кўпчилиги румин тилига қарши ва СССР таркибидан чиқишга қарши норозилик билдиришди. Гагаузлар ўз мустақил республикаларини эълон қилишди. Шимолда эса 1991 йилда совет тузумини сақлаб қолаётган мустақил Днестрбўйи Молдавия Республикаси пайдо бўлди.

Агар гагаузлар билан олиб борилган узоқ муддатли музокоралардан сўнг улар Гагаузиянинг Молдова таркибида махсус ҳуқуқий мақомга эга бўлишига розилик билдирган бўлса, Тирасполь шаҳрида жойлашган Днестрбўйи Молдавия Республикаси ДМР ҳукумати эса Молдова ҳукуматининг мухторият тўғрисидаги таклифини рад этди. Совет ҳарбийлари ёрдамида Молдавиянинг тартиб ўрнатувчи кучларига қаршилик кўрсатди. 1992 йилда Молдова қуролли кучлари билан ва ДМР қуролланган отрядлари ва уларга ёрдам бераётган 14-собиқ Совет армияси ўртасида бўлган жангларда юзлаб одамлар ҳалок бўлди ва ярадор қилинди, халқ хўжалигига катта моддий зарар етказилди. Ўн минглаб яшовчилар қочоқларга айланди. Молдовада президент фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Молдова ва ДМР ўртасидаги қуролли тўқнашувлар фақат Молдова ва Россия ўртасидаги шартнома имзоланиб, 14-армия тарқатиб юборилгандан ва уруш минтақасига Халқаро тинчлик ўрнатувчи кучлар киритилганидан кейингина тўхтатилди. Қарама-қарши томонлар ўртасидаги музокоралар ва воситачиларнинг уринишларига қарамасдан тўқнашувлар 1994 йилгача давом этди. 1994 йилда томонларнинг зўравонликни тўхтатиш

тўғрисидаги ўзаро келишувлари тўқнашувларга чек қўйди.

Ҳозирги пайтда Днестр бўйи Молдавия Республикаси ҳудудида 300 дан ортиқ Россиянинг тинчликсевар кучлари сақланиб турибди. Ўз навбатида бу В.Воронининг айтишича Молдова ишларига тўғридан-тўғри аралаштирди.

Мамлакатнинг бўлиниши ва қуролли тўқнашувлар хўжаликни сусайтирди, ижтимоий-иқтисодий ўсишларни тўхтатди. Днестрбўйи саноати инқирозга учради. Бу эса аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишини шубҳа остида қолдирди. Молдованларнинг асосий қисми Днестрбўйини тарк этди. Аммо унинг раҳбарлари коммунистлар ва Россиядаги миллатчиларга таяниб мустақил бўлишга ва тарқатиб юборилган 14-армияни қайта тузиб қуроллантиришга бўлган даъвогарликдан воз кечмадилар.

Мамлакатнинг парчаланиши ва ҳукуматнинг қатъиятсизлиги сабабли иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ишлаб чиқаришни ўстиришга қаратилган ислохотлар дастури ҳукумат томонидан 1993 йилда илгари сурилди ва уни амалга оширишга фақатгина 90-йилларнинг охирига келиб қисман эришилди. Молдованинг янги конституцияси эса фақатгина 1994 йилга келиб ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлаштирилган эди. Мамлакатни умумхалқ сайловлари йўли билан сайланадиган президент бошқарди, аммо ҳукумат қонун чиқарувчи орган-парламент олдида жавобгар қилиб қўйилди.

Парламентга (1994 йилда) ва маҳаллий (1995 йилда) сайловлар арафасида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш бир оз олға силжиди, аммо ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришилмади. Давлат ихтиёридаги асосий соҳалар-вино ишлаб чиқариш ва тамаки саноатида ишлаб чиқариш самарадорлиги пастлигича қолмоқда эди. Молдова Россия компаниялари томонидан келтирилаётган энергия тармоқларини сотиб олиш учун маблағга эга эмас эди. Беқарорлик инвестиция оқимига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Узоқ муддат давом этган ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва инфляция аҳоли аҳволининг ёмонлашишига олиб келди. Омманинг норозилиги энг аввало ижтимоий муаммоларни ҳал этишга чақираётган социал-демократик партияларнинг кучайишига олиб келди. 1996 йил охирида президентлик сайловларининг иккинчи босқичида улар томонидан қўллаб-қувватланган эркин номзод П.Лучинский ғалаба қозонди.

1998 йилга келиб мамлакат мулкнинг 75%и (Днестрбўйидан ташқари) ҳиссадор-инвестор, корхона ходимлари, менежерлар ва хусусий тадбиркорлар қўлига ўтди. Аммо иқтисодиётнинг жонланиши ва аҳоли аҳволини яхшилашга эришилмади. Коммунистлар бундан ислохотларга қарши курашда фойдаланишди. Аммо либерал-демократлар ва социал-демократлар демократия ва ислохотлар учун биргаликда кураш олиб боришди. 1998 йилдаги парламент сайловларидан кейин улар томонидан тузилган ҳукумат президент ёрдами билан ислохотлар дастурини давом эттирди, вино ишлаб чиқариш ва тамаки саноатини давлат тасарруфидан чиқаришни режалаштирди. Ҳукумат ишлаб чиқаришнинг қисқаришини тўхтатишга ва ойлик маошни оширишга муваффақ бўлди, аммо молиявий аҳвол жуда жиддийлигича қолди. Натижада Россиядан келтирилган ёқилғи-энергия эвазига корхоналарнинг баъзи бирларини Россияга беришга тўғри келди. Молдава ўз маҳсулотлари, энг аввало озиқ-овқат маҳсулотларини дунё бозорларига чиқаришга ҳаракат қилди.

Музокоралар йўли билан П.Лучинский Молдова бирлигининг Россия ва Украина томонидан эътироф этилишига ва улар билан ҳамкорликни кучайтиришга эришди. Мамлакат бирлигини тиклаш учун Молдава ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотларга таянмоқда. Ёқилғи-энергияга эга бўлиш мақсадида Озарбойжон билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатилмоқда. Ислохотлар йўли билан олға бораётган Руминия ва ЕИ билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда. 2000 йил баҳоридан бошлаб, президент танлаган йўлнинг мамлакат аҳолиси баъзи қисмининг манфаатларига мос келмаслиги билан норозиликлар кучайиб кетди. Бу норозиликларга таяниб, парламентдаги турли руҳдаги мухолифот кучлар конституцияни ўзгартиришга эришди. Натижада, Молдова парламентар республикага айланди, президентни парламент сайлайдиган, ҳукумат ва

прокуратура фаолиятини ҳам назорат қиладиган бўлди. 2001 йил феврал ойидаги парламент сайловларида демократлар раҳбарлигида мамлакат қийинчиликларини бартараф этишдан умидини узган сайловчилар коммунистлар учун овоз бердилар. Янги парламент президентни коммунистлардан сайлади.

Президентлик курсисига коммунист Владимир Воронин ўтирди. Шундан кейин Россия «Энди Кишинев собиқ социалистик республикалар Иттифоқининг қанақа бўлганлигини ғарбга кўрсатиб кўяди» деб шама қилди. Ойлар ва йиллар ўтди, Кишинев Россиянинг ишончини оқлаш у ёқда турсин, аксинча Европа Иттифоқига қараб юз ўтирди. Ҳозир Молдова экспортининг 25%и Европа Иттифоқи давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Бирок, қолоқ Молдова экспортининг 50%дан ортиғи ДМХ давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Молдованинг миллий фахри бўлган-коньяк ва винонинг 80,5%ни Россия, 8%ни Белоруссия, 6,8%ни Украина, 1,2%ни Қозоғистон харид қилмоқда.

Молдова иқтисодиётига инвестиция киритиш бўйича Россия биринчи ўринда туради яъни унинг 40% Россия ҳиссасига тўғри келади. Олган газ учун қарзини тўлай олмаётган Молдова мамлакат ичкарасидаги кўплаб корхона, завод ва фабрикаларни Россияга беришга мажбур бўлмоқда. Энг йирик инвестор-«Газпром» бўлиб, у 145 млн доллар сармоя киритган. Молдова иқтисодий кўмак олиш учун ЕИга кўз тикмоқда. Бирок, унинг иқтисодий қолоқлиги ва қарздорлиги ЕИга аъзо бўлиб кириш масаласини 2015 йилдан кейинга суриб қўйган.

Узоқ муддат мобайнида заифлашган иқтисодиёт, жамият ва ҳокимият Молдова мустақиллигининг яшаб кетишига жиддий хавф туғдирмоқда. Молдова-Ўзбекистон дипломатик муносабатлари 1994 йил 23 августда ўрнатилди.

Украинада давлатчиликни шакллантириш ва ислохотлар қийинчиликлари

Руслар, белоруслар ва украинларнинг тарихи, тили ва маданияти қанчалик яқин бўлмасин, уларнинг ҳаёт тарзи ва ривожланишидаги кескин фарқлар мафкуравий-сиёсий тенглаштириш билан ҳам, уларни руслаштириш билан ҳам бартараф этилмади. Коммунистик тузумнинг сусайиши билан бу тафовутлар турли кучлар нисбати ва эркинлик ҳамда мустақилликка эришиш йўлларининг турлича бўлишида намоён бўлди.

Аҳоли сони ва саноат салоҳияти бўйича СССРда иккинчи ўринда турган Украинада миллий ҳаракатлар Болтиқбўйига нисбатан кечроқ бошланди. Аммо бу ҳаракат чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон тугамаган ва айниқса, ғарбий ҳудудларда Белоруссиядагига нисбатан анча кучлироқ эди. Қайта қуриш ва ошқоралик йилларида руслаштиришга қарши чиққан диссидентлар (енгил ўйловчилар, фикрловчилар) фаоллашди, мамлакат мустақиллиги учун курашувчи миллатчилар яъни миллий-озодлик ҳаракати қатнашчилари очиқ фаолият юрита бошлади. Улар тузган энг обрўли ташкилот И.Дроч ва В.Черновиллар бошчилик қилган Украина Халқи ҳаракати (Рух) эди. Чернобилдаги ҳалокат оқибатида ва аниқ дастур йўқлиги туфайли раҳбарларининг обрўси тушиб кетган компартия таркибида миллий-демократик ва социал-демократик йўналишлар пайдо бўлди.

Қарийб 73%и украинлардан иборат бўлган аҳоли конформистик руҳда эмас эди. Аммо 1989 йилнинг баҳоридаги СССР халқ депутатлари съездида қатнашган Украина вакилларининг кўпчилиги СССРни сўзсиз сақлаб қолиш тарафдори бўлиб чиқдилар. Фақатгина октябрга келиб Олий Рада украин тилини давлат тили деб эълон қилди. 1990 йилда Олий Радага бўлган сайловларда ўринларнинг чорагини Рух томонидан тузилган демократик блок эгаллади. Унинг ташаббуси билан ОР 1990 йил ёзида Украина суверенитетини эълон қилди ва Киевда бўлиб ўтган сон-саноксиз оммавий намойишлардан сўнг коммунистлардан бўлган бош вазирни вазифасидан четлаштирди. ОР раиси национал-демократлардан Л.Кравчук бўлди.

1991 йил баҳоридаги Умумиттифок референдумида кўпчилик Украина фуқаролари янгиланган Иттифокни сақлаб қолиш учун овоз берган эди. Аммо Иттифок

янгилинишидаги муваффақиятсиз-ликлар ва ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви аҳолини нафақат мустақилликка, балки кўпгина янги партиялар ёқлаётган либерал-демократик ўзгаришларга умид боғлашга ундади. Ҳокимият тепасида қолишни истаганлар бунга ҳисобга олишлари шарт эди. 1991 йил августида ОР Украина мустақил бўлганлигини эълон қилди ва бунга қаршилик кўрсатган компартияни таъқиқлади. Кузда майда миллатларга миллий-маданий мухторият ҳуқуқи берилди. 1991 йил 1 декабрда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида, фуқароларнинг 80%идан кўпроғи, жумладан аҳолисининг 22%ни ташкил этган русларнинг кўпчилиги ҳам мамлакат мустақиллиги учун овоз берди. Конституцияга ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан республика президенти сайланди. У Кравчук эди.

Қисқа муддат ичида Украина ўз ҳудудида жойлашган ўнлаб совет дивизиялари ва уларнинг қуроли асосида мустақил мамлакат учун зарур бўлган қуроли кучлар ва махсус хизматларни ташкил этишга улгурди. Аммо халқ ҳам, янги партиялар ҳам, эски Совет (Кенгаш)лари ҳам ислохотларга тайёр эмас эди. Иттифоқ буюртмалари ва ёқилги-энергия манбаларидан маҳрум бўлган саноат, 1992 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни 30%га қисқартирди ва уни камайтиришда давом этди. Энергия манбаларини сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни янгилаш учун маблағ йўқ эди. Дастлабки фермерлар пайдо бўлган бўлса-да, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳам қисқарди. 1994 йилда аҳоли жон бошига ЯММ 200 АҚШ долларигача пасайиб кетди. Миллий валюта-аввал карбованец, кейинчалик гривна жорий этилишига қарамадан инфляция ўсиб борди.

Аввалига давлат томонидан қисқартirilган нархларнинг тартибга солиниши 60%га тикланди. Аммо бу яширин иқтисодиётнинг ўсиши ва коррупциянинг (мансабдорларни пора билан сотиб олиш) авж олишига таъсир кўрсатолмади. 1994 йилги озиқ-овқат нархи 1990 йилдагига нисбатан 4-5 баравар юқори эди. ЯИМнинг 40%идан кўпроғи ижтимоий таъминотга йўналтирилганлигига қарамадан аҳолининг қашшоқликда яшashi, шахтёрлар, металлургия ва бошқа ишчиларнинг норозилик чиқишларига сабаб бўлди. Аҳоли норозилигига таяниб турли йўналишда мухолифот кучлар пайдо бўлди, таъқиқланмаган коммунистлар фаоллашди. Ҳукумат 1992 йилга мўлжалланган ислохотларни ўтказишдан чўчиб турарди.

Ҳукумат бошқа муаммоларга ҳам дуч келди. Униатлар, католик-греклар ва рим-католикларнинг диний марказлари ва рус православ черкови мухторияти қаторига ундан ажралиб чиққан Украин православ черкови маркази ҳам қўшилди. Кўпгина руслар яшайдиган Шарқий минтақаларда рус тилига ҳам давлат тили мақомини беришни ва ҳаттоки Украинанинг федератив тузумини ёқлаб чиққан ҳаракат ҳам юзага келди. Қримда, унинг хўжалиги Украинанинг бошқа вилоятлари билан чамбарчас боғлиқлигига қарамадан, кўпчиликни ташкил этувчи рус аҳолининг асосий қисми ярим оролнинг Россияга қўшилиши ёки мустақилликка эришишини талаб қилди. Бу вазиятни Россиядаги обрўли доираларнинг Қримга, Қора денгиз флоти ва унинг Қримдаги базалари, энг аввало Севастопольга даъво қилишлари вазиятни янада мураккаблаштирди. Украина эса Россия Федерацияси ёрдамсиз унга мерос қолган совет ракета-ядро қуролини зарарсизлантиришни урдадай олмас эди ва Россиядан зарур энергия манбаларини олмоқчи эди.

Қримдаги кўпчилик русларнинг оммавий чиқишлари 1992 йилда Украина ҳукуматини Қримнинг махсус мақомини тан олишга мажбур этди. Аммо кейинчалик Қримнинг махсус мақомга эга бўлиши учун ҳаракатлар бозор ислохотлари ва коммунистлар ўртасидаги кескин кураш туфайли тўхтатилди. Натижада 1995 йилда «Қрим давлатчилиги» барҳам топди ва вилоят ҳукумати мамлакат ҳукуматига бўйсунди.

Мураккаб музокаралардан сўнг 1994 йил бошида Украина, Россия ва АҚШ ўртасида унга СССРдан мерос қолган ракета-ядро қуроли Украинага тегишли эканлиги, уларнинг Россияда зарарсизлантирилиши ва АҚШ томонидан иккиламчи хом ашёнинг сотиб олиниши тўғрисидаги битим тузилди. Бу Украинага ўзининг ядро қуролидан воз кечганлигини тасдиқдаш ва уни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилишга имкон

берди.

1992 йилда Қора денгиз флоти ва унинг базалари, ҳамда энергия ресурсларини сотиб олиш тўғрисида бошланган Россия билан музокоралар узоқ чўзилди ва уларни ниҳоясига етказиш бошқа президентга насиб этди.

Янги президентга умумхалқ сайловлари 1994 йилнинг ёзида бўлиб ўтди. Иккинчи босқичдаги кескин курашдан сўнг Л.Кучма ғалаба қозонди. У иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мулкчилик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳамда мамлакатнинг дунё ҳамжамиятида фаол қатнашиши тарафдори эди. Аммо у ОРда кўпчиликни ташкил этган сўл партиялар-коммунистлар, социал-демократлар ва бошқаларнинг астойдил қаршилигига дуч келди.

Қийинчиликларни четлаб ўтиш мақсадида, Л.Кучма ҳокимият тўғрисидаги буйруғида ҳукумат ва унинг фаолиятини президентга бўйсундирди. Бу 1994 йилнинг кузидан бошлаб кўп йиллик бозор ислохотлари дастурини амалга ошириш имконини берди. Аммо парламентдаги мухолифот кучлар зарур қонунларнинг қабул қилинишига тўсқинлик қиларди. Фақатгина 1996 йилда ОРнинг қайта сайланишидан кейин президент национал-либераллар ва национал-демократлар ёрдами билан янги конституция қабул қилинишига эришди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари баён этилган эди. Президент ўз йўлини давом эттириш учун етарлича ваколатга эга бўлди. Бунга 1997 йилдаги парламент сайловларида ислохотлар тарафдорларининг ғалаба қозониши ҳам ёрдам берди. Эскирган советлар тизими ундан самаралироқ бўлган маъмурият билан алмаштирилди. Таълим тузилиши ва таркибини янгилаш, соғлиқни сақлашни ислох қилиш, украин тилини қўллашни кенгайтириш ва украин маданиятини ривожлантириш фаоллашди. Бу русийзабон аҳолининг бир қисмининг норозилигига сабаб бўлди.

Украинада ўтказилган ислохотлар мулкчилик ва ишлаб чиқариш тузилишини аста-секин ўзгартирди. 1998 йилга келиб давлат ихтиёрида барча корхоналарнинг атиги 15,4%и қолди. Уларнинг катта қисми менежер ва акционерлар қўлига ўтди. Аммо иқтисодиёт ва аҳоли аҳолининг умуман яхшиланишига эришиш учун самарали мулк эгалари етишмас эди. Аҳоли турмуш даражасининг секин ўзгариши, ҳукумат йўл қўйган хатоликлар ва коррупция кўпчиликда президент танлаган йўлдан норозилик ва унга нисбатан шубҳа уйғотди. Аммо коммунистлар ва бошқа рақибларнинг чиқишларига қарамасдан 1999 йилда Кучма яна президентликка сайланди. Унинг тарафдорлари ОРда кўпчиликни ташкил этди. У махсус буйруқ билан ерга хусусий мулкчиликни жорий этди. Маъмуриятни тубдан қайта ташкил қилишга киришди. Янги кредитлар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. 2000 йилдаги референдумда сайловчиларнинг кўпчилиги президент ваколатини ошириш ва ҳукуматнинг парламентга қарамлигини чеклаш учун овоз берди. Референдум натижаларининг амалга оширилиши ҳукуматнинг бошланган ўзгаришларни муваффақиятли давом эттириши учун ва иш унумдорлигининг оширилишига имкон берарди. Аммо 2000 йил охирида мухолифот кучлар Кучмани ва махсус хизматни бир журналистнинг ўлимига дахлдорликда айблади ва мамлакатда президент истеъфосини талаб қилувчи ҳаракатлар юзага келди. Мамлакатда узоқ муддатли ва жиддий сиёсий инқироз бошланди.

Л.Кучма президентликка қайта сайланишидан олдин Украинанинг Россия билан дўстлик ва ҳамкорлиги тўғрисидаги кенг ва узоқ муддатли шартномаси имзоланган эди. Уларнинг 2004 йилгача иқтисодий ҳамкорлиги дастури келишиб олинган эди. Ниҳоят Россия Қора денгиз флотининг катта қисмига эгалик қилди, Украинадан унинг улушидаги кўпгина кемаларни олди ва Севастополдаги флот базасини ижарага олди. Украинанинг Россиядан олаётган энергия ресурслари бўйича қарздорлигини қоплаш ва уларнинг йўлларини излаб топиш, уларни келгусида ҳам мамлакатга олиб келишнинг шартларини ишлаб чиқиш ҳамда Украина корхоналари томонидан уларни талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик масалалари энг қийин вазифа бўлиб қолди.

Россиядан сотиб олинган табиий газнинг 1 минг кубометри 2008 йил учун 179,5

АҚШ доллари баҳосида белгиланди.

Премьер министр Ю.Тимошенко 2007 йил Украина учун оғир йил бўлганлигини, инфляция 17%ни, ёнилғи газ инқирози ўзининг юқори босқичига чиққанлигини маълум қилди.

2001 йилда бир қатор мураккаб масалалар бўйича Россия ва Украина президентлари ўртасида келишувларга эришилди.

Ялпи Ички Маҳсулотнинг ярмини ташкил этган ташқи қарзлардан қутулиш, ўсиб бораётган инфляцияни бартараф қилиш учун Украина ҳукумати Халқаро Валюта Фонди ва бошқа халқаро ташкилотлардан ёрдам сўради. У Грузия, Озорбайжон ва Молдова давлатлари билан муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Қора Денгиз давлатлари ташкилоти иштирокчиси Украина раҳбарияти ЕИ мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва хавфсизлик кафолати сифатида НАТОнинг «тинчлик учун шериклик» шартномасига амал қилмоқда.

2004 йилнинг 31 октябрида Украинада Президент сайловла-рининг биринчи тури ўтказилди. Йигирма нафарга яқин номзод бўлишига қарамай, президентлик курсиси учун кураш асосан икки ашаддий рақиб-амалдаги бош вазир Виктор Янукович ва мухолифат кучлар раҳбари, собиқ бош вазир Виктор Юҳченко ўртасида борди. Биринчи тур сайлов натижаларига кўра уларнинг бирортаси ҳам етарли овоз тўплай олишмади. Натижада Марказий сайлов комиссияси сайловларнинг иккинчи босқичи ўтказилишини маълум қилди. Сайлов 21-ноябрга белгиланди. Марказий сайлов комиссияси иккинчи турда В.Януковичнинг 49,42%, унинг рақиб «Менинг Украинам» мухолифатчи партиясининг лидери В.Юҳченконинг 46,69% овоз олганлигини маълум қилди. Ўз навбатида бу нафақат мамлакат ичкарасидаги кучлар ўртасидаги курашни кучайтирди, балки шу билан бирга ҳам географик, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан Европада ўз ўрнига эга бўлган бу давлатда кимнинг президент бўлиши яқин келажакда қитъада кучлар нисбатини ўзгартириб юборадиган давлатлар ўртасидаги курашга ҳам айланди. Ички ва ташқи мухолифат кучлари сайлов натижаларининг сохталаштирилганлигини айтишиб, кўп минг кишилиқ намоёнлишни бошлашди.

Украинанинг Шимоли-Ғарбий вилоятлари Юҳченкони, Шарқи-Жанубий вилоятлари Януковични ҳимоя қилиб, амалда бир-бирига қарама-қарши турган иккита йирик кучга айланди. Бу ишга дарҳол ЕХХТ ва ЕИ, шунингдек, АҚШ ва Польша каби давлатларнинг раҳбарлари ҳам аралашиб, сайловнинг В.Янукович фойдасига сахталаштирилганлигини айтишди. Амалдаги президент Л.Кучма ҳам, Олий суд ҳам қатъиятсизлик қилди. Олий суд сайловларнинг иккинчи турини бекор қилиб, президентликка янги сайловни 26-декабрга белгилади.

Украина ташқи сиёсати йўналишининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан Европадаги кучлар мутаносиблигини белгилайди. Яъни у анъанавий ҳамкори Россиядан воз кечиб ғарб билан яқинлашуви Россиянинг Шарқий Европадаги геосиёсий, ҳатто иқтисодий позициялари заифлашувига сабаб бўлади ва аксинча, агар Украина Россия билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидан борадиган бўлса, Россияга ўз таъсирини ўтказиш учун ҳаракат қилаётган ғарб манфаатларига путур етган бўлади.

Шу сабабли Украина масаласида ғарб билан Россия ўртасида қизғин кураш кетди. 2004 йил 26-декабрда бўлган президент сайловларида Ю.Юҳченко кўп овоз олиб президентликка сайланди. Ю.Юҳченконинг ғарбпараст сиёсати мамлакатдаги сиёсий кучларни икки лагерга бўлиб ташлади. 2007 йил ноябрида парламентга бўлган сайловлар кескин курашлар остида ўтди. Сайловлар Украинанинг ЕИ ва НАТОга интилишига қарши турган, Россия билан яхши қўшничилик муносабатларини олиб боришни хоҳлаган Янукович партиясини кўп овоз олишга қарамай ҳукумат тuzолмади. Ю.Тимошенко блоки ўнг кучлар билан бир иттифоққа бирлашиб, президент Юҳченконинг қўллаб-қувватлаши билан ғарбпараст ҳукуматни тuzди. Бироқ мамлакат сиёсий ҳаётидаги кураш тўхтагани йўқ. Россия-Украина муносабатларида жиддий келишмовчиликлар давом этмоқда.

Белоруссияда ислохотлар тақдири ва авторитаризм

Мустақилликка эришиш ва тараққиёт йўлини танлаш Беларуссия учун мураккаб ва қийин бўлди. Аҳолининг 78%и белорусс миллатидан иборат бўлишига қарамасдан у СССР иттифоқдош республикалари ичида энг руслашгани эди: белорусс тили, маданияти ва миллий ўзлигини англаши четга суриб қўйилган эди. Республика СССР қуролли кучлари учун энг муҳим плацдарм (уруш майдони) вазифасини ўтарди. Унда буюк давлатнинг улкан ҳарбий буюртмаларини бажарувчи «териш цехи»дан иборат йирик ҳарбий саноат жойлашган эди. Чернобил радиацияси худудининг 1/5 қисмини заҳарламасдан олдин унинг қишлоқ хўжалиги нисбатан яхши аҳволда эди. Ядро ҳалокатидан катта зарар кўрган республика аҳолиси асосан СССРда ўртача бўлган барқарор турмуш даражаси билан қониқарди. Республика Горбачев бошлаган «қайта қуришнинг Вандеяси» (Вандея-Франциядаги парламент бўлиб, Буюк Француз буржуа инқилоби (1793 й) даврида контрреволюцион исёнчиларнинг ўчоғи бўлиб қолган)га айланди.

80-йилларда фаоллашган белорусс тили ва маданияти, миллий ўзлик ва руҳият ҳимоячилари 1989 йилда З.Позняк бошчилигида Беларусс халқ фронтини тузди, келаси йили эса бир нечта либерал-ватанпарвар ва либерал-демократик кайфиятдаги ташкилотлар ҳам тузилди. Аммо уларни аҳолининг атиги тўртдан бир қисми қўллаб-қувватлади. Конформистик (бефарқ ўзининг мустақил фикри бўлмаган) кайфиятдаги аҳоли компартиядан норози эмас эди (қўшни республикалардан фарқли ўлароқ). Шунинг учун компартиянинг ҳокимият тепасида қолиши учун Олий Совет томонидан 1990 йил бошида белорусс тилига давлат тили мақомининг берилишига ва Беларуссия суверенитетининг эълон қилинишига эришиш етарли эди.

Таркиби кўпчилик коммунистлардан иборат бўлган ҳукумат ва Олий Совет аҳоли эҳтиёжини қондириш учун иқтисодий мустақиллик, яъни хўжаликнинг республика ихтиёрига тўла ўтишини етарли деб ҳисоблади. 1991 йилда Минск шаҳрида Олий Совет томонидан Беларуссия мустақиллигининг эълон қилиниши ва Олий Совет Раиси С.Шушкевич томонидан СССРнинг парчаланганлиги тўғрисидаги Беловеж хужжатининг имзоланиши Коммунистларнинг Беларуссиядаги ҳокимиятини Россия ва бошқа республикаларда ғалаба қилган либерал-ислохотчилар ҳужумидан ҳимоя қилди.

Аммо СССР парчаланishi билан Беларуссия саноати буюртмаларнинг 86%идан ва республикада мавжуд бўлмаган хом ашё ва энергия манбалари оқимидан маҳрум бўлди. СССР ҳарбий плацдармининг йўқолиши Беларуссияни даромаднинг яна бир манбаидан маҳрум қилди. 1992 йилдаёқ ишлаб чиқариш 21%га, 1994 йилда эса 40%дан кўпроққа қисқарди. Инфляция ҳалокатли тус олди, аҳоли қашшоқлашди. В.Кебич ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш орқали инқирозни бартараф этиш дастури муваффақиятсизликка учради. 1991 йилда корхоналарни хусусийлаштириш ва ишлаб чиқариш тузилмасини қайта қуриш бошланди, кейинчалик «шоксиз бозор муносабатларига ўтиш» дастури тақлиф қилинди. Аммо буни амалга ошириш учун маблағ топилмади. Россия билан ҳамкорлик фақат ҳарбий масалалар билан чекланди. Аҳоли турмуш даражаси пасая борди, давлат аппаратини эса порахўрлик емира бошлади.

Олий Совет раиси С.Шушкевич бўҳтон ва айбловлар билан вазифасидан четлаштирилганидан сўнг, 1994 йилда президентнинг умумхалқ сайловлари орқали сайланишини кўзда тутган янги конституция қабул қилинди. Сайловларнинг иккинчи босқичида «мен ўнглари билан ҳам, сўллар билан ҳам эмас, балки халқ билан биргаман» деб баён қилган А.Лукашенко ғалаба қозонди. У коррупциянинг олдини олиш ва Россия билан бирлашиш орқали фаравонликка эришишни ваъда қилди. Кўпчилик СССР тикланмаса ҳам, Россия билан бирлашиш янги буюртмалар, кредитлар энергия ресурслари ва хомашёларни олишга ва шу билан совет давридаги арзимас аммо барқарор фаравонликнинг қайтишига умид қилганди.

Кейинчалик май ойида, (1994) Лукашенко янги парламент сайловлари билан

биргаликда референдумни ҳам ўтказди. Бу референдум олдинги давлат рамзларини (белгиларни) қайтарди, рус тилини ҳали ўз мавқеига эга бўлишга улгурмаган беларусс тилига тенглаштирди, Россия билан қўшилишни маъқуллади ва энг асосийси президентнинг парламент устидан ҳукмронлигини таъминлади.

Фақатгина декабр ойига келиб яқунланган парламент сайловлари натижалари муҳолифотни бостириш ва ислоҳотларни тўхтатишга уринаётган президентга маъқул эмас эди. Ҳукумат колхоз ва совхозлар тизимининг учдан икки қисми касод бўлиш ҳолатида эканлигига қарамасдан уларни сақлаб қолди. Президент эндигина бошланаётган хусусийлаштиришни тўхтатди, иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилишини ва нархларни тартибга солинишини кучайтирди, тадбиркорликни бутунлай тўхтатди. Россиядан имтиёзли нархлар билан энергия ресурсларининг сотиб олиниши ҳукуматга ишлаб чиқаришни ўстириш ва қашшоқликни барқарор сақлашга имкон берди. Мамлакатнинг молиявий аҳволи оғирлигича қолмоқда эди. Ҳукумат президент танлаган йўлга қарши турувчиларга шафқатсизлик билан муносабатда бўлди.

Ўз ҳокимиятини кучайтириш мақсадида 1996 йилда Лукашенко референдум ўтказиш йўли билан ҳам парламент, ҳам конституцион суд ваколатларини чеклашга эришди. У парламентдан муҳолифот вакилларини четлаштирди ва ўз ваколатларини узайтиришга эришди. Бу воқеалар ва қатағонларнинг кучайиши Белоруссияда авторитар тузум шаклланишига олиб келди. Парчаланган миллий-демократик муҳолифот кучлари ҳеч қандай таъсирга эга бўлмади қолди.

Авторитаризм йўли билан мамлакатнинг «бўйсунувчанлиги»га эришиш ҳукуматга 2000 йилда корхоналарни хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, солиқ тизимини ислоҳ қилиш, экспортни янада ривожлантиришга қаратилган беш йиллик ижтимоий-иқтисодий ривожланиш Дастурини қабул қилиш имконини берди. Аммо, оғир молиявий-иқтисодий аҳвол уни амалга оширишни қийинлаштирди.

1997 йил баҳорида Белоруссия ва Россия ўртасида иккала давлат Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги шартнома, 1999 йил охирида эса ҳар бир мамлакат ўз суверенитетини сақлаб қолган ҳолда дуалистик давлат тузиш тўғрисида иттифоқ шартномаси имзоланди. Лукашенко Россия томонидан ҳеч қандай шартларсиз Белоруссия қарзларининг катта қисмининг воз кечилишига ва Россиядан хом ашё ҳамда энергия ресурсларини имтиёзли нархлар билан олиб туришга муваффақ бўлди.

Аммо келишувларнинг амалга оширилишини иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг сустиги ва иқтисодиёт ҳамда сиёсий тузумнинг кескин фарқ қилиши мураккаблаштирди. Россия ва Белоруссия ҳукуматлари бажариш амримаҳол бўлган ишга қўл урган: улар турли мафкуравий-сиёсий тузумга эга давлатлар конфедерациясини тузишга ҳаракат қилдилар.

Александр Лукашенконинг Россия билан Белоруссияни бирлаштиришдан кўзлаган мақсади Б.Ельциннинг меросхўри бўлиш, ҳеч бўлмаганда бирлашган йирик ва қудратли давлатнинг Вице-президентлиги лавозимини эгаллаш эди. Бироқ Б.Ельцин 2000 йили ўзининг президентлик лавозими ўрнини В.Путинга бўшатиб бергандан кейин А.Лукашенконинг умидлари пучга чиқди.

Владимир Путин янги иттифоқ ҳақидаги гапларга ақл-идрок билан ёндошди. Унинг фикрича Белоруссия Россия таркибига ё федерация субъекти сифатида кириши керак ёки барча халқаро қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда мустақил давлат сифатида Россия билан қандайдир иттифоқ тузиш мумкин. Эҳтимол, бу Европа Иттифоқига ўхшаган бўлиши мумкиндир. Бироқ, иқтисодий муносабатларда халқаро қоидалар амал қилиши шарт. Россия-Белоруссия иттифоқи ўтган йилларда бир неча марта жиддий синовларга дуч келди. Ҳар сафар бу синовлардан ўтиш жараёнида таъна-дашномлар бўлди. Бир-бирларини айблашди ҳам. Муносабатларнинг юмшаган даври ҳам бўлди.

2002 йилнинг август ойида иккала Президентнинг Москвадаги учрашувида ҳамма нарса очиқ айтилди. В.Путин дастлаб ягона давлат сифатида бирлашишни таклиф қилди. Бунда Россия Федерациясининг Конституцияси асос қилиб олинади. Бу таклиф қабул

қилинадиган бўлса, халқнинг розилигини олиш учун 2003 йилнинг май ойида референдум, декабрида ягона парламентга сайлов, 2004 йилнинг март ойида ягона давлатнинг бошлиғини сайлаш учун сайлов ўтказиш мумкинлигини айтди. Ёки бўлмаса, Европа Иттифоқи каби ягона парламентга эга бўлган иттифоқ давлати тузиш таклифини киритди. Шунингдек, 2004 йилнинг 1 январидан рус рублини ягона пул бирлиги сифатида жорий этишни таклиф қилди.

Россия раҳбарининг бирорта таклифи ҳам Белоруссия раҳбарига маъқул бўлмади. Лукашенко ягона давлатга бирлашиш тўғрисида референдум ўтказишни Белоруссияни етти бўлакка бўлиб, Россия ихтиёрига бериш деб изоҳлади.

Шунингдек, у агар ягона валютага ўтилса, Белоруссиянинг миллий банки Россия Марказий банкининг филиали бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда Белоруссия ўз давлат мустақиллигини йўқотади, деб эътироз билдирди. Бундай ҳолат, яъни турлича ёндашувлар, тортишувлар ва келишмовчиликлар кейинги йилларда ҳам давом этди.

2007 йилнинг декабр ойига келиб икки мамлакат ўртасида Иттифоқлик шартномаси Минск шаҳрида имзоланди. Президентлар В.Путин ва А.Лукашенко имзо қўйган шартномада бўлажак иттифоқнинг сиёсий тузилиши қўшимча битим ва протоколларда ишлаб чиқилиши кўзда тутилди.

Россия газининг бир минг кубометри Белоруссияга 2007 йил декабрдаги келишувга мувофиқ 2008 йилда 119 АҚШ доллари баҳосида сотиладиган бўлди. Белоруссия Президенти А.Лукашенко мамлакат халқига янги йил табригида ўтган 2007 йил АҚШ ва ЕИнинг иқтисодий ва сиёсий тазйиқлари остида ўтганлиги учун энг оғир йил бўлди деб айтди.

Ўзбекистон Белоруссия муносабатларига келсак, икки ўртада 1993 йил 21-январида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Белорусс Республикаси ҳукумат делегацияси 2004 йилнинг ноябрида Ўзбекистонга келиб, унда савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳозир Ўзбекистонда 20 га яқин қўшма корхоналар Белорусс сармоясини иштирокида ишламоқда. Белоруссия-Ўзбекистон ўртасидаги йиллик савдо айланмаси 2004 йилда 40 млн АҚШ долларини ташкил этади.

Шарқий Европада 6 та суверен республиканинг пайдо бўлиши, СССРнинг таназзулга юз тутиши ва миллий-либерал ҳамда демократик кучлар фаоллашувининг натижаси эди. У Европанинг сиёсий тузилишини ўзгартирди. Аммо бу мамлакатларда давлатчиликнинг шаклланиши ва «реал социализм» харобалари устида ислохотлар ўтказиш, Марказий ва ҳатто Жануби-Шарқий Европа давлатларида ислохотлар ўтказишга нисбатан ҳам мураккаброқ ва қийинроқ бўлди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Балтика Ассамблеяси ҳақида нималар биласиз?
2. “Қуйлаётган инқилоб” қаерда юз берди?
3. Латвия қандай қилиб мустақилликни қўлга киритди?
4. Литва мустақиллиги қачон эълон қилинди?
5. Молдованинг мустақил бўлишини гапиринг?
6. Молдованинг Парчаланишини қандай тушинасиз?
7. Украинада мустақиллик қачон юз берди?
8. Украина-Россия ўртасидаги зиддиятлар нималарда кўринади?
9. Белоруссия қачон мустақил бўлди?
10. Лукашенко авторизимини қандай тушинасиз?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Болтиқ бўйи республикаларининг НАТО ва ЭИ га аъзо бўлиб киришларидан мақсадлари нимада?
2. Россия-Украина ўртасидаги келишмовчиликларнинг сабабларини айтинг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век 1945-2000. част 2,3. М., 2001.
2. Эйза Бриггс, Патриция Клевин. Европа нового и новейшего времени. С. 1789 года и до наших дней. М., 2006.
3. Новейшая история. Подробности. М., 2000.
4. Кривогуз И.М. Крушение “реального социализма” в Европе и судьбы освободившихся народов. М., 2001.
5. Россия ее соседи. Соотношение национальных интересов внутри СНГ. М., 1999.
6. Восточная Европа: контуры пост коммунистической модели развития. М., 1999.
7. Восточная Европа на историческом переломе М., 1991.
8. Глубоцкий А. Эстония, Латвия, Литва, Белоруссия. М., 1993.
9. Денчев К. Восточная Европа после социализма: поиск новых парадигм. Габрова, 1997.
10. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Ташкент, 2002.
11. Актуальные проблемы современной Эстонии. Таллин, 1996.
12. Автарханов А. Империя Кремля. Вильнюс, 1990.
13. Белоруссия: пут к новым горизонтам. М., 1996.
14. Кожокин Е. Украинский вектор перемен М., 1994.
15. Заринов И. Белоруссия после распада СССР. Этнологический аспект. М., 1998.
16. Евзеров Р. Украина с Россией в месте или врозь. М., 2000.
17. Ж “Евразия”. 2002-2008 г.г.
18. Ж. Азия и Африка сегодня. 2000-2008 гг

5-МАВЗУ: КАВКАЗОРТИ РЕСПУБЛИКАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Кўриб чиқиладиган масалалар:

- 1. Грузияда мустақилликнинг тикланиши ва можаролар.**
- 2. Арманистонда мустақилликнинг тикланиши, уруш ва ислохотлар.**
- 3. Озарбайжонда мустақилликни тиклаш, давлатчиликни шакллантириш ва ривожланиш қийинчиликлари.**

Таянч сўзлар:

Грузия мустақиллигининг тикланиши. Гамсахурди. Грузиядаги ички миллий низолар. Демократик ислохотларнинг қийин бориши. Абхазия ва Жанубий Осетиянинг ўзини мустақил деб эълон қилишлари. Грузия-Россия муносабатларидаги зиддиятли жиҳатлар. Грузия-Ўзбекистон муносабатлари.

Арманистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши. Демократик ислохотларнинг бориши. Тоғли Қорабоғ муаммоси. Арманистон-Озарбайжон муносабатларидаги зиддиятли жиҳатлар.

Озарбайжон мустақиллигининг тикланиши. Озарбайжонда демократик ислохотлар. Ривожланишдаги қийинчиликлар. Озарбайжон-Арманистон муносабатларидаги зиддиятлар. Тоғли Қорабоғ муаммоси. Озарбайжон-Ўзбекистон муносабатлари.

Дарснинг мақсади:

ССЖИнинг парчаланиши билан Кавказорти республикалари, хусусан, Грузия, Арманистон ва Озарбайжондаги мустақиллик учун курашлар, унинг оқибатлари натижасида бу республикаларнинг мустақилликни қўлга киритишлари, кейинги демократик ислохотларнинг бориши ёритлади.

Кавказорти республикалари, Марказий Осиё республикалари сингари Европа худудидан ташқарида жойлашган, аммо узоқ муддат СССР таркибида бўлиши билан унинг тақдири Европа қисми билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Улар СССР меросининг катта қисмига эга бўлишди ва Европадаги собиқ совет республикалари каби «реал социализм» харобалари устида янги жамият қуришни бошлади.

80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Кавказорти СССРда миллий-озодлик ҳаракатлари фаоллиги бўйича иккинчи минтақага айланди. 1917 йилда Россия империяси қулаганидан сўнг мустақил деб эълон қилинган Грузия, Арманистон ва Озарбайжоннинг эрки 20-йилларда коммунистлар томонидан бостирилди ва 1922 йилда бу республикалар СССР таркибига киритилди. Жамиятни зўравонлик кучи билан бошқариш ва қатағонлик йўли билан уларда саноат яратилди, қишлоқ хўжалиги коллективлаштирилди, совет мафкураси ҳукмронлиги ўрнатилди ва инсонлар ҳаёти кескин ўзгарди. Аммо уларнинг қайта қуриш ва ошкоролик даврида намоён бўлган эркинлик ва мустақилликка интилиши янада кучайди. Уларнинг танлаган йўллари СССРнинг бошқа республикалари танлаган йўлларида кескин фарқ қиларди. Бу республикаларда янги давлатчиликнинг шаклланиши ва тараққиёти эса жуда мураккаб кечди, узоқ муддатли ва кескин тўқнашувларга сабаб бўлди.

Грузияда мустақилликнинг тикланиши ва можаролар

1921 йилда бой берилган мустақилликни тиклаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиб чиқиш Грузия аҳолисининг бир қисми учун қайта қуриш йилларидан олдин ҳам азалий орзу ҳамда вазифа бўлиб келарди. 1985-1989 йиллар давомида грузин маданияти ва мамлакат мустақиллигининг тикланиши учун курашувчилар йиғинлар ҳамда намоишлар ўтказди. Юздан ортиқ турли ташкилотлар ва гуруҳлар пайдо бўлди. Тбилиси шаҳрида 1989 йил 9-апрелда бўлиб ўтган кўп минг кишилик митинг қатнашчиларига совет кўшинларининг ҳужум қилиши оқибатида кўплаб тинч аҳолининг ҳалок бўлиши, бутун мамлакатнинг ғзабини кўзғатди ва жунбушга келтирди. СССР халқ депутатлари съездидаги Грузия вакилларининг кўпчилиги консерваторлардан иборат бўлганлиги учун ташаббусни тезда радикаллар ўз қўлларига олишди. Улар 1989 йилнинг кузида Миллий озодлик кўмитасини ташкил қилишди. Комунистик раҳбариятнинг обрўси ва таъсири илдизига болта урилди. Сентябрь ойида умумхалқ сўровида фуқароларнинг 89%и мамлакат мустақиллиги учун овоз берди. Давра суҳбати миллий ташкилотларни бирлаштирди ва 1990 йил кузида Олий Кенгаш сайловларида ғалабани таъминлади. Уларнинг раҳбари ҳуқуқшунос З.Гамсахурди бўлди.

1991 йил апрель ойидаги референдум натижалари асосида Олий Кенгаш Грузия мустақиллигини ва 1921 йилги конституцияни қайта тиклади. Май ойида умумхалқ овоз бериш йўли билан Гамсахурди Грузия президенти этиб сайланди. Мамлакатда советлар (кенгашлар) ва собиқ ижтимоий-сиёсий ташкилотлар бекор қилинди. Бошқарувда хўжаликни либераллаштириш ва демократлаштириш бошланди. Аммо ҳукумат ва халқнинг диққат эътиборини бу ўзгаришлар чоғида юзага келган тўқнашувлар чалғитди.

1990-1991 йилларда Горбачев томонидан тазйиқ ўтказилишига жавобан Гамсахурди СССР билан дипломатик алоқаларни узди. Бу эса танг аҳволдаги иқтисодий вазиятни яна оғирлаштирди. Буюртмалар, энегрия манбалари ва хом ашёнинг йўқлиги ишлаб чиқаришни фалажлантирди. Илгариги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридан маҳрум бўлиш аҳоли турмуш даражасини пасайтириб юборди.

Иттифоқ махсус хизматларининг кўмаги ва ёрдамида Жанубий Осетия ва Абхазия автоном республикаларидаги осетинлар ва абхазлар 1989 йилдан бошлаб СССР билан алоқани узишга қарши кураш бошлади. Осетиялик миллатчилар ўз ҳудудларини автоном республика деб эълон қилишган бўлса, абхазиялик миллатчилар Абхазия суверенитетини эълон қилишди. Бунга жавобан Грузия парламенти Жанубий Осетияни мухториятдан маҳрум қилди ва у ерга айирмачилар билан жангга кирган грузин қуролланган кучларини жўнатди. Кўпчилик аҳоли яшаш жойларини тарк этди. Кейинчалик Россия тинчликпарвар кучлари ёрдамида урушлар тўхтатилди, аммо бу муаммонинг сиёсий ечими ҳозиргача топилгани йўқ.

Гамсахурди тарафдорлари бўлган қуролланган гуруҳлар, аҳолисининг асосий қисми грузин бўлган Абхазияга ҳам киритилди. Аммо В.Ардзинба раҳбарлигидаги Абхазия миллатчи ватанпарварларига совет кўшинлари ёрдам бераётган эди. Бу 1991 йил кузида Грузия ҳукуматини улар билан келишувга мажбур этди. Унга кўра Абхазия Олий Кенгашида аҳолининг атиги 17%ини ташкил этган абхазларга 28 ўрин, 46% аҳолини ташкил этган грузинларга атиги 26 ўрин ва бошқа миллат вакилларига жами 11 ўрин насиб этди. Бу фуқароларнинг қайси миллатга мансублигига кўра белгилашга сабаб бўлди ва Абхазияда этнократия (алоҳида миллат ҳукмронлиги) ўрнатилишига олиб келди.

Гамсахурди хатоларининг оғир оқибатлари мамлакат аҳолиси катта қисмининг норозилигига сабаб бўлди. Ўз қуролли гуруҳларига эга бўлган муҳолифотчилар ҳукумат ҳаракатларини пучга чиқарди. 1991 йил 22 декабрда эса улар Тбилисидаги ҳукумат биноларига ҳужум қилиб Гамсахурдини Арманистонга қочишга мажбур қилди. 1992 йил 2 январидан бошлаб Тбилисида ҳукумат Гамсахурди рақиблари томонидан тузилган Ҳарбий Совет қўлига ўтди. Янги ҳукумат Гамсахурди конституциясини бекор қилди, парламентни тарқатиб юборди ва фавқулодда ҳолат жорий қилди.

Янги раҳбарият мамлакатни бошқариш учун грузинлар орасида машҳур бўлган

Э.Шеверднадзе номзодини таклиф қилди. Улар, яъни бир-бири билан келишмасликка ҳаракат қилаётган кучлар бундан фойдаланмоқчи бўлишди, аммо уларнинг барча умидлари пучга чикди.

Шеверднадзе Гамсахурдининг барча рақибларига таяниб, 1993 йил кузигача звиадчиларнинг (Звиад Гамсахурдия тарафдорларининг) мамлакатда фуқаролик урушини келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатларини бартараф қилди. Гамсахурдиянинг ўзи Чеченистонга қочиб кетди ва у ерда ҳалок бўлди. Шу билан бирга Демократик иттифок ёрдами билан Шеверднадзе 1992 йилдаёқ ҳарбий Совет ўрнига Давлат Советини тузди, бошқарув органлари, қуроли кучлар, флот ва чегара қўшинларини тузиш ишларини бошлади. Грузия ўзини зарур қурооллар билан таъминлаб турган Россия билан алоқани тиклади. Грузия мустақиллиги ўнлаб мамлакатлар томонидан эътироф этилди. Мустаҳкамланиб олган ҳукумат кенг тус олган фитналарнинг ва Шеверднадзедан норози бўлган раҳбарларнинг исёнларини бартараф этди. 1992 йилнинг кузида парламентга бўлиб ўтган сайловларда Шеверднадзени қўллаб-қувватлаган блок парламентга нисбатан кўпчилик овозга эга бўлди ва парламентдаги ўринларнинг катта қисмини эгаллади.

Грузия давлатчилигини мустаҳкамлаш мақсадида Шеверднадзе ва унинг тарафдорлари 1995 йил ёзида янги конституцияни қабул қилди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб қўйилган эди. Унга кўра мамлакат раҳбари халқ томонидан сайланадиган ва кенг ваколатларга эга бўлган президент бўлишлиги ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг парламентга тегишли бўлишлиги белгилаб қўйилди. Ноябрь ойида янги парламент сайланди. Унда Грузия фуқаролар Иттифоқи, Умумгрузия тикланиш иттифоқи ва миллий-демократик партия кўпчилик ўринларга эга бўлишди. Президент этиб Шеверднадзе сайланди. Рақибларнинг фитна ва суиқасдларига ва қийинчиликларга қарамасдан ҳокимият кучая борди ва 2000 йилда Шеверднадзе яна президент этиб сайланди. ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга имкон берди. 1998 йилга келиб давлат ихтиёридаги мулкнинг 76%и, жумладан барча корхоналарнинг 90%и, асосан менежерлар, ҳиссадор-инвесторлар ва хусусий тадбиркорлар қўлига ўтди. Ерларнинг 2/3 қисми хусусий мулкка айланди. Грузия миллий валютаси-лори жорий қилинди. Аммо инвестиция ва энергия манбалари танқис эди, ташқи қарзлар кўпайиб борди.

Мамлакатда 1990 йилга нисбатан 4 баравар кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хўжаликни оёққа турғизиш ниҳоятда қийин кечди. Аҳоли турмуш даражаси пастлигича қолди. Грузиянинг турли минтақаларидаги тараққиёт даражасининг турличалиги жойларда, айниқса, мухтор Аджарияда маҳаллийчиликни келтириб чиқарди.

Мамлакатдан Абхазия ва Жанубий Осетияни (Цхинвали)ни ажратиб қўйган айирмачилар ҳаракати мамлакат аҳолиси ва хўжалиги учун оғир юк бўлди.

Абхазияда маҳаллий миллатчилар Гамсахурдия тарафдорлари мағлубиятидан фойдаланиб, 1992 йилда Абхазияни суверен давлат деб эълон қилган эски конституцияни тиклади. Абхазия томонидан мустақиллик эълон қилинишига жавобан Шеверднадзе у ерга ҳали тўлиқ шаклланмаган Грузия қўшинларини киритди. Улар бутун Абхазия ҳудудини қўлга олиб ва Ардзинбани Россия, ЕХХТ ва БМТ воситачилигида музоқора олиб боришга мажбур этди. Урушни тўхтатиш ҳақида келишиб олинди. Аммо сал ўтмасдан абхаз қуроли отрядлари Чеченистон ва бошқа кўнгилли қўшинлар ёрдамида яна хужумга ўтди. Россия ҳарбийларининг норасмий аралашуви билан улар 1992 йил кузигача Абхазиядан грузин қўшинларини сиқиб чиқариб, Сухуми шаҳрини ишғол қилди.

Абхазияда этнократия кучая борди ва грузинларга қарши уюштирилган қатағонлар оқибатида уларнинг 300 мингга яқини Грузияга қочишга мажбур бўлди. Бу воқеалар ва Грузиянинг МДХ, таркибига кириши Россияни Абхазияга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллашга ундади. Музоқораларда воситачиларнинг уринишларига қарамасдан Ардзинба тузуми Абхазия суверенитети ва мустақиллигини талаб қилди. Фақатгина МДХ қарори билан Россия тинчликпарвар кучлари Абхазияга киритилганидан кейин Ардзинба

грузин қочоқларнинг қайтишларига розилик билдирди. Аммо бундан кейин ҳам абхаз миллатчилари (фашистик) этнократик режимни кучайтиришни давом эттирди, президент сайловларини қайта ўтказиб, қочоқларнинг қайтишига турли йўллар билан тўсқинлик қилди. Улар ДМР (Днестрбўйи Молдова Республикаси) билан шартнома тузиб ўз мавқеларини кучайтирмоқчи, аммо дунёдаги бирорта мустақил давлат Абхазия мустақиллигини тан олгани йўқ.

Ўз ҳудуди дахлсизлигининг халқаро миқёсда тан олиншига эришган Грузия мамлакатнинг парчаланишини сиёсий йўл билан бартараф этишга уринмоқда. Унинг РФ ва МДХ билан муносабата иқтисодий ҳамкорликдан манфаатдорлиги билан белгиланади. Россия тинчлик ўрнатувчи кучларининг Абхазиядаги фаолиятдан қониқмаган Грузия ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилган ҳолда Грузия ҳудудидаги Россия ҳарбий базаларини тугатиш тўғрисида Россия билан келишиб олди. Россия ҳукумати бу базаларни тугатишга киришди. Аммо Грузиянинг Россия-Грузия чегараси (Чеченистон минтақаси) орқали Россия қуролли кучларининг ўтказилишига рад жавобини бериш Россия томонидан виза режимининг жорий қилишига олиб келди. Бу Грузиянинг иқтисодий аҳволини оғирлаштириб, Абхазия ва Жанубий Осетия айирмачиликларига қўл келди. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият оғирлигича қолмоқда.

Грузия ҳукумати АҚШ ва ЕИ мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамламоқда. Грузияга хорижий кредит ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Озарбайжон билан биргаликда Транскавказ нефт қузури лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Шу йўл билан унинг энергия манбаларига танқислигини бартараф этишга ёрдам бериш кутилмоқда. Ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида Грузия НАТО билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда.

2003 йилнинг октябрида Грузияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловларнинг сохталаштирилганидан норози бўлган демократик кучлар - Михаил Саакашвили бошчилигидаги Миллий Бирлик Ҳаракати ва Нино Буржанадзе бошчилигидаги Демократик блок норозилик намоишларини бошлади. Мамлакатнинг иқтисодий томондан оғир аҳволга тушиб қолиши ва ташқи қарзнинг кўпайиб кетиши, аҳоли турмуш шароитининг ёмонлашиши кўпчиликка ёқмади.

2003 йилнинг 22 ноябрида оппозиция кучлари парламент биносини эгаллади ва Э.Шеверднадзенинг истеъфога кетишини талаб қилди. 23-ноябрда президент Э.Шеверднадзе билан оппозиция кучлари лидерлари ўртасида Россия ташқи ишлар вазири И.Иванов воситачилигида музокора бўлиб ўтди. Шундан кейин Э.Шеверднадзе узининг истеъфога чиққанлигини маълум қилди. Президентлик вазифасини вақтинча Нино Буржанадзе ўз қўлига олди. Грузияда оппозиция кучлари таърифлаганидек, «бархат инкилоби» қон тўкишларсиз (2 кишини ҳисобга олмаганда) ғалаба қилди ва 2004 йилнинг январ ойида президентликка ва янги парламентга сайловлар ўтказилиши белгиланди. Президент сайловларида Михаил Саакашвили ғалаба қилди. Бироқ, мамлакатда сиёсий вазият мураккаблигича қолмоқда. Гамсахурдия президентлиги даврида Жанубий Осетия, Шеверднадзе даврида Абхазия ўзларининг Грузиядан ажралиб чиққанлигини бир томонлама эълон қилишганди.

М.Саакашвили ҳокимият тепасига келгандан кейин Аджария ҳам Грузиядан ажралиб чиқишини эълон қилди. Мамлакатда вазият мураккаблашди. 2004 йилнинг мартада Михаил Саакашвили Аджарияга келмоқчи бўлганида Автоном Республика айирмачи кучлари уни чегарадан ўтказишмади.

Грузия билан Аджария ўртасидаги вазият уруш ҳолатига бориб қолди. Шундай бир пайтда Москва меъри Ю.Лужков ва Россия Федерацияси хавфсизлик кенгаши котиби Игор Иванов воситачилик ролини ўйнашди. Аслан Абашидзе сиёсий курашда таслим бўлди ва Аджария Автоном Республикасининг ажралиб кетишининг олди олинди. 2006 йилнинг ноябрида Жанубий Осетиянинг мустақиллигига ва Кокойтининг президентликка сайланиши масаласида умумхалқ референдуми бўлиб ўтди, овоз берганларнинг 96%и мустақиллик учун ҳамда Кокойти номзоди учун овоз бердилар. Грузия, ЕИ ва ЕХХТ бу

референдумни тан олмади. Бирок, ўзларининг мустақилликларини эълон қилган Жанубий Осетия ва Абхазия масалалари мураккаблигича қолмоқда. Мураккаб вазиятни назорат қилиб туриш учун Абхазия ва Жанубий Осетияга БМТ хавфсизлиги кенгаши қарори билан ЕИ ва Россиянинг тинчлик кучлари киритилган. 2008 йилнинг баҳор ва ёз ойларида Грузия Абхазия ва Жанубий Осетияга нисбатан қатор провокация ишларни амалга оширди. Чегарада ҳарбий тўқнашувлар юз берди. Вазиятнинг мураккаблашиб бориши урушнинг келиб чиқиш ҳавфини туғдирмоқда.

2007 йил ноябр ойида мамлакатдаги вазият мураккаблашиб, қарама-қарши кучлар ўртасида тўқнашувлар бўлди. Президент Саакашвили ҳарбий ҳолат жорий қилди, камашлар ва таъқиблар авжига чиқди. Грузияда 2008 йилнинг 5 январидан Президент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловда Михаил Саакашвили 52% овоз олиб ғалаба қилди. Бирок оппозициядаги партия вакиллари сайловнинг сохталаштирилган-лигини айтиб, уни тан олмадилар. Оппозиция лидери Леван Гачечиладзе сайлов натижаларининг бекор қилинишини, сайловнинг 2-чи тури ўтказилишини талаб қилиб 9 январдан очлик эълон қилишларини ва 13 январда кенг миқёсда намоёниш ўтказишларини маълум қилди. ЕИ ва НАТОга интилаётган Саакашвили ғарбнинг қўллаб-қувватлаши билан Президентликка ўз номзодларини қўйган оппозиция кучларини қаттиқ таъқиб қилишни давом эттирди. АҚШ ва НАТОнинг қўллаб-қувватлаши билан Саакашвили ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолди.

Грузия-Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар 1994 йилнинг 19 августидан ўрнатилди. Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларнинг ривожланишига Э.Шевверднадзенинг 1995 йилнинг 4-5 сентябрларида Ўзбекистонга келиши ва Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1996 йилнинг 28-29 майларида Грузияга расмий ташриф билан бориши асосий туртки бўлди.

Арманистонда мустақилликнинг тикланиши, уруш ва ислоҳотлар

Совет Арманистонда ватанпарварлар ҳаракати (сочилиб кетган қадимги диний ва этник гуруҳларнинг кўплиги) туфайли энг қадимги халқ тили ва маданиятини тиклаш учун кураш, ҳамда мустақиллик учун курашлар ҳеч қачон тўхтамаган. 1988 йил февралдаги қудратли арман миллий ҳаракатига Озарбайжондаги воқеалар туртки бўлди: Тоғли Қорабоғ аҳолисининг 70%идан кўпроғини ташкил этган арманларнинг озарбайжонлик раҳбарлар ўзбошимчалигига қарши норозиликлари ва арманларнинг Сумгаитдаги Озарбайжон миллатчи экстремистларига қарши оммавий чиқишлари бунга мисол бўлади. Айбдорларни жазолаш талаби ва норозиликлар билан кўчаларга юз минглаб одамлар чиқди. Барча совет тартибларини оёқости қилган ҳолда Арманистон ватанпарварлари арман халқини ҳимоя қилиш учун «Қорабоғ» кўмитасини ташкил қилди.

Арманистонда миллий-ватанпарвар чиқишлар ва ташкилотлар сонининг кучайиб боришини мафкуравий-сиёсий тазйик, ва қатағонлар ҳам, 1988 йил декабридаги ҳалокатли ер қимирлаши ҳам, ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши ҳам тўхтата олмади. Аҳоли мамлакатдаги кимёвий корхонани ва сейсмик ҳалокати бутун халқни йўқ қилиши мумкин бўлган АЭСни тўхтатишга эришди. СССР ҳукуматининг ер қимирлашдан зарар кўрган аҳолига катта ёрдам кўрсатишига қарамасдан, халқ оммасининг катта қисми Тоғли Қорабоғнинг Арманистонга берилишини рад этган совет ҳукуматининг қароридан ғазабга келиб, республика мустақиллигини тиклашни талаб қилиб чиқдилар.

1989 йил баҳорида халқ депутатларининг кўпчилиги консерваторлардан бўлса-да, ҳарбий ҳолатнинг бекор қилиниб, «Қорабоғ» етакчилари қамокдан озод қилингандан сўнг 1990 йил апрел ойидаги Олий Советга сайловларда Арманистон умуммиллий ҳаракати ғалаба қозонди. Бу воқеа ва давом этаётган оммавий чиқишлар натижасида коммунистлар ҳокимиятни қўлдан бой бердилар. Ҳокимият миллий демократлар қўлига ўтди. Уларнинг етакчиси Тер-Петросян Олий Совет раиси этиб сайланди. Улар ҳукуматни туза бошлашди.

1990 йил август ойида Олий Совет Арманистон мустақиллиги тўғрисида баёнот

берди. Маъмурий-ҳуқуқий тизимнинг янгиланиши ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни бошлаган конституциявий қонун қабул қилинди. 1991 йил ёзида президентлик лавозими жорий этилгандан сўнг унга Тер-Петрасян сайланди. Сентябрь ойида умумхалқ референдуми натижаларига кўра Олий Совет Арманистон республикасининг СССР таркибидан чиқиши ҳақида баёнот берди.

Янги давлатнинг шаклланиши ва ривожланишини Тоғли Қорабоғни озод қилиш мақсадида Озарбайжон билан олиб борилган уруш қийинлаштирди. Халқаро вазиятнинг, айниқса, Туркия билан ўзаро муносабатларнинг мураккаблашишидан хавфсираган Арманистон, Тоғли Қорабоғни ўзига қўшиб ололмас эди. Аммо ўз мустақиллигини эълон қилишга мажбур бўлган Тоғли Қорабоғ Арманистондан ҳар қандай ёрдамни олаётган эди.

1991 йилдаги Тоғли Қорабоғ пойтахти - Степанокерт учун бўлиб ўтган шафқатсиз урушлардан сўнг арман-қорабоғ қўшинлари душман қўшинларини анча ортга суриб Озарбайжон-нинг катта ҳудудини ишғол қилди. Аммо Озарбайжон алоқа тармоқлари ва энергия манбалари оқимини кесиб Арманистон ва Тоғли Қорабоғни блокада қилиб қўйди. Грузиядаги можаролар, Абхазиядаги ҳарбий ҳаракатлар Арманистонни шимолдаги қўшнилардан ҳам ажратиб қўйди. Озарбайжон билан дўстона муносабатда бўлган Туркия томонидан бўлиши мумкин бўлган таҳдиддан Арманистонни МДҲга аъзолиги ва ҳудудида жойлашган Россиянинг 2 та дивизияси ва чегара қўшинлари химоя қилиб турди.

Россия ва ЕХҲТ иштирокида 1994 йил май ойида арман-озарбайжон frontiдаги сулҳ ва Грузияда ҳарбий ҳаракатларнинг тугаши Арманистон аҳволини бироз яхшилади. Аммо Тоғли Қорабоғ муаммоси ҳалигача ечилмаган. Озарбайжон арман-қорабоғ қўшинлари томонидан босиб олинган Озарбайжон ҳудудларининг ва Тоғли Қорабоғнинг қайтарилишини талаб қилмоқда.

Хом ашё, энергия манбалари ва хорижий бозорларнинг йўқлиги Арманистон саноатини тўхтатиб ташлади ва қишлоқ, хўжалиги самарадорлигини пасайтирди. 1994 йилга келиб унинг ЯИМ 75%га қисқарди. Бу пайтда ер қимирлаш асоратлари тўла бартараф қилингани йўқ эди. Табиий офатдан зарар кўрган ва Озарбайжондан келган юз минглаб қочоқлар вақтинчалик ётоқ жойларда яшамокда эди. Бошқа маҳсулотлар у ёқда турсин озиқ-овқат ва ёнилғи етишмас эди. Ҳаёт манбаини тополмаган 800 минг киши муҳожир бўлди. Улкан инсонпарварлик ёрдами ва бой мамлакатлар кредитлари, ҳамда диаспоранинг саховатли ёрдами бўлмаганда минглаб кишилар ҳалок бўлиши турган гап эди. ЕИ 1991-1996 йиллар давомида Арманистонга 340 миллион долларлик ёрдам жўнатди. ХВФ бир неча йиллар давомида Арманистон бюджет харажатининг 45%ини қоплаб келди. Жаҳон банки 260 миллион долларлик мақсадли кредитлар ажратди.

Ҳукумат хорижий ёрдам туфайли қийинчиликларга қарамасдан ислоҳотлар ўтказди. Олий Советдаги республика тизими тўғрисидаги ўткир мунозаралардан сўнг 1995 йилда референдум орқали янги конституция қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган эди. Арманистон демократик республикага айланди, унинг халқ томонидан сайланадиган президенти кенг ваколатларга эга бўлади. Миллий мажлис қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Янгича маъмурий бўлиниш жорий қилинди. Бу тадбирлар ҳокимиятнинг самаралилигини оширди.

Арманистонда миллий валюта-драм (дирам) жорий қилинди ва Арманистоннинг ташқи қарзлари 1 миллиард доллардан ошганига қарамасдан унинг барқарорлигига эришилди. Саноат ва ерларни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида 1998 йилга келиб корхоналарнинг 70%и хусусийлаштирилди ва хусусий ерларда 350 минг хўжалик юзага келди. Асбоб-ускуналар эскирганлиги, энергия манбалари, хом ашё, ўғит ва машиналарнинг етишмаслиги сабабли уларнинг унумдорлиги ниҳоятда паст эди. Электр энергияси ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида ҳукумат сейсмик жиҳатдан хавфли бўлган АЭСни қайта ишга туширишга мажбур бўлди. 1994 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришнинг ўсиши бошланди ва у 90-йилларнинг охирига келиб йилига 10%дан ортиқ бўлди. 1996 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги жонлана бошлади. Мамлакатга энг янги

ускуна ва технологиялар, хом ашё, энергия манбалари ва озиқ-овқат олишга имкон берган ташқи савдо (26 мамлакат билан) анча ошди, хорижий инвестициялар кириб кела бошлади. Бу ишсизликни камайтириш ва ойлик маошни оширишга ёрдам берди.

Аммо Тоғли Қорабоққа боғлиқ бўлган келишмовчиликлар ва аҳоли асосий қисми турмуш даражасининг пастлиги сабабли келиб чиқаётган ижтимоий коллизиялар (қарама-қаршиликлар) сиёсий курашнинг кескинлашувига сабаб бўлди. 1996 йилда президентликка қайта сайланган Тер-Петросяннинг Тоғли Қорабоғ масаласида ён беришга мойиллигидан норози бўлган ҳарбийлар ва муҳолифот кучлар тазйиқи остида 1997 йилда истеъфога чиқди. Кескин кураш натижасида илгари Тоғли Қорабоғни, кейинчалик Арманистон ҳукумати бошқарган Р.Кочарян президент этиб сайланди. Аммо бу ҳам бир қатор «ноқулай» (номақбул) депутат ва вазирларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлган террористик ҳаракатларни амалга оширган экстремистларни қониқтирмади. Тоғли Қорабоғ масаласида Озарбайжон, Туркия, Россия билан келишув йўқлиги ва турли сиёсий гуруҳлар ўртасидаги кураш мамлакатдаги сиёсий барқарорликни йўққа чиқарди.

Президент тузумни барқарорлаштириш ва Арманистоннинг халқаро позициясини мустаҳкамлашга уринмоқда. Турли муҳолиф гуруҳларнинг давом этаётган чиқишлари мамлакат ривожланишини орқага сурмоқда.

2003 йилнинг март ойида Арманистонда президент сайловлари бўлиб турди. Роберт Кочарян яна президентликка сайланди. 2003 йилнинг 25-майида Миллий мажлисга сайловлар ва Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида референдум бўлиб ўтди. Конституцияга киритилган ўзгартиришлар шундан иборат бўлдики, Президентнинг ҳуқуқлари қисман чекланди ва Миллий мажлис ваколатлари кенгайтирилди. Ижроия ҳокимият премьер-министр деб номланиб, бундан кейин министрлар кабинети мажлисларини Президент бошқармайдиган ва унинг қарорларини тасдиқламай-диган бўлди. Шунингдек, икки фуқароликни бекор қилиш тўғрисида Конституцияга ўзгартириш киритилди. Россия федерацияси Арманистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва Жанубий Кавказдаги ягона стратегик шериги ҳисобланади.

2003 йилнинг ноябрида имзоланган битимга кўра Россиянинг 102-ҳарбий базасининг сақланиб қолиши ва ҳарбий-саноат алоқаларни мустаҳкамлаб, юқори технологияли ҳарбий тизимларни арзон баҳоларда Арманистонга сотишга келишиб олинди. Туркия билан туташган Арманистон чегараларида Россия ҳарбий кучлари сақланмоқда.

Арманистон учун унинг МДХ ва ЕХХТда иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. РФ билан яқин ҳамкорлик иқтисодиётнинг ривожланиши ва хавфсизликнинг таъминланишига ёрдам берди. Арманистон энг илғор мамлакатлар билан ҳамда Эрон билан алоқаларни кенгайтирмоқда, Туркия билан ўзаро алоқаларни яхшилашга уринмоқда. Озарбайжон ва ЕХХТ билан музоқара юритиб, Тоғли Қорабоғ масаласида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш йўллари изламоқда.

Ўзбекистон билан Арманистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1995 йилнинг 27 октябрида ўрнатилди.

Озарбайжонда мустақилликни тиклаш, давлатчиликни шакллантириш ва ривожланиш қийинчиликлари

Озарбайжонда аҳоли турмуш даражаси бошқа СССР республикаларидагидан пастроқ, ижтимоий кескинлик эса юқорироқ эди. Қайта қуриш бошланиши билан ҳукумат раҳбарлари томонидан кичик миллат манфаатларининг оёқ ости қилиниши ва энг камбағал аҳоли ҳамда люмпен (қашшоқ) ларга нисбатан нафрат кўзи билан қараш туйғуси ошкор бўла бошлади. 1988 йил февралда Озарбайжоннинг мухтор вилояти бўлган Тоғли Қорабоғ аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган арманлар ҳуқуқларининг ҳукумат томонидан поймол қилиниши ва Озарбайжон саноат шаҳри Сумгаитда экстремистлар томонидан арман аҳолисига қарши қўлланган хунрезликка қарши оммавий норозиликлар намоён бўлди. Тоғли Қорабоғда фавқулодда ҳолат эълон қилиниши ва Сумгаитда ҳуқуқ ва

тартибот органлари чораларига қарамасдан арман-озарбайжон можароси ҳокимият обрўсига путур етказди.

1989 йилда Озарбайжон ҳукумати СССР халқ депутатлари съездига ҳали кўпчилиги совет тартиботини сақлаш тарафдори бўлган депутатларни жўнатиши мумкин эди. Аммо йил охирига бориб Тоғли Қорабоғдаги қуроли тўқнашувлар кескинлашди. Мамлакатнинг турли минтақаларида аҳолининг 8%ини ташкил этган арманларнинг чиқишлари кузатилди, Бокуда эса миллатчилар, либераллар ва демократлар компартияга муҳолиф бўлган Халқ фронтини ташкил қилди. У тезда катта таъсирга эга бўлди.

1989 йил кузидан бошлаб Озарбайжон суверенитети ва либерал ислохотларни талаб қилган Халқ Фронти қудратли намоёнлар ва митинглар ташкил қилди. 1990 йил бошида у муқобил ҳокимият органларини ва ўз қуроли отрядларини тузди, ҳуқуқ-тартибот органларини бошқаришга ҳаракат қилди. Бокуда Халқ Фронти тарафдорларининг оммавий митинглари бўлди, уларнинг ҳукумат ҳимоячилари ва ҳарбийлар билан тўқнашувлари юз берди.

Ҳокимиятнинг Халқ Фронти қўлига ўтмаслиги учун СССР Олий раҳбарияти 20 январга ўтар кечаси Бокуга совет қўшинларини киритиб Халқ Фронти ва норозилик кўрсатган аҳоли билан аёвсиз кураш олиб борди. Юзлаб одамлар ўлдирилди, ярадор қилинди, оммавий чиқишлар бекор қилинди ва фавқулодда ҳолат жорий қилинди.

Шунинг эвазига компартия раҳбарияти ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолди. Аммо азалдан ҳарбий зўравонлик билан бадном бўлган бу ҳокимият кейинги бир неча ой ичида ишлаб чиқаришнинг пасайишини, аҳоли турмуш даражаси ёмонлашини тўхтатолмаслигини ва Тоғли Қорабоғни қўлдан бой берганлигини намоён қилди. Бу ҳукумат аҳоли норозилигига тобора дучор бўлмоқда эди. Исёнчиларга қарши юборилган кўнгилчилар отряди совет қўшинлари ёрдамига қарамасдан, орқага суриб ташланди. Компартиянинг парчаланиши Халқ Фронтининг кучайишига ва янги миллий-либерал, миллий-социал, миллатпарвар ва диний-сиёсий кайфиятдаги партия ва ташкилотларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Аммо Озарбайжон Олий Совети фақатгина 1991 йил август ойи охирида, яъни амалда СССР тарқалган ва Россияда ҳокимият либерал демократлар қўлига ўтгандан кейингина мустақилликни тиклаш тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. Октябр ойида Конституцион акт ва Озарбайжоннинг МДХда иштирок этишига розилик билдириши ҳукуматнинг умрини узайтирди.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва нархнинг кўтарилиши, 1992 йил баҳорига келиб аҳолининг катта қисмининг ва Тоғли Қорабоғдан келаётган қочоқларнинг аҳолини оғирлаштирди. М.Муталибов раҳбарлик қилаётган коммунистлар ҳукуматидан норозилик оммавий тусда бўлди. Март ойида бу ҳукумат ағдарилди. Аммо рақиблар ўртасидаги келишмовчиликлар Муталибовга май ойида яна ҳокимиятга қайтишга имкон берди. Аммо икки кун ўтгандан сўнг бу ҳукумат Халқ Фронти ва «Кулранг бўрилар» миллатчи ташкилотлар кучлари томонидан ағдариб ташланди.

Умумхалқ сайловларида мамлакат президентлигига ўзини «Отатурк аскар» деб атаган миллий-демократ А.Элчибей сайланди. Унинг ҳукумати нархларни либераллаштирди ва янги валюта-манатни жорий қилди, аммо ислохотларни давом эттиришдан чўчиб турди. Асосий эътибор совет қуролини захирасига эга бўлган қуроли кучларни шакллантириш ва уларнинг турк мураббийлари томонидан тарбияланишига қаратилди. Арманистонга қарши курашда Туркия билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Элчибей Озарбайжоннинг МДХ таркибида бўлишини рад этди. У Эрон Озарбайжонини қўшиб олиш йўли билан «Буюк Озарбайжон»ни барпо этишни орзу қиларди. Бу Эрон билан ўзаро муносабатларни мураккаблаштирди.

Аммо 1992 йилда иқтисодий-ижтимоий аҳволнинг ёмонлашуви, фронтдаги мағлубият ва Тоғли Қорабоғнинг ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин кучайган турли маҳаллий клан (уруғ)ларнинг иғволари, муҳолиф партияларнинг кучайиши, талиш ва лезгин айирмачиларининг фаоллашуви ҳамда Халқ Фронтидаги келишмовчиликлар

Элчибей ҳокимиятининг сусайишига олиб келди. Қонунсизлик ва турли гуруҳларнинг ўзбошимчалиги мамлакатни фуқаролик уруши ёқасига олиб келди.

Ёзда Ганжа шаҳрида фронтдаги мағлубияти учун президентнинг берган танбехларидан ғазабга келган палковник С.Гусейнов полки исён кўтарди ва президентнинг истеъфога чиқишини талаб қилиб Бокуга юриш қилди. Элчибей қаршилик кўрсатишдан чўчиди ва собиқ коммунистлар етакчиси Г.Алиевдан ёрдам сўраб пойтахтдан қочди.

1990 йилда совет қўшинларининг Бокуга киритилишидан норозилигини намойиш қилиб, КПСС сафини тарк этган Алиев ўша пайтда ўз она юрти Нахичевань автоном вилоятида эди. У Янги Озарбайжон миллий - демократик партиясига таянарди. Г.Алиев Бокуга келиб Гусейнов билан келишувга эришди. Гусейнов ҳукумат бошлиғи бўлишга рози бўлди, Алиев эса парламент раиси этиб сайланди. 1993 йилда Алиев Миллий-либерал дастур билан чиқди ва Тоғли Қорабоғни Озарбайжонга қайтариб олиш ваъдасини бергандан кейин у умумхалқ сайловларида Озарбайжон президенти этиб сайланди.

Янги президент давлатчиликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Қайта ташкил этилган қўшинлар ва хавфсизлик органлари фронтни барқарорлаштирди, турли маҳаллий гуруҳларнинг чиқишларини ва 1994 йил кузи, 1995 йил баҳорида ҳокимиятни қўлга олиш учун амалга оширилган фитна ва исёнларни бартараф этди. Фитналарга аралашган Гусейнов ўз вазифасидан четлаштирилди ва суд жавобгарлигига тортилди. Алиев ва унинг янги ҳукумати ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг тарқоқлигини ва қайта гуруҳланишини бартараф этди. Ҳокимият Янги Озарбайжон партияси ва бошқа хайрихоҳ ҳамда мухолифотдаги кучларга таянарди. Бу кучлар республикачилар ва социал-демократик партиялардан, исломлаштириш, турклаштириш ва янгиланишга интилувчи Муссабот, Озарбайжон Халқ Фронт, «кулранг бўрилар» ҳамда бошқа миллий-радикал, миллий мухолифот кайфиятидаги кучлардан иборат эди.

1995 йил ноябрида референдум йўли билан янги конституция қабул қилинди. Унда Озарбайжон демократик, ҳуқуқий дунёвий республика деб эълон қилинди. Умумхалқ сайловларида сайланадиган президентга кенг ваколатлар берилган бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимият эса парламент - мажлисга тегишли эди. 40 га яқин партиялар иштирок этган мажлис сайловларида ўринларнинг 45%ини Янги Озарбайжон партияси эгаллади. Сиёсий барқарорликни 1998 йилда Алиевнинг яна президент этиб сайланиши мустаҳкамлади.

Ҳокимият нуфузининг ошиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, ташаббускорлигининг устиворлигини таъминловчи қонунлар қабул қилишга имкон берди. Миллий, диний ва маданий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими яратилди. Ҳукумат ўрта ва олий таълим тузилиши ва мазмунини янгиллади, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилди. Суд-ҳуқуқ тизими қайта қурилди ва жиноятчиликка қарши кураш кучайтирилди. Каспийнинг ифлосланишига қарши чоралар кўрилди.

Буларнинг амалга оширилишига улкан ҳарбий харажатлар (бюджетнинг 50-70%и) ва иқтисодиётнинг оғир аҳволда эканлиги салбий таъсир кўрсатди. 1994 йилда ҳукумат либераллаштириш ва хўжаликни давлат тасарруфидан чиқаришга уриниб кўрди. Аммо жуда катта инфляция, ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг қисқариши халқнинг кескин норозилигини келтириб чиқарди. РФ томонидан Озарбайжон билан чегаранинг вақтинчалик ёпилиши экспорт камайишига олиб келди. Бу вазиятни янада мураккаблаштирди.

1995 йилдан бошлаб ХВФга таяниб ҳукумат иқтисодиётни барқарорлаштириш чораларини амалга ошира бошлади. Тузилмавий ислохотлар ўтказилишини Жаҳон банки молиялаштирди. Энг ривожланган мамлакатлардан катта кредитлар олиш ва Туркия ҳамда Эрон билан ҳамкорликни кенгайтиришга эришилди. Озарбайжоннинг МДҲга қайтиши унинг ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт кўламини оширди.

1996-1997 йиллардан шу пайтгача муттасил қисқариб келган ЯИМни

барқарорлаштиришга эришилди. ХВФнинг ёрдами манатни кучайтириш ва хорижий инвестиция ва технологияларни жалб қилишга имкон берди. Акционерларга бериш ёки бир қисм акцияларни хусусийлаштириш давом эттирилди. Кимёвий, металлургия, электротехника ва машинасозлик саноатининг ривожланишини таъминлайдиган «аср шартномаси»нинг дунёнинг энг йирик халқаро корпорациялари билан тузилиши 1990-1995 йиллар мобайнида икки бараварга қисқариб кетган нефт қазиб олишни кўпайтириш имконини берди. Озарбайжон Грузия ва Туркия орқали нефтеправод (нефт қувури) нинг Европага ўтказилишига умид қилмоқда.

90-йилларнинг охирида инфляция чекланди ва ишлаб чиқариш жонлана бошлади. Бу аҳоли турмуш даражасини бир мунча яхшилади. Аммо аҳолининг катта қисми ўз аҳволининг ёмонлигидан норози. 2000 йилдаги мажлис сайловларида намоён бўлган ва мамлакат президенти бошқараётган Янги Озарбайжон партиясининг якка ҳукмронликка интилишидан омма норози. Бу сайловларда сайлов қонунларининг кўп марталаб бузилишига қарши норозиликлар сиёсий вазиятни мураккаблаштирди. Шунга қарамай 2003 йилги президент сайловларида Г.Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев президентликка сайланди.

Озарбайжон кўпгина халқаро ташкилотлар, жумладан, 10 та Осиё мамлакатлари (Покистон, Афғонистон, Эрон, Туркия ва Марказий Осиё давлатлари) иқтисодий ҳамкорлик ташкилотида ҳамда ЕХХТ да иштирок этиб келмоқда. У ЕИ ва НАТО билан ҳамкорлик қилмоқда. Арманистонга қарши уни қўллаб-қувватлаётган Туркия билан яқин алоқада. МДХда Грузия, Украина ва Туркменистон билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга уринмоқда, ҳамда Тоғли Қорабоғни қайтаришни қўллаб-қувватловчиларни излайди. Озарбайжон ҳукумати РФ томонидан Арманистонга қурол аслаҳа берилишидан норози ва Тоғли Қорабоғнинг тақдири белгиланадиган халқаро музокараларда Тоғли Қорабоғни қатнашчи сифатида тан олмайди.

Грузиядаги 2003 йил кузидаги «барҳат» (атиргул) инқилоби, Михаил Саакашвилининг мамлакат ҳудудий яхлитлигини тиклашга қаратилган уриниши Азарбойжонда ҳам ана шундай ҳиссиётларнинг кучайишига олиб келди. 2004 йилнинг июн ойи бошида И.Алиев ота юрти Нахичеванда сўзлаган нутқида Тоғли Қорабоғ қайси йўл билан бўлмасин, босқинчилардан қайтариб олинишини писанда қилди.

Грузиядаги инқилоб, Арманистонда муҳолифатчиларнинг бош кутариши, Тоғли Қорабоғ можаросининг яна қураш майдонига олиб чиқилиши, Каспий ва Кавказда Москва ва Вашингтоннинг минтақада рақобатини кучайиб бораётганини билдиради. Вашингтон Тбилиси билан ҳарбий ҳамкорлигини кучайтириш ва молиявий ёрдамини кўпайтиришга ваъда берди. Россия эса Грузиянинг янги раҳбариятини чўчитиш учун Абхазия ва Жанубий Осетиянинг раҳбарлари билан бу мухтор республикаларнинг мустақиллиги хусусида муносабатлар давом этмоқда.

Москва ва Вашингтоннинг геосиёсий ўйинлари Жанубий Кавказнинг яна бир муҳим республикаси Озарбойжон атрофида давом этмоқда. Нефтга бой бу республикага қилган визити чоғида АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Боқуни стратегик ҳамкор деб атади. Россия бу йўналишда бошқача йўл тутди, Илҳом Алиевнинг Россияга (2004 йил) ташрифи чоғида савдо-иқтисодий ҳамда ҳарбий ҳамкорликни кучайтиришдан тортиб, минтақада ҳорижий қўшинларнинг туришига қарши ҳарбий чораларни қўллашгача бўлган ваъдаларни берди. Бироқ амалда Россия Арманистоннинг стратегик партнёри сифатида унинг манфаатини кўзлаб йўл тутмоқда. У Арманистондаги ҳарбий иштирокини кучайтирмоқда.

Ҳуқуқий жиҳатдан Тоғли Қорабоғ Озарбайжоннинг бир қисми бўлгани учун уни БМТ ҳам тан олади. Ўзини бир томонлама мустақил деб эълон қилган Тоғли Қорабоғ маъмурияти эса ўз қароридан қайтмоқчи эмас. Расмий Степанокерт мустақиллиги Озарбайжон тарафидан тан олинишига эришмоқчи. Боқу эса ўлкани ўз ихтиёрига қайтариш ниятидан қайтмайди. 1996 йилги Лиссабон саммитидан бери жаҳоннинг уч йирик давлати- Россия, АҚШ ва Франция ЕХХТ Минск гуруҳининг ҳам-раислари

вазифасини бажариб туриб, можарони бартараф қилишнинг таклифларини берди. Бирок хар икки томоннинг қайсарлиги туфайли бажарилмай қолмоқда. 1999 йил АҚШ маъмуриятининг ташаббуси билан Озарбайжон ва Арманистон президентлари ўртасида учрашувлар бошланди. Бундай учрашувлар кейинчалик Россия президенти В.Путин ташаббуси билан Москвада, МДХ давлатлари раҳбарларининг саммити даврасида, Женева, Истанбул, Париж, Давос ва бошқа шаҳарларда ўтказилди. Бирок бундай учрашувлар ҳам можаронинг ечимини топаолмаётир.

Озарбайжон билан Ўзбекистон ўртасида 1995 йилнинг 2 октябрида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Озарбайжонга, 2004 йилнинг март ойида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Ўзбекистон Озарбайжонни Жанубий Кавказдаги стратегик шериги деб ҳисоблайди. Иккила мамлакат ҳам ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчилари ҳисобланади. 2004 йил мартада Ўзбекистон Озарбайжон давлатлари ўртасида стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Декларация имзоланди. 2004 йили Тошкент шаҳрида Низомий Ганжавий ҳайкалининг очилиши, Баку шаҳрида А.Навоийга ҳайкал қўйилиши ўзбек ва озарбайжон халқлари азалий муштараклигининг исботи бўлди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Грузияда мустақиллик қачон юз берди?
2. Грузиянинг парчаланиши қандай юз берди?
3. Грузия-Россия муносабатларидаги низоли масалалар нимада?
4. Арманистон қандай мустақил бўлди?
5. Арманистон-Озарбайжон муносабатларидаги қарма-қаршиликларнинг сабабларини айтинг?
6. Озарбайжон қачон мустақиллигини эълон қилди.
7. Тоғли Қорабоғ муаммосини қандай изоҳлайсиз?
8. Кавказорти республикалари билан Ўзбекистон муносабатларини айтинг?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. 2008 йил Грузияда қанай воқеа содир бўлди?
2. Арманистон билан Озарбайжон ўртасидаги келишмовчиликларни тушунтириб беринг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Бжезинский З. Большой провал: рождения и смерть коммунизма в XX в. Нью-Йорк, 1989.
2. Эйза Бриггс, Патриция Клевин. Европа нового и новейшего времени. С. 1789 года и до наших дней. М., 2006.
3. Новейшая история. Подробности. М., 2000.
4. Кривогуз И.М. Крушение “реального социализма” в Европе и судьбы освободившихся народов. М., 2001.
5. Геллер М. Россия на распутье. 1990-1995 М.,1996.
6. Грузины и абхазы: пут к примирению. М., 1998.
7. Армения: проблемы независимого развития. М., 1998.
8. Независимый Азербайджан: новые ориентиры. 1,2. М., 2000.
9. Россия ее соседи. Соотношение национальных интересов внутри СНГ. М.,1999.
10. Этнические и региональные конфликты в Евразии. Кн.1 Центральная Азия и Кавказ. М., 1997.
11. Ж “Евразия”. 2002-2008 г.г.
12. Ж. Азия и Африка сегодня. 2000-2008 гг

6-МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИНИНГ ТУРЛИ-ТУМАНЛИГИ

Кўриб чиқиладиган масалалар:

- 1. Қозоғистонда давлатчиликнинг шаклланиши, жамиятнинг жипслашиши ва ислохотлар.**
- 2. Қирғизистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ислохотлар қийинчиликлари.**
- 3. Туркманбоши тузумининг ўрнатилиши ва Туркманистон тараққиётининг муаммолари.**
- 4. Тожикистонда фуқаролик уруши ва жамиятни жипслаштириш муаммолари.**

Таянч сўзлар:

Қозоқистонда давлатчиликнинг шаклланиши. Жамиятнинг бирлашиши. Демократик ислохотларнинг амалга оширилиши. Н.Назарбоевнинг олиб бораётган мўтадил сиёсати. Қозоғистон-Ўзбекистон муносабатлари.

Қирғизистонда давлатчиликнинг шаклланиши. Демократик ислохотларни амалга ошириш йўлидаги қийинчиликлар. Ҳокимият учун сиёсий курашнинг мамлакат халқ хўжалигига салбий таъсири. Қирғизистон-Ўзбекистон муносабатлари.

Туркманбоши тузумининг ўрнатилиши. Бетараф Туркманистон тараққиётидаги муаммолар. Авторитаризм. Демократик ислохотларни амалга оширишдаги муаммолар. Туркманистон-Ўзбекистон муносабатлари.

Тожикистонда давлатчиликни қарор топтиришдаги қийинчиликлар. Фуқаролар уруши. Диний-экстремистик кучларнинг ҳокимият учун кураши. Демократик ислохотларнинг қийин кечиши. Тожикистон-Ўзбекистон муносабатлари.

Дарснинг мақсади:

ССЖИнинг емирилиши билан Марказий Осиё республикаларининг мустақил бўлишини, ислохотлар боришидаги қийинчиликларни, бошқарув тизимидаги бюрократик кўринишларнинг сақланиб қолишини, бу республикалар орасидаги ўзаро муносабатларнинг муаммоли жиҳатларини ёритиб беришдир.

Марказий Осиё республикалари СССРнинг Европа қисмидаги ва Кавказорти республикаларидан этник, ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий-сиёсий жиҳатдан катта фарқ қиларди. Бошқа иттифоқдошларига нисбатан улардаги турмуш даражасининг пастлиги ва аҳоли ўсишининг юқорилиги конформизм (бефарқлик, лоқайдлик) нинг ҳукмрон бўлишига ҳалақит беролмас эди. Улардаги саноат қолоқроқ ва тарқоқроқ эди. Якка ҳокимлик (монокултура)га асосланган қишлоқ хўжалиги иттифоқ маркази учун хом ашё тайёрлаб беришга мослаштирилган эди. Ислом дини ва уруғ-аймоқчилик таъсири кучлилигича қолди, аммо кўп асрлик маданият ва миллий ўзликни англашга аввал Чор Россияси, сўнгра Совет мустабид тузум амалга оширган оммавий қатағонлар, ёзувнинг ўзгартирилиши ва этник чегараларнинг ёпилиши ёрдамида мисли кўрилмаган даражада зарар етказилди. Ўхшаш тақдирлар ва советча «тенглаштиришга» қарамасдан 80-йилларда бу республикалардаги аҳвол турлича эди ва уларнинг тараққиёт йўли ҳам бир-биридан кескин фарқ қиларди. Тожикистонда «реал социализм»ни сақлаб қолишга уринишдан

тортиб, Қирғизистонда либерал-демократик ислохотларнинг ўтказилишигача, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш усулидан тортиб, Қозоғистонда «бошқариладиган демократия» орқали иқтисодиётни либераллаштиришгача ва Туркменистонда миллий-авторитар тузумнинг барпо этилишигача бўлган йўللарни кўриш мумкин. Иқтисодиёт самарадорлигининг пастлиги, аҳоли катта қисмининг қашшоқлиги ва янги давлатчиликни шакллантириш қийинчиликлари, хусусан, Тожикистонда, Ўзбекистон ва Қирғизистонда агрессив ислом фундаментализми-нинг ва экстремизмининг фаоллашувига олиб келди.

Қозоғистонда давлатчиликнинг шаклланиши, жамиятнинг жиқслашиши ва ислохотлар

Марказий Осиёнинг худудий жиҳатдан энг йирик республикаси - Қозоғистонда учта уруғ иттифоқи - жузларга бўлинишни йўқотмаган қозоқлар аҳолининг 40%ини ташкил этарди. Асосан республика шимолида яшовчи руслар ҳам аҳолининг 40%ини ташкил этар, қолган 20%ини эса украинлар, немислар, ўзбеклар, қирғизлар, татарлар, уйғурлар ташкил этарди.

Қозоқларда миллий ўзликни англаш тикланишининг чўққиси 1986 йилда Олма-отада иттифоқ маркази кўрсатмасига кўра республика ва компартия раҳбариятининг ўзгаришига қарши оммавий норозилик бўлди. Норозилик қатнашчиларининг шафқатсиз жазоланиши кўпчиликнинг ғазабини кўзғади. Шу билан бирга Қозоғистон худудида ядро синовлари ўтказилиши ва уларнинг оқибатларига қарши ҳаракат кучая бошлади. Қозоқ аҳолиси ичида қозоқ тилининг илгариги мавқеи ва ёзувининг тикланиши, қозоқ халқи тарихи, маданияти ва динининг ўрганилиши ва тикланиши тўғрисидаги талаблар оммавийлашди.

1989 йил баҳоридаги СССР халқ депутатлари съездида қатнашган республика вакиллари совет тузумини сақлаб қолиш тарафдорларидан иборат эди. Кузда Олий Совет қозоқ тилини давлат тили, рус тилини миллатлараро сўзлашув тили деб эълон қилди. Руслар ва қозоқлар ўртасидаги қарама-қаршилик мустақил Қозоғистоннинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий муаммосига айланди.

Компартия раҳбари Н.Назарбоев республикада кўп миллатли жамияти бирлигини ва Горбачевнинг СССРни сақлаб қолиш учун уринишларини қўллаб-қувватлади. Олий Совет 1990 йил баҳорида уни президент этиб сайлади, октябрда эса қаршиликларга қарамай Қозоғистон суверенитетини эълон қилди. Ҳукумат 70%и иттифоқ маркази ихтиёрида бўлган барча заҳираларни республика мулкига айлантиришни бошлади. Москвадаги август тўнтаришини (хунтасини) республика раҳбарияти жимлик билан кутиб олди, сўнгра ҳукумат амалда тарқалиб кетган компартия мулкани миллийлаштирди. Коммунистларнинг бир қисми социалистик партия туздилар, қолган қисми эса бироздан сўнг компартияни тиклади. Қозоғистонда яна бир қатор бошқа партиялар пайдо бўлди. Улардан бирлари қозоқларнинг миллий-либерал, миллий-демократик ёки диний-сиёсий партиялари бўлишса, қолганлари қозоқлар ҳаракати каби рус аҳолиси манфаатларини ҳимоя қиларди, учинчилари эса мамлакатни демократиялаштириш ва бутун аҳолига ижтимоий тараққиётни такдим этишга уринарди. Қозоқ ва рус халқларининг ҳамжиҳатлилигига, ва Россия билан яқин алоқаларни сақлаб қолишга чақирган Назарбоев 1991 йил охиридаги умумхалқ сайловларида яна президент этиб сайланди. Аммо Олий Совет Қозоғистон мустақиллиги тўғрисида ҳаммадан кейин - 16 декабр 1991 йилда декларация қабул қилди.

Давлатчиликнинг шаклланиши учун бир неча йил керак бўлди. 1993 йил бошида Олий Совет қабул қилган Қозоғистон Республикаси Конституциясида президентга кенг ваколатлар берилиши ва конституцион суд ташкил қилиниши белгиланган эди. Аммо унда аҳолининг миллий тафовутлари, ислохотлар келажаги ҳисобга олинмади ва совет (кенгашлар) тизими сақлаб қолинди. 1993 йилнинг охиридаёқ Назарбоев бошчилигидаги раҳбарият бу конституцион тизимнинг янги муаммоларини ҳал этиш учун етарли

эмаслигини фахмлаб етди. Советларнинг ўз-ўзидан тарқалиб кетишига 1993 йил кузида Россияда рўй берган воқеалар туртки бўлди. Қозоғистонда советларнинг тарқалиб кетишига ҳеч ким қарши чиқмади-«тинчгина давлат тўнтариши» рўй берди. Бу «тўнтариш» йил охирида президент ваколатларини кенгайтириш ва янги қонун чиқарувчи орган сайловлари тўғрисидаги қонунларни қабул қилишга улгурган Олий Советнинг тарқалиб кетиши билан яқунланди. Шу билан бир қаторда президент илтимосига кўра жиддий кучга эга бўлмаган илгариги партиялар ҳам тарқалиб кетди. Бу эса ўз навбатида жуз клон (уруғ) ва гуруҳларнинг фаоллашишига ёрдам берди.

1994 йил март ойидаги янги қонун чиқарувчи орган сайловлари клонлар ва гуруҳлар томонидан қонунларнинг қўпол бузилиши билан ўтдики, конституцион суд тергов ўтказгандан сўнг бу сайловларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблади. Президент сайланган депутатларни тарқатишга мажбур бўлди ва қонун чиқарувчи ҳокимият вақтинча унинг қўлига ўтди.

Конституция ва парламентнинг янгиланишигача сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш учун Қозоғистон халқлари Ассамблеяси қарорига кўра ўтказилган референдум президент ваколатини 2000 йилгача узайтирди. Совет Қозоғистонида шаклланган анъанага кўра сайлов ва референдумлар пайтида сайлов учатскаларида оила бошлиқлари ўз оила аъзолари бюллетенларини ҳам тўлдирди.

Маъмурият томонидан ишлаб чиқилган мамлакат янги Конституцияси 1995 йил август ойидаги референдумда қабул қилинган эди. Унда Қозоғистоннинг демократик, унитар, дунёвий давлат эканлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, рус тилининг қозоқ тили билан бир қаторда давлат тили эканлиги, ерга хусусий мулкчилик мавжудлиги баён қилинган эди. Конституцияга кўра умумхалқ сайловларида сайланадиган кенг ваколатларга эга бўлган президент ижро этувчи ҳокимиятни бошқаради, қонун чиқарувчи ҳокимият эса сенат ва мажлисдан иборат икки палатали парламентга тегишлидир.

1995 йилнинг охирида ҳукумат томонидан кўрсатилган сенатга номзодларнинг билвосита ва муқобилсиз сайловлари ҳамда орасида муҳолифот вакиллари бўлмаган кўп сонли мажлисга кўрсатилган номзодлар ўртасидаги кескин кураш билан умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди. Президент ўзига бутунлай хайрихоҳ парламентга эга бўлди. Турли йўналишдаги ўттизга яқин партиялар-президентни фаоллик билан қўллаб-қувватлаётган Қозоғистон миллий бирлигидан тортиб туркизм ва ислом ғояларини тарғибот қилувчи Алаш партиясигача ва халқ ҳаракатлари ҳам Назарбоевни қўллаб-қувватладилар. Аҳоли катта қисмининг сиёсий жиҳатдан пассивлиги сабабли партиялар сустрлашди. Бу эса турли уруғ ва гуруҳларнинг парда ортидаги жиноятларига ҳамда порахўрлик ва коррупцияга кенг йўл очди.

Клон (уруғ) лар ва гуруҳларнинг иғволарига қаршилиқ қилиб, коррупцияга қарши курашиб ва радикал-миллий қозоқларга ва руслар ҳамда исломий танқидчиларнинг ҳаракати йўлини тўсиб қўйган ҳолда президент ва унинг тарафдорлари оммавий ахборот воситалари ва ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган парламент депутатларининг бир қисми сайловларини тўла бошқариб борди. Кўп миллатли жамиятни бирлаштириш учун президент қошида маслаҳат-машварат органи Қозоғистон халқлари Ассамблеяси тузилди.

Президент ташаббуси билан 1997 йилда, афтидан мамлакат шимолий қисмини «қозоқлаштириш», қозоқ-рус бирлигини мустаҳкамлаш ва энг кучли жуз таъсирини сусайтириш мақсадида пойтахт мамлакатнинг жануби-шарқий бурчагида жойлашган Олма-отадан кўпчилик аҳолиси руслардан иборат ва энг муҳими индустриал-аграр минтақада жойлашган Остона шаҳрига кўчирилди. Ҳукумат фаолиятини тартибга солиш учун президент мунтазам равишда бош вазир ва вазирларни алмаштириб турди, яъни ҳукумат таркибини янгиллаб турди. Назарбоевнинг мутлоқ ҳокимлигида давлат тузуми «бошлиқ» -дохийлик тусига кирди. 2000 йилда қабул қилинган қонун унга президентлик муддати тугагандан сўнг ҳам собиқ президент сифатида ҳукумат сиёсатида аралаштишга тўла имкон берди.

1999 йилдаги президент сайловларида бир нечта номзодлар қатнашди. Баъзи

ислохотчи-демократлар Назарбоевни танқид остига олишди. Аммо халқаро кузатувчилар гувоҳлигида сайловлар бўлиб ўтди ва Назарбоев энг кўп овозга эга бўлди. Сиёсий барқарорлик мустаҳкамланди.

Назарбоев томонидан 15-20 йилга мўлжалланган самарали ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш қийинлиги ошкор бўлди. Табиий ресурсларни қазиб олувчи соҳаларга нисбатан уларни қайта ишловчи соҳалар нисбатан орқада қолди, чунки саноатдаги деярли барча жиҳозлар эскирган эди. Ғалла ишлаб чиқариш ва чорвачиликда машиналар ва замонавий технологиялар етишмас эди. Энг асосийси-иттифоқ буюртмалари ва инвестицияларининг йўқолиши тарқоқ соҳалар шароитида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кескин пасайишига олиб келди. 1991 йилдан то 1996 йилгача бўлган даврда Қозоғистон ЯИМ 31%га қисқарди.

Саноат маҳсулотлари ва ҳатто озиқ-овқат етишмас эди. Меҳнаткашларнинг асосий қисми ишсиз қолди. Инфляция тез ўса бошлади. Қиш пайтида уйлар иситилмас, корхоналар тўхтаб қолар, қорамол ем йўқлигидан қирилиб кетди.

Хўжаликни давлат тасарруфидан чиқариш 1991 йилдан кичик ва ўрта корхоналардан бошланди. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан кўра ойлик маошни кўтариш ҳақида қайғурадиган ишлаб чиқариш жамоалари мулкига айланди. Корхоналарнинг чоракдан камроғи хусусий корхоналарга айланди. Колхоз ва совхозлар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди, баъзи жойларда фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Аммо бу мулкнинг самарали мулкдорлар қўлига ўтганига қафолат берилмас эди. Шунинг учун ишлаб чиқариш пасайиши, талон-тарож қилишлар, хўжасизлик ва коррупцияни келтириб чиқарди. Аҳолининг яна камбағаллашиши давом этди. Жойларда стачка ва норозиликлар бўлиб турди.

Давлат тасарруфидан чиқариш биринчи босқичини ҳукумат кониқарсиз деб баҳолади ва 1993 йилда уни қатъий давлат бошқаруви остида давом эттириш дастурини тузди. Иқтисодий ислохотлар Миллий кенгаши тузилди. Ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналар акцияларнинг 50%и аввалига давлат ихтиёрида қолди. Бу корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошгандан кейин бу акциялар сотиларди. Ерни мулк сифатида эмас, балки узоқ муддатли арендага бериш мақулроқ деб топилди. Жиноятчиликка, айниқса, коррупцияга қарши кураш кучайтирилди. Монополияга қарши қонунлар қабул қилинди.

1994 йилдан Қозоғистон валютаси тенге муомалага кирди. Аммо нархларнинг ўсиши давом этди ва тенгени мустаҳкамлаш учун ХВФдан ёрдам олинди. Хорижий компанияларга мамлакат табиий ресурсларини ишлаб чиқариш учун лицензиялар берилди, улар иштирокида нефт ва газ қазиб олиш ва Каспий орқали Европага ва Хитойга қувурлар қуриш учун қудратли корпорациялар барпо этила бошланди.

1996-1998 йилларда хусусийлаштириш давом этиши натижасида хусусий сектор анча ўсди. Давлат ихтиёрида илгариги мулкнинг атиги 16,1%и қолди. Уларнинг ҳам 45%и хорижий компаниялар қўлига ўтди. Давлат тасарруфидан чиқарилган мулк эгалари ичида ишлаб чиқариш жамоалари улуши камайиб менежерлар, хусусий тадбиркорлар, маҳаллий ва хорижий инвесторлар улуши ортди. Бу бозор иқтисодиёти асослари ва воситаларини яратди.

Бир неча миллиард доллар инвестиция жалб этилди, инфляция пасайди ва 1996-1997 йиллардан бошлаб ишлаб чиқариш ўса бошлади. Шу билан бирга иқтисодиётда хусусий сектор афзаллиги мустаҳкамланди, у аср охирига келиб Қозоғистон ялпи маҳсулотининг 75%ини ишлаб чиқара бошлади.

Россиядаги 1998 йил инқирозига боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан, нефт ва бошқа қимматбаҳо хомашёни сотишдан келган даромадлари, ҳиссадорликнинг ошиши ишлаб чиқариш ва Ялпи Ички Маҳсулот ўсишига ёрдам берди. Ҳукумат тенгени 50%га девальвация қилишга мажбур бўлди, аммо ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратишга, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ёрдам берди.

Лекин, президент таъкидлашига қарамасдан, партиялар ва аҳолининг кўпчилиги референдумда ерга хусусий мулкчиликни жорий этишга қарши овоз берди.

Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари излаш фоаллашди. Мулкдорлар янги синфини шакллантириш, бандликни ва ночор оилаларга ёрдам беришни кучайтиришдан ташқари ҳукумат аҳоли демографик таркибини - қозоқлар фойдасига ҳал қилишга уринди. Туғилишнинг ниҳоятда кўплиги, кўшни мамлакатлардаги қозоқларнинг бир қисмининг кўчиб келиши, русларнинг эмиграцияси туфайли қозоқлар улуши тобора ошиб борди. Русларнинг кўчиб кетишини ҳукумат рағбатлантирмасида аммо бошқарувнинг «қозоқлашиб бориши» ва қозоқ маданиятининг устунлиги уларни Россия Федерациясига кўчиб кетишга мажбур қилди. Ҳукумат қозоқларнинг бутун мамлакат бўйлаб тарқалишига катта эътибор берди. Аср охирида қозоқлар аллақачон аҳолининг ярмини ташкил этди.

Ҳозирги Қозоғистон ҳукуматининг сиёсати мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. Иқтисодий ўсишнинг тез ва мустаҳкам асоси яратилган. Сўнги 4 йил ичида Ялпи Ички Маҳсулотнинг йиллик ўсиши ўртача 10,5%ни ташкил этди.

2003 йилда Ялпи Ички Маҳсулот ишлаб чиқаришда нефт ва газ тармоғининг улуши 18-20%ни, даромаднинг бюджет қисмида 30% ва экспортда-50%ни ташкил этди.

Қозоғистонда солиқларнинг камайрилиши кузатилмоқда. 2004 йилнинг январидан шахсий даромад солиғининг юқори даражаси 20%ни, қуйи кўрсаткичи 9%ни, камбағаллик даражаси мамлакат аҳолисининг 27%ни ташкил этди. 2005 йилда бу кўрсаткич икки баробарга қисқарди. 2001 йилдан эса бюджетда тақчилик бўлмаслигига эришилди.

Қозоғистонда 2004 йили парламентга сайловлар, 2005 йил ноябрида Қозоғистонда президент сайловлари бўлиб, сайловларда Н.Назарбоев яна президентликка сайланди. 2006 йил 10-январда Н.Назарбоев президентлик қасамёдини қабул қилди.

Қозоғистоннинг ташқи сиёсати унинг халқаро позициясини мустаҳкамлаш ва мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Назарбоев мамлакат бутунлигини ҳар қандай автономизацияга мойиллик ёки аҳолиси асосан руслардан иборат минтақанинг мамлакатдан ажралишига йўл қўймаслик орқали ҳимоя қилмоқда. Рус ҳамфуқаролар ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда у Қозоғистоннинг Россия билан иқтисодий интеграцияси ва кенг қамровли ўзаро ҳамкорликдан манфаатдорлигини таъкидлайди.

Қозоғистоннинг халқаро хавфсизлиги ва ядро қуролини тарқатмаслик шартномасига қўшилиши қафолати билан Қозоғистонга СССРдан мерос қолган ракета-ядро қуролининг Россия Федерациясида зарарсизлантирилиши тўғрисида келишиб олинди. Байконур космодромининг Россия Федерацияси томонидан ижарага олинishi ва ундан фойдаланиш хавфсизлик шартлари ишлаб чиқилган. Қозоғистон МДҲни мустаҳкамлашни фаол қўллаб-қувватлайди ва энг муҳим савдо партнёрлари Россия Федерацияси ва Беларуссия билан божхона иттифоқи ҳамда қўшни Марказий Осиё республикалари билан иқтисодий интеграция тўғрисида шартнома тузди. У МДҲ давлатлари бир қисми билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилди ва ўз қуроли кучларини яратди.

Қозоғистон, Россия, Украина ва Беларуссия давлатлари билан 2003 йилнинг 19 сентябрида Ялта шаҳрида Ягона Иқтисодий Макон (ЯИМ) шартномасини имзолади. Шундан кейин 2004 йилнинг май ойида Ялта шаҳрида Россия, Украина, Беларуссия ва Қозоғистон давлатларининг президентлари учрашишди. Бу учрашув ЯИМ ташкилоти раҳбарларининг биринчи олий даражадаги учрашуви ҳисобланади. Тайёрланган ҳужжатлар эса ЯИМ даражасида пул, ишчи кучи, маҳсулотлар ва хизматларнинг эркин ҳаракат қилишига имкон яратиши керак. Келажакда тўрт давлат солиқ, пул-кредит, валюта молия сиёсатларини, шунингдек, ягона ташқи савдо сиёсатини яратиши керак. Бироқ, ЯИМ ташкилоти аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар шартномаларнинг

амалга ошишини қийинлаштирмоқда.

Назарбоевнинг «кўп йўналишли ташқи сиёсати» МДХ доирасидан ҳам ташқарига чиқди. Қозоғистон Германия ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари, ҳамда Туркия, Эрон, Япония ва Малайзияга ўз хомашёсини бериш, улардан кредитлар, инвестиция ва юксак технологияларни келтириш йўли билан ҳамкорлик қилади. У 10та Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлиги (МОХ)да иштирок этмоқда. 2004 йилнинг 28 майида МОХнинг Остона шаҳрида саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари кўрилди. Саммитда 1-чи бор Россия ҳам иштирок этди. Қозоғистон - ЕХХТ аъзоси, НАТО билан ҳамкорлик қилади, Хитойнинг «Шанхай форуми» аъзосидир. Кенг ва кўп томонлама алоқалар ислохотлар ва иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш, жумладан ислом фундаментализмининг таҳдидини бартараф этишга имкон бермоқда.

Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар иккала давлат раҳбарларининг ўзаро расмий ташрифлари ва МОХ ҳамда ШХТ ташкилотлари даврасида ривожланмоқда. 2006 йилнинг кузида И.А.Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи ва 2006 йилнинг ноябр ойидаги Н.Назарбоевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи иккала мамлакат ўртасида иқтисодий, маданий, илмий-техникавий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган кўплаб битим ва шартномаларнинг имзоланишига олиб келди.

Қирғизистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ислохотлар қийинчиликлари

Марказий Осиё республикалари ичида энг кичиги - тоғли Қирғизистон иттифок марказига бўйсундирилган саноатга эга бўлиб, марказ дотацияси республика бюджетининг 60%ини қоплар эди. Аҳолининг 53%дан камроғи қирғизлар, руслар-21%, ўзбеклар - 13%ни ташкил этар, бошқа туркийзабон халқлар, украинлар, немислар истиқомат қиларди. Мамлакатда кўпчиликни ташкил этган шимолий ва жанубий қирғизлар ўртасида рақиблик, шунингдек жанубда қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида ҳам рақобат бор эди. Саноатда рус мутахассислари асосий роль ўйнардди.

Республика ҳуқуқларини кенгайтириш ҳақидаги низолар 70-йиллардаёқ янграган эди, аммо қирғиз тили ва маданиятининг устиворлиги, исломнинг ҳурмат қиллинишини талаб қилувчи ҳаракатлар 80-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди ва бир нечта ташкилот тузилди. Россиянинг марказий шаҳарларида ўқиш давомида либерализмга мойиллик орттирган қирғиз мутахассисларининг таъсири ва сайловчилар Ассоциацияси ҳаракатлари туфайли СССР халқ депутатлари съездига юборилган делегатлар ичида совет тузумини сақлаб қолиш тарафдорлари қўшни республикалардагига нисбатан кўп эмас эди. 1990 йилда эса Қирғизистон жанубидаги ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги тўқнашувларни бартараф эта олмагани ва миллий-либерал ва миллий-демократик руҳдаги ўнлаб партия ва гуруҳларнинг пайдо бўлиши сабабли коммунистик партия ўз мавқеини йўқотди. Юз минглаб кишиларни бирлаштиргани «Қирғизистон» демократик ҳаракати мамлакат суверенитети ва бозор ислохотларига даъват эди. Унинг таъсирида Олий Кенгаш 1990 йил декабрида суверенитет декларациясини қабул қилди ва СССРни конфедерацияга айлантиришга овоз берди.

Раҳбари Олий Кенгаш раисига айланган компартия ислохотларни амалга оширишни орқага сурарди. Аммо 1991 йил августдаги Москва фитнасининг қўллаб-қувватланиши партияни обрўсизлантирди. Москвада ғалаба қозонган Демократик Россия билан яқдил бўлган миллий-либерал ва демократлар талабига кўра Олий Кенгаш Қирғизистоннинг сиёсий суверенитетини эълон қилишга ва ҳатто компартияни таъқиқлашга мажбур бўлди. 1991 йил октябридаги умумхалқ сайловларида либерал демократ, академик А.Акаев мамлакат президенти этиб сайланди. У «ўтмиш билан баҳслашмасдан олға юриш»га даъват этди.

Қирғизистонда давлатчиликнинг шаклланиши либерал демократик партия ва

гуруҳлар ўртасидаги келишмовчиликлар, Акаевнинг ўз «жамоа»си йўқлиги илгариги «номенклатура» ва яқинда тикланган компартиянинг ислохотларга шафқатсиз қаршилик кўрсатиши ҳамда клан (урур)лар ўртасидаги рақиблик, ҳокимиятнинг суистеъмол қилиниши ва коррупция шароитида кучайган миллатлараро можаролар таъсирида мураккаблашган эди.

Асосий қисми коммунистлардан иборат бўлган Олий Кенгаш аввалдан ислохотларга қаршилик кўрсатди. Ислохотларни бошлаш мақсадида президент 1991 йил охири 1992 йил бошида бир нечта фармонлар билан ўз ваколатларини оширди ва маъмурий ислохотлар ўтказди, бевосита ҳукуматга раҳбарлик қила бошлади, маҳаллий раҳбарларни тайинлай бошлади ва қишлоқ жойларда янги ўз-ўзини бошқариш органларини шакллантира бошлади.

Аммо Марказий Осиё республикалари учун анъанавий бўлган конформистик (лоқайдлик, бефарқлик) руҳдаги аҳолининг овоз бериши оқибатида 1992 йил кузидаги Олий Кенгаш сайловларида ислохот душманлари - собиқ совет-коммунист арбоблар ва турли уруғларнинг раҳбарлари кўпчилик овозга эга бўлишди. Қайта тикланган компартия қасд олишга ҳаракат қилди. Ортга қайтиш хавфи туғилди.

Аммо шунга қарамасдан 1993 йил май ойида олдинга қадам қўйишга, яъни Олий Кенгаш томонидан янги конституциянинг қабул қилинишига эришилди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилди, аммо хусусий мулк чеклаб қўйилди. Қирғизистон умумхалқ сайловида сайланадиган президентлик ва икки палатали парламент - Жокоргу Кенешга эга республикага айланди. Президент олдида жавобгар бўлган ҳукумат парламентга бўйсунди. Мамлакат пойтахти номи Бишкек деб ўзгартирилди.

1994 ва 1995 йилдаги референдумларда конституцияга ҳокимият турли тармоқларининг вазифаларини белгилаш ва уларнинг ўзаро муносабатини белгиловчи тузатишлар киритилди. Парламент икки палатали бўлди. Уларнинг ҳар бирига алоҳида ваколатлар берилди. Президентнинг ваколатлари янада кенгайтирилди, парламентники аксинча қисқартирилди. Бунда, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва муҳолифотнинг фаоллашишига қарамасдан, Акаев ташаббуслари қўллаб-қувватланди. Ҳукуматда ўз мансабини суистеъмол қилиш ҳолларидан хабар топган рақибларнинг тобора кучайиб бораётган ҳужумларидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида у 1994 йил бошида президентга ишонч тўғрисида референдум ўтказди ва кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Келаси йили Акаев яна президент этиб сайланди. Катта куч билан ҳокимият барқарорлигига эришаётган Акаев баъзан чекинишлар билан радикал характердаги либерал-демократик ислохотларни ўтказди.

1998 йилда Конституцияга яна ўзгартишлар киритилиб, президентнинг ҳуқуқлари оширилди. Парламентники яна чекланди. Депутатларнинг дахлсизлиги бекор қилинди.

2000 йилдаги парламент сайловларида Акаевни қўллаб-қувватлаётганлар кўпчилик ўринларга эга бўлди ва президентга анча хайрихоҳ бўлиб қолган коммунистлар муваффақиятга эришди. Ҳукумат «Ар-Напис» демократик ҳаракатидаги Акаевни танқид қилувчилар фаоллигига зарба бериб, унинг раҳбарини ҳибсга олди. Бу эса оммавий норзиликларга сабаб бўлди ва вазиятни кескинлаштирди. Аммо Акаев рақиблари кучсизланган эди. 2000 йилдаги президент сайловларида унга сайловчиларнинг 75%и овоз берди ва у тўртинчи марта президент этиб сайланди.

Бироқ олий ҳокимиятнинг икки бўғини, яъни президент ва парламент ўртасидаги ихтилофлар ва уларнинг мавқеидаги номуносивликлар сиёсий кучлар балансини издан чиқарди. Оқибатда 2002 йилда янгитдан сиёсий кризис авж олди. 2003 йилда амалдаги ҳокимиятга муҳолифатда турган сиёсий кучлар таъсирида умумхалқ референдуми ўтказилиб, Конституцияга қайтадан ўзгартиришлар киритилди. Кучлар нисбатидаги мувозанат қисман тикланди, хусусан, президент ваколатлари қисқартирилиб, парламентники кенгайтирилди. Парламент қайтадан бир палатали бўлди.

1996-2002 йилларда мамлакат сиёсий ҳаётида ижроия ҳокимиятнинг мавқеини

кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш давомида инсон ҳақ-хуқуқларини, хусусан, сўз эркинлигини чеклашга мойиллик сезиларди.

Бундай салбий ҳолатларга чек қўйилди. Ҳозирги кунга келиб мустақил, амалдаги ҳукуматга муҳолифатда бўлган сиёсий кучларнинг оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Амалда кўп партиявийлик реал хусусият касб этди. Шу билан бир қаторда, айрим негатив ҳолатлар ҳам мавжуд. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги нисбатан паст. Бундан ташқари, миллий традиционализмнинг (анъанаварастлик, уруғ-аймоқчилик, регионализм) турли хил шаклларида қутилиши керак. Акс ҳолда, республикада фуқаролик демократик жамиятни барпо этиш узоқ вақтларгача орзулигича қолиши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш қийинроқ кечди. 1990 йилдан бошланган ишлаб чиқаришнинг пасайиши, иттифоқ марказининг буюртма ва инвестициялари тўхтагандан сўнг янада тезлашди. Илгариги алоқалардан маҳрум бўлган ва тарқоқ соҳалар ва корхоналар тўхтаб қолди, баъзи колхоз ва совхозлар тарқалиб кетди. Бу рус мутахассисларининг бир қисми муҳожир бўлиши билан яна кучайди.

1995 йилда мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилдагига нисбатан 39%ни ташкил этди. 1991-1993 йилларда Россия Федерацияси техник кредитлар тақдим этган бўлсада, дотацияларнинг тўхташи ва даромаднинг қисқариши бюджетни парчалади ва кучли инфляцияни янада тезлаштирди. Россия Федерацияси ва бой мамлакатлардан инсонпарварлик ёрдами олинишига қарамасдан Қирғизистон аҳолисининг аҳоли ёмонлашди: озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар етишмас эди, ишсизлик ўсди, ёқилғи ва электр энергияси танқис эди. Ҳукуматнинг нархлар ўсишини тўхтатишга уринишлари зое кетди. Маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизими издан чиқди. Бу ижтимоий ва миллатлараро муносабатларнинг мураккаблашиши, ҳокимиятнинг суистеъмол қилиниши ва жиноятчиликнинг ўсишига олиб келди.

1991 йилдаёқ ҳукумат ХВФ иштирокида хўжаликни давлат тасарруфидан чиқариш дастурини ишлаб чиққан эди. Нархларни либераллаштириш бошланди, 1993 йилда эса миллий валюта-сом муомалага киритилди. Лекин ҳатто ХВФ ёрдами билан ҳам инфляцияни пасайтириш ва унинг барқарорлашишига 1997 йилдагача эришилмади. Хусусийлаштирилаётган корхоналар танлов асосида давлат тасарруфидан чиқарилди ва акцияларнинг бир қисмигина уларда банд бўлган ходимларга ва чакана сотувга қўйилди. 1998 йилга келиб давлат қўлида унинг илгариги мулкнинг атиги 5,6%и қолди. Бу мулкнинг катта қисми корхоналар ходимлари, менежерлар, хорижий ва маҳаллий инвесторлар ихтиёрига ўтди. Ҳукумат савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлади. Бой мамлакатлардан ва Осиё тараққиёт банкидан кредитлар олинди ва энг асосийси хорижий инвесторлар учун қулай шароит яратилди.

Мамлакат хўжалиги турли соҳалари ўртасида алоқалар йўлга қўйила бошланди ва мамлакатда қазиб чиқариладиган хом ашёни сотиш учун янги бозорлар топилди. Божхона тўловларининг қисқартирилиши импорт ва экспортнинг эркин ривожланишини таъминлади. Жаҳон банки иштирокида ишлаб чиқаришни молиялаш йўлга қўйилди ва банклар тизими яратилди. 1996 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ўса бошлади, 1997 йилда эса ҳукумат ислохотларнинг иккинчи босқичи, яъни корхоналарни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни амалга ошириш бошланганини эълон қилди.

Президент кўплаб миллатчилик чиқишларига қарши 1991 йилдаги ер тўғрисидаги қонунда ер нафақат қирғизларга балки барча Қирғизистон фуқароларига тегишли эканлиги ҳақида ёзилганлигини исбот қилишга эришди. Аммо у на ер тўғрисидаги қонунга, на конституцияга ерга хусусий мулкчиликнинг тан олинишини тасдиқловчи ўзгартишлар киритишга муваффақ бўла олди. Шунга қарамасдан Акаев ташаббуси билан 1992 йилда аграр ислохотлар бўйича қўмита тузилди ва қишлоқ жойларда аҳоли томонидан ер қўмиталари сайланди. Уларнинг уринишлари натижасида самарасиз фойдаланилаётган ерлар, яъни барча хайдов ерларининг 50%и давлат фондига айланди. Бу

ерлардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар участкаларни 50 йил муддатга эгалик ҳуқуқларини мерос қолдириш ҳуқуқи билан ижара олишарди. Бу хусусий хўжаликлар сонининг ошиши ва мустақамланишининг бошланиши бўлди. Президент фармонида кўра 1996 йилдан бошлаб ерни ижарага олиш ҳуқуқи, сотиш ва гаровга бериш мумкин бўлди. Бу эса ерга бозор муносабатларининг жорий этилиши эди. Икки йилдан сўнг 1998 йилда ерга хусусий мулкчилик тўғрисидаги қонун қабул қилингандан кейин унинг ҳажмларини қисқартириш ва эгалари доирасидаги чеклашлар ишлаб чиқилди. 90-йилларнинг иккинчи ярмида озиқ-овқат ишлаб чиқариши жонлана бошлади, аммо кўпчилик аҳолининг турмуш даражаси деярли яхшиланмади.

Ҳукумат ЯИМ ишлаб чиқаришни бир маромда ривожланиб боришини таъминлаш учун ҳаракат қилди. 2003 йилда ЯИМ йиллик ўсиши 6,7%ни ташкил этди. Бироқ ЯИМда саноатнинг улуши 18%ни ташкил этди. Олтин қазиб олишни ҳисобламаганда 11% ни ташкил этди.

Жиддий ўзгаришларнинг ҳокимиятни суистеъмол қилиш ва коррупциянинг авж олиши билан бирга рўй бергани ошқор бўлди. Уларга қарши курашга кўп куч сарфланди. Мамлакат учун ниҳоятда зарур бўлган рус мутахассислари, ер эгаларининг кўчиб кетишларини тўхтатиш мақсадида президент рус тилининг миллатлараро сўзлашув тили деб тан олиншига ҳамда энг аввало Россия маданияти ва фани ютуқларини ўрганиш мақсадида Славян университетининг очилишига эришди. Мамлакат барча фуқароларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг эътироф этилиши уни русларга, ўзбекларга ва бошқа миллат вакилларига беришга ва шу билан бирга кўпгина можароларни бартараф этишга имкон берди. 1991 йилдан бошлаб Қирғизистондаги ҳар бир миллат ўз миллий-маданий жамиятларини ташкил қилиш имкониятига эга бўлди. Миллатчи экстремистлар ва ислом ақидапарастларининг миллатлараро низолар уруғини сочишга бўлган уринишлари бартараф қилинди. Мамлакатни халқаро можарочилардан ҳимоя қилиш мақсадида қуролли кучлар барпо этилди. Улар тез-тез рўй бериб турган ислом ақидапарастлари тўдалари ҳужумларини қайтариб турди.

Бироқ, 2005 йилнинг баҳорида мамлакатда сиёсий инқироз юзага келди. Оппозиция кучлари президент Акаевнинг истеъфосини талаб қилиб Бишкекда ҳукумат уйини эгаллади. Акаев мамлакатдан чиқиб кетди. Муддатидан олдин президент сайловлари бўлиб ўтди, унда Қурмонбек Бакиев президентликка сайланди. 2006 йилнинг ноябрида президент билан парламент ўртасидаги келишмовчилик янги конституция қабул қилиниши билан яқунланди. Президент ҳуқуқлари чекланди, парламент ҳуқуқлари оширилди. Қирғизистон парламент бошқарувидаги республикага айланди. Аҳоли катта қисмининг қашшоқлашуви, мамлакат халқ хўжалигининг ночорлиги, ташқи қарзларнинг кўплиги ички вазиятни мураккаблаштириб қўйди. Президентликка бўлган сайловлардан норози бўлган қашшоқ оламон мамлакат жанубидан курашни бошлади ва Бишкек сари юриш қилди ҳамда А.Акаевнинг истеъфога кетишини талаб қилди. А.Акаев истеъфо бериб, Россияга кетишга мажбур бўлди. 2006 йилда Президентликка бўлган навбатдан ташқарии сайловларда Курбонбек Бакиев ғалаба қилди. 2007 йил декабрда парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Игорь Чудинов премьер-министрлик лавозимига тайинланди. Бироқ мамлакатда сиёсий кучлар ўртасида кураш давом этмоқда.

Қирғизистон Россия Федерацияси ва МДҲ нинг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлиги билангина чекланмади. Унинг раҳбарияти нафақат Ўзбекистон, балки Хитой билан ҳам муносабатларни мустақамлашга уринмоқда. Мамлакат Марказий Осиё давлатлари иқтисодий интеграцияси ва Осиёнинг 10 давлати иқтисодий ҳамкорлигида иштирок этмоқда, кўпгина юқори даражада ривожланган мамлакатлар: АҚШ, Россия, Япония, Европа Иттифоқи ва бошқалар билан молиявий-иқтисодий ва техник ҳамкорлик ҳамда савдони ривожлантирмоқда. Мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қўшнилар билан мос келишувлар ва ШХТда иштирок этишга имкон берди. 2003 йилда Қирғизистон ҳудудидан Россиянинг ҳарбий базаси учун жой берилди.

Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасида 1993 йил 16 февралда дипломатик

муносабатлар ўрнатилгандан кейин ўзаро ҳамкорлик ривожланиб келмоқда. Иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар 1994-1996 йилларда ўзаро товар айланмаси йилдан-йилга ўсиб борди. Бироқ, 1997 йилдан бошлаб у кескин пасайди. Ҳозирги кўрсаткич икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг реал имкониятларини акс эттирмайди.

Кейинги йилларда сув-энергетика соҳасида ижобий силжишлар юз берди, газ етказиб бериш ва электроэнергия, сув ресурслари, транспорт ҳисоб-китоблари бўйича кўплаб муаммоли масалалар ҳал этилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2002-2006 йилларга мўлжаллаб тузилган савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва инсонпарварлик ҳамкорлиги дастури сезиларли ижобий рол ўйнамоқда.

Ўш ва Андижон шаҳарларида консуллик пунктларини очиш тўғрисида келишиб олинди. 2006 йилнинг ноябрида К.Бакиев Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди ва икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланиши масаласида келишувлар бўлди.

Туркманбоши тузумининг ўрнатилиши ва Туркменистон тараққиётининг муаммолари

Туркменистон аҳолиси энг кам бўлган Марказий Осиё республикаси эди. Ўша вақтларда унинг бой нефт-газ конларининг (бугун дунёда аниқланган газ захираларининг учдан бир қисми) қазилиши энди бошланган, ерларнинг 70%ида эса пахта етиштирилар эди. Барча қазиб олиш ва ишлаб чиқариш федерал марказ учун хизмат қиларди, марказ эса аҳолининг яшаши (тирик қолиши) учун захираларни берарди. Бу аҳолининг 70%ини ташкил этувчи туркманлар ҳамда руслар, ўзбеклар ва бошқа миллат вакилларининг анъанавий бифарқлиги (конформистлиги) ва пасивлигини яна чуқурлаштирарди. Фақатгина 1989 йилда Ашхабодда биринчи масжид қурилди. Тил ва маданиятни тиклаш, иқтисодий мустақилликка эришиш учун курашувчи ҳаракатлар пайдо бўлди. Аммо бу ерда компартия раҳбарияти ошкораликни бошқариб турар, «норасмий элементлар» ривожланишига тўсқинлик қилар ва ислохотларнинг йўналиши, муддатлари ва қўламини белгилаб берарди.

Республика суверенитети тўғрисидаги декларация Олий Кенгаш томонидан 1990 йил августида қабул қилинди. Олий Кенгаш компартия раҳбари С.Ниязовни раис этиб сайлади. СССР амалда парчаланиб бўлганидан сўнг 1991 йил октябрда референдум асосида Туркменистон мустақилликка эришди ва умумхалқ сайловларида Ниязов унинг президенти этиб сайланди. Ҳамда узоқ йиллар давомидаги анъаналарга кўра кенгашлар ва оқсоқоллар кенгашининг ташкил қилиниши марказлашган Ҳокимиятни мустақкамлади. «Биз ўзига хос янги жамият қурамиз ва унга ўз йўлимиз билан борамиз»- деган эди Ниязов ўз йўли ҳақида.

Президент туркман анъаналарининг тикланишини қўллаб-қувватлади ва кўпчиликка зарар етказмасдан ислохотларни амалга ошириш ва яқин келажакда, Ироқ хужумидан қутқарилгандан кейин машҳур бўлган Қувайтдагидек умумий фаравонликни ваъда қилди. Бу аҳолини ўзига ром қилар ва умид уйғотарди. Шу билан бирга Ниязов ишончли кадрларни танлаш, ҳокимият устунини мустақкамлаш ва қатағон механизмини тузишни амалга оширди.

Миллатлараро можаролар, тарқоқ либерал ва демократик гуруҳларнинг чиқишлари 90-йилларнинг бошида бостирилди, уларнинг раҳбарлари хибсга олинди ёки муҳожир бўлишди. Оммавий ахборот воситалари ва қатағонлар ёрдамида ҳукумат бошқача фикрловчиларга қарши кураш бошлади ва президент йўлига ишонч ва умид ҳамма учун мажбурий бўлди.

1992 йилда янги конституциянинг қабул қилиниши билан ҳокимият янада мустақкамланди. Унда фуқароларнинг кенг ҳуқуқлари, жумладан, ерга эгалик қилиш ва ҳокимиятнинг бўлиниши баён қилинган эди. Умумхалқ сайловларида сайланадиган

президент ниҳоятда кенг ваколатга эга бўлди ва ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғига бошчилик қилди. Қонунларни чиқариш парламентга топширилди. Аммо қарорларни қабул қилувчи олий вакиллик органи Халқ маслаҳати бўлди. У президент томонидан бошқарилар ва ҳукумат бошлиқлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва вилоят раҳбарларидан иборат эди. Мамлакатда Ниёзов бошқараётган ягона партия - Демократик партия қолди. Аҳолини бирлаштириш учун амнистия (умумий авф) эълон қилинди, кейинчалик эса ўлим жазоси бекор қилинди.

Конституция қабул қилинганидан кейин сайловчиларнинг 99,5%и Ниязовни қайта президентликка сайлашга, у кўрсатган номзодларни мажлисга сайлаш учун овоз бердилар. Кейинчалик, бундан ҳам муваффақиятлироқ ўтган референдумда Ниязовнинг ваколатини ошириш маъқулланди ва у Туркманбоши ва туркманлар отаси деган унвонга эга бўлди, 2000 йилда эса мажлис унинг ҳокимиятининг муддатсизлиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Туркманбошининг портрет ва сўзлари ҳамма жойда пайдо бўлди, кўчалар, корхоналар ва шаҳарлар унинг номига қўйилди, пойтахтда унинг улкан, доим куёш томонга бурилиб турувчи ҳайкали ўрнатилди. Фаравонлик тўғрисидаги режалари учун уни ҳамма жойда - болалар боғчасидан тортиб, Халқ маслаҳатигача улуғлар эдилар. Ҳатто унинг обрўсига ва халқнинг унга бўлган муҳаббатига шубҳа қилиш Туркманистон учун зарар деб боҳаланар эди. Ниҳоят у томонидан ишлаб чиқилган одамларнинг ҳаёт нормаларини мустаҳкамлаш учун ҳамма учун мажбурий бўлган «Туркманларнинг маънавият кодекси» қабул қилинди. Туркманбоши тузуми мустабид (тоталитар) характерга эга бўлди ва сиёсий барқарорликни кафолатлади.

Ваъда қилинган фаравонликка эришиш анча қийин бўлиб чиқди. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғир эди. Россиядан олинган кредитлар тезда қадрсизланди. Газ ва пахтани Россия ва МДХнинг бошқа давлатларига сотиш на долларни, на янги технологияларни берди. Газ ва пахта ишлаб чиқариш ва уларни етказиб беришни кўпайтириш ҳамда улар эвазига доллар олиш жуда қийин бўлди. Аҳолига озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар етишмас эди. Пенсия ва ойликларни тўлаш кечикарди. Аянчли статистик маълумотлар эълон қилинмас эди.

1992 йилдан бошлаб ҳукумат, унинг тушунтиришларига қараганда саноатни ривожлантириш ва бозор иқтисодиётининг иқтисодий пойдеворини яратишга қаратилган «Барқарорликнинг 10 йили» дастурини қабул қилди. 1993 йилда миллий валюта-манат жорий қилинди. Унинг қиймати ҳамда нархлар ҳукумат томонидан белгиланар эди. Хорижий валюта билан муомала қилиш таъқиқланган эди.

Бой мамлакатларнинг ҳукуматлари Туркманбоши режимини маъқулламасалар-да ундаги барқарорлик, мамлакатнинг табиий бойликлари ва арзон ишчи кучи ҳамда ҳукуматнинг бозор иқтисодиётига интилиши туркман пахтаси ва газини сотиб олишнинг кенгайишига, режимга кредитлар берилиши ва хўжаликка инвестициялар қўйилишига ёрдам берди. Экспортдан келган маблағлар ва кредитларни ҳукумат қазиб олувчи ва текстиль саноатига сарфлар эди. Бу соҳалар учун энг янги технология ва жиҳозлар сотиб олинди. 90-йилларнинг иккинчи ярмида газ ва нефт қазиб олиш ўса бошлади ва пахтанинг асосий қисми янги корхоналарда қайта ишланар ва бозорга текстиль маҳсулотлар чиқарила бошланди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши тўла баднликни таъминлади.

Ҳукумат иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқаришга шошилмади. Нефть ва газ, пахтанинг сотилиши, қайта ишланиши, транспорт ва уй-жой хўжалик, ишлаб турган, қурилатган барча катта ва ўрта корхоналар давлат ихтиёрида эди.

1996 йилга келиб нодавлат секторга Ялпи Ички Маҳсулотнинг атиги 7,7%и тўғри келди. 2000 йилда Ялпи Ички Маҳсулот 14%га ошди, унинг бешдан бир қисми газ экспортига тўғри келди.

Ўнлаб текстиль фабрикалари қурилди, Каспий бўйида бир ярим млрд долларга нефтни қайта ишлайдиган завод қурилди. Транс Осиё темир йўл магистрали-Теджен-Серахс-Машҳад Туркман бошининг ташаббуси билан қурилмоқда. 2002 йили Туркманистоннинг ташқи савдо айланмаси 736 млн АҚШ долларини ташкил этди.

2004 йилда 58 млрд кубометр газ етиштирилиб, 40 млрд кубометри экспорт қилинди. Шунингдек, 2004 йилда 10 млн 800 минг тонна 2005 йилда эса 15 млн тонна нефт маҳсулотлари олишга эришилди.

2006 йилда ҳукумат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2007-2030 йилларга мўлжалланган режасини қабул қилди.

Қишлоқ хўжалигида 1993 йилгача фақат СССРдаги қайта қуриш олиб келган - оилавий пудрат ва 10 гектардан камроқ ерни уч йилга ижарага олиш рухсат этилган эди. Пахтачилик ва чорвачиликнинг асосини колхоз ва совхозлар ташкил этарди. Бунинг устига уларнинг ерлари, қурилишлари ва жиҳозлари давлатга тегишли ва бўлинмас деб эълон қилинди.

Аммо 1993 йилда қабул қилинган ерга мулкчилик тўғрисидаги қонун асосида ҳар бир фуқаро 50 гектаргача ер олиши ва яна 500 ёки ундан кўпроқ ерни ижарага олиши мумкин бўлди. 5 йил муддат ўтгандан сўнг ер эгаси - жейҳан томонидан олинган ер унинг мулкига айланар эди, аммо у ерни сотиш ёки бировга беришга ҳақи йўқ эди. Бу ислохот 10 йил муддатга мўлжалланганди.

Ҳукумат «Янги қишлоқ» ва «Ғалла» дастурларини амалга оширди. Уларга кўра қишлоқ аҳолиси яшаш шароитини яхшилаш ва ғалла ишлаб чиқаришни оширишга маблағ ажратиларди. Ҳукумат қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланди деб ҳисоблашди. Ғалла ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди. Бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мамлакат Ялпи Ички Маҳсулотнинг 20% дан кўпроғини бера бошлади. 2007 йили 3 млн тонна ғалла ҳосили олинди.

Президент ваъда қилган умумий фаравонликка нисбатан уйғонган ва ошиб бораётган шубҳаларни тарқатиш учун 90-йилларнинг иккинчи ярмида ҳукумат туз, электр энергияси, газ ва сувни бепул деб эълон қилди, нон, ўсимлик ёғи, жамоат транспорти ва маишней хизматларга эса паст, рамзий нархларни белгилади. Озиқ-овқатнинг бошқа турлари ва бошқа маҳсулотлар қарточкалар билан тарқатила бошланди. Аммо, одатдагидек, бепул, арзон ва қарточкалар билан тарқатиладиган маҳсулот танқис эди ва уларни олиш учун навбатлар пайдо бўларди. Эхтиёжлар ва имкониятлар чекланган шароитда яшаш учун кураш аҳоли ўсиш даражасини оширди. Бунинг натижасида мамлакатда туғилиш 10 йил ичида 85% га ўсди.

2006 йилда Туркменистоннинг юрак ҳуружидан вафот этиши ва навбатдан ташқари бўлган Президентлик сайловида Гурбангули Бербимухаммедовнинг Президентликка сайланиши мамлакат ички ва ташқи сиёсатида ижобий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. 10 йиллик ўрта умумтаълим мактаби қайта тикланди, мобил алоқадан ва интернет тармоқларидан фуқароларнинг фойдаланишига рухсат берилди. Ташқи сиёсатда ҳам кўшни давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш йўлига ўтилди. Аҳолига берилган имтиёзлар, хусусан газ, электр энергияси, ичимлик суви, туз маҳсулотлари бепул берилмоқда.

Туркманбошининг «Туркменистон туркман учун» мазмундаги сиёсати яъни мамлакатдаги бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларни тугатишга, бошқа миллатларни туркманлаштиришга қаратилган сиёсати туркман бўлмаган аҳоли ғурурига тегмоқда.

Туркменистоннинг ташқи сиёсати унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва дунё бозорига табиий газнинг йирик захираларини чиқариш йўллари излашга қаратилган эди. 1993 йилда Туркменистон ва Россия давлатлари ўртасида икки фуқаролик тўғрисида битим имзоланди. Туркменистонда яшаётган русларга Россия фуқаролиги берилди. Туркменистоннинг асосий экспортини табиий газ ташкил этарди. Шунинг учун уни азалий ҳамкор Россияга сотишни мўлжаллади. 1997 йили Туркменистон Россияга ҳар 1000 кубометр газни 32 доллардан сотишни айтди, Газпром эса, 26 доллардан олишлигини билдирди. Газпром бошлиғи Рем Вяхирев «Туркменистон тез орада эмеклаб келади», - деган баландпарвоз гапларни айтишга қарамай Туркменистон ўз сўзида турди. Ва ниҳоят 2003 йил баҳорида Россия билан газ экспорт қилиш борасида келишув бўлди. Ҳар 1000 кубометр Туркман вази учун Россия 44 доллардан тўлайдиган бўлди. 2007 йил келишувига

мувофиқ Туркменистон газининг 1000 кубометрини Россия 130 доллардан сотиб оладиган бўлди. 2003 йилнинг апрелидаги президентлар учрашувида С.Ниязов ва В.Путинлар икки фуқароликнинг бекор қилинганлиги туғрисидаги битимни ҳам имзолашди.

Туркменистон ўзининг ташқи сиёсатида ҳам Ғарб билан, ҳам Шарқ билан бетарафликка асосланган ҳолда бир хил сиёсат олиб борди. Шунингдек, Эрон билан ҳам АҚШ билан ҳам тенг бўлган алоқаларни олиб бормоқда. Афғонистонда «Толибонлар» ҳокимият тепалигида улар билан ҳам бетарафлик асосида муносабатларни қўшничиликни яхшилаш учун ҳаракат қилди.

Шунингдек, «Шимолий альянс» кучлари билан ҳам АҚШнинг Ироқдаги 2-чи операцияси тугагандан кейин ўзининг ташқи сиёсатини Эронга қаратиб, чоралар кўришлигини айтганда ҳам Туркманбоши намойишкорона равишда Эрон билан яхши қўшничилик муносабатларни давом эттирди.

Деярли мустақилликка эришилганданоқ мамлакатнинг нейтралитети (бетарафлиги) эълон қилинди ва амалга оширилиб келинмоқда. МДҲ таркибида бўлиш Россия Федерациясидан ёрдам олишга имкон берди. Айниқса, миллий қуролли кучлар яратилгунга қадар Россия Федерациясининг Туркменистон чегарасини ҳимоя қилиши ва қурол билан ёрдам беришини айтиш мумкин. МДҲ доирасида Туркменистон умумий келишувчиликларни эмас, балки Ҳамдўстлик аъзоларининг аввало Россия Федерацияси, Озарбайжон, Грузия, Украина билан икки томонлама муносабатларни ривожлантирмоқда.

Туркменистон Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, айниқса, Туркия, Эрон ва Афғонистон билан ҳамкорлик қилади. Туркман газининг бир қисмини Россия Федерацияси орқали етказиб бериш туғрисида келишиб олинди. Бундан қониқмаган Республика ҳукумати Каспий орқали Озарбайжон, Грузия, Туркияга ва Афғонистон орқали Покистон ва ХХРга газни экспорт қилиш учун газ қувурлари қурилишида қатнашмоқда. Туркменистон 2008 йилдан Хитой ва Россия давлатларига туркман газини сотиш ва ундан катта даромад қилиш мақсадида янги газ қувури қурилишини бошлади. Аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари оёқости қилинишига қарамасдан, ўз сиёсатининг мустақамлиги туфайли Туркманбоши режими бой мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ёрдамини олишга муваффақ бўлди.

Туркменистон-Ўзбекистон билан 1993 йил 7 январда дипломатик муносабатларни ўрнатгандан кейин ўзаро қўшничилик алоқаларини олиб бормоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон рақбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари муносабатларнинг ривожланишига асос бўлди.

Туркманбошининг 1997 йили Ўзбекистонга ташрифи чоғида Хива шаҳрида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулининг ҳайкали очилди. 2004 йилнинг 19 ноябрида Туркменистон давлати рақбари Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Президенти И.Каримов билан муносабатларни янада ривожлантириш борасида музокаралар олиб борди.

2007 йил октябр ойида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ашхабод шаҳрида расмий ташриф билан бўлди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий муносабатларни янада ривожлантириш бўйича шартнома ва битимлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида ўзаро товар айрибошлаш ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар 2003 йили бу борадаги кўрсаткич 90 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2004 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич-146,5 млн долларни ташкил этди. 2003 йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга тегишли 1 млн 894 минг тонна, 2004 йилнинг 8 ойи давомида 1 млн 255 минг тонна юк ташиб ўтилди.

Ўзбекистоннинг Туркменистон ҳудуди орқали ўтган экспорт-импорт юклари ҳажми 2004 йилнинг 8 ойида 2 млн 666 минг тоннани ташкил этди.

Ўзбекистон-Туркменистон ўзаро муносабатларининг асосий тамойиллари акс эттирилган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам туғрисидаги шартнома асосий аҳамиятга

эгадир. 2004 йил 19 ноябрдаги Бухоро шаҳридаги учрашувда иккала Президентлар Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Тожикистонда фуқаролик уруши ва жамиятни жипслаштириш муаммолари

Энг баланд тоғларда жойлашган, аҳоли турмуш даражаси энг паст ва табиий ресурсларга бой республика - Тожикистонда мустақилликка эришиш фуқаролик уруши туфайли анча мураккаблашди. Кўпчилиги қўшни Афғонистон ва Ўзбекистонда яшовчи тожиклар Тожикистон аҳолисининг 59%ини ташкил этишарди, ўзбеклар - 23%, руслар - 10%. Шимолий ва жанубий вилоятлар жамоалари, Тоғли Бадахшондаги кам сонли аҳоли ва совет ҳокимияти бошқарув органларини қамраб олган уруғчилик (клан) алоқалари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

70-йиллардан бошлаб қўшни Афғонистон ва Эрондаги воқеалар ислом тарғиботи фаоллашувига олиб келди. Ошкоралик эълон қилиниши билан руслаштириш ва компартиянинг яқка ҳокимлигига қарши чиқишлар бошланди. 1989 ва 1990 йилларда Душанбе ва бошқа жойларда жунбушлар-ўзбеклар, руслар ва мамлакатга кирган қочоқларга нисбатан норозиликлар бўлиб турди. Тил ва маданиятнинг тикланиши ҳамда республиканинг СССР таркибидаги суверенитетини талаб қилган миллий-демократик ҳаракат «Растохез»- «Уйғониш» машҳур бўлди. 1991 йилда радикал демократлар туб ўзгаришларни талаб қилган Демократик партияни тузишди. Шу билан бир қаторда мусулмон жамоалар кучайди, масжидлар қурилди. Ислом тикланиш партияси («Партияни Ваҳдати Ислом») сезиларли обрўга эга бўлди ва ислом ақидапарастлари гуруҳлари пайдо бўлди.

Қайта куриш компартия таркибида келишмовчиликларга олиб келди. Кутиш позициясини эгаллаган партия раҳбарияти Олий Кенгаш томонидан тожик тилини давлат тили деб эълон қилинишига рози бўлди, аммо бошқа ўзгаришларга тўсқинлик қилди. 1990 йил февралда Душанбедаги ҳукуматга қарши оммавий намоишларга нисбатан қуролли кучлар сафарбар қилинди ва ўнлаб кишилар ҳалок бўлди.

Исломчилар ва демократларнинг рақиблари, маҳаллий уруғлар ва уларнинг қуролланган дасталари раҳбарларини бирлаштирган Халқ фронтини ташкил қилишди. Улар ташаббусни ўз қўлларига олиб, мамлакат шимоли-Хўжанд шаҳрида Олий Кенгаш чақиришга эришди. Олий Кенгаш раиси этиб маҳаллий етакчилардан бири - Э.Раҳмонов сайланди ва янги ҳукумат тузилди. Бу янги ҳукумат Афғонистондаги унинг душманларига яқин бўлган исломчиларнинг кучайишидан ташвишга тушган Россия Федерацияси томонидан қўллаб-қувватланди. Душанбеда жойлаштирилган Россиянинг 201- мото ўқчи дивизияси ёрдами билан Халқ fronti отрядлари 1992 йил декабрида Душанбени қўлга олди ва 1993 йил баҳоригача мамлакатнинг катта қисмини ўз назорати остига ўтказди.

Ислом тикланиш партияси ва демократлар томонидан ташкил қилинган Бирлашган муҳолифот Афғонистон ва Эронда таянч топди. Унинг отрядлари Тожикистонда ҳаракатда бўлди. Бутун мамлакатни шафқатсиз фуқаролик уруши қамраб олди. Бу урушга муҳолифотга ён босган афғон муҳожирилари ҳам аралашиб турди. Жиноий гуруҳлар тартибсизликлардан фойдаланиб гиёҳванд моддаларни етиштириш ва етказиб бериш билан машғул бўлди.

Бу уруш 1997 йилгача давом этди. Унда 300 минг киши ҳалок бўлди ва 100 минг киши ном-нишонсиз йўқолди. Миллионга яқин аҳоли қўшни мамлакатларга кўчиб ўтди. Кўпгина қишлоқлар, аҳоли истиқомат қиладиган жойлар ва корхоналар харобага айланди. Моддий зарар 7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 1997 йилда Тожикистонда ишлаб чиқариш ҳажми урушдан олдинги кўрсаткичнинг 28%ини ташкил этди.

Э.Раҳмонов муҳолифотни тор-мор қилишга интилар ва унинг етакчилари билан музокаралар олиб боришга қаршилик қиларди. Ўз позицияларини кучайтириб, ижро этувчи ҳокимиятга эгалик қилди, давлат аппаратини шакллантирди, халқ армияси ва ўз

гвардиясини тузди. Ўз таркибида жиддий партиялар бўлмаган, аммо келишмовчиликларга сабаб бўлган Халқ fronti тарқатиб юборилди.

Раҳмонов нафақат давлат секторини, балки хусусий ишлаб чиқариш секторини ҳам қўллаб-қувватлаш, аграр ислохотлар ўтказиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва бошқаларни кўзда тутган иқтисодий тиклаш дастурини тақдим этди. Буни амалиётга қўллаб-қувватлаш мақсадида халқ-демократик партияси тузилган эди.

Раҳмонов ҳукумати мамлакат олтин захирасининг бир қисмини гаровга қўйиб Россия Федерациясининг мамлакатдаги энг йирик ГЭСлар, қудратли, энг замонавий алюминий заводи ва бир қатор иқтисодий объектларнинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини эътироф этди. Душанбедаги Россиянинг 201-чи дивизияси ҳокимият барқарорлигини таъминлаб турди. Россия чегарачилари мамлакатнинг жанубий чегараларни қўриқлашда давом этди. Россиялик мутахассислар Тожикистон қуроли кучлари ва чегарачиларини ўқитди.

Мухолифотнинг қаршилигига қарамасдан 1994 йилда ҳукумат ўтказган референдумда Э.Раҳмонов таклиф қилган конституция маъқулланди. У президент этиб сайланди. Парламент-Мажлиси Олий сайловлари ҳам ўшанда бошланиб, 1995 йил февралигача давом этди. Сайловни ҳукумат назорат қилиб борди ва президентга етарлича хайрихоҳ бўлган ҳукумат тузилди.

Аммо бу чоралар жамиятни бирлаштира олмас эди. Коррупция, ўзига эрк берган ҳарбийларнинг бедодлиги, энг асосийси-хориждаги ҳарбий базаларга таяниб тўхтамасдан қаршилик кўрсатаётган мухолифот мамлакатда на сиёсий, ва на иқтисодий барқарорликка эришишга йўл қўйди.

Бу Раҳмоновни БМТ, ЕХХТ ва Россия Федерациясн иштирокида 1994 йилда музокараларни бошлаш ва Бирлашган мухолифот раҳбари С.А.Нури билан урушни тўхтатиш ҳақидаги битимга имзо қўйишга мажбур этди. Иқтисодий тиклаш дастурини амалга оширишга имконият пайдо бўлди.

Битим бир неча марта бузилди. Аммо мухолифотга Афғонистондан етказилиб турган ёрдам сусайди, у ердаги иттифоқчиларга толиблар зарба берди. 1997 йилда ниҳоят, мухолифот ва унинг қуроли кучларининг қонунийлиги тан олинди, унинг вакиллари коалицион ҳукумат таркибига киритилгандан сўнг сиёсий барқарорликка эришилди. Сиёсий барқарорлик сари қўйилган бу муҳим қадам Тожикистонга халқаро ташкилотлардан 100 миллион доллардан ортиқ кредит олишга ва бой мамлакатлардан инвестицияларни жалб қилишга имкон берди. Бу туфайли иқтисодийнинг тикланиши ва янгилиниши, иш билан таъминлашнинг (бандликнинг) кучайиши ва аҳоли аҳволининг қисман яхшиланиши бошланди. 1998 йилдан бошлаб ҳукумат Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки ҳомийлигида қашшоқлик билан кураш дастурини амалга оширишга киришди. Мамлакат энг янги жиҳозларни олиб келиш ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида пахта, алюминий ва бошқа қимматбаҳо материалларни экспорт қилди.

1999 йили президент сайловлари бўлиб ўтди, унда яна Э.Раҳмонов сайланди, 2003 йили референдум ўтказилиб, Конституцияга ўзгартиришлар киритилди. Тожикистонда навбатдаги президент сайловлари 2006 йили бўлиб ўтди. Эмомали Раҳмонов қайта президентликка сайланди.

2000 йил февралда Тожикистонда барча партиялар иштирокида парламент сайловлари бўлиб ўтди. Раҳмонов сайланган парламент-Мажлиси Олийни «Миллий тотувлик парламенти» деб атаган бўлса-да, ЕХХТ кузатувчилари сайловга ҳукумат аралашганлиги ҳақида гувоҳлик беришди. Мутлоқ кўпчилик халқ демократик партияга насиб этди. Иккинчи ўринга СССРни қайта тиклашга уринаётган компартия чиқди. Ислом тикланиш партияси ички низолар оқибатида сусайган эди, Демократик партия ва бошқа партиялар эса жиддий кучга эга бўлмадилар. Навбатдаги парламент сайлови 2005 йилда бўлиб ўтди ва халқ демократик-партияси мутлоқ кўпчиликни эгаллаб ҳукумат тузди.

Мурсага келмайдиган ислом мухолифоти қуроли отрядлари мағлубиятга учради.

Шунга қарамасдан, Тожикистон ва Россия Федерациясининг кўп раҳбарларининг фикрига кўра Россия кўшинларининг олиб кетилиши қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Мамлакат ҳудудида афғон толибларидан ёрдам олган ва Ўзбекистон ҳамда Қирғизистонга бостириб кирган ислом ақидапарастларининг ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчиларнинг база ва алоқа коммуникациялари тугатилди.

Тожикистон ҳукумати Россия Федерацияси билан яқин иттифок, тузишга таянади, баъзи бир қарама-қаршилиқларга қарамасдан исломчиларнинг ҳужумидан ташвишланаётган Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон билан ҳамкорлик қилади. 2005 йили Тожикистон ҳукумати Россия давлатининг Росал компанияси билан М.Турсунзода шахридаги Тожиқалюмин заводининг қувватини икки бароварга ошириш тўғрисидаги ҳамкорлик келишувини имзолади. Тожикистон-МДХ аъзоси, фуқаролик урушидан кейин кўп мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда. «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» аъзоси. 2004 йилги келишувга мувофиқ 201-дивизия Тожикистон ҳудудидан 2005 йилда олиб чиқиб кетилди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 1 октябрда ўрнатилгандан кейинги ўтган йиллар ичида иккала давлат ўртасида ҳар томонлама аълоқалар ривожланмоқда. Фуқаролар уруши даврида қочоқларга айланган юз минглаб кишилар Термиз орқали ўз ватанларига қайтарилди.

ШХТнинг 2007 йил Душанбе саммитида икки давлат ўртасида кўптомонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битимлар имзоланди. 2007 йил декабр ойи келишувига мувофиқ Тожикистон 2008 йил учун Ўзбекистондан 1 минг кубометр газни 145 АҚШ доллари баҳосида сотиб оладиган бўлди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Қозоғистон мустақиллигини қачон эълон қилди?
2. Н.Назарбоев ким?
3. Қозоғистон-Ўзбекистон муносабатларини айтинг?
4. Қирғизистоннинг мустақил бўлишини тушунтиринг?
5. А.Акаев нега Президентликдан кетди?
6. Қирғизистон-Ўзбекистон муносабатлари ҳақида нималар биласиз?
7. Туркманистон мустақиллиги қачон юз берди?
8. Туркманистон авторизмини айтинг?
9. Туркманистон –Ўзбекистон муносабатларини изоҳлаб беринг?
10. Тожикистонда фуқаролар уруши қачон юз берди?
11. Тожикистон-Ўзбекистон муносабатларининг муҳим жиҳатларини гапириб беринг?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Қозоғистон иқтисодий ривождаги қийинчиликлар сабабини тушунтиринг?
2. Туркманистон ички сиёсатидаги авторитаризмни тушунтириб беринг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997.
2. Каримов И. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон” 1999.
3. Новейшая история стран Европы и Америки XX век 1945-2000. част 3. М., 2001
4. Сергеев Е.Ю. Новейшая история. Подробности. М., 2000.
5. Новейшая история стран Азии и Африки XX век 1945-2000 гг. Част 3. М., 2001.
6. Бушков В.И., Микульский Д.В. “Таджикская революция” и гражданская война. М., 1995.
7. Кадыров Ш.Х. Туркменистан: четыре года без СССР. М., 1996.
8. Казахстан: реали и перспективы независимого развития. М., 1995.
9. Кривогуз И.М. Крушение “реального социализма” в Европе и судьбы освободившихся народов. М., 2001.
10. Постсоветская Центральная Азия. Потери и обретения. М., 1998.
11. Россия ее соседи. Соотношение национальных интересов внутри СНГ. М., 1999.
12. Хайдаров Ғ. Иномов М Тожикистон: халқ фожиаси ва дард-алами. Тошкент “Ўзбекистон” 1993.
13. Этнические и региональные конфликты в Евразии. Кн.1 Центральная Азия и Кавказ. М., 1997.
14. Ж.Евразия № 2002-2008 гг.
15. Ж.Азия и Африка сегодня № 2000-2008 гг.

7-МАВЗУ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

Кўриб чиқиладиган масалалар:

1. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатлари

тараққиётининг кўринишлари

2. МДХ ва Болтиқ бўйи давлатлари ривожланишининг муаммоли жихатлари

Таянч сўзлар:

Марказий Европа давлатлари янги демократик тараққиёт йўлида. Жануби-Шарқий Европа давлатларида демократик ислохотлар қийинчиликлари. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатлари тараққиётидаги ютуқлар. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. Ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва натижалар.

МДХ ва Болтиқ бўйи давлатлари янги тараққиёт йўлида. Ривожланиш йўлидаги муаммолар. Ижтимоий-иқтисодий ўсишдаги тафовутлар сабаблари. МДХ доирасидаги янги ҳудудий ҳамжамиятлар. МДХ ва Болтиқ бўйи республикалари ўзаро аълоқаларидаги келишмовчиликлар ва муаммоли масалалар.

Дарснинг мақсади:

Социализмнинг емирилиши ва ССЖИнинг парчаланиши билан яъни мустақил давлатларнинг ташлик топиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишни, янги демократик ислохотларни амалга оширишда эришган ютуқлар, қийинчиликлар ва муаммолар, шунингдек, МДХ доирасидаги ўзаро муносабатларни фактлар асосида ёритиб беришдир.

XX асрнинг 80-90 йилларида Марказий ва Жануби-Шарқий Европада ва СССРда юз берган инқилоблар ва ислохотлар ўзининг хилма-хиллиги билан илгари тарихда юз бермаган сиёсий жараёнлар бўлиб ҳисобланади.

Унинг асосий моҳияти «реал социализм»га чек қўйиш, миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайдиган жамиятни шакллантириш, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондириш учун мамлакат хом ашё бойликларидан самарали фойдаланишга эришиш эди. Албатта, бунга эришиш осон эмас эди ва XXI асрнинг бошида ҳам ҳаммага бу нарса насиб бўлавермади.

Аммо «реал социализм»нинг емирилиши халқлар олдида катта имкониятлар очди ва ўз йўлини танлаб олишга имкон берди. Албатта, уларнинг танлаган йўлини тўлақонли эркинликка олиб борадиган йўл деб айтиб бўлмайди. Кўп жихатдан уларнинг ташқи эркинликка эришиш учун қилган интилишлари тўхтовсиз ташқи зўравонликлар билан қисиб қўйилган бўлса, аҳоли турмушидаги оғир қийинчиликлар ўтмишнинг ғоявий юки ва пуч хом-хаёллар эса ички эркинликни ҳам чегаралаб қўйган эди.

Кўп мамлакатларнинг эркинликка эришган халқлари либерал-демократик йўналишни танлашди. Бу нарса ҳеч қаерда учрамаган мақсадлар ва йўллар ҳақидаги тасаввурларнинг ноаниқлигига эмас, балки либерал-демократик мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий муваффақиятларининг жозибадорлигига боғлиқ эди. Аммо бу мамлакатларнинг бирортаси ҳам, ГФРга қўшилган ГДРдан ташқари ҳеч

кимдан янги жамият куриш моделини қабул қилиб олишмади. Ҳар бири ўз йўлини ахтаришга ва ўз вариантыни шакллантиришга ҳаракат қилишди. Бир неча мамлакатларда янги йўналишни ишлаб чиқиш жуда узоққа чўзилди, собиқ совет тузумидан ажралиб чиққан кўпгина республикаларнинг ҳукуматлари эса мавжуд қийинчиликларни авторитар ва тоталитар йўллар билан енгишга интилдилар.

Бозор муносабатларига асосланган жамиятни ва либерал-демократик ғояларни ағдарилган «реал социализм» харобалари ўрнида қарор топтириш жуда қийин кечди. Бу жараён кучни, қурбонлар беришни ва узоқ вақтни талаб қиларди. Бу жараён айрим мамлакатларда ҳали поёнига етгани йўқ.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатлари тараққиётининг кўринишлари

Янгиланаётган жамиятларнинг барпо этилиши кескин қарама-қаршиликлар ва тўқнашувлар, ҳатто баъзи мамлакатларда фуқаролар урушигача бориб етиш билан характерланди. Сиёсий барқарорликка эришиш ҳар хил оппозиция кучларининг қарши туриши билан қийинлашди. Фуқароларнинг ички эркинликлари эълон қилинган ҳуқуқлар ва эркинликларга мос тушмаслиги, жорий қилинган демократиянинг тўла самара бермаганлиги, шунингдек, ҳокимиятнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмасдан қонунийликни таъминлашга қодир эмаслиги либерал-демократик ўзгаришларнинг амалга оширилишини анча қийинлаштирди. Ахлоқнинг эски асосларининг емирилиши ва мулкни қайта бўлиш давлат аппаратларида коррупцияни ва жиноятчиликнинг ўсишига олиб келди.

Аҳолини эксплуатация қилишнинг давлат-монополистик тизимининг емирилиши ишлаб чиқаришни ва тақсимотни бузиб юборди. Ялпи ички маҳсулот ва аҳоли истеъмолининг анча тушиб кетишига, ишсизлик ва инфляциянинг ўсишига олиб келди. 1990 йилдан 2000 йилгача барча собиқ социалистик мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти 25,7%га, жаҳон ялпи ички маҳсулотига уларнинг улуши - 13,6%дан 7,8%гача, жон бошига уни ишлаб чиқариш эса - 27%га қисқарди.

Иқтисодий давлат тасарруфидан чиқариш бозор муносабатларига ўтиш учун шароит яратиб берди, аммо бу вазифаларни амалга ошириш илгариги ишлаб чиқаришнинг фуқаролар эҳтиёжига тўла йўналтирилганлиги ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, пул маблағларининг етишмаслиги ва самарадор мулкдорларнинг йўқлиги билан анча қийинлашди. Бу аҳвол хўжаликларнинг қайта янгиланишини қийинлаштирди ва узоққа чўзилишига сабаб бўлди, ҳамда аҳоли асосий қисмининг моддий аҳолини ёмонлаштирди, ижтимоий ҳимоя тизимларининг муқаррар суратда бузилишига олиб келди. Бу мамлакатларда ислохотчилар ўртасидаги келишмовчиликлар, раҳбарларнинг хатолари, кўпчиликнинг ишончини йўқотиши, рақибларнинг ўзаро қарама-қаршилиги қайта ўзгаришларни мураккаблаштирди ва сарф-ҳаражатларнинг кўпайишига олиб келди. Сиёсий кадрларнинг ва моддий мублағларнинг етишмаслиги сабабли кўп мамлакатларда изланиш чўзилиб кетди, муваффақиятлари ўзгариб турди, танланган дастлабки йўналишлардан четга чиқиш ёки турган жойида депсиниб туришлар рўй берди. Собиқ социалистик мамлакатларнинг биронтасида ҳам аҳоли учун оғир бўлган харажатлардан қутулишнинг иложи бўлмади. Аммо ислохотлар учун бундай ўзига хос тўлов миқёси ҳамма жойда ҳам бир хил эмас эди. Ўз навбатида бу ислохотларнинг муваффақиятли бориши олдинги тузилмалар ва ишлаб чиқариш даражасининг алмашинувида, бозор муносабатларининг элементлари ва анъаналарининг ривожланганлигига, ҳамда ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўзаро нисбатига, қайта ўзгаришларнинг кетма-кетлиги ва сиёсий барқарорликка, аниқ масалаларни ҳал этишнинг йўлларини ва воситаларини танлашга боғлиқ эди. Қайта куришларнинг муваффақиятли боришига ривожланган мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг ахлоқий-сиёсий ва биринчи навбатда моддий томондан ёрдам кўрсатиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Ислохотлар ва инқилобий жараёнларнинг натижалари бу мамлакатлар ижтимоий

тузилиши таркибининг ўзгаришида намоён бўлди. Уларда илгари йўқ қилинган ёки олдин мавжуд бўлмаган синфлар ва қатламалар қайта тикланди ёки янгидан шаклланди. Масалан: тадбиркорлар, фермерлар, менеджерлар, хусусий хизматчилар ва ҳоказо. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишчиларининг, мутахассисларнинг, олимларнинг, амалдорларнинг ва маиший хизмат ходимларининг дунёқараши ва қиёфаси ўзгарди. Уларнинг келажакка қизиқишлари, ўзаро муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатлари ўзгариб борди. Юз миллионлаб кишиларнинг турмуш тарзи ва яшаш сифати янгича тус олиб борди.

Марказий ва Жанубий-Шарқий Европа ва Евроосиё минтақаси мамлакатларининг қўлга киритаётган янги ютуқларини баҳолаётиб шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, либерал-демократик ўзгаришларнинг муваффақиятли амалга ошиши фақатгина кўпчилик кишиларнинг эркин ва масъулиятли шахслар сифатида ҳаракат қилишига ва уларнинг меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратишга боғлиқдир. Шунингдек, уларнинг мавжуд хом ашё бойликларидан фойдаланиш қобилиятига ҳам боғлиқдир. Энг ривожланган мамлакатларнинг халқлари учун бундай ютуқларга эришиш учун бир неча ўн йиллик изланишлар ва тиришқоқлик билан меҳнат қилиш, ишлаб чиқаришда электрон-ахборот технологиясини эгаллаш ва турли хил табақаларнинг манфаатларини ифодаловчи демократик тизимларни барпо этишга тўғри келди. Либерал-демократик қайта қуришларни амалга ошираётган Марказий ва Жануби-Шарқий Европа ва Евроосиё минтақаси мамлакатлари бу йўлнинг энг бошланишида турибди.

Қарийб уларнинг ҳаммасида ХХI асрнинг бошида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда бозор муносабатларини демократлаштириш ва ривожлантириш сезиларли силжишлар бўлди. Аммо бу мамлакатларнинг фақат озчилик қисми барқарор ривожланиш йўлига тушиб олди ва ишлаб чиқариш мамлакат даромади, аҳолининг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш кўрсаткичлари бўйича ислохотлардан олдинги даражага чиқиб олишди. «Реал социализмдан» қутулган халқларнинг ҳаётини тўлақонли янгилаш учун ислохотларни давом эттиришдан ташқари авлодлар алмашилиши ҳам зарурдир. Бунинг учун ривожланган Европа халқларига керак бўлган вақт, яъни ўн йилликлар эмас, балки ундан камроқ йиллар кетади деб умид боғлаш мумкин.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари, Сербиядан ташқари, ХХ асрнинг охирида фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқларини амалга оширишда анча муваффақиятларга эришдилар. Халқаро тадқиқот марказлари уларнинг муваффақиятларини комплексли 10 балли шкала бўйича 6 баллдан 9 баллгача баҳоладилар.

Аммо Польша, Словакия ва Словениядан ташқари, ҳеч ким Ялпи Ички Маҳсулотнинг ўсишига эриша олмади (АҚШ миллион доллар ҳисобида)

Йиллар	1990	энг юқори тушиб кетиши йили	2000
Болгария	85,0	1997	65,0
Венгрия	151,0	1993	150,0
Польша	460,0	1991	630,0
Руминия	183,5	1992	150,0
Словакия	72,5	1993	80,0
Словения	32,5	1992	34,0
Хорватия	62,0	1993	39,0
Чехия	190,0	1992	180,0
Югославия	122,0	1993	76,0

Аҳоли жон бошига Ялпи Ички Маҳсулотнинг йиллик
 ўсишини (АҚШнинг минг долларлари микдорида) фақат 1990 Польша,
 Словакия ва Словения таъминлашди, Венгрия эса 1990 йилги
 кўрсаткич даражасини сақлаб қола олди.

Й и л л а р	1990	2000
Болгария	10,6	7,9
Венгрия	15,1	15,1
Польша	12,0	16,3
Руминия	8,7	6,6
Словакия	13,9	14,8
Словения	16,3	17,0
Хорватия	14,4	8,5
Чехия	19,0	17,0
Югославия	11,8	7,0

Бу мамлакатларнинг хўжалик тузилмаларини ва ташқи иқтисодий фаолиятини қайта қуриш учун, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ва Ялпи Ички Маҳсулотнинг ўсишига эришиш учун дунёнинг ривожланган мамлакатларидан киритилган инвестиция-лар (сармоялари)нинг аҳамияти катта бўлди.

Чет эл сармояларининг туғридан-туғри киритилиши (АҚШ миллион доллари ҳисобида)

Й и л л а р	1990	1999
Болгария	4	739
Венгрия	311	1941
Польша	10	6757
Руминия	-	961
Словакия	18	240
Словения	4	83
Хорватия	-	1332
Чехия	132	5108

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатлари, Россия Федерацияси ва бошқа собиқ совет республикалари билан дўстона муносабатларни, шунингдек, улардан ёқилғи ва бошқа материалларни олиш имкони борлигини кадрлаган ҳолда, Европа Иттифоқининг энг ривожланган мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга биринчи даражали эътиборни қаратдилар.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ва 1997 йилда НАТОга аъзо бўлиб кирган Польша, Чехия ва Венгриядан кейин 2004 йил унга Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Руминия, Словакия ва Словения давлатлари ҳам аъзо бўлиб киришди. Аммо уларнинг улуши жаҳон Ялпи Ички Маҳсулотига анча тушиб кетиб - 1990 йилда 4,4 фоиз, 2000 йилда 3,6 фоизни ташкил этган бўлса-да, жаҳон ҳамжамияти, БМТ ва Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлиги Ташкилотига уларнинг роли анча ўсганини кўрамыз.

2004 йилнинг 1 майида Собиқ социалистик давлатлардан Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Словения, Латвия, Литва ва Эстония, 2007 йил 1 январидан Руминия, Болгария давлатларининг Европа Иттифоқига аъзоликка қабул қилиниши уларнинг тарихида буюк воқеа бўлди.

МДҲ ва Болтиқ бўйи давлатлари ривожланишининг муаммоли жиҳатлари

Мустабид тузум исканжасидан қутулиб, ўз мустақиллигига эришган 15 та собиқ совет республикаларининг янги жамият қуриш йўлидаги ислоҳотчилик ҳаракатлари алоҳида эътиборга лойиқ. Улар, Белоруссия, Тожикистон ва Туркменистондан ташқари либерал ёки миллий-либерал ислоҳотчилик йўлини танладилар. Алабатта, уларнинг

хаммасини ҳам демократик йўл деб ҳисоблаб бўлмайди. Жамиятнинг заифлиги демократиянинг самара бермаслиги, янги ислохотчилик тарафдорларининг катъиятсизлиги бир катор мамлакатларда авторитарлик тенденцияларини кучайтирди. Натижада Тожикистонда авторитар режимни келтириб чиқарди, Туркманистонда эса тоталитар ва авторитар режим пайдо бўлди. Туб ўзгаришларни амалга оширишдаги қийинчиликларни четлаб ўтишдаги уринишлар Белоруссияни ҳам авторитар режимга олиб келди. Молдавияда эса кризисдан либерал йўллар билан чиқишдаги уринишлар оқибатида кўпчилик сайловчилар коммунистларга овоз бердилар.

Чет эллик холис мутахассислар бу мамлакатларда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига атрофлича ёндошиб, 10 балли кўрсаткичлар шкаласи бўйича қуйидагича баҳоладилар, (1993 йил).

Литва-8,3	Грузия -3,3
Латвия-6,7	Қозоғистон-3,3
Эстония-6,7	Молдавия-1,7
Россия - 5,8	Озарбайжон-1,7
Арманистон-5,8	Тожикистон-0,0
Украина-5,0	Туркманистон-0,0
Қирғизистон-3,0	
Белоруссия-4,2	

Мустақил республикаларда тоталитаризмни енгишда ташланган қадам, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини қарор топтириш жуда секин ва ҳар хил кечди. Бу борада Болтиқбўйи республикалари яхши муваффақиятларга эришган бўлсалар, Марказий Осиё республикаларидан 2-таси орқада қолди.

Янги давлатчилик тамойилларининг шаклланиши ва ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар аср охирида фақат Болтиқбўйи республикаларидагина амалга ошди. Ҳамма жойда ҳам жамиятни жипслаштириш ва самарали ҳокимият ўрнатишга эришилмади. Баъзилари - Молдава, Грузия, Азарбайжон бўлақланган миллий-сепаратистлар бўлиб қолмоқдалар. Марказдан қочиш тенденциялари Россияда кучли бўлди.

Болтиқбўйи республикаларидан ташқари, собиқ совет республикалари турли хилда ва жуда суст равишда иқтисодий эркинлик сари бордилар. Бу республикаларда тоталитар социалистик тузумнинг асоратлари аста-секинлик билан енгиб борилиши натижасида давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашуви, шунингдек, маъмурий жиҳатдан аралашуви ҳам пасайиб борди. Бу республикаларнинг иқтисодий ривожланиши кўпинча инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, демократик принципларни амалга оширишга эмас, балки сармояларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги учун зарур бўлган сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга боғлиқ эди. Сармоялар учун уларнинг жозибадорлиги ҳар жойда ҳар хил даражада ўсди. Сармояларни жалб қилиш, - Болтиқбўйи республикаларидан ташқари кўпчилик мамлакатларда жуда суст борди.

Совет ҳарбий-иқтисодий тизимининг емирилиши янги ҳукуматларнинг изланиш ва ҳаракатлари охир-оқибатда ҳамма собиқ совет республикаларида ўзларининг бозор хўжалиги комплексларини яратишга ва энг ривожланган мамлакатлар билан алоқа ўрнатишга олиб келди. Бу масалада бой мамлакатларнинг ва халқаро молия ташкилотларининг молиявий-иқтисодий ва илмий-техникавий ёрдами, кредитлари ва сармоялари катта аҳамият касб этди. Шу туфайли баъзи мамлакатларда 90-чи йилларнинг ўртасидан, баъзиларида охиридан бошлаб ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш кечириш даражаси ўса бошлади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши	1997 йилда	1998	1999	2000 йилда % ҳисобида
Эстония	.	Қ4,7	-1,1	Қ5,9
Латвия	Қ6,5	Қ3,6	Қ0,5	Қ5,5
Литва	-	Қ5,1	-4,1	Қ2,3
Молдова	Қ 1	-9	-5,3	Қ 1
Грузия	Қ 11	Қ3	Қ3,2	-0,2
Армения	Қ3	Қ7	Қ3,2	Қ5
Озарбайжон	Қ6	Қ 10	Қ6,9	Қ6,9
Россия	Қ0,8	-4,5	-0,7	Қ9
Белоруссия	Қ10	Қ8	Қ2,0	Қ5,5
Украина		-2	-0,4	Қ5,4
Қозоғистон	Қ2	-2	Қ 1,7	Қ 10,5
Қирғизистон	Қ 10	Қ2	Қ3,5	Қ5,7
Тожикистон	Қ2	Қ5	Қ3,7	Қ5,1
Туркменистон		маълумот йўқ		Қ 14

Аммо умуман олганда 2001 йилда ҳам собиқ совет республикаларининг иқтисодий аҳволи мураккаблигича қолди ва уларнинг ҳар бирида Ялпи Ички Маҳсулот кўрсаткичлари 1990 йилга нисбатан жуда паст даражада бўлди,

Мустақил республикаларнинг 1994, 1996 ва 2000 йиллардаги Ялпи Ички Маҳсулоти индекси (1990 йилда-100%)

И л л а р	1994	1996	2000
Эстония	64	69	53,8
Латвия	49	51	57
Литва	61	66	69,8
Молдова-	54	51	334,6
Грузия	36	41	43,6
Арманистон	41	47	58,8
Озарбайжон	48	40	60
Россия	65	59	63
Белоруссия	68	61	79
Украина	52	51	51,4
Қозоғистон	60	55	58
Қирғизистон	55	54	53,7
Тожикистон	34	24	42,4
Туркменистон	76	68	68,8

Шундай қилиб, собиқ совет республикаларининг жаҳон Ялпи Ички Маҳсулотидаги улуши 1990 йилда 9,09 фоиздан 2000 йилда 4,2%гача тушиб қолди. Уларнинг жаҳон савдосида ва молиясидаги улуши яна ҳам паст бўлди. Қуйидаги мамлакатларга-Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистонга жаҳон экспорти ва импортнинг 0,01 тўғри келди.

МДХ республикаларида аҳоли жон бошига йиллик Ялпи Ички Маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача 5,9 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Энг паст кўрсаткич Тожикистонда (1,7), юқори кўрсаткич Белоруссияда (7,9), Россияда (7,5), Қозоғистонда (5,2) ва Украинада (5,0), аммо Болтиқбўйи республикаларидаги кўрсаткичга нисбатан (9,0-8,2) ва Марказий Европанинг собиқ социалистик мамлакатларидаги кўрсаткичга нисбатан анча паст бўлди.

Собиқ совет республикаларининг ўзаро муносабатлари ҳам анча мураккаб кечди. Болтиқбўйи республикалари МДХга кирмадилар. Улар, албатта, Россия ва бошқа МДХ давлатлари билан ўзаро фойдали савдо-сотиқ ишларни, айниқса транзит савдони инкор этишгани йўқ. Улар ўзаро алоқаларни ривожлантиришга ва кенгайтиришга - таъбир жоиз бўлса ўзларининг, яъни Болтиқбўйи давлатларининг иттифоқини тузишга интилдилар. Энг муҳими - улар ўз диққат эътиборини ҳаммадан олдин Шимолий, Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан молиявий-иқтисодий ва савдо техникавий алоқаларни олиб боришга йўналтирдилар. Бу осон иш эмас эди, аммо иқтисодиётни қайта янгилашда муҳим қадам эди. Кўп мамлакатларнинг раҳбарлари СССРдан қолган меросни республикалар ўртасида тинч йўл билан бўлишишга муҳим роль ўйнаган МДХни ҳар томонлама бирлашиш қуролига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Кўпчилик иштирокчи мамлакатлар худди ана шу мақсадга қаратилган Хамдўстлик Низомини 1993 йилда имзоладилар. Кўпчилиги ўртасида иқтисодий иттифоқ ҳақида, эркин савдо зонаси ҳақида битимлар тузилди. Биргаликдаги ҳарбий ҳаво мудофааси (ХХМ) битимига эришилди. Олтита мамлакат ўзаро хавфсизликни таъминлаш ҳақида битим туздилар. 2000 йилга келиб МДХ доирасида унинг қатнашчилари ўртасида 800 дан ортиқ битим ва шартномалар тузилди.

Аммо МДХ иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бир текис ривожланмаяпти. Баъзи давлатлар-Туркменистон, Грузия, Украина ва бошқалар фақат иқтисодий соҳада икки томонлама шартномалар тарафдори бўлиб, коллективчилик бошқарув органларига қўшилмаяптилар. МДХ мамлакатлари ўртасидаги жами битим ва шартномаларнинг фақат бештасигина уларнинг ҳаммалари томонидан имзоланган. Ҳатто МДХ Устави ҳам унинг барча аъзолари томонидан имзоланмади.

Ҳар холда битим ва шартномаларни амалга ошириш учун МДХнинг доимий органлари тузилган, шунингдек секретариат (котибият) ҳам ишлаб турибди, доимий равишда Президентлар, ҳукуматлар ва вазирликлар бошлиқларининг учрашувлари ўтказилиб турилибди. Бу учрашувларда кўплаб муҳим масалалар ҳал этилган - Днестрбўйидаги, Абхазиядаги, Тоғли Қорабўғдаги, Тожикистондаги қуролли тўқнашувларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

XXI аср бошига келиб МДХда ҳудудий ҳамжамиятлар тузилди-Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида божхона иттифоқи тузилишига асос солинди, бунга Тожикистон ҳам қўшилди. Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш Ҳамжамияти (МОХ), Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдава ўртасида ўзаро муносабатлар битими (ГУАМ) ва ниҳоят конфедератив давлат тузишга йўналтирилган Россия ва Белоруссия иттифоқи ташкил топди.

МДХ давлатлари ўртасида, уларнинг истикболли йўналишлари бир хил эмаслиги ва бошқариш усулининг ҳар-хиллигига қарамай, уларнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларида кўплаб ўхшашликлар бор. Уларнинг ҳаммалари хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро терроризмга самарали қарши курашиш тарафдори. Уларнинг кўпчилиги этносиёсий тўқнашувлар ўчоқларини бартараф этиш тарафдори - масалан Тоғли Қорабўғда, Абхазияда, Чеченистонда, Днестрбўйида, Тожикистонда. МДХ давлатлари Россияга ишонч билдириб бир қанча тинчликпарвар юмушларни топширган.

МДХ давлатлари ўртасида савдо ва молиявий харажатлар олиб борилмоқда.

МДХ давлатлари ўртасидаги экспорт-импорт (умумий ҳажмда уларнинг улуши - % ҳисобида)

Й и л л а р	1996	1998
Азарбайжон	46,0F35,4	38,3F37,6
Арманистон	44,2F32,5	36,3F24,7
Белоруссия	66,6F65,9	72,8F64,7
Грузия	64,6F39,4	52,6F35,0
Қозоғистон	53,8F69,5	39,5F47,2
Қирғизистон	77,9F58,1	44,9F52,4
Молдавия	68,1F61,5	68,1F68,1
Тожикистон	43,0F57,3	34,6F65,7
Туркменистон	67,5F29,6	-F-
Украина	51,4F63,0	32,9F52,4
Россия	19,9F28,7	20,6F23,0

Савдо-сотик ҳажми МДХ мамлакатлари ўртасида иқтисодий муносабатларни ўрнатиш учун анча кенг асос бўлиб хизмат қилади. Уларнинг кўпчилиги ўз шерикларидан энергия ёқилғиси, бошқа хом ашёлар, баъзи бир машина-ускуналар ва қурол-яроғлар олиб туришади. Аммо республикалар ўртасидаги товар алмашишда улар Ялпи Ички Маҳсулотининг жуда оз қисми жалб этилган.

Иқтисодиётнинг реал соҳаларига инвестициялар киритиш борасида жуда ҳам зиддиятли манзаралар кузатилди. Қатор МДХ мамлакатларида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг сезиларли ўсиши кузатилди, баъзиларида эса, уларнинг суръатлари 2000 йилга нисбатан 2001 йилда пасайиши юз берди. Масалан, Озарбайжонда-17%га (2000 йилда 1999 йилга нисбатан ўсиш 3%га тенг бўлди), Арманистонда-14%га (27), Грузияда-14% га (34%га пасайган), Қозоғистонда-21% (49), Россияда-9% (17), Украинада-37% (14%)га ўсди. Белоруссия, Қирғизистон ва Молдавияда асосий капиталга қўйилмалар мос равишда 6%, 16% ва 2% га камайди. Бироқ кейинги йилларда инвестиция киритиш Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Белоруссияда сезиларли даражада ўтганлигини кўраимиз.

2001 йилда инвестициялар умумий ҳажмида хорижий фирмалар улуши Арманистонда -26%ни, Белоруссияда -1, Қозоғистонда-22, Қирғизистонда-23, Украинада-4% ни ташкил этди. Шунга қарамай, умуман, иқтисодиёт реал соҳасига инвестициялар бозори маҳаллий инвесторлар учун ҳам, айниқса, хорижий инвесторлар учун ҳам кам қизиқарлидир.

Ҳамдўстлик мамлакатлари экспорт-импорт операциялари динамикаси 2001 йилда жаҳон бозорлари ривожланиш тенденциясини акс эттирди. Энергия ресурслари жаҳон бозори конъюктурасининг ёмонлашиши МДХ мамлакатлари савдо операцияларининг, асосан экспортнинг ўсиш суръатлари секинлашишига олиб келди. Агар 2000 йилда 1999 йилга нисбатан экспортнинг қиймат ҳажми ўртача 39%га, импорт-15%га ўсган бўлса, 2001 йил январ-ноябрида олдинги йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткичлар мос равишда 1 ва 16%ни ташкил этди.

2001 йил январ-ноябрида ҳамдўстлик мамлакатлари экспортининг умумий ҳажми 131 млрд. долларга, импорти-73 млрд. долларга баҳоланди, бу 2000 йилнинг шу даврига мос равишда 2 млрд. ва 10 млрд. долларга кўп бўлди. 2001 йил давомида дунёнинг бошқа мамлакатларидан қилинган импортга нисбатан юқори суръатларда ўсди. Ўтган йилнинг январ ноябридаги маълумотларга кўра, дунёнинг бошқа мамлакатларида қилинган импортнинг ўсиш суръатлари МДХ мамлакатларидан қилинган импорт кўрсаткичидан ўртача 20 пунктга юқори бўлди, бироқ МДХ мамлакатларига экспорт қилиш дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсди.

Бироқ, ҳамдўстлик мамлакатларининг узоқ хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо операцияларн қиймат ҳажми уларнинг МДХ мамлакатлари билан қилган савдоси

ҳажмидан ортиқлиги сақланиб қолмоқда. Масалан, дунёнинг бошқа мамлакатларига қилинадиган экспорт ҳамдўстлик бўйича ўртача МДХ мамлакатларидаги унинг ҳажмидан 3,8 марта (2000 йил январ-ноябрда 4 марта), импорт-1,4 марта (1,2 марта) ўсди. Дунёнинг бошқа мамлакатларига экспорт МДХ мамлакатларига Озарбайжондан (2,3 марта), Арманистондан (2,9 марта), Қозоғистондан (2,3 марта), Россиядан (6,1 марта), Тожикистондан (1,9 марта), Украинадан (2,3 марта) қилинадиган экспортдан бирмунча кўп бўлди.

Россиянинг ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо операциялари бирмунча ўсган бўлишига қарамай, у анъанавий равишда кўплаб ҳамдўстлик мамлакатларининг савдодаги асосий шериги бўлиб қолди. Масалан, Арманистон билан ташқи савдо айланмасида унинг ҳиссаси-74%ни, Беларуссияникида-91, Қозоғистонникида-80, Молдавияникида-57, Украинаникида-71%ни ташкил этди.

МДХ мамлакатлари ўртасидаги товар айланмаси таркибида ёқилғи-энергия ресурслари, металлургия, кимё саноати ва машинасозлик маҳсулотлари устунликка эгадир.

Ҳамдўстлик мамлакатларида иқтисодий фаол аҳоли сони (бандлар ва ишсизлар йиғиндиси) 2001 йилда ўртача 131 млн. кишидан иборат деб қайд этилди. Ёки бу ушбу мамлакатлар аҳолисининг камида ярмини ташкил этди. Хусусан, Россия-71,4 млн. кишини (50% атрофида), Украинада-23,5 млн. (48%), Қозоғистонда-7,1 млн. (48%), Беларуссияда-4,5 млн. кишини (45%) ташкил этди.

Иқтисодиётда бандлар умумий сонидан йирик ва ўрта корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари 2001 йилда Беларуссияда 87%ни, Қозоғистонда-35, Қирғизистонда-30%дан кўпроқ, Россияда-63, Украинада- 61%ни, ташкил этди.

Банд бўлмаган, бандлик хизматига мурожаат қилмаган ҳолда, мустақил иш изловчи ишсизлар сони (ХМТ услубига кўра, улар ишсизлар сифатида туркумланади) аҳоли ўртасида танланма сўров маълумотлари бўйича Қозоғистонда (Ш-чоракда) 715 минг кишини (иқтисодий фаол аҳолининг 9,2%и), Молдавияда (ўша давр-105 минг 6,3%). Россияда (декабрда)-6,4 млн. (90%), Украинада (сентябрда)-2,4 млн. киши (10,3%)ни ташкил этди. Ҳамдўстлик мамлакатларида ишсизларнинг умумий сони 2001 йилда ўртача 11 млн. кишидан ёки иқтисодий фаол аҳолининг 9%идан ошиб кетди.

2001 йил Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон, (январ-ноябрда), Украина меҳнат бозори учун анча қулай келди. Масалан, бандлик хизматига мурожаат қилган банд бўлмаган аҳоли умумий сонидан ишсиз, деб тан олинган фуқаролар салмоғи Арманистонда-78% (2000 йилда-81%), Қирғизистонда-59% (66%), Тожикистонда (январ-ноябрда-41% 50%), Украинада-68% (71%)ни ташкил этди. Россияда бу кўсаткич ўзгармай қолди (60%), Озарбайжон меҳнат бозорида ишсиз сифатида тан олинган фуқаролар салмоғи 15%дан 22%га ўсди.

Корхоналарнинг ишчиларга бўлган эҳтиёжлари (бандлик хизматига маълум қилинган бўш ишчи ўринлари сони) 2001 йил декабрига 2000 йилнинг тегишли даврига нисбатан Қозоғистонда-3,5%га Россияда-18, Тожикистонда (ноябр охирига)-29%га, Украинада-42% га ўсди; Озарбайжонда-9%га, Арманистонда-7, Беларуссияда-1,4, Грузияда (сентябр охирида)-16, Қирғизистонда-21, Молдавияда-12%га пасайди. Бунда меҳнат бозоридаги кескинлик (бандлик хизматида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар сони битта ўринга ҳисоблаганда) ўзгарди; Озарбайжонда 2000 йил декабрдаги 8,4 кишидан, 2001 йил декабрда 10,2 кишигача, Арманистонда-316дан 310гача, Беларуссияда-2,9дан 3,2 гача, Грузияда (сентябр охирида)-94дан 107гача, Қозоғистонда 25дан 22гача, Қирғизистонда -38дан 50гача, Молдавияда- 15дан 17га, Россияда - 1,6дан 1,5га, Тожикистонда (ноябр охирига)-8,7дан 7,2га, Украинада-17 дан 11 кишига ўзгарди.

Умуман олганда, кўплаб МДХ мамлакатларининг 2001 йилдаги ривожланиш натижалари қулай иқтисодий конъюнктура ҳақида гувоҳлик бермоқда. Аҳолининг банкдаги пул даромадлари ўсмоқда, бу эса, уларнинг моддий аҳоли яхшиланиб бораётганини кўрсатади.

Шунинг билан бирга МДХ давлатлари ўртасидаги шартнома ва битимларни кўпи бажарилмаяпти. Ҳамкорликни ривожлантириш режалари ҳаётга мос келмайди. Гап фақат бу давлатлар ишлаб чиқаришининг бир қисмигина экспорт учун лаёқатлигида эмас, балки энергия ёқилғиси ва баъзи бир хом ашё учун уларнинг шериклари валюта талаб қилишмоқда, валюта эса бу шерикларда йўқ ҳисоби. Кўпинча давлатларда рақобатбардошлик ва тўлашга қодирлик етишмайди. Яна энг муҳими, МДХ давлатлари кредитларга ва сармояларга, шунингдек энг яқин технологиялар ва асбоб-ускуналарга доимо муҳтождирлар. Уларнинг ҳеч бири, шу жумладан Россия ҳам, ўз кўшниларига кредит, сармоя, юқори технологиялар ва электрон-ахборот жиҳозлари беришга қодир эмаслар. Шу сабабли МДХ мамлакатлари, шу жумладан Россия ҳам, ўзларининг энг муҳим эҳтиёжларини қондириш учун МДХдан ташқарига, энг бой ва энг ривожланган давлатларга мурожаат этишади. Натижада ривожланган давлатларнинг МДХ давлатлари билан ҳамкорликдаги улуши жуда тез ўсмоқда. Аммо ҳамкорликнинг ўсиши собиқ совет республикаларининг кредит ва сармояларни, берилаётган нарсаларни ўзлаштира олиш қобилиятлари ҳисобга олинган ҳолда берилмоқда. Шунингдек, сармоядорлар ва кредит билан таъминловчиларнинг ишончини оқлайдими ёки йўқми эканлигига ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда.

МДХнинг ҳамма мамлакатлари, (кўпларнинг ишончини оқлаёлмаётган Белоруссиядан ташқари) Европа Иттифоқи (ЕИ), АҚШ, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган Осиё мамлакатлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Уларнинг кўпчилиги Европа Иттифоқи билан бирлашишга интилоқдалар ва Осиё мамлакатлари Иқтисодий Кооперация ташкилотининг, Қораденгиз давлатлари ҳамжамиятининг ва кўплаб халқаро ташкилотларнинг аъзолари бўлиб олдилар. Қирғизистон ва Грузия Жаҳон савдо-сотик ташкилотига қабул қилинди.

МДХ давлатлари ўртасида сиёсий келишмовчиликлар ҳам бор. Бу, энг аввало, Арманистон ва Азарбайжон ўртасидаги Тоғли Қорабоғ учун бўлган узоқ ва чуқурлашиб кетган низодир. Россия-Грузия, Россия-Украина ва Россия-Молдава давлатлари ўртасидаги низолар ҳам МДХ доирасидан ташқарига чиқиб кетган Низоларга айланди. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегаралар масаласи иккинчи планга кўчган, лекин йўқолмаган. МДХнинг баъзи бир мамлакатлари Россиянинг ушбу ҳудудда етакчи ролни ўйнамоқчи бўлганлигидан ва унинг Қора денгиз ва Каспий денгизи бўйларидаги кўшниларининг манфаатларига эътибор бермаётганлигидан хавфсирашиб, Европа Иттифоқи сари интилоқда.

Шунга қарамай МДХ фойдали ролни ўйнамоқда, бироқ уни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш учун умид қилишга етарли асослар кам даражада. Аммо ҳамма собиқ совет республикалари йирик халқаро ташкилотларда қатнашмоқдалар, масалан БМТда, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотида (Белоруссиядан ташқари) ҳамда НАТО билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилмоқдалар. Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой давлатларини бирлаштирган «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» фаолият юритмоқда. Самарали натижаларга эриша олмаётган бўлса-да Россия, Украина, Белоруссия ва Қозоғистон давлатлари ўртасида 2003 йилнинг 19 сентябрида Ягона Иқтисодий макон (ЯИМ) шартномаси тузилди. Муносабатларнинг кейинги ривожини Украинанинг бу шартномага амал қилмай НАТО ва ЕИ сари интилаётганини ҳам кўрсатмоқда. 2008 йилнинг эзида АҚШ президенти Ж.Бушнинг Украина ва Грузияга сафари шунингдек, Украина ҳудудида АҚШ, Украина, Грузия, Озарбайжон ва Арманистон давлатлари ҳарбий кучлари машқларининг ўтказилиши ҳам бунга яққол мисол бўлади.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Марказий Европа давлатларида демократик ислохотлар энгил боришининг сабаблари нимада?
2. Жанубий ва Шарқий Европа давлатларида демократик ислохотлар нега қийин кечди?
3. МДХ ҳақида нималар биласиз?
4. Худудий ҳамжамиятлар нима?
5. МДХ билан Болтик бўйи республикалари ўртасидаги зиддиятларни нималарда кўрасиз?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. МДХ доирасидаги давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги эришилган ютуқларни айтинг?
2. МДХдаги давлатлар муносабатларидаги жиҳатлар нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997.
2. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. “Ўзбекистон” 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси статистикаси департаменти маълумотлари. 1998-2002 й.й.
4. Богомолов О. Реформы в зеркале международных сравнений . М., 1998.
5. Денчев К. Восточная Европа после социализма: поиск новых парадигм. Габрова, 1997.
6. Кривогуз И.М. Крушение “реального социализма” в Европе и судьбы освободившихся народов. М., 2001.
7. Кудров В.М. Центральная и Восточная Европы: десять лет перемен. Ж. «Общественные науки и современность» 2001. №1
8. Постсоветская Центральная Азия. Потери и обретения. М., 1998.
9. Узбекистан-Европейский Союз важный шаг на пути к Европейской интеграции. Т., 1996.
10. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Ташкент, 2002.
11. Новейшая история стран Европы и Америки ХХ век 1945-2000. част 2,3. М., 2001.
12. Эйза Бриггс, Патриция Клевин. Европа нового и новейшего времени. С. 1789 года и до наших дней. М., 2006.
13. Сергеев Е.Ю. Новейшая история. Подробности. М., 2000.
14. Ж.Евразия № 2002-2008 гг.
15. Ж.Азия и Африка сегодня № 2002-2008 гг.

ХУЛОСА

Европа ва СССРда «реал социализм»нинг инқирозга юз тутишини бир томондан коммунистларнинг утопик мақсади ва бу мақсадга эришишнинг ғайриинсоний усуллари, иккинчи томондан халқларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари, имкониятлари ва манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар келтириб чиқарди.

Коммунистларнинг ўз мақсадларига томон интилишлари тоталитар режимларсиз мумкин эмаслиги яққол кўринди. Улар оммавий қатағонлар ва мафкуравий тазйиқ орқали улкан ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий-сиёсий ва ҳарбий ютуқларга эришдилар. Аммо «реал социализм» ривожлангани сари унга хос бўлган ички ва ташқи зиддиятлар ҳам кучая бордики, бу зиддиятларнинг кескинлашиши ва чуқурлашиши «реал социализм»нинг инқирозга юз тутишига олиб келди. Бу ҳақда СССР парчаланишидан анча илгари машҳур америкалик сиёсатшунос З.Бжезинский ҳам ўз фикрларини билдирган эди.

40-йилларнинг ўрталарида ташқи зарбалар оқибатида парчаланиб кетган миллатчи тоталитар режимлардан фарқли ўлароқ «реал социализм» нинг қулаши ички ислоҳот ва инқилоблар натижаси бўлди. Ислоҳотлар антисоциалистик кучларнинг қонуний кучга эга бўлиши ва кучайишига ёрдам берди, ислоҳотларнинг кечикиши ёки уларга ҳалакит беришга уриниш эса, вайрон қилувчи қон тўкишларга сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий портлашларни келтириб чиқарди.

Эндиликда парчаланган «реал социализм» нинг улкан харобалари устида янги мафкуравий-сиёсий йўналишлар устунлиги қарор топди. Уларга мос ижтимоий-бошқарув тизимлари шаклланди ва туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Жамиятнинг тузилиши ва унинг таркибида аста-секин ва мунтазам бўлмаса-да, чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Йўқолиб бораётган ёки ўзгараётган синфлар ва қатламлар ўрнини янгилари эгалламоқда, инсонлар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг фаолият характери ўзгармоқда, деярли ярим миллиард кишини ташкил этган аҳолининг онги ва бутун ҳаёти тубдан ўзгариш сари юз тутди. Бу ўзгаришларни ўрганиш бошланган, аммо жамоатчиликни қизиқтириб келаётган XXI аср бўсағасида рўй берган ислоҳот ва инқилобларни тадқиқ қилиш ва уларни англаб, уларга баҳо бериш ҳали тугаганича йўқ.

Кенг адабиёт ва публицистикада ҳеч ким Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида «реал социализм»нинг ривожланишга қодирлиги ва истикболли бўлишини жиддий исботлашга уринмайди. Ҳеч ким Тодор Живков, Эрик Хонеккер, Густов Гусак, Янош Кадар, Николаэ Чаушеску каби раҳбарларнинг хатолари ёки ноқулай вазият «реал социализм» инқирозига сабаб бўлди, деб ҳам айтмайди. Аммо СССРда «реал социализм» ва унинг инқирози сабаблари тўғрисида ниҳоятда турли-туман фикрлар мавжуд.

Собиқ совет республикаларидаги миллий ҳаракатларнинг мақсад ва моҳияти, мустақилликка эришиш ва давлатчиликнинг шаклланиши, мафкуравий-сиёсий йўналиши, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ўрни ва роли ўткир мафкуравий-сиёсий кураш объекти бўлиб, тарихий публицистика ва энг янги тадқиқотлар предмети ҳамдир. Энг аввало турли республикаларда миллий ва фуқаролик ҳаракатлари тўғрисидаги жиддий тадқиқотлар пайдо бўлди.

90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, алоҳида янги мустақил мамлакатларнинг ташқи сиёсати ва тараққиёти тўғрисида оммавий маълумотнома ва илмий ишлар, Болтиқбўйидаги инқилоблар ва Марказий Осиё республикаларида давлатчиликнинг шаклланиши ва ислоҳотлар тўғрисидаги китоблар нашр этила бошланди. Кўпинча ҳаққонийликка эга бўлмасада Россия Федерацияси тараққиёти муаммолари ва баъзи жиҳатлари тўғрисидаги турли-туман адабиётлар ҳам пайдо бўлди.

Кўпгина тадқиқотчилар СССРнинг парчаланишида ўз мойилликларига мос равишда бош котиб, республика президентларидан бири, империалистлар, сионистлар ва

масон (реакцион рухтаги яширин диний ва фитначи гуруҳ)ларнинг айбдор эканлигини изоҳлашдан нари ўтмаганлар. Баъзилар эса ҳамма гап қахрамонларда деб ўйлашади: гўёки Косигин ёки Андропов узокроқ яшаганда, ёки ҳатто Лигачёв қатъийроқ ҳаракат қилганда ҳам СССРни, ҳам социализмни сақлаб қолишлари мумкин эди дейишса. СССР парчаланишини тасодифий ҳодиса деб ҳисобловчилар ҳам оз эмас.

Чуқурроқ мулоҳаза юритганлар эса турли йўналишда тадқиқ қилишади. Улардан бирлари «асосий сиёсий кучлар ўртасидаги мафкуравий қарама-қаршилик» СССР парчаланишига олиб келган деб ҳисоблашади. Бошқаларининг фикрича бунинг сабаби «Миллий ўзликни англашнинг кескин ўсиши ва миллий тикланишнинг турли шаклларида»дир. Учинчилари эса, «Иттифоқ парчаланишининг ҳаққоний асоси унинг исрофгарчиликка асосланган хўжалик тизими»дан иборат эди дейишади.

Бу тадқиқотчилар томонидан кўпгина тўғри фикрлар ҳам баён этилган, аммо энг ишончлиси «иктисодий, сиёсий ва ижтимоий зиддиятлар туфайли ҳамма нарсани қамраб олган инқирозлар оқибатида Совет Иттифоқининг парчаланганлиги» тўғрисидаги хулоса бўлса ажаб эмас. Бу инқирознинг характерини, ҳалокатли зиддиятларнинг ривожланишини ва улар нисбатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Аммо ҳозирча маълум бўлган нарсалар XX аср охирида рўй берган энг йирик воқеанинг асосий сабаби ўн йиллар давомида яққол бўлиб қолган СССРни яратиш ва ривожлантиришдан кўзланган мақсаднинг Совет халқларининг ҳаққоний эҳтиёжлари, манфаатлари ва имкониятларига мос келмаганлигида эди, деб хулоса чиқаришга имкон беради. Совет давлати ва жамиятининг, мафкура ва иқтисодиётининг инқироzi ва парчаланиши юқорида қараб ўтилган «реал социализм» ички зиддиятларининг чуқурлашуви ва кескинлашуви оқибати эди.

Кенг тарқалган фикрга хилоф равишда СССРнинг парчаланиши тасодифий ҳодиса эмас эди: бу воқеа илдишлари узок ўн йилликлар билан чегараланар эди. Бироқ унинг бошланиши 1988 йилдан-Болтиқбўйи республикаларининг суверенитетни эълон қилишлари билан юз берган бўлса, тугаши 1991 йилда Россияда бехосдан юз берган инқилоб ва деярли барча республикаларнинг мустақиллик эълон қилишлари билан яқунланди.

Горбачев ва у билан бирга кўпчилик, Совет Иттифоқи бўлмаса ҳам, Иттифоқ давлат бирлашмаси-федерация ёки конфедерация шаклида сақланиб қолиши керак эди ва мумкин эди дейишди. Аммо Иттифоқнинг коммунизм қуриш ва бутун дунёда унинг ғалабасига эришиш концепцияси инқирозга учради ва 1991 йил августидаги уни ҳимоя қилишга уринишлар ҳам зое кетди. Горбачев ҳам, янгиланган Иттифоқни сақлаб қолишнинг бошқа тарафдорлари ҳам бундай давлат учун ислохотлар ўтказишдан бошқа бирлаштирувчи ғояни ишлаб чиқишолмади.

Аммо республикалар ўртасидаги яққол тавофутлар туфайли бир вақтда бир хил ўзгаришларни (ислохотларни) амалга ошириш йўли амри маҳол эди. Республикалардаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси бир-биридан катта фарқ қиларди ва уларда ҳокимият теппасига турли сиёсий кучлар келган эди; либерал-демократик, миллий манфаатчилар ва уларнинг бор-йўғи учтасида коммунистлар ҳокимият теппасида қолишди. Бу ҳукуматлар турлича, ҳаттоки бир-бирига тўғри келмайдиган ўзгаришларни режалаштирди. Бунақа турличалик билан ва ҳеч қандай бирикмайдиган асосда ҳеч ким, ҳатто «социалистик йўналиш»га содиқ қолган Горбачев ҳам на федерация ва на конфедерация туза олар эди.

Кўпчилик, 1991 йил март ойидаги референдумда иттифоқни сақлаб қолиш учун овоз берганлар каби, ўша пайтда яққол бўлган республикаларнинг бир-биридан узоклашишини гўёки пайқамагандек, уларнинг ягона давлатга бирикиши ҳеч бўлмаса буюк давлатни сақлаб қолиш мумкинлиги учун ҳам керак эди, деб ўйлашади. Бу фикр мамлакат ўлчамлари унинг қудратига мутаносиб деган кенг тарқалган адашишга

асосланган. Аслида эса СССР тарихи мамлакат ўлчамлари аҳоли фаравонлигига мутаносиб эмаслигини кўрсатди.

Иттифоқ давлатини сақлаб қолиш, иқтисодий инқирознинг олдини олиши тўғрисидаги умидлар ҳам асоссиздир. Ахир, иқтисодий инқирознинг асосий сабаби совет саноатининг 80%ини қамраб олган қуруллар ва ҳарбий материалларни ишлаб чиқариш эди. Инқирознинг Иттифоқ учун ҳам рўй бериши табиий эди, чунки у энг ривожланган мамлакатлар билан зиддиятни давом эттириш сиёсатига ва давлат монополиясига асосланган эксплуатация тизимига асосланган эди.

Кўпчилик совет раҳбарияти Хитойдаги социализмнинг янгиланишини мисол келтиришади. Хитой коммунистик раҳбарияти 70-йиллардан ислохотларни бошлаб, социализмга содиқлигини эътироф этди. Яқка ҳукмронликни сақлаб қолган ҳолда у давлат монополиясига асосланган хўжаликни самаралироқ бўлган бозор иқтисодиётига алмаштиришга, хорижий инвестициялар ва юксак технологияларни жалб қилишга, замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли фаравонлигини оширишда улкан муваффақиятларга эришди. Дэн Сяопин ва унинг тарафдорлари социализмнинг баъзи принцип (тамоийил) ларидан воз кечишди, бошқаларини амалга оширишга шошилмади, аммо бозор муносабатлари асосида кучайиб бораётган либерал кайфиятларга қатъий тўсқинлик қилмоқда. Аммо Хитой социализм ва либерализм ўртасидаги ҳал қилувчи танловни четлаб ўтолмайди.

СССРда «реал социализм» нинг ҳам асослари ва ҳам зиддиятлари анча чуқур эди. Ҳам КПСС раҳбариятида, ҳам аҳоли ичида жуда кўпчилик ҳеч қандай одатий кадрлардан воз кечишни хоҳламас эди. Келишмовчиликлар олигархияни парчалади, унинг умумҳукмронлигини пучга чиқарди ва унга ислохотларнинг аниқ дастурини ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишга имкон бермади. Бундан ташқари СССРнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва аҳолиси, Хитойникига қараганда ислохотларни камроқ ҳис қиларди. Шунинг учун социализмни янгилашга уринишлар ҳам турлича натижа берди.

Буюк давлат парчаланишида айбни унинг ташқи душманлари бўйнига қўйиш ҳам асоссиздир. Баъзилар СССР парчаланишининг асосий сабаби «дунё империализми», айниқса, АҚШ ҳукмрон доираларининг СССРга бўлган мафкуравий-сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий тазйиқнинг фаоллашиши ва кучайишида деб ҳисоблайди. Аммо «реал социализм» нинг шубҳасиз душманлари бўлган бу кучларнинг ҳаракати тўхтовсиз давом этган «қизил империализм» экспансияга жавоб эди. СССР энг ривожланган мамлакатлардан ортда қолмаганда, уларга муваффақият билан қаршилиқ кўрсатиш ёки Горбачев каби ўз экспансиясини тўхтатиб бу қарама-қаршилиқка чек қўйиш мумкин эди. Ҳар ҳолда «империализм»нинг қаршилиги ва тазйиқи СССРнинг ички ресурсларини исроф қилишга ва «реал социализм»нинг ички зиддиятларининг кескинлашишига олиб келгани учунгина СССРнинг парчаланиши сабабларидан бири деб қаралиши мумкин.

Албатта, АҚШ ва НАТОнинг бошқа мамлакатларда СССРнинг мағлубиятини истаган сиёсий арбоблар мавжуд эди, аммо Совет Иттифоқини кучсизлантиришга интилаётган бу мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари СССР парчаланишини хурсандчилик билан эмас, балки ташвиш билан кутиб олишди, чунки СССР раҳбарияти 1989 йилдан бошлаб экспансиядан воз кечиш илгариги рақиблар билан ҳамкорлик қилишга уринмоқда эди. СССРни бошқариб турган Горбачев билан иш олиб бориш, кўплаб янги номаълум муаммоларга дуч келишдан афзалроқ эди. Аммо АҚШ ва унинг иттифоқчиларини СССРни сақлаб қолишга ҳаракат қилмаганликда айблаш ҳам ноўриндир.

Нихоят, сал бўлмаса СССР парчаланишининг асосий айбдорлари ҳисобланган (баъзиларнинг фикрича) сионистлар, масонлар ва бошқа «бегона»ларнинг умумжаҳон «тил бириктиришлари» тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам жиддий эмас. Турли муҳолифлар «Россия буюклиги»га сиғинишга асосланган концепцияларни асослаш учун фактлардан

моҳирлик билан фойдаланишади. Улар билан баҳслашиш бефойда, улар рақибларнинг ҳар қандай далилларини четга суриб қўйишади.

Кўпгина публицистлар ва сиёсатчилар ўз рақибларини обрўсизлантириш учун турли совет арбобларининг СССР парчаланишида жавобгарлиги муаммосини кўтаришади.

Горбачев жавобгарликни Ельцин ва кўпгина республика раҳбарларига юклади. Ельцинни СССР парчаланишида айблаш нафақат коммунистлар, балки унинг барча танқидчиларига қўл келди. Аммо республика аҳолиси манфаатини ҳимоя қилишда айблаб бўлмайди. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги, жумладан Ельцин ҳам айнан шуни кечикиб бажаришди.

Кўпчилик асосий айбни Горбачевга юклайди. Аммо аслида СССРни янгилаш ва сақлаш учун у охиригача, СССРни сақлаш, янгилашга раҳна солиши мумкин бўлган фуқаролик урушини келтириб чиқарувчи қуролли кучларни сафарбар қилишдан бошқа барча чораларни қўллаган эди. Социализмни янгилашнинг «Хитойча усули»ни СССРда амалга ошириш Горбачевга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли мумкин эмас эди, 1991 йил август (ГКЧП) фитнаси олиб келиши мумкин бўлган «Югославия варианты»ни қўллашдан эса у чўчиб турганди.

Мемуарчилар (хотира ёзувчилар) ва соҳа мутахассислари, ислохотларнинг ҳам тарафдорлари ва ҳам рақиблари асосли равишда Горбачевни пухта ўйланмаган ҳаракатлар, кетма-кетлик йўқлиги ва иккиланишларда айблашади. Улар унинг фаолиятида кўпгина ҳақиқий ва мавҳум хатоликларни топиб, уларнинг турли таклифларининг амалга оширилиши гўёки «буюк давлат» ёки социализмни сақлаб қолиши мумкинлигига ишонтирмоқчи бўлишади. Аммо улар берган рецептлар касалликнинг «реал социализм» зиддиятлари ва инқирози жиддийлигига мос бўлмай, хусусий муаммоларга тааллуқли бўлиб, бу муаммоларнинг энг яхши усулда ечилиши ҳам инқирозни бартараф этолмас эди.

Горбачев ва унинг сафдошларининг СССРни янгилаш ва сақлаб қолиш йўлидан адашишлари ва хатоликлари, аҳолига консерваторларнинг қажатқич қаршилигидек зарар етказмади. СССР парчаланишида мамлакат қудратини оширишга қаратилган жиддий чораларга қаршилик кўрсатган консерваторлар, Горбачев ва унинг тарафдорларига нисбатан кўпроқ жавобгар. Ҳар ҳолда Горбачевнинг шубҳасиз тарихий хизмати халқни идеократия (мафкура ҳокимлиги)дан халос этиш ва яхшиланиш йўлларини излашдан иборатдир. У «социалистик йўналиш»дан воз кечмади ва мағлубиятга учради, аммо унинг уринишларисиз СССР халқлари тараққиётнинг бошқа йўлларини танлаш имкониятидан маҳрум эдилар.

СССР парчалангандан сўнг кўпгина коммунистлар, таъминот обрўси ва мақсадлари жозибасини ҳимоя қилиш мақсадида Совет Иттифоқида социализмдаги «кескин ўзгаришларга эътибор қаратишди. Улар социализм инқирози сабабини, дохийлар, айниқса, Сталиннинг хатолари, ўзига хос характерида, партиянинг қайта янгиланишида, совет (кенгашлар)нинг ва меҳнат коллективлари нуфузининг пасайтирилишида, оммавий катағонлар ва тоталитаризмнинг чиройлироқ номланиши бўлган!» «маъмурий буйруқбозлик тизими»да деб ҳисоблашарди. Илгари пайтда рўй берган ҳодисадаги қонуният ва мукамалликнинг исботланишидаги қатъийлик билан улар мақсад ва восита ўртасидаги ички боғлиқликни инкор этиб, келажакда деформация (четланиш)ларсиз социализм қуришни таклиф этишарди.

Бошқалари эса «четланиш»ларнинг асосий сабаблари, улар турли-туманлигига қарамасдан, социализмга йўналтирилган мамлакатлар ва халқларнинг ўзига хослигида деб ҳисоблашарди. СССРнинг ўзига хослиги социализмнинг тўла муваффақият қозонишига тўсқинлик қилса, энг ривожланган мамлакатлар қаршилиги социализмни кишанлаб қўяди деб эътироф қилинди.

Ниҳоят учинчи тоифадаги тадқиқотчи-коммунистлар «реал социализм»нинг у ёки бу белгиларининг «дохийлар»нинг баъзи фикрларига мос келмаслигига асосланиб,

СССРдаги сиёсий тузум умуман социализм эмас эди деб баҳолашди. Уларнинг фикрича буюк дохийларнинг барча кўрсатмаларига мос келувчи социализмни қайта яратиш керак.

Бу мухолифлар томонидан кўпгина қизиқарли, ҳатто ҳаққоний фикрлар баён этилганлигига қарамасдан энг асосий масалада улар билан ҳамфикр бўлиш қийин. Чунки СССРдаги социализм мавжуд эди. У марксизм-ленинизмнинг асосий ғояларига мос келар эди ва унинг мақсадлари ва воситаларининг халқ эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларига мос келмаслиги натижасида юзага келган ички зиддиятлари ҳам ҳаққоний эди. Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам «реал социализм»нинг қулаши бу хулоса тўғрилигини тасдиқласа, бир хил типдаги воқеаларнинг такрорланиши уларнинг қонунийлигидан гувоҳлик беради.

Европада «реал социализм»нинг инқирозга юз тутиши натижасида геосиёсий тузилма кескин ўзгарди. Иккита буюк давлатлардан бири СССРнинг парчаланиши билан у икки қутбидан, АҚШнинг катта таъсирига қарамасдан кўп қутблига айланди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида ислоҳот ва инқилобларнинг рўй бериши билан «социалистик ҳамдўстлик» парчаланди ва ЎИЁК ҳамда Варшава Шартномаси Ташкилоти тарқатиб юборилди. Бу ва ГДРнинг бирлашиши Германия ва бутун Европадаги мафкуравий-сиёсий ва ҳарбий-стратегик қарама-қаршиликка нуқта қўйди. Қайта ташкил қилинган НАТО унчалик самарали бўлмасда, қитъадаги хавфсизликнинг асосий омилига айланди.

Марказий Европанинг собиқ социалистик мамлакатлари (дунё ЯИМнинг 2,55%) Марказий Европанинг барқарор ва ҳаракатчан минтақасига айланди.

Жануби-Шарқий Европа (дунё ЯИМнинг 1,05%) ҳали барқарорликка эришолмади. Минтақа хавфсизлигига албан экстремистлари зарар етказмоқда.

Шарқий Европанинг асосий қисмини Болтикбўйи республикалари (дунё ЯИМнинг 0,15%), Украина, Белоруссия ва Молдова (дунё ЯИМнинг 0,64%) ташкил этади. Улар ўта нотекис ривожланмоқда. Эстония, Латвия ва Литва ислоҳотларни амалга ошириш даражаси бўйича Марказий Европанинг собиқ, социалистик мамлакатларига яқинлашган бўлса, бошқалари катта қийинчиликларга дуч келишди ва анча ортда қолишмоқда. Осиё қитъасининг катта қисмини қамраб олган Россия тараққиётида жиддий қийинчиликлар мавжуд (дунё ЯИМнинг 2,67%, 2000 йилда). Бу буюк давлатнинг энг муҳим муаммоси марказга интилма кайфиятларни бартараф этиш ва ривожланиш бўлиб, унинг Марказий Евросиёда гегемонликка даъвогарлиги етарли моддий асосга эга эмас.

Осиёнинг Россия билан туташган қисмларида иккита муҳим ресурсларга бой, аммо суст тараққий этган минтақалар-Кавказорти (дунё ЯИМнинг 0,15%) ва Марказий Осиё (дунё ЯИМнинг 0,45%) ташкил топди. Улардаги мамлакатлар турлича кескин фуқаролик, диний ва миллий тўқнашувлар билан аралашган йўллар билан ривожланмоқда.

Бу минтақаларнинг янгиланган ёки янгиланаётган мамлакатлари дунё ҳамжамиятининг мустақил аъзолари бўлиб минтақавий интеграция ва глобаллашувга қўшилмоқдалар. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги қийинчиликлар «реал социализм» харобалари устида бозор иқтисодиётини шакллантириш бу мамлакатлар халқларининг умумжаҳон тараққиётига қўшган улкан ҳиссасидир. Бу мамлакатларнинг ҳар бирининг XXI асрдаги ўрни ва роли улардаги табиий бойликлар, бу бойликлардан фойдаланиш самарадорлигини, сиёсий тузум барқарорлик даражаси ва сиёсий йўналиш билан белгиланади. Улардаги халқларнинг тақдири, оқибатда, глобал цивилизацияга ҳисса қўшиш қобилияти ва унга қўшилиш билан белгиланади.

«Реал социализм» инқирози бутун дунёда коммунистик мафкура ва сиёсатнинг инқирози ва аллақачон парчаланган халқаро коммунистик ҳаракатнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлди. Ҳеч ким бу ҳодисанинг марксизм-ленинизмга мос шарҳини беролмади, янги вазият ва ривожланиш истиқболларини изоҳлай олмади.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги собиқ социалистик мамлакатларда

компартиялар тарқатиб юборилди, уларнинг бир қисми эса социал-демократик ёки либерал-демократик йўналишдаги партияларга бирлашди. Собиқ совет мамлакатларида КПССнинг алоҳида республика ташкилотлари турли номдаги партияларга айланди, бошқалари эса бир нечта майда экстремистик гуруҳларга парчаланиб кетдики, улар атрофида бир нечта компартиялар пайдо бўлди (Россия, Украина ва Молдавада). Ўз ғоявий асосларини янгилаб ва оммавий шиорлар ёрдамида улар баъзи муваффақиятларни қўлга киритдилар, аммо уларнинг мамлакатларни ортга-социализмга қайтаришга уринишлари муваффақиятсизликка учрадилар.

Оз сондаги социалистик бўлмаган мамлакатлардаги оммавий компартиялар парчаланиб кетди ва уларнинг энг нуфузли қисмлари социал-демократик ва сўл-демократик партияларга айланишди. Фақатгина фактларни умуман тан олмайдиган коммунистларнинг кичик гуруҳлари илгаригидек ҳаракат қилишга уринар, секталарга айланар ва улар жиддий таъсирга эга эмас.

Европада «реал социализм»нинг таназзул топишини кўрган Хитой коммунистлари авторитар режимни сақлаган ҳолда бозор ислохотларини ўз вақтида амалга ошириб улгурганликлари социализмни сақлаб қолган бирдан бир тўғри йўл деб ҳисоблашди. Улар тажрибасидан Вьетнам коммунистлари фойдаланишмоқда. Мухолифотни бостиришни бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирлаштириш ва ўз таъминоти иқтисодий тамойилларидан чекинган ҳолда бу мамлакатларда коммунистлар ҳокимиятни ўз қўлларидан сақлаб қолишди ва иқтисодиёт самарадорлигини ошириш йўллари топишди. Аммо авторитар усулларнинг социалистик йўналиши ва либерал-демократик кайфиятларнинг кескинлашиши ўртасидаги кучайиб бораётган зиддиятлар уларни ҳар доим ҳам таъқиб қилиб туради. Ҳаттоки коммунистик принциплардан воз кечишни истамаган КХДР ва Куба раҳбарлари ҳам ўзлари дуч келган қийин вазиятдан чиқиш учун кичик тадбиркорлик ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга йўл бермоқдалар.

Илгари СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ёрдами ва қўллаб-қувватлашига умид қилувчи Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларнинг раҳбарлари «нокапиталистик йўл» ва «социалистик йўналиш»нинг номаъқул эканлигини тан олишди. Бу мамлакатларнинг халқлари ўз ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг реалистик йўллари излаб қадриятларга мойиллик кўрсата бошлашди.

Коммунистик ҳаракат ўзининг илгариги таъсир ва обрўсини тиклай олмайди, шундай бўлса-да, камбағаллар, умидсизликка тушганлар ва ғазабланганлар ичида унинг тарафдорлари ҳамиша топилади. Унинг тарихий мағлубияти азалий орзу бўлиб келган кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги либерал ғоялар таъсирининг кучайиши ва амалга оширилишига ёрдам берди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т. «Ўзбекистон». 1992.
2. И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.«Ўзбекистон». 1995.
3. И.Каримов.Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. «Ўзбекистон». 1996.
4. И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон». 1997.
5. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон». 1998.
6. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. «Ўзбекистон» 1999.
7. И.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т-9 «Ўзбекистон». Т. 2001.
8. Ўзбекистон Республикаси статистикаси департаменти маълумотлари.
9. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари (даврий тўплам) №3. Т.2000.
10. Автарханов А. Империя Кремля. Вильнюс, 1990.
11. Актуальные проблемы современной Эстонии. Таллин, 1996.
12. Армения: проблемы независимого развития. М., 1998.
13. Баланс. Правительство Венгерской республики 1990-1994. Будапешт, 1994.
14. Белоруссия: путь к новым горизонтам. М., 1996.
15. Бжезинский З. Большой провал: рождение и смерть коммунизма в XX в. Нью-Йорк,1989.
16. Богомолов О. Реформы в зеркале международьшх сравнений. М., 1998.
17. Бушков В.И., Микульский Д.В. «Таджикская революция» и гражданская война. М., 1995.
18. Восточная Европа: контуры посткоммунистической модели развития. М., 1992.
19. Восточная Европа на историческом переломе. М., 1991.
20. Геллер М. Россия на распутье. 1990-1995. М., 1996.
21. Глубоцкий А. Эстония, Латвия, Литва, Белоруссия. М., 1993.
22. Грузины и абхазы пути к примирению. М., 1998.
23. Денчев К. Восточная Европа после социализма: поиск новых парадигм. Габрово, 1997.
24. Евзеров Р. Украина; с Россией вместе или врозь? М., 2000.
25. Ельцин Б.Н. Президентский марафон. М., 2000.
26. Заринов И. Белоруссия после распада СССР. Этнологический аспект. М., 1998.
27. Зубачевский В.А. История Польши, Венгрии, Чехии, Словакии (конец 80-х-середина 90-х гг. XX в.). Омск, 1996.
28. Кадыров Ш.Х. Туркменистан: четыре года без СССР. М., 1996.
29. Казахстан: реалии и перспективы независимого развития. М., 1995.
30. Кожокин Е. Украинский вектор перемен. М., 1994.г
31. Кривогуз И.М. Истоки кризиса СССР. М., 1998.
32. Кривогуз И.М. Крушение «реального социализма» в Европе и судьбы освободившихся народов. М., 2001.
33. Кудров В.М. Центральная и Восточная Европы десять лет перемен. Ж. «Общественные науки и современность». 2001, № 1.
34. Мосририр. Осень-93. Хроника противостояния. М., 1995.
35. Медведев В.А. Распад. Как он произошел в «мировой системе социализма». М., 1994.
36. Мошес А.Л. Внутриполитическое развитие и внешняя политика Украины в 1991-1995 гг., М., 1996.
37. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами

- Европы. Ташкент-2002.
38. Независимый Азербайджан: новые ориентиры. 1,2. М., 2000.
 39. Постсоветская Центральная Азия. Потери и обретения. М., 1998.
 40. Россия ее соседи. Соотношение национальных интересов внутри СНГ. М., 1999.
 41. Рыжков В.А. Четвертая республика: очерки политической истории современной России. М., 2000.
 42. Сахаров А.Д. Тревога и надежда. М., 1990.
 43. Центрально-Восточная Европа во второй половине XX века, т.2. М., 2001.
 44. Чешко С. Распад Советского Союза. М., 2000.
 45. Этнические и региональные конфликты в Евразии. Кн.1. Центральная Азия и Кавказ. М., 1997; Кн.2, Россия, Украина, Белоруссия. М, 1997.
 46. Этнополитические конфликты в Югославии и страны Юго-Восточной Европы. М., 1999.
 47. Ярошевский В.С. Хроника «бархатной» революции. М., 1990.
 48. Узбекистан-Европейский Союз важный шаг на пути к европейской интеграции. Т., 1996.
 49. Журнал. Новая и новейшая история 1989-1992 гг.
 50. Журнал. Вопросы истории 1989-1991 гг.
 51. Журнал. Азия и Африка сегодня. 2002-2008 гг.
 52. Журнал. Евразия 2002-2008 гг.
 53. Еженедельник «Новое время» 2000-2008 гг.
 54. Ўзбекистон овози газетаси. 1992-2008 йй.
 55. Халқ сўзи. газетаси. 1992-2008 йй.
 56. Ҳамкор газетаси. 2004-2008 йй.
 57. Туркистон газетаси. 1996-2008 йй.
 58. XXI аср газетаси. 2003-2008 йй.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-Боб. Социализм емирилишнинг шарт-шароитлари ва оқибатлари.....	5
1. Емирилишнинг келиб чиқиш сабаблари.....	5
2. Емирилишнинг оқибатлари.....	13
II-Боб. «Реал социализм» зиддиятлари.....	16
1. Ҳокимият ва халқ	17
2. Давлат монополиясига асосланган эксплуатация тизими	23
3. Партия якка ҳукмронлиги ва милитаризм.....	24
4. Европадаги социалистик мамлакаларда зиддиятларнинг чуқурлашуви.....	29
III-Боб. СССРнинг қулаши	36
1. Қарама-қаршиликнинг кескинлашуви ва инқирознинг муқарарлиги.....	36
2. Мустабид тузумни қайта қуриш ва қисмларга ажратиш.....	41
3. Партия якка ҳукмронлиги ва идеократия (мафкура устунлиги)нинг қулаши	47
4. Мустақиллик маршлари.....	52
5. Ғайриихтиёрий инқилоб ва бутунлай қулаш	57
6. Империя меросини тақсимлаш.....	64
IV-Боб. Марказий Европадаги ислохотлар.....	69
1. Давомли инқироз ва Польшадаги демократик қайта қурилишлар.....	69
2. Венгриядаги ўзгаришлар жараёни ва қайта қуришлар....	74
3. Чехославакияда «Бархит инқилоби» ва унинг оқибатлари.....	77
4. ГДРнинг емирилиши ва Шарқий Германиядаги қайта қуришлар.....	81
V-Боб. Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида омманинг инқилобий чиқишлари ва ислохотлар жараёни.....	85
1. Болгарияда «Реал социализм»нинг қулаши ва янги ривожланиш йўллари.....	85
2. Қонли инқилоб ва Руминиядаги қайта қуришлар.....	89
3. ЮСФРнинг парчаланиши ва мустақил республикаларнинг тараққиёт йўллари.....	93
4. «Реал социализм» фожеаси ва Албаниянинг машаққатли йўли.....	100
VI-Боб. Россияда янги ўзгаришлар жараёни.....	103
1. Ислохотлар бошланишидан то 1993 йил кузидаги давлат	

тўнтаришигача.....	103
2. Янги сиёсий тизимнинг шаклланиши ва ислохотлар тақлири.....	108
VII-Боб. Шарқий Европада мустақил республикаларнинг ташкил топиши ва янгиланиш жараёнлари.....	120
1. «Куйлаётган инқилоб» Эстония мустақиллигининг тикланиши ва ислохотлар.....	120
2. Латвияда миллий-демократик республиканинг тикланиши ва бозор иқтисодига ўтилиши.....	124
3. Литвада мустақилликнинг тикланиши ва ислохотлар..	127
4. Молдовада давлатчиликнинг ташкил топиши, ислохотлар ва Молдованинг парчаланиши.....	130
5. Украинада давлатчиликни шакллантириш ва ислохотларнинг қийинчиликлари.....	134
6. Белоруссияда ислохотлар тақдири ва авторитаризм	139
VIII-Боб. Кавказорти республикалари мустақиллигининг тикланиши ва ривожланиши.....	144
1. Грузияда мустақилликнинг тикланиши ва можаролар...	144
2. Арманистонда мустақилликнинг тикланиши, уруш ва ислохотлар.....	149
3. Озарбойжонда мустақилликни тиклаш, давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш қийинчиликлари	153
IX-Боб. Марказий Осиё мамлакатлари тараққиёт йўлларининг турли туманлиги.....	159
1. Қозоғистонда давлатчиликнинг шаклланиши, жамиятнинг жипслашиши ва ислохотлар.....	159
2. Қирғизистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ислохотлар қийинчиликлари.....	165
3. Туркманбоши тузумнинг урнатилиши ва Туркменистон тараққиётининг муаммолари.....	171
4. Тожикистонда фуқаролик уруши ва жамиятни жипслаштириш муаммолари.....	177
X-Боб. Тараққиётнинг янги марралари сари.....	181
1. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатлари тараққиётининг қурилишлари.....	181
2. МДҲ ва Болтик бўйи давлатлари ривожланишининг муаммоли жиҳатлари.....	185
Хулоса.....	194
Фойдаланилган адабиётлар.....	203

ЭРКИН НУРИДДИНОВ, ҲАМЗА КИЧКИЛОВ

БУЮК БУРИЛИШ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ТАРИХИ (1989-2008)

Нашрга тавсия этилди 19.12.03.
Формат 84x108F32. шартли босма тобоқ 13,5.
Адади 100 нусха. Буюртма №__
Термиз ДУ кичик босмахонасида нашр этилди.
Термиз шаҳри. Ф.Хўжаев 43.